


УЧИНЧИ ҚИСМ

ОЛТИН ЎРДАНИНГ
ҚУЛАШИ

„Олтин Ўрданинг бутунлай хароб бўлиши тўғрисида; шунингдек, унинг подшоси тўғрисида ҳамда Русь ерининг озод бўлганлиги ва улугворлиги тўғрисида ва шонли Москва шаҳрининг ша'н-шавкати ва гўзаллиги тўғрисида“.

Қозон билломачиси



БИРИНЧИ БОБ

XIV АСРНИНГ 60—70-нчи ЙИЛЛАРИДА ОЛТИН ЎРДАДАГИ ФЕОДАЛ ТҮС-ТУПОЛОНЛАР

„Низо‘ғалвалар тинчиди; уни қўзғотган
кимса Оллоҳ таолонинг қаҳру газабига уч-
расин!“

*Муҳаммад найғамбар тўғрисидаги
ривоятлардан*

„Ўрдада жанг ва тўс-туполонлар авж олди“.
Никои йилномаси

XIV асргача Олтин Ўрда чегараларига фақат жануби-шарқий Европанинг Днепр дар'ёсидан шарқ томонга (Қрим ва Булгорни ҳам қўшиб) қараб кетган ерларигина эмас, балки Ўрта ва Қуйи Поволжье, Жанубий Урал, Дарбандгача бўлган Шимолий Кавказ, шимолий Хоразм, қуйи Сирдар'ё ҳавзасидаги ерлар, Сирдар'ё ва Орол денгизининг шимолидан то Ишим ва Сарисув дар'ёларигача чўзилиб кетган даштлик ҳам кирган эди.

Шундай қилиб, XIV аср бошларигача Олтин Ўрда территорияси мусулмонларнинг манба'ларида «Жўжи Улуси» термини блан аталиб келинган ерларга тўғри келарди. Броқ XIV аср бошларидан э'тиборан «Жўжи Улуси» иккита давлатга — Қўк Ўрда ва Оқ Ўрда давлатларига бўлиниб, булардан Оқ Ўрда Қўк Ўрдага тоби' бўлиб қолди. Оқ Ўрда территориясига юқорида айтиб ўтилган жанубий Сирдар'ё ҳавзасидаги ерлар, шунингдек, Орол денгизидан то Ишим ҳамда Сарисув дар'ёларигача бўлган шимоли-шарқ томондаги даштлик ва шаҳарлар ҳам кирган эди. Оқ Ўрда ажралиб чиққандан кейин Олтин Ўрда деган термин, асосан, Қўк Ўрда ерларига нисбатан ишлатилади. Демак, XIV асрдаги воқиаларга доир манба'да Жўжи Улуси ҳақида гапирилганда, икки ўрда — Қўк Ўрда блан Оқ Ўрда кўзда тутилади. Рус манба'ларини мусулмонларнинг манба'лари блан таққослаганда, шуни эсда тутиш керакки, йилномаларда ва бошқа рус ёдгорликларида учрайдиган «Синяя Орда» термини, гарчи таржиманда «Қўк Ўрда» («Синяя Орда») ма'носини

берса ҳам, «Кўк Ұрда» номига эмас, балки «Оқ Ұрда» терминига тўғри келади. XIII асрдан XIV асрга ўтилади пайтда Жўжи Улуси Кўк Ұрда блан Оқ Ұрдага бўлиниб кетганлиги, буларнинг ҳарбири Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи авлодидан чиққан ўз династияларига эга бўлганлиги юқорида айтиб ўтилган эди. Жўжи Улуси ташкил топгандан кейинги дастлабки йилларда ва у юқорида кўрсатиб ўтилган иккита Ұрдага бўлиниб кетгандан кейин ҳам, XV—XVII асрлардаги Эрон авторларининг ёзишларича, Кўк Ұрда Жўжи Улуси қўшинларининг ўнг қаноти (бараункор, ўнг қўл)ни ташкил қиларди, я'ни шу ўнг қанотдаги ҳамма туманлар Кўк Ұрдада яшовчи кўчманчи аҳоли орасидан олинарди, Оқ Ұрда сўл қаноти (жаункор, сўл қўл) ни ташкил қиларди; я'ни шу сўл қанотдаги ҳамма туманлар Оқ Ұрда аҳолисидан олинарди².

Олтин Ұрданинг ҳарбий қудрати энг кучайган давр—Ўзбекхон замони (1312—1342) эди. Ўзбекхон ҳокимияти унинг ҳамма ерларида ҳам бирхилда нуфузга эга эди. XV аср араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Хоразмдан чиққан карвонлар 3 ой мобайнида Қримгача «хавф-хатарсиз» бемалол от-араваларда ўтиб борганлар. Отлар учун ем-хашак, карвон блан бирга бораётган одамлар учун озик-овқат олиб юришнинг ҳожати бўлмаган. Бундан ташқари, карвонлар ўзлари блан бирга йўл-бошловчиларни олиб юрмаганлар, чунки даштларда ва деҳқончилик районларида кўчманчилар ва деҳқонлар гавжум бўлган. Шунингдек, улардан керакли нарсанинг ҳаммасини сотиб олиш мумкин бўлган.³

Феодал даврнинг, тагин мусулмон Шарқининг кишиси нуқтан назаридан қараганда, Ибн Арабшоҳнинг айтганлари Ўзбекхон ва ундан олдин ўтган Тўхта давридаги Олтин Ұрда хонлари ҳокимиятининг қудратини кўрсатадиган энг яхши далилдир.

Ўзбекхон ўлгандан кейин Жўжи Улусидаги вазият аста-секин ўзгарабошлади. Династиялар ўртасида чиққан ва жуда ишқал феодал тўполонларига айланиб кетган низо-жанжаллар натижасида ўрнатилган қаттиқ тартиб бузилабошлади.

Жонибекхон давридаёқ (1342—1357) тушкунликнинг дастлабки аломатлари кўринабошлади.

Шарқ манба'лари ва рус йилномачилари, Ўзбекхоннинг яхши фазилатлари бор эди, деб мақтаганларидек, Жонибекхонга ҳам шундай яхши фазилатларни тақиб, уни бирқадар идеаллаштирадидлар. Юқорида айтиб ўтилган «Искандар аноними» (Муиниддин

¹ 10 000 кишилик қўшин амалда эса ҳарвақт бундан кам бўларди.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 232 бет (форсча текст), 127 бет (русча тарж.) («Аноним Искандера»—Муиниддин Натанзи). Қарал. яна: Фаффорий, 270 бет (форсча текст), 211 бет (русча тарж.).

³ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 460 бет.

Натанзий), Жонибекхон Кўк Урда (Олтин Урда) да ислом динини жорий қилишда ғайрат блан иш олиб борди, мадраса ва масжидлар қурдирди, уламою фузалоларни ўзига тортди, фанларга (асосан, диний илмларни тушуноқ керак) кенг йўл очиб берди, маданий урф-одатлар ҳамда ахлоқ ўрнатди, деб алоҳида таъкидлайди¹.

Жалоирийлар династиясидан бўлган амир тўғрисидаги «Шайх Увайс² тарихи» деган асарнинг номаълум авторининг мустақил бўлишига ва Жўжи Улусининг бу ерларни босиб олиш йўлидаги ҳаракатига уларнинг қаршилик кўрсатишига айни тарафдор бўлган) Жонибек тўғрисида: «Унинг давлати гуллаб-яшинади ва қудрати ошди, лекин у (Жонибек, — А. Я.) Эронга кўз тикмоқда эди...»³ деб ёзган.

Жонибекхон Озарбайжонга нисбатан ўзидан олдин ўтган Олтин Урда хонларининг традицияларини давом эттирди⁴. Ўзбекхон сингари Жонибек ҳам Озарбайжонни ўз ерларига қўшиб олишга ҳаракат қилди. Буни қилиш қийин эмас эди, чунки Хулагулардан бўлган Абу Саид 1335 йилда вафот этгандан кейин Хулагулар давлати парчаланиб кетган эди. Озарбайжонни турк-мўғуллардан бўлган Чўбонийлар династияси босиб олди. Династияга асос солган амир Хасанк деган кишининг укаси амир Ашраф — ёки, бошқача айтганда, Малик Ашраф (1344—1356), — Озарбайжонда мустаҳкам, лекин шу блан бирга талончи-мустабид ҳокимият ўрнатди. Бундан Озарбайжондаги халқ оммасигина эмас, балки Озарбайжоннинг деҳқон зодагонлари ва савдогарлари ҳам газабга келди. «Шайх Увайс тарихи» авторининг сўзларига қараганда, «Табриз, Сарахс, Ардабил, Байликон, Берд ва Нахчивон»⁵нинг кўпгина хўжалари (бу ўринда савдогарлар) Жонибекхон ҳузурига келиб, ундан Озарбайжонда ҳокимиятни ўз қўлига олишни илтимос қилганлар.

Озарбайжонда Жонибекхонга содиқ бўлган ва Жўжиларнинг манфаатларини ёқлаб тарғибот олиб борган кишилар анча-мунча бўлган бўлса керак. Шайхлар, қозилар ва бошқа шулар сингари уламоларнинг намоёндалари Жонибекхонни айниқса қаттиқ қўллаб-қувватлаганлар. Шу нарса характерлики, машҳур қози Му-

¹ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 230 бет (форсча текст), 128 бет (русча тарж.).

² Шайх Увайс 1356—1374 йилларда Ироқ блан Озарбайжонга ҳокимлик қилган.

³ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 230 бет (форсча текст), 101 бет (русча тарж.).

⁴ Жўжилар блан Хулагуларнинг мувосабатлари тўғрисидаги масала А. А. Ализодининг «Борьба Золотой Орды и государства ильханов за Азербайджан» деган асарида тўлиқроқ ёритилган. Изв. Акад. Наук АзССР, 1946, № 5 ва 7.

⁵ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 230 бет (форсча текст), 101 бет (русча тарж.).

хиддин Бардои Малик Ашрафнинг сиқиқларидан Сарой Беркага кетиб қолган ва ўзининг ва'зларидан бирида Жонибекхонни Табризга қўшин тортиб боришга да'ват қилган¹.

Юқорида номи айтиб ўтилган Зайниддиндан бошлаб Эрон тарихчилари Жонибекхоннинг юришини батафсил гапирдилар. Жонибекхоннинг юриши эса Ужан гурукида (дахлсиз яйлов деган жойда) Малик Ашрафнинг қўшинини тор-мор келтириш блан тамом бўлган. Бу жанг 758 ҳижрий йилда (=1357)² бўлган эди. Озарбайжон оз вақтга, тўғриси, жуда қисқа бир муддатга Жўжи Улусига қўшиб олинган. Буни шу фактдан билиш мумкинки, Жонибекхон Озарбайжоннинг беш шаҳри бўлган Табризда ҳам ўзининг тангаларини зарб қила бошлаган. Ўзбекхон замонида (1312—1342) Олтин Ұрданинг тангалари «Саройда, Булғорда, Мокшада, Қримда, Азовда ва Хоразмда»⁴ зарб қилинар эди. Жонибекхон замонида бу пул зарбхоналарига яна Олтин Ұрданинг ўзидаги Гулистон ва янги Гулистон деган жойлар, шунингдек, мамлакатнинг аввалги чегараларидан ташқаридаги Табриз ҳам қўшилди. Броқ Жонибекхоннинг Табризда зарб қилдирган тангалари жуда кам учрайди ва борлари ҳам фақат 757 ҳижрий йилгагина (=1356) оиддир. Жўжилар Табризда пул зарб қилишни кейинчалик давом эттирмаган бўлсалар керак, чунки 658 ҳ. йилда (=1357) тахтга ўтирган Бердибекнинг номи блан Табризда зарб қилинган тангаларни биз учратмаймиз. Урта асрларда ўтган шарқ тарихчиларининг берган хабарларига нисбатан бу тангалар бир ҳужжат сифатида анча ишончли манба'лар ҳисобланади. Жонибекхоннинг 757 ҳ. йилда Табризда пул зарб қилдириш фактининг ўзи шуни кўрсатадики, Жонибекнинг Озарбайжонни истило қилганлиги тўғрисида шарқ тарихчилари келтирган санадан (758 ҳ. й.) кўра биз юқоридаги санага кўпроқ ишонишимиз керак. Ма'лумки, Жонибек Озарбайжонни бўйсундиргандан кейин уерда узоқ турмаган, Олтин Ұрдадаги ишлар уни ўз жойига боришни тақозо қилганлиги сабабли у ўғли Бердибекни Табризда Ўлжой Хотул⁵ саройида ўз ўрнига қўйиб, Сарой шаҳрига қайтиб кетган.

Олтин Ұрда хонлари Озарбайжонни ўз давлатлари составига қўшиб олиш учун деярли бутун бир аср мобайнида кўп ҳаракат қилганлар. Озарбайжон, хусусан, шимолий Озарбайжон (ҳозирги

¹ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, (Ҳамдуллоҳ Казвинийнинг «Тарихи Гузида» деган асарини давом қилдирган Зайниддин китобига қаранг), 223 бет (форсча текст), 94 бет (русча тарж.).

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар., 224 бет (форсча текст), 95 бет (русча тарж.)

³ 758 ҳ. й. (=1356 й. 25 XII — 1357 й. 14 XII).

⁴ П. Савельев. Екатеринославский клад. ТВО, ч. III, в. 2, 1857, 216 бет — Марков. Инвентарный каталог мусульманских монет Эрмитажа, 444—449 бетлар.

⁵ «История Шейх-Увейса» [В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 231 бет (форсча текст), 103 бет (русча тарж.)].

Совет Озарбайжони) ўзининг ажойиб ёзлик ва қишлик яйловлари (Қорабоғ ва Муғон даштлари) блангина эмас, балки бой шаҳарлари ва қишлоқлари блан ҳам кишини ўзига торгарди; бу шаҳар ва қишлоқларда жун ва ипак газлама, шунингдек, гилам тўқиш ҳунармандчилик саноати жуда ривожланган эди. Олтин Ұрда хонлари Озарбайжонни Хулагулар қўлидан олиш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрганлар. Бунинг учун улар турли далилларни кўрсатганлар, шу жумладан, 1256 йилда Ҳалокухоннинг юришида иштирок этганликларини ва бунинг эвазига келишувга мувофиқ уларга Орроннинг, я'ни шимолий Озарбайжоннинг берилиши лозимлигини эслатганлар, бирнеча бор юришлар қилганлар (тўғри, бу юришлар ҳаргал муваффақиятли бўлавермас эди), лекин Жонибекка қадар Озарбайжонни қўлга киритаолмаганлар. Ниҳоят, Олтин Ұрданинг куч-қудрати юксалган давр келгандай бўлди: унинг территорияси анча кенгайди, айниқса, моддий ресурслари кўпайди. Броқ амалда бу ишонч ва кутилган нарсалар улар ўйлаганча бўлиб чиқмади. Олтин Ұрда юксалиш даврида эмас, балки тушқунилик ва феодалликларга бўлиниб кетиш арафасида турган эди. Феодал жамиятнинг ва Жўжи Улусининг бағрида алақачондан бери кўзга кўринмайдиган бир процесс юз бермоқда — я'ни марказдан қочуци, феодалликларга бўлиниб кетуци кучлар ўсиб бормоқда эди. Аслини айтганда, бу процесс XIII асрнинг иккинчи ярмидаёқ бошланган ва сра тўхтамай давом қилиб келмоқда эди. Нўғойхонни эсга олайлик. Тўлабуғахон (1287—1290) ва Тўхтахон (1290—1312) замонларида Нўғойхон то енгилиши ва ўлимига қадар (1300 й.) ўзи хон-ўзи бек, я'ни амалда Олтин Ұрдадаги ҳамма ишни таиҳо ўзи бошқаруци бўлган. Нўғой ўлгандан кейингина Тўхтахон мамлакатда вақтинча тартиб ўрнатишга муваффақ бўлган. Шу нарса характерлики, Тўхтахоннинг тахт вориси бўлган Ҳазбек (Олтин Ұрда ҳокимиятининг қудрати унинг номи блан боғлангандир) сарой ичида фитна ва қонли террор уюштириш натижасида тахтга ўтирган. Араб ва Эрон тарихчилари, гарчи турлича тафсилотлар блан бўлса ҳам, Ҳазбекхоннинг ҳокимиятни қандай қилиб қўлга олганлигини бирхилда гапирадилар. Ҳазбек Тўхтанинг ўғли бўлмай, жиани бўлган ва шунинг учун унинг тахтга ўтиришга ҳақи бўлмаган. Э'тиборли амир Қутлуғ Темурнинг ёрдамига таяниб, Ҳазбек, «Шайх Увайс тарихи» авторининг сўзича, Тўхтанинг хонликка мўлжаллаган ўғли Элбосмишнинг¹ ўлдирган. Ҳазбек ўз мавқини мустаҳкамлаш ва душманлардан қутулиш учун Тўхтага яқин турган ҳамда ўлдирилган шаҳзода

¹ Рашидиддин асарида Тўхтахоннинг фақат уч ўғли — Ёбориш, Иксар, Тугал-Буға — бўлганлиги айтилади. Иксар деган исм хато ўқилган бўлса керак, бу, эҳтимол, Элбосар, балки, Элбосмиш бўлса керак. Қаранг: В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар. II т., 229 бет (форсча текст), 100 бет (русча тарж.).

тарафдори бўлган бирқанча шахзода ва эътиборли амирларни йўқ қилишга қарор берган. Олтин Ұрдада ислом динини жорий қилиш юзасидан сарой ичидаги гуруҳлар олиб борган кураш ҳам буерда катта роль ўйнади. Қутлуғ Темур Ўзбекни қўллаб-қувватлаб, ундан ислом динини қабул қилдириш учун қатъий бурилиш ясаш ва ҳали жуда кутли бўлган душманларга нисбатан кескин чоралар кўришни талаб қилди¹. Қандай бўлмасин, Ўзбекхон феодал сарой зодагонлари орасида қаттиқ ва қонли кураш олиб борганидан кейингина ҳокимият тепасига чиққан. Олтин Ұрда энг қудратли бўлган даврларда сарой ичида ва ярим кўчманчи ҳамда ўтроқ зодагонлар орасида тез-тез ихтилоф ва жанжалларнинг юз берганлиги тўғрисида юқорида келтирилган мисоллар Олтин Ұрда давлати ва жамияти ичида ўткир зиддиятлар бўлганлигини кўрсатади. Олтин Ұрда ҳокимияти аслда фақат зўлжаққачна асосланиб, давлатни ўз қўлида тутиб турган эди. Унинг территориялари истилочи татар (мўғул)ларга қараганда маданий жиҳатдан беқиёс юксак даражада турган бўйсундирилган халқлар блан тўла эди. Хоразм, Қрим, Булғор, Шимолий Кавказнинг деҳқонлари ва шахар аҳолиси ўзларининг ўтмиш маданиятларига, ўзларининг бой экономика ва маданий базаларига эга эдилар. Улар Олтин Ұрда хонлари қўли остига тушиб қолганларидан кейин ривожланишда давом қилсалар ҳам, лекин ўз маҳаллий династияларидан маҳрум бўлган эдилар, шахсий ихтиёрлари ўзларида эмас эди, ўз мол-мулкларига ўзлари эгалик қилолмас ва, айниқса, ўз меҳнатларининг самарасидан ўзлари баҳраманд бўлолмасдилар. Деҳқонлар ҳам, ҳунармандлар ҳам, олимлар ҳам ўзларининг бирор ёққа юборилмасликларига ва оғир солиқ ҳамда мажбуриятлардан ташқари яна мол-мулкларининг тортиб олинмаслигига асло ишонаолмасдилар. Булар ўртасида Олтин Ұрда ҳокимияти жабр-зулмдан иборат бўлганлиги ва унга нафрат блан қараганликлари тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ; булар жумласига, асосан, деҳқон зодагонлари ва бой савдогар-ўртоқлар кирмас эди, чунки буларнинг кўпчилиги ўз савдо манфаатлари туфайли хон саройи блан боғланган эди, хонлар ва шахзодалар ҳам ўз моллари блан карвон савдосида қатнашардилар. Жўжи Улуси составига аҳолиси ўтроқ ва деҳқончилик блан шуғулланадиган ўлкалар блан бирга турклар, турклашган мўғуллар ва мўғуллардан иборат жуда кўп кўчманчилар яшайдиган бепосен даштлар ҳам кирар эди².

¹ Ўзбекнинг тахтга чиқишидаги вазият тўғрисида Рашидиддиннинг асарини давом эттирган киши батафсил гапиради. [Қаранг: В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 244—245 бетлар (форсча текст), 141 бет (русча тарж.), шунингдек, Ибн Халдузда бор — В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 371 бет (арабча текст), 384—385 бетлар (русча тарж.).]

² Қуйида биз Жўжи Улусининг Дашти Қипчоқ деб аталган кенг даштларида яшовчи кўчманчиларнинг қабилавий состави устида муфассал тўхталамиз.

Жўжи Улусидаги кўчманчилар, эҳтимол, ўтроқ халқлардан сон жиҳатдан кўп бўлмаса ҳам, брсқ сиёсий соҳада муҳим роль ўйнаганлар. Кўчманчи зодагонларнинг вакиллари—айрим кўчманчи қабилаларга бошчилик қилган амирлар, беклар, ноёнлар¹ давлатнинг хўжайинлари ҳисобланардилар, булар Олтин Урда кўшинининг айрим қисмларида (марказ ва қанотларда) мингбоши, туманбеги ва ҳатто бундан ҳам йирик ҳарбий бошлиқ бўлиб хизмат қилардилар. Буларнинг ба'зилари хон саройида яшаб, хон кўшинининг айрим отрядларига бошчилик қилар, унчалик мураккаб бўлмаган марказий идоранинг айрим соҳаларига раҳбарлик қилардилар, бошқалари Булғорда, Қримда, Хоразмда ва бошқа ўлкаларда ҳоким бўлиб турардилар, учинчилари даштда яшаб, кўнғирот, манғит ва шулар сингари айрим қабилаларга бошчилик қилардилар. Уларнинг ҳаммаси бирхилдаги одамлар эди—я'ни кўчманчи ёки ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ қабилаларнинг феодаллари эдилар; улар жуда қайсар ва ўз билганини қиладиган одамлар бўлиб, ўз жойларида мумкин қадар мустақил бўлишга ва ба'зан ҳатто бутунлай ўзлари хон-ўзлари бек бўлиб олишга интилардилар; лапашангроқ хонлар даврида бош кўтариб чиқар, игво ва фиску фасодларни авж олдираб, фитна ва тўполонлар уюштираб, қулай пайт келиб қолганда, сарой ўзгаришлари қилиш ва ҳоказолардан қайтмас эдилар.

Бу одамларнинг ана шундай умумий хислатлари бўлишига қарамай, улар ўртасида муҳим келишмовчиликлар бор эди, бу келишмовчилик, дастлаб, шаҳарлар ва деҳқончилик блан шуғулланучи маданий районларга муносабат масаласида эди. Уларнинг ба'зилари шаҳарларда ва деҳқончилик районларида яшаганликлари ҳамда ўзларининг шахсий мулклари блан бу жойлар блан боғланганликлари учун ўтроқ ҳаёт кечирishга ва ислом динини қабул қилишга мойил эдилар. Бошқалари эса, аксинча, кўчманчи чорвадорлик ҳаётини афзал кўриб, аҳолиси ўтроқ бўлган бўйсундирилган ўлкалардан солиқ ва ўлпонлар олиб турилса, бас, дердилар. Бу келишмовчиликлар табиий равишда сарой ичига ҳам кириб, унинг сиёсий ҳаётида ба'зан жуда жиддий алғов-далғовларга сабаб бўларди.

Юқорнда айтилганлардан шу нарса равшанки, Ибн Арабшоҳ эслатиб ўтган тартиб ва осойишталик аслда ташқи томондан кўринган ва шу блан бирга вақтинча бир осойишталик эди. Бу зиддиятлар авж олиб, Олтин Урдада тўс-тўполонлар бошланиб кетиши учун кичик бир зарбанинг, ҳатто кичик бир турткининг ўзи кифоя эди. Жонибекхон Озарбайжонни ва унинг пойтахти Табризни босиб олган 1356 йилни Олтин Урдадаги мустаҳкам ҳокимият ва осойишталикнинг сўнгги йили эди, деб ҳисоблаш керак.

¹ XIII—XIV асрларда бу учала термин (арабча, туркча ва мўғулча терминлар) битта ма'нони, я'ни кўчманчи ёки ярим кўчманчи ҳарбий зодагонларнинг юқори табақасига мансуб одамларни билдираб эди.

Бу даврдаги воқиаларни баён қилишга қайтайлик. Жонибекхон Озарбайжонда ҳокимликни ўғли Бердибекка топшириб, ўзи пойтахтга қайтиб кетди, деб юқорида айтилган эди. У йўлда бетоб бўлиб қолиб, уйига етмасдан вафот этган. Мусулмонларнинг ва рус манбаларининг кўпчилигида, Жонибекхон ўз ўғли Бердибекнинг ташаббуси билан ўлдирилган, дейилади ва фақат ба'зибирларидагина, Жонибекхон касаллик орқасида вафот этган, деган гаплар бор. Жонибекхоннинг вафоти тўғрисида Муиниддин Натанзийнинг «Искандар аноними» деган асарига батафсил гапирилади. Натанзийнинг айтишича, Жонибекнинг касали оғирлашиб қолгандан кейин унинг бош амирларидан бири бўлган Тўғлибой Бердибекка унинг тездан етиб келишини ва хон вафот қилгудай бўлса, подшоликни ўз қўлига олишни илтимос қилиб хат ёзган. Ҳокимиятни ўз қўлига олишга шошилган Бердибек отасидан ижозат олмаётган туриб, шу ондаёқ йўлга чиққан.

Бердибек Сарой Беркага кетаверишда, Дарбанднинг нариёгидаги бир ерда жойлашган отасининг қароргоҳига етиб келганда, Жонибек тузалабошлаган эди. Хоннинг ишонган кишиларидан бири унга ўғлининг келганини хабар қилган. Буни эшитган хон аччиқланиб, юқорида айтиб ўтилган Тўғлибой билан маслаҳатлашмоқчи бўлган. Ҳолбуки, Бердибекни чақириб келтирган шу одамнинг ўзи эканлигини хон асло билмаган. Тўғлибой жавобгарликдан қўрқиб, бу ишни мен ўзим текшириб кўрай, деган баҳона билан хон ҳузуридан чиқиб кетган ва орадан бироз вақт ўтгач, бирнеча киши билан хон олдига кириб келган ва уни қароргоҳдаги гилам устида ўлдирган. Шу заҳотиёқ Бердибекни олиб кирилган ва шуернинг ўзида қароргоҳдаги амирларга қасам ичирганлар. Бердибекка қасам ичишдан бош тортган одамларнинг ҳаммаси шу гилам устида ўлдирилаверган¹.

Рус йилномасида қизик бир ҳикоя сақланиб қолган. Патриарх, я'ни Никон йилномаси 6865 (1357) йилда: «Уша йили Ұрдада душманлик тўхтамай, тобора авж олиб борди»,— деб ҳикоя қилади. Сўнгра, давом қилиб, бундай дейилади: Жонибекнинг Тўвлубий, я'ни юқорида айтилган Тўғлибой (Тўвлубий) деган туманбеги бўлган. У ақлли, маккор ва э'тиборли бўлган. Олтин Ұрдада энг катта одам бўлиб олиш учун у «Жонибекхоннинг ўғли Бердибекни кўкларга кўтариб мақтаб, унинг қулоғига секинаси: «сенинг тахтга ўтириш пайтинг келди, отанг бўлса шоҳликдан кетса ҳам бўлади деган». Тўвлубий Бердибекни ўз отасини ўл-

¹ В. Г. Тизенгаузен кўрс. асар, II т., 293 бет (форсча текст), 128—129 бетлар (русча тарж.). — Жонибек қандай вафот қилганлиги тўғрисидаги тафсилотни Ибн Халдуъ яхши билмайди ва шунинг учун икки хил фикр айтади — бири Жонибекнинг касаллик орқасида ўз ажали билан ўлганлиги тўғрисида, иккинчиси — ўлдирилганлиги тўғрисида. Иккинчи фикрда, Жонибек бетоб вақтида кишанлаб қўйилган эди, деб ҳам айтилган (В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 389 бет, 2-нчи изох).

диришга кўндирган. Фитначилар ҳархил вадалар бериб, «Ўрдадаги кўп амирларни» ўз томонларига оғдириб олганлар. Тайёрлик кўриб бўлингандан кейин улар Жонибек ҳузурига кирганлар ва уни бўғиб ўлдирганлар¹. Шундан кейин «Бердибек шоҳлик тахтига ўтириб, ўзининг 12 та ака-укасини ўлдирган: бадбахт амир, устоз ва маслаҳаттўй Тўвлубийнинг қутқуси блан ўз отаси ва ака-укаларини ўлдирди...».

Жонибекнинг ўлдирилиши Жўжи Улусининг бундан кейинги ҳаётида жуда катта оқибатларга сабаб бўлган. Бердибекнинг хон бўлиши, унинг тахтга ўтиришидаги вазиятга қараганда, саройга яқин турган амирларнинг ҳаммаси томонидан ҳам ма'қулланмаган. Асосий феодал кучлар худди тўфондек ҳаракатга келган. Олтин Ҷрдада ўзаро урушлар бошланиб кетган; шу блан бирга яқингинада мустаҳкамдек бўлиб кўринган давлат ҳам тушкунликка юз тутган. Олтин Ҷрданинг ҳарбий зодагонлари Бердибекдан ниҳоятда норози бўлганлар ва уни хон тахтининг да'вогарларидан бири бўлган Қулна ўлдирган. Гарчи нумизматика ма'лумотлари бошқача бўлса ҳам, лекин ёзма манба'ларда², Бердибек фақат уч йил хонлик қилди, дейилади. Бердибек 1357 йилдан 1359 йилгача хонлик қилган, деб ҳисобланади.

Броқ Тетюш хазинасида кейинги йилларда зарб қилинган Бердибек тангалари бор—булардан бири Гулистонда 761 ҳ. йилда (= 23 XI 1359—11 XII 1360) ва иккинчиси Янги Саройда 762 ҳ. йилда (= 11 XI 1360—31 X 1361)³ зарб қилинган. Шундай қилиб, Бердибекнинг хонлик қилган даврини икки йил кейинга (я'ни 1357—1361 йилларгача) суришга бирмунча⁴ ҳақимиз бор. Бу хонлиқнинг қандай характерда бўлганлигини тасаввур қилиш учун П. Савельевнинг сўзларини эслашгина кифоядир, унинг айтишича, биз 762 ҳ. йилда «бир шаҳарнинг ўзида зарб қилинган тангаларда бирин-кетин бешта хоннинг, чунончи Бердибек, Хизр, Темур Хўжа, Ҷрдумалик ва Келдибекнинг номини учратамиз⁵.

¹ ПСРЛ, X, Никоновск. летоп., 229 бет — Рогожск йилномачиси бу воқияни жуда қисқа тасвирласа ҳам, лекин «Искандар аноними» сингари воқияларнинг асосийларини баён қилади, я'ни — Жонибек Озарбайжонни истило қилиб ва подшоликка Бердибекни ўтқазиб, «ўзи орқасига қайтиб кетган, йилда нимадандир чўчиб, бетоблашган ва ўсал бўлиб қолган». Бердибек отасининг қароргоҳига чақирилган эди, у, амалдорлар блан тил бириктириб «ўз отасини ўлдирган, ака-укаларини эса қириб ташлаган» (ПСРЛ, XV, вып. I, Рогожский летописец, 1922, 66 бет.)

² Ибн Халдуи (В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 389 бет). — «Аноним Искендера» [В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 233 бет (форсча текст), 129 бет (русча тарж.)] — Ҳайдар Розий [В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 272 бет (форсча текст), 214 бет (русча тарж.)].

³ П. Савельев. Тетюшский клад. ТВО, ч. III, в. 3, 1858, 391—392 бетлар.

⁴ «Бирмунча» дейишимнинг сабаби шуки, Бердибек ўлгандан кейин ҳам унинг номи блан пул зарб қилинган бўлиши мумкин.

⁵ П. Савельев. кўрс. асар, 392 бет.

Тангалардаги ва ёзма манба'лардаги ма'лумотларни бир-бирига тўғри келтириш қийин: ёзма манба'ларга кўра, Бердибекни ўз укаси ва рақибн Қулна ўлдирган. Қулна номи блан эса фақат 760 ва 761 ҳ. йиллардагина зарб қилинган тангалар бор. 762 ҳ. йилга келиб Қулна пул зарб қилдирмаган, чунки уни ҳам Наврўз деган ўз укаси ўлдирган, дейилади. Агар Қулна номи блан 762 ҳ. йилда зарб қилинган тангалар топилса, бундай зиддиятни бартараф қилиш мумкин бўларди. Қулнанинг ўлдирилиши Олтин Ұрдадаги ўзаро курашни кучайтириб юборди, холос. 1360 йилдан 1380 йилгача ўтган йигирма йил ичида, я'ни Олтин Ұрдада ҳокимият тепасига Тўхтамиш келган йилга қадар, буерда 25 тадан ортиқроқ одам хон бўлди. Аммо бу хонлар бир-бирови блан курашишдан бошқа нарсани билмади. Бу хонларнинг номлари бизга мусулмонларнинг манба'ларидан ва рус йилномаларидан, асосан эса, тангалардан ма'лум, чунки бу хонларнинг ҳарбири, ба'зан эса хонликни да'во қилучиларнинг ҳарқайсиси, Жўжи Улусининг ҳатто жуда кичкина қисмига эгалик қилса ҳам, ўз номида пул зарб қилдирган.

Олтин Ұрдада шу йигирма йил ичида бўлиб ўтган воқияларни мусулмонларнинг хроникаларидан кўра рус йилномаларининг анча тўлиқ қилиб акс эттириши жуда характерлидир.

Қулнанинг ким томонидан хон қилиб кўтарилганлигини билмаймиз. Рус йилномасида, у (Кульпа номи блан ма'лумдир) Бердибекни ўлдирди ва ўз тарафдорларининг ёрдамига таяниб ҳокимиятни ўз қўлига олди, дейилади. 760—761 ҳ. йилларда Гулистонда, Янги Саройда, я'ни Сарой Беркада, Азоқда ва Хоразмда Қулна номи блан пул зарб қилинганлиги¹ фактининг ўзидан кўриниб турибдики, Қулна, гарчи оз вақт бўлса ҳам, лекин Олтин Ұрданинг жуда катта қисмини ўз қўлида тутиб турган. Шу блан бирга 760 (= 1358—1359) ва 761 (= 1359) йилларнинг ўзида, ўша Азоқда, Гулистонда ва Янги Саройда Наврўз ҳам (рус йилномасида Наврус транскрипциясида берилади) ўз номи блан пул зарб қилдирган, бу эса Қулианинг ҳокимияти ниҳоятда кучсиз бўлганлигини ва Наврўз Қулнага қарашли ўлкаларни бирин-кетин ундан тортиб олабошлаганлигини кўрсатади. Наврўз тўғрисида мусулмонларнинг манба'ларида жуда кам ма'лумот бор. Низомиддин Шомий Дашти Қипчоқ хонларини бирин-кетин санаб ўтиб, Наврўзни Келдибекдан кейин Черкасдан олдин хонлик қилган деб кўрсатади² ва унинг ҳақида бошқа ҳечқанақа ма'лумот бермайди. Шарафиддин Али Яздий ва «Турклар шажараси» номли асарнинг

¹ Бу тангаларни ўқигандан кейин чиқарилган хулосани батамом тўғри деб бўлмайди (Қаранг: П. Савельев. Тетюшский клад. ТВО, ч. III, вып. 3, 1858, 393 бет.

² Низомиддин Шомий, Тауег нашр. 1937, 13 бет.

автори ҳам хонларнинг янада тўлиқроқ рўйхатини берган вақтда Наврўзни Келдибек блан Черкасининг ўртасига киритган¹.

1361 йилда Наврўз ўлдирилган. Унинг қандай вазиятда ўлдирилганлиги, шунингдек, уни ўлдирган одамнинг хонлик даври тўғрисида, бир томондан, рус йилномасида ва, иккинчи томондан, «Искандар аноними»да (Муиниддин Натанзий) муфассал гапирилган. Никон йилномаси авторининг айтишича, «Уша йили [6868 = 1360—1361] Шарқдан, Ёйиқ дар'ёсининг нариги томонидан Хидир деган қандайдир бир подшо Волгабўйи подшолиги устига қўшин тортиб келган ва Волга бўйи подшолигидаги Урда амирлари мунофиқлик қилиб, Хидир, я'ни Ёйиқ подшоси блан яширинча учрашабошлаганлар, Волгабўйи подшоси Наврўзга эса маккорлик қилганлар»².

Бу махфий музокаралар натижасида Наврўзни Хидирга тутиб берганлар. Хидир эса Наврўзни, унинг хотини малика Тойдўлани ва улар блан бирга Наврўзга содиқ бўлган Олтин Урда «князьлари» (амирлари — *Ред.*) ни ҳам ўлдирган. Урдадаги бу тўс-тўполонлар Русь учун жуда қулай бир пайт бўлган. Бир-бири блан ўчакишиб юрган хонларнинг ўзлари рус ва Литва князьларининг ёрдамига муҳтож бўлабошладилар, натижада хонликни да'во қилучи мўғуллар орасида гоҳ Москва блан, гоҳ Суздаль князьлари блан, гоҳ Литва блан алоқа қилиш пайига тушган турли гуруҳлар пайдо бўлди.

Рус йилномасида айтилишига кўра, Саройнинг янги хони Хидир ҳокимнинг тепасига келган вақтдаги вазият ана шундай эди. Бу воқиа 1360—1361 йилларда бўлиб ўтган. Мусулмонларнинг манба'ларида бу тўғрида нима дейилганлигини кўриб чиқайлик. «Искандар аноними»да биз Хизр (Хидир) Оқ Урдадан келган шахзода (ўғлон), Оқ Урда хони Саси-Буғаянинг ўғли бўлганлигини биламиз. Бу тўс-тўполонлар юз бераётган йилларда Оқ Урдада Чимтой деган одам хон бўлиб, юргни 17 йил идора қилган эди. 60-нчи йилларнинг бошларида Кўк Урда (Олтин Урда) амирлари Чимтойга Сарой тахтини олишни таклиф қилганлар, брок Чимтой бу таклифни қабул қилмаган ва ўзининг ўрнига укаси Урда Шайхни юборган. Урда Шайхнинг Саройга бориши фожияли бўлган, чунки у тез орада ўша ерда ўлдирилган. Шундан кейин сиёсат майдонига Хизр (Хидир) чиққан. Хизрнинг тахтга ўтириш тафсилоти «Искандар аноними» да йўқ, шу сабабли йилномада бу тўғрида айтилган гаплар бирдан-бир ма'лумот ҳисобланади. «Искандар аноними»да айтилишича, Хизр мамлакатни фақат бир йил идора қилган³, лекин қайси йилда идора қилган-

¹ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 146 бет, 207 бет, I-нчи изох.

² Никоновск. летоп., 232 бет. — Қаранг, яна: Рогожский летописец, 70 бет. — Ҳикоя қисқа бўлиб, унда кишини қизиқтирадиган тафсилотлар йўқ.

³ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 234—235 бетлар (форсча текст), 130 бет (русча тарж.).

лиги айтылмаган. Рус йилномасида, Хидир (Хизр) 6868 йилда (=1360—1361) тахтга ўтирган, деб хато кўрсатилган. Шу нарса қизиқи, Хизр номи блан 760 (=1358—1359), 761 (=1359—1360) ва 762 (=1360—1361) ҳижрий йилларда пул зарб қилинган¹, бу эса Хизрнинг тахтга ўтиришини бир йилдан ортиқроқ вақт илгари суришга ҳуқуқ беради. Шуниси ҳам борки, Хизр Наврўз блан хойликни талашиб юрган пайтда, я'ни Наврўз ўлдирилмасдан илгариёқ пул зарб қилдирабошлаган бўлиши мумкин. Хизр ўз пулларини Гулистонда, Билод Гулистонда, Янги Саройда, Хоразмда ва Азоқда зарб қилдирган, бу эса унинг ўз хонлик ҳокимиятини жуда катта территорияда амалга оширганлигини кўрсатади.

Хизр, афтидан, Ұрдада мустаҳкам тартиб ўрнатишга ҳаракат қилган; у Русьнинг ишларига зўр бериб аралашган, уерга учта элчи юборган ва Москва улуг князи Димитрий Ивановични (кейинчалик бу князь Донской лақабини олган) ўз ҳузурига чақирган. Уша вақтда бошқа рус князьлари ҳам, масалан, Владимирдан улуг князь Андрей Константинович Суздальский, Нижний Новгороддан унинг уқаси, шунингдек, князь Константин Ростовский ва князь Михайло Ярославский Ұрдага келиб кетганлар. Броқ Хизр (Хидир) тўс-тўполонларни бартараф қилиб, давлатда зарур тартиб ўрнатишга муяссар бўлаолмади, чунки у кенжа ўғли блан бирга ўзининг катта ўғли Темур Хўжа уюштирган фитна натижасида ўлдирилди². Темур Хўжа бор-йўғи 5 ҳафта хонлик қилган,³ 762 ҳ. йилда (=1360—1361) Янги Саройда пул зарб қилдирган.

Бу вақтга келиб Олтин Ұрдадаги ўзаро курашлар жуда авж олди. Чингиз хонадонидан чиққан тахт да'вогарларидан ташқари, яна ҳарбий мўғул аристократияси орасидан ҳам тахтни да'во қилиб чиқучилар пайдо бўлди. Шундай да'вогарлардан бири Олтин Ұрданинг машҳур амири Мамай эди. Ибн Халдуннинг айтишича, Мамай Бердибек даврида Олтин Ұрдада катта роль ўйнаган, Бердибекнинг бутун ишларини бошқарган ва унинг қизига уйланган.⁴ Мамай тўғрисида шарқ тарихчиларида жуда кам ма'лумот сақланган, XIV асрнинг 60-нчи йилларидаги Олтин Ұрда тарихи ҳақида рус йилномаси ва нумизматика ма'лумотлари асосий манба' ҳисобланади. Мамайнинг ҳокимият тепасига қандай қилиб келганлигини Никон йилномаси жуда мазмунли қилиб тасвирлайди. Темур Хўжа хонлик тахтига ўтирган дастлабки кунларидан бошлабоқ Олтин Ұрда амирларининг кўпи унга душманлик кўзи блан қараганлар.

«Уша йили.— деб ҳикоя қилади йилномачи,— Ұрда туманбеги

¹ А. Марков. Инвентарный каталог мусульманских монет Эрмитажа, 464 бет.

² Рогожск йилномачиси Хидирнинг ўлдирилиши тўғрисида бошқача нақл келтиради. Уни Мурут деган уқаси ўлдирган, дейди. Рогожск. летоп. 70 бет.

³ Никоновск. летоп. 233 бет.

⁴ В. Г. Тизенгаузен. кўрс. асар, I т., 389 бет.

Мамай ўз шоҳига қарши душманлик ишларини уюштирган ҳамда ўзи жуда кучли бўлган». Хонга қарши бош кўтариб, Мамай Ўзбекхон авлодидан бўлган Абдуллани (Абдуллоҳни) хон деб э'лон қилади ва унинг номидан иш кўриб, Темур Хўжага қарши қат'ий ҳужум бошлайди. Йилномачининг сўзига қараганда, бу вақтда «Урдада жанг ва тўс-тўполон авж олган».

Тахт талашиб юрган хонлардан бири бўлган Темур Хўжа Мамайдан яширинмоқчи бўлиб, Волганинг нариги томонига қочади ва ўша ерда ўлдирилади. Мамай Урданинг хўжайини бўлиб олади, аммо Чингиз авлодидан бўлмагани учун хон бўлаолмайди ва амалда ҳокимиятни ўз қўлига олиш блан чекланади, одамлар кўзи олдида эса Абдуллани (Абдуллоҳни) номигагиёна ҳоким қилиб кўтиради. Никон йилномасида ёзилишича, бу воқиа 1362 йилда бўлган¹. Мамай даврида пуллар дастлаб Абдуллоҳ номи блан зарб қилинган. Бизгача етиб келган, Абдуллоҳ номи блан чиққанлиги шубҳасиз бўлган биринчи танга 764 ҳ. йилда (=21 XI 1362—10 X 1363) зарб қилинган. Бу эса йилномадаги ма'лумотларнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди². Абдуллоҳнинг номи ёзилган тангаларнинг кўпчилиги Урдада, я'ни хоннинг ҳарбий қароргоҳида зарб қилинган. Бунинг сабаби шуки, Поволжьедаги шаҳарлар, айниқса, Сарой Берка фақат қисқа бир муддат ичида Абдуллоҳ ва унинг ҳомийси туманбеги Мамай қўлида бўлган. Абдуллоҳнинг тангалари Урдадан ташқари яна Азоқда, Янги Саройда ва Хоразмдаги Янгишаҳрда ҳам зарб қилинган.

Олтин Урдада ҳокимиятнинг бирлигини сақлаш учун Мамай узоқ вақт кураш олиб боришга мажбур бўлган. Бир вақтлар Мамай блан Абдуллоҳнинг Келдибек деган кучли рақибни бўлган, Келдибек номи йилномада тилга олинади³. Унинг номи блан чиқарилган тангалар бизнинг давримизгача етиб келган. Булар 762 (=1360—1361) ва 763 (=1361—1362) ҳ. йилларда зарб қилинган.

Бу саналарнинг ўзиёқ Келдибекнинг Абдуллоҳдан деярли бир йил илгари, ҳарҳолда, Мамай Олтин Урда территориясининг катта бир қисмида амалда ҳокимиятни қўлга олмасдан бурун пул зарб қилдирабошлаганлигини кўрсатади. Демак, Келдибек бир вақтлар Хизр ва Темур Хўжа блан тахт масаласида кураш олиб борган: Хизр ва Темур Хўжанинг эса 762 ҳ. йилда (=1360—1361) зарб қилинган тангалари сақланиб қолган. Йилномаларнинг ма'лумотларига ва пуллардаги ёзувларга кўра, Келдибек 1362 йилда ўлдирилган. Келдибекнинг ўлдирилиш тафсилоти тўғриси-

¹ ПСРЛ, X, 233 бет.

² А. Марков каталогига Абдуллоҳ номи блан 762 ҳ. й. да (=1360—1361) Янги Саройда зарб қилинган танга кўрсатилган, бироқ бу тангага ишониб бўлмайди, чунки «орқасида эски муҳр блан зарб қилинган» (А. Марков, кўрс. асар, 468—469 бетлар).

³ ПСРЛ, X, 233 бет.

да Рогожск йилномачиси бундай ҳикоя қилади: «Ұрдада душманлик авж олди, Волганинг бир томонида Хидирнинг ўғли Мурут, иккинчи томонида эса Келдибек туриб, ҳар иккаласи жанг қилди ва натижада Келдибек ўлдирилди»¹.

Шундай қилиб, худди шу йили Мамай блан Абдуллохнинг янги рақибни юқорида айтиб ўтилган Мурут ёки, Никон йилномачисида айтилишича, Олтин Ұрда пойтахти Сарой шаҳрини босиб олган подшонинг укаси² Амурат Хидирев бўлган. Чуқурлашиб борган низо-жанжаллар атрофга ҳам кенг ёйилиб кетади, бу ҳодисани йилномачи ўша 1362 йилда бўлган деб кўрсатади. Олтин Ұрда давлатидан бирқанча ўлкалар ажралиб чиқа бошлайди. «Ұрда амири Бўлат Темур Булғорни олди, ҳамда Волгабўйидаги ҳамма шаҳарларни ва улусларни босиб олди ва бутун Волга йўлини тортиб олди».

Бўлат Темур (Пўлат Темур)нинг Волгадаги савдо ва ҳарбий йўлларни босиб олиши блан бирга, Булғорнинг ажралиб кетиши албатта, Олтин Ұрданинг бирлигига катта зарба етказди. Унинг кетидан Ұрданинг бошқа бир амири «Бездежли (ўша наручадли) Тўғай бутун мамлакатни эгаллаб, шу ерда туриб қолган»³. Наручад ери деганда, Мокша⁴ дар'еси бўйидаги ва мордвалар жойлашган областни тушунмоқ керак.

Олтин Ұрдада бўлаётган воқиаларни Русьда диққат блан кузатиб борардилар. 762 (=1360—1361) дан 764 (=1362—1363) ҳ. йилгача зарб этилган тангаларга қараганда, Олтин Ұрдада бир вақтлар икки ҳокимият ҳукм сурган; бу воқиани йилномачи жуда мазмундор қилиб тасвирлайди. «Ўша вақтларда Волгабўйи подшолигида икки хон бор эди: бири Мамайнинг Ұрдасидаги Абдулла деган хон (уни туманбеги амир Мамай ўз Ұрдасига подшоҳ қилиб ўтказган эди); иккинчиси Амурат деган хон (у Саройдаги амирлар блан бирга эди). Шундай қилиб, ўша иккала хон ва иккала Ұрда доимо бир-бири блан душман бўлиб, уруш қилиб турди»⁵. Амурат, ёки тангаларда кўрсатилганича, Мурид «Гулистонда, Янги Саройда ва Сарой яқинидаги Билод Гулистонда»⁶ ўз номи блан пул зарб қилдирган. Унинг рус князьлари блан олиб

¹ ПСРЛ, XV, вып. 1, Рогожск. летоп., 1922, 73 бет — Рогожск йилномачиси Мурутна Хидирнинг ўғли деб нотўғри айтади. [Қараи: «Аноним Искендера» (В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 130 бет)].

² ПСРЛ, X, 233 бет. — Никон йилномачи Амуратни Хидирнинг укаси деб нотўғри айтган [Қараи: «Аноним Искендера» (В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 130 бет)]. Мурут Эрзанинг ўғли бўлмиш Ұрда Шайхнинг ўғли бўлган ва, демак, Оқ Ұрда шаҳзодалари (ўғлонлари) га мансуб бўлган.

³ Бездежининг қаерда бўлганини А. Н. Насоновнинг «Монголы и Русь» деган асаридан қараи, 120 бет, 1-нчи изоҳ.— Бездеж Сарой Берканинг шимолида бўлган.

⁴ Бу масалада А. Н. Насоновнинг юқорида кўрс. китобига қараи (123 бет, 1-нчи изоҳ).

⁵ ПСРЛ, X, 233 бет.

⁶ А. Марков, кўрс. асар, 467—468 бетлар.

борган муносабатларидан, кўриниб турибдики, Амурат бир вақтлар чинакам муҳим кучга эга бўлган ва у блан ҳисоблашмай мумкин бўлмаган. Броқ бу вақтда хон ҳокимияти учун кураш икки хон — Мурид блан Абдуллоҳ ўртасидаги кураш блангина чекланмаган. Янги Саройда 764 ҳ. йилда (= 1362—1363) Мир Пўлат пул зарб қилдирган, бундан маълум бўладики, пойтахт шаҳар Сарой (Сарой Берка=Янги Сарой) бирмунча вақт Мурид қўлидан тортиб олинган. Пойтахт учун ҳаммавақт зўр бериб кураш олиб борилган бўлса керак, шу блан бирга Сарой хонларининг ҳар сафар ҳам қўли баланд келавермаган; бу нарса шу фактдан кўриниб турибдики, Абдуллоҳ ўша 764 ҳ. йилда Янги Саройда ўз пуллари зарб қилдиришга муяссар бўлган. Сарой Берка, шубҳасиз, қўлдан-қўлга ўтиб турган. Шу нарса характерлики, 764 ҳ. йилдан кейин Янги Саройда Абдуллоҳ номи блан зарб қилинган тангалар учрамайди. Абдуллоҳнинг сўнги пуллари эса 771 ҳ. йилда (= 1369—1370) зарб қилинган. Демак, 764 ҳ. йилдан кейин Абдуллоҳ (шунингдек Мамай ҳам) Сарой Беркага эгалик қилолмаган.

Амурат (Мурид)нинг қачон ва қандай қилиб ўлганлиги тўғрисида рус йилномаларида гапирилмайди. «Искандар аноними»да, Мурид Жўжиларнинг Оқ Ұрда тармоғига мансуб бўлган Ұрда Шайхнинг ўғли эди, деган маълумот бор. «Искандар аноними»нинг автори, Муриднинг Сарой Беркада хонлик қилган йиллари тўғрисида маълумот бермай, у уч йил хонлик қилган, деб айтиб ўтади, холос. Бу фикр тангалардаги ёзувларга батамом тўғри келади, чунки Мурид 762—764 ҳ. йилларда пул зарб қилдирган. Тўс-тўполонлар давридаги Олтин Ұрда хонларининг кўпчилиги сингари Мурид ҳам қотиллар қўлида ҳалок бўлган. Муриднинг бош амири Ил'ёс—рус йилномасида кўрсатилган Мўғул Буганинг ўғли¹ ўлдирган. Шу авторнинг сўзига кўра, ўша вақтдаёқ Сарой тахтини Темур Хўжанинг ўғли² ва Ұрда Шайхнинг невараси Азизхон босиб олган эди. У ҳам Абдуллоҳнинг рақиби сифатида уч йил хонлик қилган.³ Тангалардаги ёзувлар «Искандар аноними» берган маълумотларга ба'зибир тузатишлар киритади. Азизхон уч йил хонлик қилган бўлса ҳам, лекин у 764 (=1362—1363) ҳ. йилдан эмас, балки 766 дан 769 ҳ. йилгача (=1364—1367)⁴ хонлик қилган. Демак, Азизхон Саройга бирдан кириб келмаган, балки орадан бирмунча вақт ўтгандан кейин тахтга ўтирган. Ҳарҳолда, 765 ҳ. йилда (=1363—1364) у Саройда бўлмаган (агар шу йили Янги Саройда у ҳақиқатан ўз пуллари зарб қилдирмаган бўлса: негаки у тангалар бизгача

¹ Никоновск. летоп., 232 бет.

² В. Г. Тизенгаузен. кўрс. асар, II т. 235 бет. (форсча текст), 130 бет (русча тарж.).

³ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, ўша жойда.

⁴ А. Марков, кўрс. асар, 471 бет.

етиб келмаган бўлиши ҳам мумкин). Азизхон ўз пулларини, Мурид сингари Гулистонда, Билод Гулистонда, Янги Саройда ва Саройда зарб қилдирган¹.

Мамайнинг ва унинг номигагина хони бўлган Абдуллоҳнинг ҳаммавақт рақиблари бўлган. Азизхон ўлгандан кейин² Олтин Ұрдада Абдуллоҳдан бошқа яна Жонибек II 767—768 ҳ. йилларда (=1365—1367) пул зарб қилдирган³. Жонибекнинг бизгача етиб келган 29 та тангасининг биттасида ҳам бу тангаларнинг қаерда зарб қилинганлиги кўрсатилмаган, шунинг ўзиёқ Жонибекнинг Ұрдадаги мавқини унча мустаҳкам бўлмаганлигини кўрсатади. Шу нарса характерлики, юқорида айтиб ўтилган 1362 йилдаёқ Булғорни босиб олган Пўлат Темир (Темир)нинг бирнеча тангалари бор. Пўлат Темир 768 ҳ. йилда (=1366—1367) Жонибекхон номи билан⁴ пул зарб қилдирган, лекин бу тангаларда уларнинг қаерда зарб қилинганлиги кўрсатилмаган. Бу факт ўз навбатида жуда диққатга сазовордир, чунки у, Пўлат Темир Сарой хонининг олий ҳокимиятини тан олганлигини кўрсатади (Жонибек II, амалда бўлмаса ҳам, ҳарҳолда, номига ана шундай хон бўлган). Ұрдадаги «алгов-далгов» қанчалик кучли бўлмасин, ҳарҳолда, Мамай номигагина хон бўлган Абдуллоҳ билан бирликда XIV асрнинг 60-нчи йиллари охирида устун келганлар. Абдуллоҳнинг сиёсат майдонидан қандай қилиб кетганлиги, унинг ўз ажали билан ўлганлиги ёки биров томонидан ўлдирилганлиги бизга номаълум. Фақат шу нарса маълумки, 771 ҳ. йилда (=1369—1370) Абдуллоҳ номи билан пул зарб қилинмай қўйган.

Никон йилномаси 6878 (1370) йилда «Ұрда князи Мамай ўз Ұрдасида Мамат Султон деган бошқа бир кишини подшо қилиб кўтарди» дейди⁵.

Никон йилномасига асос қилиб олинган Рогожск йилномаси ҳам бу воқияни айнан юқоридагидек ҳикоя қилади ва Мамат Султоннинг тахтга ўтирган йили деб 6878 (1370) йилни⁶ кўрсатади. Дарҳақиқат, иккинчи сохта хон бўлган кишининг исми билан биринчи танга Ұрдада 771 ҳ. йилда (=1369—1370) зарб қилинган. Мамай тайинлаган иккинчи сохта хон бўлган кишининг исми баъзи тангаларда Фиёсиддин Муҳаммадхон, бирхилларида — Муҳаммадхон, яна бирхилларида — Фиёсиддин Булоқхон, ҳатто оддий қилиб, Булоқхон деб ёзилган. У ўз пулларини Ұрдада, Хожки Тархонда (Астраханьда), Янги Можорда ва Янги Қримда зарб қилдирган. Янги Саройда ёки Гулистонда зарб қи-

¹ А. Марков. кўрс. асар, 471—472 бетлар.

² Азизхон ҳам ўлдирилган; қаранг: В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар. II т., 235 бет (форсча текст), 130—131 бетлар (русча тарж.).

³ А. Марков. кўрс. асар, 472 бет.

⁴ П. Савельев. Тетюшский клад. ТВО, ч. III. 1858, 400 бет.

⁵ ПСРЛ, XI, Никоновск. летоп., 12 бет (6878 йил санасида).

⁶ ПСРЛ, XV, вып. I. Рогожск. летоп., 92 бет.

линган биронта тангани топмадик¹. Бу ҳол шуни аниқ кўрсатадики, Мамай ўзининг эришган ютуқларига қарамай, ҳужмронлигининг то охирига қадар давлат пойтахти Сарой Беркани ўз қўлига мустаҳкам қилиб киритаолмаган. Поволжьеда тахт талашиб юрган Олтин Ұрда хонларини бир-бир кўздан кечирар эканмиз, бу хонларнинг кўпчилиги Оқ Ұрдадан, Жўжиларнинг Оқ Ұрда тармоғидан бўлганлигига эътибор бермай бўлмайти. 60-нчи йилларда хонлик қилган Хизр (Хидир), Темур Хўжа, Мурид (Амурат) ва Азизхон, ҳарҳолда, шулар жумласига киради. Буларнинг ҳаммаси Шарқдан, Оқ Ұрдадан, Жўжи Улуси қўшинининг сўл қанотидан чиққан. Ана шунинг ўзиёқ Оқ Ұрда саройи ва унинг зодагонлари Олтин Ұрданинг тақдирига нечоғлик зўр қизиқиш блан қараганликларини кўрсатади. 70-нчи йилларда Оқ Ұрданинг Олтин Ұрда ишларига қизиқиши ва шу муносабат блан унинг фаолияти янада кучаяди.

* * *

Юқорида, Олтин Ұрдадаги «тўс-тўполонлар»ни Русь ҳушёрлик блан кузатиб борди, деб айтиб ўтилган эди. Узоқни кўраоладиган князьлар Олтин Ұрдада татар-мўғуллар ҳокимияти заифлашиб бораётганлигини, бундан рус юртини гарчи тўла озод қилиш мумкин бўлмаса ҳам, ҳарҳолда, татар-мўғул зулмининг оғирлигини енгиллаштириш учун фойдаланиш зарур эканлигини яхши тушунар эдилар. Йилномаларни зўр диққат блан ўқиган киши, ҳарқандай майда ўзаро феодал низо-жанжаллар ва тўқнашувлар кўп бўлишига қарамай, рус юртида бир ёқадан бош чиқариб бирлашиш процесси юз бераётганлигини кўриши мумкин. Татар зулмига қарши курашиш зарур деган мустаҳкам фикр таъсири блан ҳамда Москванинг серғайрат князи Димитрий Иванович раҳбарлиги остида мамлакатнинг бирлашиш процесси йилдан-йилга тезлашиб борди.

Олтин Ұрданинг таловчиликдан иборат сиёсатига рус князьликларининг марказлашган ягона давлат бўлиб бирлашиш процессини қарама-қарши қилиб қўйиш учун ва шу блан ҳали қудратли бўлган Олтин Ұрда ҳокимиятига кучли зарба бериш учун XIV асрнинг 60—70-нчи йилларида феодал тарқоқлигидаги Русь ўзида зарурий имкониятларни топди. Рус йилномасида бу прогрессив ижтимоий ва давлат аҳамиятига эга бўлган процесснинг ҳамма босқичларини ёритиб беручи бирқанча қизиқ фактлар сақланган. Бунда Димитрий Иванович жуда катта роль ўйнаган (кейинчалик у Донской лақабини олган).

1362 йилда Димитрий Иванович Москва тахтига ўтирди. Шу

¹ Муҳаммад Булоқ номи блан чиққан ва бизгача етиб келган сўнгги танга Хожн Тархонда (Астраханьда) 782 ҳ. йилда (1380—1381) зарб қилинган. Бундан кейин пуллар Тўхтамиш номи блан зарб қилинган. — А. М а р к о в, кўрс. асар, 476 бет.

вақтда у 11 ёшда эди. Димитрийнинг ёшлиғи унинг буvasи ва отасининг Москва князьлигини мустақкамлаш юзасидан олиб борган ишларини пучга чиқариши мумкиндек бўлиб кўринган эди. Аммо турмуш бунинг аксини кўрсатди: Димитрий Иванович ўзидан олдин ўтган князьларнинг тўплаган кучларига таяниб, шунингдек, яхши раҳбарларга эга бўлгани ҳолда фақат Москва князьлиги учунгина эмас, балки «бутун Русь» учун ҳам энг фойдали йўлни топаолди. Олтин Ұрдада бўлиб турган ишлардан Москва яхши хабардор эди, Саройда юз бераётган ҳамма ўзгаришларни, тез-тез алмашилиб турадиган ҳарбир янги хоннинг мавқий мустақкам эмаслигини, борди-ю бу хонлардан бирортаси бирмунча вақт тахтда ўтириб қолгундай бўлса, дарҳол ўзига урушқоқ рақиб орттиришини Москва жуда яхши билар эди. Татар-мўғулларга қарши курашмоқ учун Москва князьлиги ўзининг Русьдаги мавқийни мустақкамлаб олиши, ҳамма зарурий куч ва воситаларни ўз теварагида тўплаган бир марказ бўлиб олиши керак эди. Москва олдида учта асосий вазифа турар эди: 1) Сарой хони Мурид (Амурат) Москвани кучсизлантириш мақсадида Димитрий Константинович Суздальскийга берган буюк Владимир князьлигини қайтариб олиш, шунингдек, Нижний Новгородни батамом ўзига бўйсундириш (унга эгалик қилиш эса, фақат савдо ишлари учунгина эмас, балки Олтин Ұрдага қарши курашда муҳим ҳарбий аҳамиятга эга бўлган Волга сув йўлига чиқиш имконини берарди); 2) Тверь князьлигини бўйсундириш ва бу блан татар-мўғулларга қарши курашда Москванинг имкониятларини кўпайтириш; 3) худди шу мақсадда Рязань князьлигини ҳам бўйсундириш. Бу учта вазифанинг ҳаммаси бир мақсадга — татар-мўғулларга қарши курашиш учун рус феодал князьликларини Москва теварагида бирлаштириш мақсадида бўйсундирилган эди. Дастлабки пайтларда бошқаларнинг раҳбарлиги остида иш кўрган, кейин эса ўзи мустақил иш олиб борган Димитрий Иванович Олтин Ұрда блан қилган муносабатларида ҳарқандай вазиятдан Москва князьлигини кучайтириш учун фойдаланиб, гоят усталик блан ҳаракат қилди. Бирнеча мисол келтирамиз. Мамай ўзининг сохта хони Абдуллоҳ блан биргаликда Қуйи Волганинг ғарбидаги жуда катта территорияни Олтин Ұрдадан ажратиб олганлиги юқорида айтиб ўтилган эди. Мамай ҳокимиятининг доираси шимолда Рязань князьлиги чегараларига борар эди, бу эса Рязань князини Мамайга жуда тоби' қилиб қўйган эди. Жанубда Мамай 70-нчи йилларда Қримни эгаллаб, унинг бой имкониятларидан ўз ҳокимиятини мустақкамлаш учун яхши фойдаланди¹.

¹ Олтин Ұрдада Мамай ҳокимиятининг чегаралари ҳақидаги тафсилотли А. Н. Насоновнинг «Монголы и Русь» деган асаридан қаранг, 123—124 бетлар.

Ұрдадаги тўс-тўполонлар фақат Русьдагина эмас, балки Литвада ҳам қулайлик туғдирди. Литва князи Ольгерд (1341—1377) татар-мўғулларнинг кучсизланганлигидан фойдаланиб, 1362 йилда Буг томониغا қўшниб тортиб борди. Буерда Синие Воды (ҳозир Бугга қуйиладиган Синюха дарёчаси) бўйида татар-мўғуллар тор-мор қилинди. Бу тор-мор бўлганлар маніхур Қрим беги Қутлугбек, Хожибек ва Добруджадан келган Димитрий (бу одам христианча ном блан юрар эди) қўмондаси остидаги терма қўшинлар эди. Бу ғалаба натижасида жуда катта Подолия области литвалиларга ўтди; Подолияда узоқ вақгача феодал Қорятовичлар хонадони ҳукмронлик қилди. Подоллянинг босиб олиниши XIV асрнинг иккинчи ярмида Литва куч-қудратининг ўсишига жуда катта таъсир кўрсатди. 1365 йилдан кейин Ольгерд татар-мўғуллардан Киевни ҳам тортиб олишга муваффақ бўлди, бу эса уни Шарқий Европадаги энг обрўли князьлардан бирига айлантирди.

Броқ Ольгерднинг татар-мўғулларга қарши курашда эришган ютуқлари уни Литванинг маҳаллий манфаатларидан нарига ўтказмади ва Москва ҳамда Димитрий Иванович блан иттифоқ тузишга юлиб келмади. Бунинг аксича, маълумки, Ольгерд улуг Москва князьлигини кучсизлантириш учун Мамай блан иттифоқ тузишдан ҳам тоймади. Яна Ұрдадаги ишларга қайтайлик.

Мамай блан Абдуллоҳнинг рақиби Мурид (Амурат) Волга бўйидаги, айниқса, унинг сўл қирғоғидаги ерлар ва шаҳарларни, демак, ҳар икки пойтахтни — Сарой Берка блан Сарой Ботуни, шунингдек, Волганинг шарқ томонидаги даштликларни ўз қўлида тутиб турар эди. Муридхон даврида шимолий Хоразм Урганч шаҳри блан бирга Олтин Ұрдадан бутунлай ажралиб чиқиб, қўнғиротлар қабиласидан чиққан маҳаллий Сўфийлар династияси ҳукмронлиги остида мустақил сиёсат юргизди ва ўз пулларини зарб қилдирди¹.

Агар Булғор блан Наручаднинг (Мокша дарёси бўйидаги область) ҳам амалда мустақил бўлиб олганлигини, бундан ташқари, Мамай блан Муриднинг рақиби бўлмиш Келдибекнинг Янги Саройда 762—763 ҳ. йилларда (=1360—1362) ўз пулларини зарб қилдирганлигини эътиборга олсак, у ҳолда Саройда ўтирган хоннинг Москвада унча эътибори бўлмаганлиги равшан бўлақолади. Мамайнинг қўллаб-қувватлашидан фойдаланган Димитрий Иванович ана шу сабабдан буюк Владимир князьлигини да'во қилиб чиқади. Абдуллоҳнинг рақиби Мурид (Амурат) эса ўз навбатида Димитрийни кучсизлантириш мақсадида Димитрий Константинович Суздальскийнинг Владимир князьлигига эгалик

¹ Сўфийлар династияси зарб қилдирган ва бизгача етиб келган тингалар орасидаги дастлабки тангада 762 ҳ. йил (=1360—1361) сапаси кўрсатилган. Қаранг: М. Е. М а с с о н. Монетный клад XIV в. из Термеза. Бюллетень САГУ, вып. 18, № 7, 1929, 63 бет.

қилиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Иккала Димитрийнинг кучи тенг эмас эди, Москваиниң ёш князи Димитрий Иванович Димитрий Константиновични Владимир князлигини ўзига беришгагина эмас, балки уни Муриднинг қомийлигидан воз кечишга, шу блан бирга вақтинча Мамайнинг сюзеренитетини танишга ҳам кўндирди. Димитрий Иванович бунинг эвази тариқасида Суздаль князига Нижний Новгородни берди, Н. Новгородни эса улар биргаликда князь Борис Константиновичдан тортиб олган эдилар. Шундай қилиб, Димитрий биринчи вазифани ҳал қилди.

Рус ва мўғуллар тўғрисидаги масаланиннг сўнгги текширучиларидан бири бўлган А. Н. Насонов: «Русьнинг Москва теварагига жилслашувииниң дастлабки қадамлари эса татарлар босқинига очикдан-очик қаршилик кўрсатиш йўли блан борди»¹, — деб ёзган эди. Дарҳақиқат, юқорида айтиб ўтилган, Булғорни босиб олган Пўлат Темир Нижегород князълигининг ерига ҳужум қилганда қаттиқ зарбага учраган ва Ұрдага қочишга мажбур бўлган, Ұрдада у Азизхон томонидан ўлдирилган²; бу воқиа ўша 768 ҳ. йилда (=1366—1367) юз берган бўлса керак. Шу нарса характерлики, 768 ҳ. йилдан кейин Азизхон номн блан ҳам, Пўлат Темир номи блан ҳам зарб қилинган тангалар йўқ. Мамай блан Москва ўртасидаги яхши алоқалар узок давом қилаолмас эди, чунки ҳар иккала томон ҳам бир-бирига жуда шубҳа блан қарар эди. Мамай Москва князшиниң куч ва таъсирииниң ўсиб боришидан, шубҳасиз, кўрқарди, Димитрий Иванович ўз навбатида, Русьнинг татарлар ҳукмронлигидан халос бўлишида Мамайни энг хавфли душман деб биларди, чунки Олтин Ұрдада, гарчи 70-нчи йилларга келиб тўс-тўполон йўқ бўлмай, балки кучаябошлаган бўлса ҳам (буни биз қуйида кўриб ўтамиз), асосий ҳокимият амалда шуниниң қўлида эди. Худди кутилганидек, Москва князи ўзиниң Русьни бирлаштириш соҳасидаги сиёсатида Мамайнинг қаттиқ қаршичилигига дуч келди; Мамай Тверь ва Рязань князьлариниң ўша даврдаги феодал муносабатлари шаронтида фоят характерли бўлган эгонистик ва сепарат сиёсатини қўллаб-қувватлаб, ударга ҳарқандай йўллар блан ўз таъсирини ўтказиб борди. Князь Михаил Александрович Тверской ҳам, Рязань князи Олег ҳам тор феодал манфаатлари даражасидан, Москва давлатини барпо қилиш керак, деган фикр (Димитрий Иванович эса, ана шу фикрни тарқатучи эди) ни тушунишгача кўтарилаолмадилар. Димитрий Ивановичниң 60-нчи йилларда ва, хусусан, 70-нчи йилларда Русьни бирлаштириш ишидаги роли рус историографиясида жуда яхши кўрсатилган, шуниниң учун бу масалада тўхталиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Димитрийниң бирлаштиручилик фаолиятига Мамай ва Ольгерд Литовский қанчалик тўсқинлик қил-

¹ А. Н. Насонов. Монголы и Русь, 126 бет.

² А. Н. Насонов, кўрс. асар, 126 бет.

масин, Тверь ва Рязан князьлари Москвани кучсизлантиришга қанчалик уринмасин (1375 йилда Михаил Тверскойнинг Москва блан қилган урушини эсга тушрайлик), буларнинг ҳечқайсиси натижа бермади ва Москва ўзининг куч-қудрати жиҳатидан ҳам, умум руслар орасидаги ма'навий обрўси жиҳатидан ҳам тинмай ўсиб борди.

Димитрий Иванович томонидан Русьнинг асосий қисмларини Москва атрофида бирлаштирилишига чинакам йўл бермаслик учун Мамайнинг ўзи Олтин Ұрдада янада мураккаброқ ишларни қилиши, чунончи, Олтин Ұрдадаги «тўс-тўполон»ни батамом тугатиши ва Жўжи Улусига қарашли бутун ерларни ўз қўли остида янгидан тўплаши лозим бўлиб қолди.

Аmmo бу иш унинг қўлидан келмади. Тўғри, у Булғорни вақтинча бўйсундирди, шунигдек, Хожив Тархонни (Астраханьни) вақтинча босиб олди¹ ва Шимолий Кавказни ўз қўлида тутиб турди; брок Мамай Олтин Ұрданинг асосий қисмини — Поволжьедаги деҳқончилик ерларини ва унинг бой шаҳарларини ўзига қаратаолмади.

773 ҳ. йилдан (=1371—1372) то тарих майдонида Тўхтамиш пайдо бўлгунга қадар тўс-тўполон тўхтамадигина эмас, балки янада кучайди. Русь йилномаси 6881 (1373) йилда қисқа бўлса ҳам, лекин жуда ма'ноли қилиб бундай дейди:

«Уша йили Ұрдада тўс-тўполон бошланди. Ұрданинг кўпгина князьлари ўзаро қирилишдилар ва татарлардан жуда кўп киши ҳалок бўлди, уларнинг ноҳақ қилмишлари учун Тангри ана шундай қаҳри-ғазабига оиди»². Бу ўрнида йилнома тўс-тўполонларнинг иккинчи даври бошланганлигининггина кўрсатган. Бу иккинчи даврда Оқ Ұрда хонларининг Олтин Ұрда ишларига астойдил аралашishi натижасида аҳвол яна мушкуллашди.

Тангалардаги ма'лумотларга қараганда, 70-чи йилларнинг биринчи ярмида учта хон бир-бирига қарши курашган:

1) 773 ҳ. йилда (=1371—1372) Янги Саройда пул зарб қилдирган Тулуибек хоним;

2) 775 ҳ. йилда (=1373—1374) Урал (Ёйиқ) дар'ёсининг этакларида, Саройчада пул зарб қилдирган Элбонхон;

3) шу 775 ҳ. йилда (=1373—1374) Саройчада пул зарб қилдирган Ало Хўжа.

Шу нарса характерлики, Олтин Ұрдадаги бу «тўс-тўполонлар» даври тўғрисида узоқ Мисрда яшаган буюк араб тарихчиси Ибн Халдуи ҳам хабарсиз қолмаган. Ибн Халдуи бошқа авторлар гапирмаган бирнеча муҳим фактни кўрсатиб ўтган. Унинг бу фактларини Жўжиларнинг нумизматика ма'лумотлари ҳам тас-

¹ Бу ерда Мамайнинг иккинчи сохта хони — Муҳаммад Булоқ ўз пуллари зарб қилдирган. — П. Савельев. Тетюшский клад. ТВО, ч. III, вып. 2. 1857. 253 бет.

² ПСРЛ, XI, 19 бет, 6881 (1373) й, санасида.

диқлайди. 776 ҳ. йилда (=1374—1375) Олтин Урдада бўлиб ўтган воқналарга тўхталиб, Ибн Халдун бундай деб ёзади: «Сарой атрофидаги ерларни идора қилишни ўзаро бўлишиб олган бир-қанча мўғул амирлари ҳам бор эди; улар бир-бирлари блан келишолмасдилар, қўл осларидаги ерларни ўзлари мустақил идора қилардилар: масалан, Хожи Черкас Астрахань атрофидаги ерларни, Ўрисхон ўз амлоқларини идора қиларди; Ойбекхон ҳам худди шундай қиларди. Буларнинг ҳаммаси «Умаро-ул Масйрат» (юриш амирлари) деб аталарди»¹. В. Г. Тизенгаузен «Умаро-ул Масйрат»ни «юриш амирлари» деб таржима қилиб, бунинг устида бироз ўйланиб қолди ва «сўл қанот амирлари» дейилса, тўғрироқ бўлмасмикин деган масалани қўйди². Буерда Оқ Урданинг амир ва ўғлонлари (шаҳодалари) бўлган сўл қанот амирлари тўғрисида гапирилаётганлигига шубҳа қилмаймиз. Чунки, Мамай блан тахт таллашиб юрган хонларнинг кўпчилиги сингари, юқорида айтиб ўтилган Хожи Черкас блан Ўрисхон ҳам Оқ Урдага, яъни Жўжи қўшинининг сўл қанотига мансуб эдилар. Бироз пастроқда Ибн Халдун: «Астраханьдаги амлоқларнинг ҳокими бўлмиш Хожи Черкас Мамайга қарши аскар тортиб бориб, уни енгди ва ундан Саройни тортиб олди»³,— деб айтиб ўтади.

Мамай Саройни оз вақт қўлида тутиб турган бўлса керак, чунки Янги Саройда Муҳаммад Булоқ номи блан зарб қилинган пуллар йўқ. Қолбуки, Ибн Халдуннинг Черкасбек 776 ҳ. йилда Хожи Тархонни (Астраханьни) олиб, шу йили уерда ўз пулларини зарб қилдирди, деган хабарини таъгалардаги ёзувлар тасдиқлайди⁴. Ибн Халдун айтган Хожи Черкас блан Черкасбек бир одам эканлигига ҳечбир шубҳа йўқ.

70 нчи йилларнинг иккинчи ярмида, Повольжеда Тўхтамиш пайдо бўлмасдан олдиноқ, Арабшоҳ деган одам ҳам хон бўлган. Арабшоҳ 775—779 ҳ. йилларда, яъни 1373 йилдан то 1378 йилгача Янги Саройда ўз пулларини зарб қилдирган⁵. XV асрда ўтган номаълум авторнинг мўғул султонларининг шажараси масалаларига бағишланган форсча асариди айтилган фикрларга қараганда, Арабшоҳ Жўжилар хонадонининг Оқ Урда тармоғидан чиққан⁶. Унинг Оқ Урдадан чиққанлиги Никон йилномасида ҳам гапирилади: «Ўша йили (1377,— А. Я.) Волга бўйидаги Мамай

¹ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 373 бет, (арабча текст), 389—390 бетлар (русча тарж.).

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 390 бет, I-нчи изоҳ.—Текстда «Умаро-ул Масйрат» деб ёзилган; «Умаро-ул Майсарат» (яъни «сўл қанот амирлари») деган иборати хаттот янгиши кўчирган бўлса керак.

³ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 374 бет (арабча текст), 391 бет (русча тарж.).

⁴ А. Марков, кўрс. асар, Дополнения, 860 бет.

⁵ А. Марков, кўрс. асар, 477 бет.

⁶ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 54—55 бетлар. Қаранг, яна: П. Савельев. Тетюшский клад. ТВО, ч. III, вып. 3. 431 бет.

Урдасига Арабшоҳ деган бир шаҳзода Волганинг нариёғидаги Кўк Урдадан шиддат блан келди; бу шаҳзода Арабшоҳ жуда бераҳм одам эди, аммо жуда уста, ботир ва чиниққан жангчи эди, жуссаси кичкинагина бўлса ҳам, ғоят жасоратли киши эди, у кўп одамларни енгди ва Нижний Новгородга аскар тортиб бормоқчи бўлди»¹.

Тахт талашиб юрган бошқа хонлар блан, шу жумладан, Мамай блан ҳам (бу вақтда Мамаининг сохта хони — Муҳаммад Булоқ эди) сра ҳамжиҳатлик қилмасдан, бутун хавф-хатарни ўз устига олиб, Арабшоҳ 1377 йилда Нижний Новгород томонидаги рус ерларига аскар тортиб борди. Димитрий Иваинович полкларини тўплаб, татарларга қарши йўлга чиқди. Татарларни учратмагандан кейин орқасига қайтди, полкларини эса ҳар эҳтимолга қарши яна нарироққа юборди. Татарларнинг қаерда эканлигини билмай, Москва князининг аскарбошилари Сура дар'ёсига қуйиладиган Пьяна дар'ёсигача етиб келишди. Буерда русларга, Арабшоҳ ўз қўшини блан узоқда «Бўри сувлари» деган жой («Волчьи воды»)² да турибди, деган хабар берилди. Шундан кейин аскарбошилар ҳечбир хавф-хатар йўқ экан, узоқ йўл босгандан кейин дам олиб олсак бўлади, деган қарорга келишди. Лагеръни мустаҳкамламай ва соқчилар қўймай, аскарлар устларидаги оғир яроғ-аслаҳаларни олиб, қуроолларини бир чеккага йиғиштириб қўйдилар, «уларнинг князьлари, боярлар, амалдор ва аскарбошилар эса худди ўз уйларидагидек еб-ичиб, хурсандчилик ва ов қилиш блан овора бўлдилар»³. Рус лагериде айш-ишрат давом қилар экан, татарларга йўлбошловчи ҳамда ёрдамчи бўлиб хизмат қилган мордва князьлари рус қўшинининг қандай аҳволда эканлигини хонларча татарларга етказдилар. Арабшоҳ тамомила бепарво бўлган лагеръга тезда етиб келиб, уни ҳамма томондан ўради ва ҳақиқатда қуролсиз бўлган одамларга тўсатдан зарба берди. Ушанда русларнинг кўпчилиги — ҳарбий бошлиқлардан ҳам, оддий жангчилардан ҳам кўп одам қириб ташланди. Қиргиндан фақат озгина кишилар қочиб қутулди. Арабшоҳнинг Нижний Новгородга бемалол бориши учун йўл очилди ва у ҳечбир қутилмаганда шаҳарга кириб борди. Тайёргарлиги ва жангчилари бўлмаган шаҳар қаршилик кўрсатаолмади, унинг кўпчилик аҳолиси Волганинг юқори томонига қараб қочди, татарлар бўлса шаҳарнинг ташлаб кетилган кварталларига ҳужум қилиб, уларни таладилар, шаҳарда қолган қуролсиз одамларни асир олдилар, кўп уйларга ўт қўйдилар ва шундан кейин шаҳардан чиқиб кетдилар. Арабшоҳ ҳақида бундан бошқа ма'лумот йилномаларда ҳам, шарқ манба'ларида ҳам йўқ. Олтин Урдада Араб-

¹ ПСРЛ, XI, Никоновск. летоп., 27 бет, 6885 (1377) й. да.

² Донец ярмоғи.

³ ПСРЛ, XI, Никоновск. летоп., 27 бет.

шоҳ яна бир йилгина турган бўлса керак, чунки Янги Саройда унинг номи блан 779 ҳ. йилда (=1377—1378) зарб қилинган тангалар учрайди: Поволжьеда Арабшоҳга яна бир хон рақиб бўлган, бу хон ҳам Оқ Ұрдадан чиққан ва шунингдек, Жўжилар династиясининг Шайбошійлар тармоғига мансуб бўлган. Тангалардаги ёзувларга қараганда, бу хоннинг номи Қоғонбек, XV асрда ўтган ва юқорида тилга олинган нома'лум эрон авторининг ёзганига кўра, Қоғонбек¹ бўлган. Унинг Янги Саройда 777 ҳ. йилда зарб қилдирган тангаларидан бирнечтаси сақланиб қолган, у Янги Саройни ўз қўлида жуда оз вақт, бир йилга етар-етмас тутиб турган бўлса керак. Қоғонбек тўғрисида бошқа муфассалроқ ма'лумот йўқ.

Олтин Ұрдада 70-нчи йилларда юз берган воқиаларга яқун ясар эканмиз, қисқача қилиб қуйидагиларни айтганимиз мумкин. Мамай Олтин Ұрдани бутунлай ўзинга бўйсундириш учун қанчалик уринган бўлса ҳам, лекин бунинг уддасидан чиқолмади. Поволжьеени, шундай қилиб, қўлга киритаолмади ва фақат Астрахань блан Булғорга жуда қисқа вақт мобайнида ҳокимлик қилди. Поволжьеининг бой ерлари, асосан, кўпчилиги Жўжилар династиясининг Оқ Ұрда тармоғига мансуб бўлган, ўзаро тахт талашиб юручи хонлар қўлида қолаберди. Бу хонлар тахтда уч йилдан ортиқ ўтираолмасдилар, доимо бир-бирлари блан уруш-жанжал қилиб турардилар — лекин ҳарҳолда, Поволжьеени Мамайга бермасликка қудратлари етадиган даражада кучли эдилар. Шундай қилиб, Мамай Жўжи Улусини ўз ҳокимияти остида бирлаштираолмади. Бу жиҳатдан олганда, Москва князи Дмитрий Иванович умумрус юрти масштабда ма'навий обрў қозониб, кўпроқ иш қилди. Айни вақтда Мамай Москванинг тинмай ўсиб бориши ва умумрус ишларида унинг солмоғи ортиб бориши татарлар блан қат'ий тўқнашувга олиб келишини жуда яхши тушунарди, чунки рус князьлари Ұрдага тўлаб келаётган хирожларини унинг кўзи олдида тобора камайтирмоқда эдилар. Бундан ўттиз-қирқ йил олдин, я'ни Ҳазратхон ва Жоғибекхонлар даврида тўланиб келган хирожга нисбатан ҳозирги хирожнинг миқдори жуда камайиб кетганлигини Мамайнинг пайқамаслиги мумкин эмас. Эди. Татарлар истибодди батамом ағдариб ташланмаса ҳам, жуда бўлмаганда, уларга бўлган қарамлигини анча енгиллаштиришга Москванинг ўзи ҳаракат қилиши мумкин эканлигини ҳам Мамайнинг тушунмаслиги мумкин эмас эди. Буларнинг ҳаммаси э'тиборга олинса, Мамайнинг Русьга қарши оддий таловчилик босқинини уюштириш (1377 йилда Арабшоҳ ана шундай юриш қилган эди) эмас, балки Русьни қат'иян кучсизлантириш ва уни янгидан бўйсундириш мақсадида унинг устига қўшин тортиб боришга отланаётганлиги ма'лум бўлақолади. Мамайнинг 1378 йил-

¹ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар. II т., 54—55 бетлар.

да Нижний Новгород ва Москвага қилган юришини худди шу ниятдаги урниниш деб қарамоқ керак. Ма'лумки, Нижний Новгородни у қўлга олишга ва талашга муваффақ бўлди, Москвага эса унинг қўшинлари яқин келтирилгани йўқ. Мамайнинг Урда амири Бигич қўл остида жўнатган аскарларини Димитрий Иванович Ока дар'ёсининг нариги томонига тумтарақай қилиб ҳайдади. Вожа дар'ёси бўйида руслар блан татарлар ўртасида жанг бўлди. Бу сафар руслар тўла ғалаба қозондилар. Татарлар жуда кўп талафот бериб, орқага қараб қочдилар. 1378 йил Вожа дар'ёси бўйидаги мағлубият Мамайга жуда ёмон та'сир қилди. Бу хабар Русьга ҳам тарқалган, негаки Мамайнинг Вожа дар'ёси бўйидаги мағлубиятдан кейин қандай кайфиятда бўлганлиги Куликово майдонида бўлган жанг ҳақидаги йилнома қиссасида ўз аксини топган. Мамай «бу тўғрида кўп хафа бўлган, қайғурган ва кўз ёши тўккан», Мамайнинг маслаҳатчилари бўлса, унга таскин бериб, «Сенинг Урданг путурдан кетди ва кучларинг ҳолдан тойди; аммо сенинг беҳисоб бойлиқларинг бор ва сен Фрязларни, Черкасларни, Ясларни ва бошқаларни аскарликка ёллаб катта қўшин тўплайсан ва ўз амирларингнинг қони учун қасос оласан...»¹ деганлар. Мамай, Урданинг обрўсини сақлаб қолиш учун, Вожа дар'ёси бўйидаги мағлубиятни асло эсидан чиқараолмасди. Янгидан юриш қилиш учун икки йил тайёргарлик кўрди; сиёсий вазият унинг учун қўлай бўлганлигидан жангда ғалаба қозонишга кўпроқ ишонарди. Москва князининг кучайиб кетишини истамайдиган Литва князи Ягайло Мамайга ёрдам беришни ва'да қилди; Рязань князи Олег ҳам Мамайга итбат қилишга ва'да берди,— у татарлардан жуда кўрқарди, чунки Рязань Урданинг ёнма-ён қўшниси эди ва, агар қаршилик кўрсатгудек бўлса, уларнинг биринчи зарбасига учрарди. Никон йилномаси составидаги Мамайнинг 1380 йилги юриши тўғрисида ва Куликово майдонидаги машҳур жанг ҳақида ёзилган тарихий қисса машҳур тарихий ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳужжат чуқур ватанпарварлик руҳи блан суғорилган, адабий жиҳатдан пухта ишланган бўлиши блан бирга унда кўпгина ажойиб фактик материаллар бор; энг муҳими шундаки, у сиёсий жиҳатдан етук ва чуқур мазмунли асардир. Бу ёдгорлик Мамай қўшинлари устидан қозонилган ғалабанинг фақат умумрус миқ'ёсидагина эмас, балки бутун Европа миқ'ёсида ҳам аҳамиятга эга эканлигини Москва Русининг қанчалик англаб етганлигини яққол кўрсатиб беради. Куликово майдонида Русь юрти учун олиб борилган жангда ҳалок бўлганлар руҳига ибодат қилиш ҳамда уларнинг ҳаммаси учун абадий хотира э'лон қилиш пайтида «буюк князьнинг ўзи нутқ сўзлаб: «православ дини учун ва бутун христианлик учун Куликово майдонида жон берган сиз ака-укаларимиз ва ёр-дўстларимизга —

¹ ПСРЛ, XI (6888 йил санасида), 46 бет.

православ христианларига абадий шон-шарафлар бўлсин» деган»¹.

Ғилномадаги қиссада ҳар икки томон учун, я'ни Димитрий Иванович учун ҳам ва Мамай учун ҳам характерли бўлган бирқанча жуда қизиқ тафсилотлар берилган. Мамай бу сафар ҳам ҳужум қилишни биринчи бўлиб ўзи бошлаган. Қисса автори, Мамай катта ишлар қилиш ниятида эди, деб кўрсатади. «Подшо Боту бутун Русь ерини тутқунликка солган, ҳамда барча мамлакатларни ва бутун ўрдани ўз қўлида тутиб турган эди, Мамай ҳам хаёлида, аниқроғи, аҳмоқона хаёлида шундай қилмоқчи бўлди»². Мамайнинг ниятларидан Рязань князи Олег хабардор бўлгач, у ҳар вақтдагидай кўрқиб кетган ва Ұрдага ҳамда Мамайга ўзининг содиқ эканлигини дарҳол хабар қилишга қарор берган. Шу ондаёқ Олег бу ишлар ҳақида Литва князи Ягайлога хат ёзиб, биргалликда тоби'лик сийёсати олиб боришни ва ҳатто татарларга ёрдам беришни таклиф қилган. Бу эса рус ерига нисбатан қилинган уччига чиққан хонинг эди ва рус йилномаларни историографияси томонидан худди ана шундай деб аталди.

Мамай 1380 йилда жуда катта қўшин тўплади, бу қўшин составига фақат турк-мўғул кўчманчилари блан пиёда аскарларигина эмас, балки ёлланган отрядлар ҳам кирган эди. Агар йилноманинг сўзига ишонадиган бўлсак, Мамай «Фрязларни, Черкасларни, Ясларни ва булардан ташқари яна бошқаларни ёллаган»³.

Мамай жуда катта кучлар блан Воронеж яқинига келиб қолди, деган хабар Димитрийга етгач, у душманга зарба бериш учун зўр бериб тайёргарлик кўрабошлади. У Русьнинг барча князьларига, шу жумладан, ўзига долм рақиб бўлиб келган Тверь князи Михаилга ҳам мурожаат қилди. Ғилномачи, аниқроғи, йилномадаги қиссанинг автори она ватанни мудофаа қилишда қатнашган князьларни рўйхатда батафсил санаб кўрсатади. Бу рўйхатни фақат бир кўздан кечириб чиқишнинг ўзи ҳам Москва князи катта обрўга эга бўлганлиги туфайли бу сафар у Русьдаги феодал ер эгаларининг тор, маҳаллий, бир томонлама (сепарат) манфатларига барҳам беришга муваффақ бўлганлигини кўрсатади. Димитрий қўшинни қуроллантиришга алоҳида э'тибор берган. Татарлар хавфига қарши умумрус мудофаасини уюштиришда митрополит Киприаннинг ма'лум даражада хизмати бор. Киприан «бутун Русь»ни бирлаштиришда ўша вақтда прогрессив роль ўйнаган умумрус черковининг вакили сифатида майдонга чиқди. Митрополит Киприан Димитрий Донскойнинг ватанпарварлик

¹ ПСРЛ. XI (6888 йил санасида), 65—66 бетлар.

² Уша жойда, 47 бет.

³ Уша жойда.

ишида унга ма'навий ёрдам берибгина қолмай, балки барча рус князьларини умумрус сийёсий маркази сифатида Москвага бўйсунтиришга да'ват қилди. Димитрий 1380 йил 31 июльда барча рус полкларининг Коломнада тўпланишига буйруқ берди, у шуердан Мамайга қарши ҳужум бошлашни мўлжаллаган эди. Юришнинг ўзини уюштиришдаги қиссада келтирилган бир тафсилот жуда қизиқарлидир. «Буюк князь ўшанда Сурожли савдогарлардан ўн кишини ўзи блан бирга олиб кетган; уларни Тангрининг иродаси блан нимаики юз берса, ана шуларнинг гувоҳи бўлсин учун, ҳамда улар кўп ерларни кўрган, Урдада ҳам, Фрязларда ҳам бўлган, ҳаммага ма'лум ва машҳур жаҳонгашта савдогарлар бўлганидан, нимаики воқе' бўлса, шуларни узоқ ўлкаларга хабар қилишлари учун; яна бошқа бир томони ҳам борки, агар бирор ҳодиса юз берса, улар ўшаларнинг урф-одагига қараб иш тутишлари учун, ўзи блан бирга олиб кетган»¹. Сўнгра бу савдогарларнинг номлари келтирилади. Уша вақтда бу одамларнинг ҳаммаси рус савдогарлари орасида машҳур кишилар бўлган. Буларнинг ичида татарларнинг хулқ-атвори, урф-одати ва тилинигина эмас, балки Урдага бориладиган йўлларни, йўлдаги кўприкларни ва дар'ёдан кечиб ўтиладиган жойларни анча-мунча аниқ билладиган одамлар ҳам бўлган. Димитрий Ивановичнинг улардан Мамай тўғрисида, унинг қўшинининг состави ва бошқалар ҳақида ўзига керакли зарур ма'лумотларнинг ҳаммасини олганлиги тўғрисида гапирма-са ҳам бўлади.

Димитрий Коломнадан жанубга қараб юрди ва «Лопасна дарёсининг Окага келиб қуйиладиган жойида»² лагерь қуриб олди. Шуернинг ўзида Димитрийнинг машҳур саркардаси Тимофей Васильич ўз қўшини блан келиб қўшилди. Сентябрьда рус полклари Березуй шаҳрига келиб етган эдилар. Шуниси қизиқки, ба'зибир Литва князьлари ҳам ўз полклари блан буерла Москва князига келиб қўшилдилар. Фақат буюк князь Ягайло блан Рязань князи Олег келмади. Димитрий буердан яна олдинга қараб юрди ва Дон водисидаги Куликово майдонида Русьнинг ёвуз душмани бўлган Мамай қўшини блан тўқнашди. Қисса автори Куликово жангичи ҳикоя қилишни охирига етказар экан, татарларни савалашга йиғилиб келган рус ва Литва князьларининг тили блан: «чулки Тангри кучга қарамайди, балки ҳақиқат бўлган жойда ўзи ёр бўлади»³, — дейди. Бунга жавобан Димитрий: «биродарлар, хўрланиб яшашдан кўра, номусли ўлим а'ло-роқдир»⁴ деб хитоб қилади. Литва князьлари блан бирга ўша замоннинг ажойиб жангчиси, аслида Волинь ерида туғилиб ўсган

¹ ПСРЛ, XI, 54 бет (6888 йил санасида).

² Уша ерда.

³ Уша ерда, 56 бет.

⁴ Уша ерда.

Димитрий Боброк ҳам етиб келган, «уни эса ҳамма биларди ва жасурлигидан жуда кўрқарди»¹. Қисса автори икки гомоннинг қўшини Непрядва дар'ёсининг қуйилиш жойидаги Куликово майдонига келиб жойлашишини ва руслар оламшумул-тарихий галабага эришган жангнинг ўзини жуда ёрқин тасвирлаган. Авторнинг ҳисобича, ҳар икки томонда ҳам, я'ни руслар блан татарларнинг ҳарқайсисыда қарийб 400 мингдан отлиқ ва пиеда жаңгчилар бўлган. Буерда муболага бўлса керак. Татарларнинг бунча аскарни йиғишлари осон эди, аммо русларнинг йиғишлари қийин эди. Димитрий жангга раҳбарлик қилибгина қолмай, балки ўзи ҳам жанг қилди. Мамай бўлса «бешта катта амири блан бир тепанинг устига чиқиб, одамлар қони қандай тўкилишини ва уларнинг қандай тезлик блан жон берншларини тамошо қилиш учун қаққайиб туриб олди»². 1380 йил 8 сентябрьда татарлар биринчи бўлиб жанг бошладилар. Қиссада соф ҳарбий ма'нода айтилган жуда антиқа бир тафсилот бор: «Татарлар тепаликдан шитоб блан тушиб, ҳужум қилмасдан шуерда туравердилар, чунки уларнинг чекинишлари учун жой қолмаган эди; шу тариқа олдинда турганларнинг елкаларига найзаларини қўйиб девордай қадалишиб туриб олдилар, олдинда турганларнинг найзалари калтароқ, кейинги қаторда турганларнинг найзалари узунроқ эди»³. Жангдаги икки момент қисса авторининг айниқса э'тиборини жалб қилган ва бу моментларни у жуда равшан қилиб тасвирлаб берган. Бу моментларнинг бири — Сергей Радонежскийнинг шогирди, ўзининг кучли ва эпчил баҳодирлиги блан донг чиқарган монах Пересветнинг татарлар паҳлавони Темур Мирза блан яккама-якка олишиб, ҳар иккаласининг ҳам ҳалок бўлишидир. Иккинчиси — Димитрий Боброк командаси остидаги қўшиннинг пистирмада ётган жойидан чиқиб, жангга киришидир. Бу жангда мисли кўрилмаган даражада кўп қон тўкилди, гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг қўли баланд келиб турди. Ҳар икки томоннинг ҳам қўшинининг ярмидан кўпи жанг майдонида қирилиб кетди. «Ҳамма жой ўликлар блан тўлиб кетган эди, отлар уларнинг устидан босиб ўтаолмас эди; одамлар фақат ўқ-найзалар тегиб ўлмай, балки юзма-юз олишиб, отларнинг тагида қолиб ҳам ҳалок бўлардилар, ҳамма ерга одамлар тиқилиб кетганидан нафас олиб бўлмасди, тўкнаш келган ҳар икки томоннинг кучлари шихоятда кўплигидан Дон дар'ёси блан Меча дар'ёси ўртасидаги Куляково майдонига одамлар сиғишмас эди»⁴.

Куликово жанги жуда катта аҳамиятга эга эди. Унинг аҳамияти фақат рус тарихидагина эмас, балки бошқа мамлакат-

¹ ПСРЛ, XI, 56 бет.

² Уша ерда, 59 бет.

³ Уша ерда.

⁴ Уша ерда, 60 бет.

лар тарихида ҳам катта ўрин олади. Дмитрий Донскойнинг татарлар устидан қозонган ғалабаси татарларни енгиш мумкинлигини ва агар рус князьлари бирлашсалар, татарлар ҳокимиятига қат'ий ва қақшатқич зарба бериш мумкин эканлигини билдирар эди. 1380 йил Куликово майдонидаги рус халқининг ғалабасини кўнни халқлар ҳам шундай деб тушунган эдилар. Бу ғалабанинг дун'ё миқ'ёсидаги аҳамияти ҳам худди ана шундадир. Руслар қозонган ғалабанинг қақшатқич кучи қанчалик катта бўлмасин, лекин у ҳали Олтин Урда давлатининг парчалаганини билдирмас эди. Олтин Урда давлатининг вақтинча бўлса ҳам қайтадан тикланиши учун ҳали унда кучлар йўқ эмас эди.



И К К И Н Ч И Б О Б

XIV АСРНИНГ 80—90-нчи ЙИЛЛАРИДА
ОҚ ЎРДАНИНГ ЮКСАЛИШИ ВА ТЎХТАМИШНИНГ
ОЛТИН ЎРДА ҚУДРАТИНИ ТИКЛАШГА УРИНИШИ

«Темурнинг мағамати ва Тўхтамишнинг
хизм ти душманлиги ҳамда рақибликка ай-
ланди».

«Турклар шаҳараси»дан (XV аср).

Ҳарбий нуқтан назардан Жўжи Улуси қўшинининг сўл қано-
ти ҳисобланган Оқ Ўрда рус манба'ларида Кўк Ўрда номи блан
юритилганлиги юқорида айтиб ўтилган эди. Оқ Ўрданинг чегара-
ларини аниқ айтиш қийин. Илк ўрта аср даврида чегаралар, ху-
сусан, даштликлардаги чегаралар аниқ белгилаинмасди, шу
сабабли манба'ларда бу тўғрида сўз юритилганда, жуда умумий
тарздаги ма'лумотлар келтириларди.

Қуйи Сирдар'ё водиси ҳамда Суткент ва Саврон шаҳарлари-
дан тортиб то бу дар'ёнинг Орол денгизига қуйиладиган жойига-
ча қўзилиб кетган бутун қуйи Сирдар'ё ҳавзаси Оқ Ўрданинг
иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан энг муҳим қисми ҳисоб-
ланар эди. Оқ Ўрда тарихининг энг муфассал манбаи ҳисоблан-
ган «Искандар аноними» (Муиниддин Натанзий)да айтилиши-
ча, Оқ Ўрдага «Улуғ тоғ, Саккиз ёғоч ва Қоратолдан то Тўйсин
ерлари ҳамда Жанл ва Барчкент атрофидаги ерларгача бўлган
жойлар кирган»¹. Шундай қилиб, Оқ Ўрдага Сирдар'ё ҳавзаси-
дан ташқари Дашти Қипчоқнинг, я'ни Қозоғистон ва Ғарбий
Сибирьнинг жуда катта даштлик ерлари ва қисман ўрмонзорла-
ри ҳам кирган.

Оқ Ўрданинг дашт қисмлари, шунингдек, Кўк Ўрда (Олтин
Ўрда)га қарашли даштлар ҳам Дашти Қипчоқ номи блан маш-

¹ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 127 бет. — Ношир ва 2-нчи
изох автори (127 б.) Саккиз ёғоч ўрнига Сангир ёғоч деб ўқишни таклиф
қилади; солиштиринг: В. В. Бартольд. Очерк истории Семиречья. Фрунзе
нашр. 1943, 72 бет. — Уша ноширининг ўзи «Тўйсин» сўзига шубҳа қилиб, уни
«Туман» деб ўқишни таклиф қилади (127 б. 3-нчи изох).

хур эди. Оқ Урданинг даштлик, шунингдек, деҳқончилик қилинадиган қисмидаги аҳолининг этник состави масаласи жуда қизиқарлидир.

Дашти Қипчоқнинг XIV аср бошларидаги қабилавий состави тўғрисида энг муфассал маълумотларни биз XIV асрнинг бириинчи ярмида ўтган Миср тарихчиси ан Нувайрийнинг катта энциклопедиясидаги «Турклар тўғрисида маълумотлар» деган бобида учратамиз. Дашти Қипчоқ қипчоқлари тўғрисида, жумладан, унинг шимолий ерлари тўғрисида гапирар экан, ан Нувайрий бундай деб хабар беради: «Уларда қабилалар кўп; амир Рукниддин Бейборс девадор Алмансурий ўз йилномасида¹ айтиб ўтган қабилалар шулар жумласига киради, чунончи: 1) Тўқсоба, 2) Нета, 3) Бурж ўғли, 4) Бурди, 5) Қанғу ўғли (ёки Қанғар ўғли), 6) Анж ўғли, 7) Дурут, 8) Қорабор ўғли, 9) Жуззон, 10) Қораберкли, 11) Қўтан»². Бу қабилалар тўғрисида ўша манбадан (Рукниддин Бейборсдан) олинган маълумотлар Ибн Халдуннинг тарих китобига ҳам кирган, лекин унда қабилалар номининг аталиши бирқадар ўзгартириб берилган. Уша рўйхат мана бундай кўрсатилган: «1) Тўқсоба, 2) Сета, 3) Бурж ўғли, 4) Элбули, 5) Қанаарали, 6) Уғли, 7) Дурут, 8) Қалабаали, 9) Жарсон, 10) Қаджаберкли ва 11) Қунун»³.

Аслини олганда қипчоқ қабилалярининг ўша битта рўйхатидан олинган бу икки вариантни тузатиш учун, бахтга қарши, қўлимизда қўшимча маълумотлар йўқ. Бироз қуйроқда Ибн Халдун яна тубандаги сўзларни келтиради: «Ҳикоянинг бориши (дейди у) шунини кўрсатадики, Дурут қабиласи қипчоқлардан чиққан, Тўқсоба қабиласи татарлардан чиққан, хуллас, бу санаб ўтилган қабилалярининг ҳаммаси бир уругдан чиққан эмас...»⁴.

XIV асрнинг бириинчи ярмида ўтган ва араб тилида ёзган мисрли автор ал Умарийнинг асарида XIV аср бошларида Дашти Қипчоқдаги кўчманчи аҳолининг этник состави тўғрисида жуда қимматли маълумот бор. Ал Умарийнинг маълумотлари Олтин Урда даштларидаги ҳаёт билан яхши танишнинг имкониятига эга бўлган одамлардан сўраб-билиб ёзилган. Ал Умарийнинг сўзига қараганда, татарлар келмасдан бурун Жўжи Улусининг кейг даштларида қипчоқлар яшаган. Татарлар буерга келгандан кейин қипчоқлар уларнинг фуқаросига айланган. Татарлар озчилик бўлганлигидан улар қипчоқлар билан аралашиб, «худди қипчоқ бўлиб кетганлар»⁵. Татарлар (мўғуллар) ўзларининг мўғул тилини аста-секин йўқотиб, кўпчилик қипчоқча, яъни туркийча

¹ XIV аср бошларида ёзган.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 540—541 бетлар.

³ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 541 бет.

⁴ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 541—542 бетлар.

⁵ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 213—214 бетлар (арабча: текст), 235 бет (русча тажр.).

гапирабошлаган. Голиблар, я'ни татарлар ёки мўғуллар устидан қилинган бу жуда қимматли кузатишнинг тўғри эканлигини кейинги вақтлардаги фактлар тўлиқ тасдиқлайди. Дашти Қипчоқда — Дон дар'ёси блан Волга дар'ёси ўртасидаги жанубий рус даштлари территориясида ҳам, шунингдек, Шарқ томондаги Урал дар'ёси ҳавасида, Орол денгизидан ва Сирдар'ё этакларидан шимол томондаги даштларда ҳам — хуллас, ҳамма жойда мўғул қабилаларининг туркийлашиш процесси юз берган. Еттисувда ва Мовароуннаҳрда қандай процесс рўй берган бўлса, буерда ҳам аслда шундай бўлган. Мўғул қабилаларидан XIII асрнинг иккинчи ярмида Еттисувдан Хўжанд (Ленинобод)га кўчиб келган жаллоирийларнинг ва Қашқадар'ё водисига кўчиб келган барлосларнинг тақдирини эсга олайлик. Бу иккала катта мўғул қабиласи — жаллоирийлар блан барлослар — Еттисувдан келган пайтларидаяёқ тил жиҳатдан ма'лум даражада туркийлашган эдилар. Янги жойда улар шу қадар туркийлашиб кетганларки, улар XIV асрда, ҳарҳолда XIV асрнинг иккинчи ярмида, турк тилини ўз она тиллари деб ҳисоблаганлар.

Дашти Қипчоққа қайтайлик. Броқ, асл қипчоқлар сра қолмаган, дейиш хато бўлур эди. Манба'лар бўйича Жўжи Улусидаги қўшиннинг этник состави блан танишадиган бўлсак, биз, ҳатто XIV аср охирида ҳам қипчоқларни қўшиннинг алоҳида қабилавий қисми сифатида кўришимиз мумкин. Шарафиддин Али Яздий Темурнинг 1391 йилда Тўхтамишга қарши аскар тортиб борганлигини ҳикоя қилар экан, Тўхтамишнинг қўшини тўғрисида қуйидагиларни айтади: «руслардан, черкаслардан, булгорлардан, қипчоқлардан, Қримдаги Кафа ва Азоқ алавларидан (халқларидан), бошқирлар ва м. к. с.¹ дан анчагина катта қўшин тўплади»². Уша автор Темур қўшинлари блан Тўхтамиш қўшинлари ўртасида 1391 йилда Қундузча деган жойда бўлиб ўтган катта жангни тасвирлар экан, Темурнинг Усмон баҳодир деган лашкарбошиси қўл остидаги отряднинг составида қипчоқ қўшини бор эди, деб ёзади.³ Бундай қўшинлар Темурда анчагина бўлган бўлса керак. Ботунинг юриши муносабати блан ва ундан кейин Дашти Қипчоққа келган мўғуллар составида бирқанча қабила бўлган. Аммо Дашти Қипчоқ шароитида иккита катта мўғул қабиласи — қўширотлар блан манғуллар ёки манғитлар — ўзларининг қабилавий бирликларини йўқотмадиларгина эмас, балки ҳатто анча катта халққа айландилар ҳам. Броқ улар ўзларининг бирликларини сақлаган бўлсалар ҳам, ўз мўғул тилларини йўқотиб, туркийлашиб кетганлар. Кейинчалик XV асрнинг иккинчи ярмида, манғитлар номларини ўзгартириб, ўзларини нўғойлар деб атаибошлаганлар, уларнинг ўрдаси эса Нўғой ўрдаси деб юритилган. XV аср-

¹ Мокша, я'ни Мордва кўзда тутилса керак.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс., асар, II т., 156 бет.

³ В. Г. Тизенгаузен, кўрс., асар, II т., 169 бет.

нинг 80-нчи йилларида, Қозон йилномачисининг сўзига қараганда¹, улар Волганинг шарқий қирғоғига ўтиб, уерда то Ёйиқ дар'ё-сигача бўлган жойларда кўчиб юрганлар. Қўнғиротлар билан манғитлар аста-секин кўчманчи турк жамияти составига шу қадар қўшилиб кетганларки, улар ўзларини, биз турклармиз, деб ҳисоблайдиган бўлганлар.

XIV асрнинг иккинчи ярмида ва XV аср бошларида Оқ Урданинг аҳолиси кимлардан иборат бўлган, бу аҳолининг этник состави қандай бўлган?

Шу нарса жуда характерлики, XV асрдаги эрон манба'лари Оқ Урданинг асосий аҳолисини ўзбеклар деб, Оқ Урданинг ўзини эса Ўзбек Улуси деб атайди. «Ўзбеклар» деган сўзнинг аслда қаердан келиб чиққанилиги масаласида ҳозиргача бирхил фикрга келинмаган. Ўзбекларнинг келиб чиқиши тўғрисида ёзган кишиларнинг энг кейингиси проф. А. А. Семёновдир. Проф. А. А. Семёнов ўзининг «Шайбонийхон ўзбекларнинг келиб чиқиши ва состави масаласига доир» деган жуда қимматли ва қисқача баён қилинган мақоласида: «...ўзбеклар Олтин Урдданан чиққан эмаслар ва, улар ўз номини Олтин Урда хони Ўзбекдан олганлар, деган фикр ҳам исбот қилинмаган»² деган фикрни айтган.

«Ўзбеклар» деган термин муносабати билан китобхонларда чалқаш бир фикр тугилмасин учун, XIV—XVI асрларда Жўжи Улусининг шимоли-шарқий ўлкаларида яшаган кўчманчи ўзбеклар билан ҳозирги Ўзбекистонда яшовчи ўзбеклар бирхил эмаслигини унутмаслик керак. Ўзбек халқининг составига, асосан, қуйидаги этник қисмлар кирди: 1) Мовароуннаҳрдаги эски туркий аҳоли, бу аҳоли шуерда жуда қадимдан яшаб келган деҳқон тожиклар аҳолисини XI асрданоқ тил жиҳатидан туркийлашти-рабошлаган эди, 2) бирқанча шаҳарлардаги туркийлашиб кетган, ўзи эроний гурппага мансуб бўлган аҳоли, бу аҳоли ўзининг илгариги тожик тилини аллақачоноқ йўқотган эди, 3) XV аср охирида ва XVI аср бошларида Амудар'ё билан Сирдар'ё этакларидан ҳозирги Ўзбекистон территориясига кўплаб кўчиб келган кўчманчи ўзбеклар³. Оқ Урда ўзбеклари ҳозирги ўзбек халқининг этногенезини ташкил қилган халқлардан фақат биригина ҳисобланади. Шундай қилиб, Оқ Урда ўзбеклари тўғрисида сўзлаганда, биз этник состави жиҳатдан ҳам, хўжалик уклади жиҳатидан ҳам қандайдир бошқа бир нарсани кўзда тутамиз. Дашти Қўп-чокда, шу жумладан, Оқ Урда даштларида ҳам кўчманчи аҳолининг асосий қисми қўпчоқ қабилаларидан иборат бўлган, деб юқорида айтиб ўтилган эди. Мўғуллар қўпчоқларнинг этник сос-

¹ «Илгари Манғитлар деб аталган Нўғойлар келди» (ПСРЛ, XIX, 1903, 8 бет).

² Рабочая хроника Института востоковедения, II., Ташкент, 1944, 15 бет.

³ А. Ю. Я к у б о в с к и й. К вопросу о происхождении узбекского народа, Ташкент, 1941.

тавига тубдан ўзгариш киритганлари йўқ, аксинча, мўғулларнинг ўзлари туркийлашиб кетдилар; иккита катта мўғул қабиласининг қўнғиротлар билан кейинчалик нўғойлар деб атала бошлаган манғитларнинг тақдирини эслайлик¹. Оқ Ұрданинг қипчоқлардан ва қисман қўнғирот-манғитлардан иборат бўлган аҳолиси ўзбеклар деган номни қачон ва қандай қилиб олган?

А. А. Семёновнинг мақоласида айтилишича, «ўзбеклар» деган термин Олтин Ұрда тахтига Ўзбекхон (1312—1342) ўтирмасдан анча олдин турк-мўғул қабилаларининг маълум бир группасининг номи бўлган. Шундаймикан? Қўлимиздаги манбаъларни бир қараб чиқайлик.

XIV асрда ўтган автор Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг «Тарихи Гузида» номли тарихий асаринда, Ўзбекхоннинг 1335 йилнинг ноябрь—декабрь ойларида Закавказьеда уруш олиб борган қўшини «ўзбекиён» деб аталган². Проф. А. А. Семёнов, баъзибир тарихчилар «ўзбекиёй» деган терминни халқнинг номини билдиручи «ўзбек» термини билан чалкаштирадилар, деб тўғри кўрсатади³.

Шундай қилиб, Дашти Қипчоқнинг турк-мўғул жангчилари «ўзбекиён» («ўзбекиёлар») деб аталганлиги шубҳа туғдирмайди. Шунга батамом мувофиқ равишда Ҳамдуллоҳ Қазвинийда Жўжи Улуси ҳам «Мамлакати Ўзбекиёй», яъни Ўзбекининг давлати деб аталган⁴. Шуниси жуда қизиқки, Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг ўғли, «Тарихи Гузида»ни давом эттирган Зайниддин Ўзбек Улуси деганда Оқ Ұрдани эмас, балки бутун Жўжи Улусини назарда тутади. Ҳарҳолда, Жонибекхон (1342—1357) замони тўғрисида гапирганда, Зайниддин Жўжи Улусини Ўзбек Улуси деб атайди⁵. Оқ Ұрда тарихини бошқалардан кўра яхшироқ билган XIV аср автори Муиниддин Натанзий («Искандар аноними») ҳам шу давр ҳақида гапирганда, Ўзбек Улуси терминини Жўжи Улуси маъносидан ишлатади⁶. «Искандар аноними»да бу термин ҳатто XIV асрнинг 60-нчи йилларига нисбатан ҳам худди шу маънода ишлатилган. «Ўзбек Улуси» иборасини автор қайси маънода тушунганлиги мана бу жумладан очиқ маълум: «Унинг (Муридхоннинг, — А. Я.) замонида Мўғул Бугонинг ўғли Ил'ёс Ўзбек Улусининг бош амири (амир ул умароси) бўлган»⁷ Мўғул Буго, шу-

¹ Шу билан бирга, нўғойлар составида манғитлардан ташқари яна бошқа этник элементлар ҳам — туркий ва мўғул элементлари ҳам бўлган.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 221 бет (форсча текст), 23 бет (русча тарж.).

А. А. Семёнов, кўрс. асар, 13 бет.

⁴ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 221—222 бетлар (форсча текст), 93 бет (русча тарж.).

⁵ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 226 бет (форсча текст), 97 бет (русча тарж.).

⁶ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 233 бет (форсча текст), 128 бет (русча тарж.).

⁷ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 235 бет (форсча текст), 130 бет (русча тарж.).

нингдек, унинг ўғли Ил'ёс Олтин Ҷрда амирлари бўлганлар. Ил'ёс сарой хони Мурид (Амурат) даврида бош амир бўлган, бу тўғрида юқорида муфассал гапириб ўтилди. Броқ «ўзбекий» (кўплиги «ўзбекиён») термини узоқ яшамаган. Кейинги вақтлардаги эрон манба'ларида бу термин сақланмаган. Шу нарса характерлики, бу манба'ларда «ўзбекий» деган сўз эмас, балки «ўзбек» (اوزبېك) деган ном учрайди¹. Бу ерда «ўзбек», «ўзбеклар» термини фақат Оқ Ҷрдага нисбатан, унинг кўчманчи турк-мўғул аҳолисига нисбатан қўлланади. «Искандар аноними» ҳам бу терминни худди шу ма'нода ишлатади. Масалан: «Кўп жанглардан кейин Тўхтамыш тумтарақай бўлди ҳамда руслар қўшинининг катта бир қисми ўзбеклар томонидан қириб ташланди»². Буерда гап XIV асрнинг 90-нчи йиллари охирида Тўхтамышнинг Едигей блан кураш олиб борган даври тўғрисида боради: бу ўринда тилга олинаётган ўзбеклар Едигейнинг қўшинида бўлган, шубҳасиз, Оқ Ҷрда кўчманчиларидир. Шарафиддин Али Яздий ҳам «ўзбеклар»ни юқорида кўрсатилган ма'нода тилга олади³.

«Ўзбекий» (кўплиги «ўзбекиён») термини блан «ўзбек», «ўзбеклар» термини ўртасида қандайдир бир боғланиш борми? А. А. Семёновнинг фикрича, ҳечқандай боғланиш йўқ. Биринчи ном тасодифий бўлиб, XV аср манба'ларида учрамайди. «Ўзбек» (اوزبېك) термини эса, А. А. Семёнов фикрича, Оқ Ҷрда шароитида майдонга келган, ўша ерда тарқалган ва унинг «ўзбекий» терминига на бевосита ва на бавосита алоқаси йўқ. Бу термининг қачон майдонга келганлиги ҳозирча аниқланмаган.

Бизнингча, бу нуқтаи назар тарихий фактлар блан исбот қилинмаган ҳамда, бу икки номнинг бир-бири блан бевосита боғланиши бор, деган гипотезаларни рад қилаолмайди. Ҳақиқатда ҳам, ўша замонда яшаган одамлар Ўзбекхон қўшинини — «ўзбекиён» деб, унинг бутун давлатини эса «Ўзбек давлати» деб атаганлар. Жўжи Улуси қўшинида сўл қанотнинг қандай катта роль ўйнаганлигини кўз олдига келтирмоқ учун манба'ларни диққат блан, синчиклаб ўқиб чиқишнинг ўзи кифоядир. Оқ Ҷрданинг турк-мўғул кўчманчилари сараланган отлиқ жангчилар бўлган. Олтин Ҷрда қўшинининг асосий қисми ҳам шулар ҳисобланган бўлса керак. Дастлаб шуларни «ўзбекиён» деб атаган бўлсалар керак. «Ўзбекий» термини аста-секин «ўзбек» термини блан алмашган, бу «ўзбек» термини Оқ Ҷрдадаги турк-мўғул қабила-ларининг бутун бир группаси учун умумий номга айланган.

¹ Низомиддин Шомий. Таърих нашр., форсча текст. 71 бет (пастандан 4-нчи йўл); 114 ва ундан кейинги бетлар.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 238 бет (форсча текст), 133 бет (русча тарж.). Яна қаранг: кўрс. асар, II т., 238 бет (форсча текст), 134 бет (русча тарж.).

³ В. Г. Тизенгаузен. кўрс. асар, II т., 178 бет. — Буерда баҳодир ўзбеклар отряди тўғрисида гапирилган.

«Ўзбек Улуси» термини эса Жўжи Улусининг ҳаммасига нисбатан эмас, балки унинг фақат Оқ Ұрда қисмига нисбатан қўллана бошлаган. Агар Рўзбахон Исфажоний деган одам томонидан XVI аср бошларида ёзилган «Меҳмонномаи Бухоро» номли китобга қараб ҳукм қиладиган бўлсак, XV аср охири ва XVI аср бошларида худди ана шундай бўлган. А. А. Семёнов Шайбонийхон замонидаги ўзбекларнинг келиб чиқиши масаласини аниқлашда шу асардан фойдаланган. Рўзбахон Исфажонийнинг айтишича, ўзбекларга учта халқ кириди. Уларнинг биринчиси — «Шайбонийга тегишли бўлган қабилалар»¹, я'ни шайбонийён = шайбонийлар, иккинчиси — қозоқлар ва учинчиси — манғитлардир. Бу уч халқнинг ҳаммаси Оқ Ұрданинг аҳолиси сифатида ўзбеклар деб аталган битта умумий халқни ташкил қилган. Бу ма'лумотнинг ўзидан шу нарса очиқ кўриниб турибдики, ўзбеклар номи блан аталган алоҳида халқ ёки қабила бўлмаган. Ўзбеклар деган ном тамом умумлаштиручи характерга эга, бас шундай экан, бу ном кўпроқ юқорида айтиб ўтилган йўл блан, я'ни «ўзбекиё», «ўзбекиён» терминидан келиб чиққан бўлиши мумкин. XVI аср бошларида ўзбеклар ҳали мустақкам бир этник бирликка эга эмас эди. Уша Рўзбахоннинг кўрсатиб ўтишича, «бу учала халқнинг хонлари доимо бир-бировларига душман бўлиб келган ва бирини бири пайини қирққан»².

Оқ Ұрданинг аҳолиси фақат кўчманчи ўзбеклардангина иборат эмас эди. Оқ Ұрдага кенг даштликлар блан бир қаторда деҳқончилик қилинадиган каттагина территория: Суткент ва Саврондан тортиб то Янгикент ва унинг эгагигача, я'ни Сирдар'ёнинг деярли Орол денгизига қуйиладиган жойигача чўзилиб кетган водидаги қишлоқлар ва шаҳарлар ҳам қирар эди. Дар'ё бўйидаги бу районларда кимлар яшаган? Сирдар'ёнинг қуйи оқимидаги деҳқончилик районларининг ва шаҳар ҳаётининг маданий даражасини тасвирлаб берганда бу саволга дурустроқ жавоб бериш мумкин.

Ҳозирги вақтда Сирдар'ёнинг Арись келиб қуйиладиган жойидан бошлаб қуйи оқимидаги ҳавза, Туркистон, Қизил Ұрда, Ғазали (Казалинск) шаҳарлари ва Орол денгизи агрофидаги кичик-кичик воҳаларни истисно қилганда, деярли саҳро районларидан иборатдир, бу жойларни Тошкент ва Оренбург темир йўлининг станциялари ва станциялар ёнидаги кичик-кичик поселениелар кесиб ўтган. Илк ўрта аср даврида аҳвол бошқача бўлган. Қуйи Сирдар'ё водисида ҳар томонга каналлар қазилган бўлиб, уларга Сирдар'ёдан сув чиқарилган; ба'зи ерларда эса коризлар* бўлган. Бу водида Утрор, Яси, Саброн (Саврон), Сиғноқ, Барчкент ёки Барчинликент, Ашнос, Жанд, Янгикент ва бошқа шаҳарлар

¹ А. А. Семёнов, кўрс. асар, 14 бет.

² А. А. Семёнов, кўрс. асар, 14 бет.

* Кориз — ер тагидан ўтказилган сув йўли. *Ред.*

бўлган. Бу ўлкадаги шаҳарларнинг асосийлари ана шулар эди. Шаҳарлардан ташқари буерда кўпгина кичик-кичик қишлоқлар ҳам бўлган. Сирдарё бўйидаги бу маданий ҳавзанинг тарихи икки даврга: 1) мўғуллар келгунгача, Чингизхоннинг юришигача бўлган даврга ва 2) мўғуллардан кейинги даврга бўлиниши керак.

Иккинчи даврнинг асосий фарқи шундаки, бу даврда X—XIII аср (20-нчи йилларгача)лардагига нисбатан шаҳар ва қишлоқ ҳаёти кескин равишда орқага қараб кетган.

Жуда қадимдан атрофдаги даштларда кўчманчи қабилалар ва халқлар яшаб келган. IX—X асрларда буерда ўғизлар кўчиб юрган, XI—XIII асрларда Сирдарё бўйидаги даштларнинг асосий хўжайинлари қипчоқлар билан қанғиллар бўлган. Мўғуллар истилосидан кейин буерда мўғул қабилалари пайдо бўлган, юқорида айтиб ўтганимиздек, бу мўғул қабилалари XIV—XV асрларда жуда кўп бўлган турклар ичида аралашиб кетиб, қўнғирот, манғит ва бошқаларнинг ўзинга хос турк-мўғул этник қабилаларига айланганлар. Сирдарё ҳавзасида деҳқончилик билан шуғуллануви поселениелар қачон ва қай тарзда майдонга келганлиги ҳозирча бизга маълум эмас. Бу масалаларни ҳал этиш учун археологик қидиришлар олиб бориш йўли билан кўп иш қилиш керак¹. Буерда шаҳар ҳаётининг келиб чиқиши тўғрисида, шаҳарлар IX—X асрларда кўчиб келган мусулмонлар томонидан барпо қилинди, деган жуда сингиб қолган бир фикр бор. Ҳақиқатан ҳам шундайми ё йўқми эканлигини яна ўша археологик қазинишлар ўтказиш йўли билан ҳал қилиш мумкин; мўғуллар даврида Яси деб юритилган, X асрда эса Шовгар номи билан машҳур бўлган Туркистон шаҳри Оқ Ўрда составига кирмаган ва шу сабабдан биз унинг тўғрисида гапирмаймиз. Саврон (Саброн) масаласига келганда, у, Оқ Ўрда территориясига ҳамавақт ҳам киравермаган; ҳарҳолда, 1387—1388 йилларда Тўхтамиш билан кураш олиб борилган пайтларда Саврон Темурнинг чегарадаги қалъаси бўлган. Маълумки, сомонийлар даврида Саброн бой савдо шаҳри бўлган. Ибн Ҳавкалнинг ёзишича², буерда мусулмон савдогарлари билан кўчманчи ўғизлар (гузлар) савдо-сотиқ қилган. Худудул олам автори ҳам (Туманскийнинг қўлёмаси)³ Сабронни, ўғиз савдогарлари турган жой, деб кўрсатиб ўтган. Муқаддасийнинг айтишича, Саврон

¹ Бу археологик ишлардан энг катталари қуйидагилардир:

а) П. Лерх. Археологическая поездка в Туркестанский край в 1867 г СПб., 1870.

б) А. Ю. Якубовский. Развалины Сыгнака. Сообщ. ГАИМК, т. II, Л., 1929.

в) 1947 йилдан бошлаб А. Н. Бернштам Сирдарёнинг қуйи оқмида археологик экспедиция ишларини олиб борди, у бу участкада қилган ишларининг ҳисоботини ёзган. Яна қаранг: С. П. Толстов. Горька Гузов. Сов. этнограф., 1947, № 3, 55 ва ундан кейинги бетлар.

² ВСА, II, 390 бет.

³ Худудул олам, В. В. Бартольд нашр қил., 1930. Л., 24 б.

{Саброн) 7 қават девор блан ўралган катта шаҳар бўлган. Шаҳар ичкарасида работ, я'ни ҳунарманд-савдогарлар саройи бор. Шу нарса характерлики, Муқаддасий вақтида (X асрнинг 80-нчи йиллари), унинг сўзича, Саврон кўчманчиларга — ўғизларга ва қимоқларга қарши қал'а бўлиб турган¹. Бу ҳол шунни аниқ кўрсатадиги, сомонийларнинг ма'мурлари ўз савдогарларининг савдо ишларини ҳимоя қилиб, дастлабки пайтларда буерда ўз аскарый қисмларини тутиб турганлар. Муқаддасий яна, Савроннинг нариги томонида Турар Зироҳ деган кичик бир шаҳар блан бирга қишлоқ жой ҳам бўлган,² деб ҳикоя қилади.

Кейинроқ вақтлардаги ма'лумотларга кўра,³ XVI асрда Савронда 200 ҳинд қули қазиган қоризлар бўлган. Қоризлар орқали сув тарқатиш системаси буерда илгари ҳам бўлган бўлса керак. XI—XIII асрларда, мўғуллар келгунгача бўлган даврда, Саврон бирқадар тушқунликка юз тутган. Ҳарҳолда, Чингизхон мўғулларининг бу шаҳарни олганликлари тўғрисида тарихчилар гапирмайдилар. Шу нарса қизиқки, мўғулларнинг улуғ хони Манку ҳузурига 1254 йилда саёҳат қилиб борган арман шоҳи Хетум қайтишда Бешбалиқдан Утторга келаётганда Сирдарё бўйидаги бирқанча шаҳарлар орқали, шу жумладан, Саврон орқали ўтган. Савронни у, катта шаҳар эди, деб кўрсатади⁴.

Сигноқ шаҳри Оқ Ұрданинг пойтахти бўлган.⁵ «Худудул олам» асаридан бошқа X асрдаги манба'ларда бу шаҳар кўрсатилмаган. Мазкур асарда ҳам шаҳарнинг номи Сўнах тарзида ёзилган, бу эса, шу Сигноқ (Сугноқ) микан, йўқмикан? деган ба'зибир гумон туғдириши мумкин. Сигноқ номи XI ва айниқса XII асрлардаги манба'ларда тез-тез учрайбошлайди ва кўпроқ Хоразм тарихи муносабати блан тилга олинади. Хоразм Хоразмшоҳ Отсиздан бошлаб (1127—1154) Хоразмшоҳ Муҳаммадга қадар (1200—1220) бу группа шаҳарларни Хоразм ерларига қўшиб олиш учун очик-ойдинг сиёсат юргизиб келган эди.

Чингизхон қўшини 1219 йилда Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи қўмондонлиги остида Сирдарёнинг қуйи томонига қараб бораётганда, Сигноқда жиддий қаршиликка учраган. Бу курашни тасвирлаб ёзган Рашидиддиннинг сўзидан, Сигноқ XIII аср бошларида катта ва яхши мустаҳкамланган шаҳар бўлган, деган хулосага келиш мумкин. Ўзининг мустаҳкам истеҳкомларига

¹ ВСА, III, 274 бет.

² Уша ерда.

³ В. В. Бартольд. Қ историй орошения Туркестана, 148 бет. — Буерда Восифийнинг Осие музейида сақланаётган қўлёзмасидан далил келтирилган. 568а, л. 94а.

⁴ Киракос, М., 1858, 221—222 бетлар. — П. Лерх. Археологическая поездка, 13 бет.

А. Ю. Якубовский. Развалины Сыгнака. Сообщ. ГАИМК, т. II, Л., 1929, 123—159 бетлар.

таянган Сигноқ аҳолиси Чингизхоннинг савдо ва дипломатия хизматида юрган Ҳасан Хожидеган бир мусулмон киши Жўжи номидан уларнинг олдига элчи бўлиб келиб, шаҳарни урушсиз топширишни таклиф қилган вақтда, уни ўлдирган ва мўғулларга сабот ва матонат блан қаршилиқ кўрсатган. Кучлар тенг бўлмаганлигидан, сигноқчилар етти кун қамал қилингандан кейин таслим бўлишга мажбур бўлган. Жўжи шаҳар аҳолисини улар қаршилиқ кўрсатгани, айниқса, Ҳасан Хожини ўлдиргани учун раҳмсизлик блан жазолаган. Сигноқ аҳолисининг кўпчилиги қириб ташланган, шаҳарнинг ўзи эса талаш ва ўт қўйиш натижасида харобага айланиб, шип-шийдан бўлиб қолган. Кейинги бутун бир аср давомида шаҳар бор бўлса ҳам, лекин у жуда аянч аҳволга тушиб қолган. Мўғуллар вайрон қилгандан кейин бу шаҳар тўғрисидаги дастлабки маълумотни биз арман шоҳи Хетумнинг хотираларидан топамиз. Хетум 1254 йилда, худди Саврон сингари, бу шаҳарни ҳам босиб ўтган, фақат буерда бирмунча олдинроқ бўлган. Хетум ўзининг кундалиқ дафтарида бу шаҳарни «Сингоқ» номи блан тилга олади.

Оқ Урда улуси ўсиб бориши муносабати блан Сигноқ XIV асрдаёқ тикланабошлаган, деб қатъий айтиш мумкин. «Искандар аноним»да кўрсатилишича, шаҳар ҳаётини юксалтиришда ва шаҳарларда янги бинолар қурдиришда Эрзанхон катта роль ўйнаганлиги юқорида айтиб ўтилган эди. У Утторда, Савронда, Жандда, Барчинлиқкент (Барчкент)да бинолар қурдирган. Эрзанхоннинг жасади Сигноқда кўмилган. Урисхон замонидан бошлаб Сигноқ номи манба'ларда тез-тез учраб туради. Урисхон даврида Сигноқ Оқ Урданинг пойтахт шаҳри ҳисобланган. Ҳарҳолда, Темур 780 ҳижрий йилда (=1378—1379) Тўхтамишни Темур Маликхонга қарши тўртинчи марта Оқ Урдага жўнатган пайтда, Тўхтамиш блан бирга юборган ўз ҳарбий бошлиқларига, Тўхтамишни Сигноқ шаҳрида тахтга ўтказилсин, деб буйруқ берган¹. Бундан ташқари Урисхоннинг бизга маълум бўлган тангаларидан дастлабкиси 728 ҳ. йил (=17 XI 1327—4 XI 1328) санаси блан Сигноқда зарб қилинган, бу ҳам Оқ Урданинг сиёсий ҳаётида бу вақтда Сигноқ катта роль ўйнаганлигини кўрсатади².

Урисхон блан Тўхтамиш замонларидан бошлаб Сигноқ тинмай ўсаборади. Сигноқ фақат савдо маркази, қал'агния бўлиб қолмай, балки энди пойтахт ҳам бўлган ва унинг атрофига янги бинолар қуриб, шаҳарни ҳартарафлама беаганлар. Шу сатрларнинг автор томонидан 1927 йилда ўтказилган археологик текшириш Сиг-

¹ Низомиддин Шомий. Тауег нашр., Ргаһа, 1937, форсча текст, 70 бет (пастан 2-нчи йўл).

² Маълумки, пуллар ҳамиша пойтахтда зарб қилинавермаган; масалан, Олтин Урдада Сарой, Янги Саройдан ташқари пуллар бошқа бирнеча жойда зарб қилинган. Буни юқорида кўриб ўтган эдик.

ноқда XIV асрнинг охирида қурилган ажойиб биноларнинг харобалари борлигини яққол кўрсатди¹.

Сигноқ номи XV асрнинг биринчи ярмида тез-тез учрайди. Манба'ларда унинг номи кўпроқ Мовароуннаҳр ҳокими Улуғбек (1409—1449) блан Оқ Урда хони Бароқхон (Урисхоннинг невараси) ўртасидаги ўзаро муносабатлар туфайли тилга олинади. Сигноқ бирмунча вақт ҳатто Улуғбек қўл остидаги ерларга ҳам кирган. XV асрнинг 30—40-нчи йилларида ўзбеклар хони Абулхайр Сирдар'ёнинг қуйи оқимидаги жойларни босиб олган ва Сузоқ ҳамда Ўзкент блан бирга Сигноқни ҳам ўзига бўйсундирган². У вақтда Сигноқнинг қуйи томонида гавжум ҳаёт аллақачон тўхтаб қолган эди. Шундай қилиб, Сигноқ Сирдар'ё бўйидаги шаҳарларнинг энг шимолдагиси бўлиб қолган.

Сигноқ номи Урта Осиёнинг тарих майдонига Шайбонийхон (1500—1510) чиққан йилларда ҳам учрайди. XV асрнинг 80-нчи йилларида Шайбонийхон Бурундуқхонга қарши кураш олиб борган, шу муносабат блан у Сирдар'ё бўйидаги шаҳарларни ва, шу жумладан, Сигноқни ҳам босиб олган. Сигноқ учун Бурундуқхон блан олиб борилган кураш (Бурундуқхон Сигноқ шаҳрини босиб олган Шайбонийхон қўлидан уни яна қайтариб олишга ҳаракат қилиб, шаҳарни уч ойгача қамал қилиб турган) тафсилоти ҳикоя қилинган Шайбонийнома³да айтилишича, Сигноқда ўша вақтда мустақкам истеҳкомлар бўлган.

Сигноқ ҳақида энг муфассал ма'лумотлар XVI аср манба'ларида учрайди. Юқорида кўрсатиб ўтилган «Меҳмонномаи Бухоро» номли асарда Сигноқ тўғрисида қизиқ бир жой бор: «Сигноқ Сирдар'ё этакларидаги шаҳарларнинг энг чеккадагиси ҳисобланади. Буерда деҳқончилик қилинадиган (сугориладиган ерлар) тамом бўлади, кейин шимол томонга қараб қум саҳроси чўзилиб кетади. Илгари вақтларда Сигноқ, авторнинг фикрича, жуда катта шаҳар бўлиб, унумдор экинзорлари ҳамда бинолари бўлган. У ҳатто Сигноқни «бандари Дашти Қипчоқ», я'ни Қипчоқ даштининг гаваши деб атайдн. Ишончли одамларнинг сўзлари бўйича ҳикоя қилиб, автор, илгари вақтларда Сигноқ бозорларига ҳар куни 500 бош туя ҳайдаб келтирилиб, уларнинг ҳаммаси битта ҳам қолмай кечгача сотиб бўлинар эди, дейди. Автор, деҳқончилик қилинадиган ерлар узунасига чўзилиб кетган, деб та'кидлаб кўрсатиб, улар Сирдар'ёдан чиқарилган қапаллар орқали суғо-

¹ А. Ю. Якубовский. Развалины Сыгнака, 154 ва ундан кейинги бетлар.

² Абулхайрхон. Ленингр. унив. қўлёзмаси, № 852, 4466, 4474 саҳифалар — В. В. Бартольд. Қистори орошения, 131 бет. — В. В. Бартольд. Encyclopedie de l'Islam, Абулхайр тўғрисидаги мақола.

³ Шайбонийнома, И. Н. Березин таржимаси, LXV—LXVI ва ундан кейинги бетлар.

рилган, деб хабар беради¹. Бироз пастроқда ўша автор, Шайбоний уругидан бўлган ўзбек хонлари Сигноқда мазор қурдирганлар, бу мазорда уларнинг гўр ва сағаналари бор, дейди. Ана шу хонлардан бирортаси ўлса, унинг жасадини Сигноққа олиб келиб кўмганлар ва «мазорда» унинг гўри устига «гумбаз» ўрнатганлар². 1902 йилда В. В. Бартольд Сирдарё область бошқармасининг архивда ишлаган пайтда анча қизиқарли бўлган вақиф ҳужжатлар топиб олган. Бу ҳужжатлар XV—XVII асрлардаги Сигноқ тўғрисида кўпгина маълумотлар беради.

В. В. Бартольднинг сўзича: «Бу айтиб ўтилган ҳужжатлар тарихий-географик жиҳатдан ҳам, шунингдек, маданий-тарихий жиҳатдан ҳам диққатга сазовордир. Бу ҳужжатлардан кўринишича, XVI ва XVII асрларда Сўноқ-қўрғон атрофида экин экиладиган участкалар кўп бўлган; бу участкаларни билдириш учун тупа (я'ни тепалик, дўнглик, шунингдек: участка, дала) термини қўлланган. Темури номи билан ёзилган бир ҳужжатда, шайх Сирожидин шайхулислом қилиб тайинланганлиги ва унга Ҷрданент, Қизилтол, Туман ва Бузғулузоқ ариқлари бўйидаги ерлардан биттадан участка («қирқ тўқайдан») ҳад'я қилинганлиги айтилган; Туман ариғи Сирдарёдан оқиб келади, дейилган; маълумки, бу ариқ ўз номини ҳозирга қадар сақлаб келмоқда...»³. В. В. Бартольд яна кўпгина анҳор, булоқ ва каналларнинг номларини келтиради, буларнинг баъзилари ҳозиргача ҳам сақланиб қолган. Бундан ташқари мазорларнинг номлари ва ўша вақтдаги кўзга кўринган сигноқчиларнинг исмлари тилга олинади. Вақиф ҳужжатларидаги олинган бу географик номенклатуранинг ҳаммасини шу кунгача сақланиб қолган номлар билан (халқ хотирасида сақланган номлар билан ҳам) солиштирилса, Сигноқдаги деҳқончилик ерларининг қанақа бўлганлигини ва унинг катталигини кўз олдига келтириш мумкин. Рус манба'ларида Сигноқнинг номи биринчи марта XVI аср ўрталарида ёзилган «Книга Большого Чертежа» деган китобда учрайди. Буерда Сигноқ ҳақида бундай дейилган: «Кендерлик дар'ёсининг қуйилиш жойидан 150 чақирим нарида, Сирдарёнинг чап томонида, Қорачат тепалигининг рўпарасида Сўноқ шаҳри бор. Оқбошли кўли билан Сауқ дар'ёсининг ҳамда Оқ кўлнинг ўртасида ва Зеленчик дар'ёсининг ҳам, Кендерлик дар'ёсининг ҳам, Сарисув дар'ёсининг ҳам ҳар иккала томонида ва Қорақумнинг шу жойлардаги 600 чақирим кела-

¹ Менга ўша вақтда В. В. Бартольд ўзининг ёзиб олганларини илтифот билан берган эди. Ана шундан келтирялман. Константинопольдаги Нур Усмония кутубхонасининг кўлэмаси (№3431, 178 саҳифа).

² Ўша ерда, 180 саҳифа. — А. Ю. Якубовский. Развалины Сыгнака, 136 бет.

³ В. В. Бартольд. Отчет о командировке в Туркестан. ЗВО, XV, 267—268 бетлар.

диган қисмида кўчманчи Қозоқ Ұрдалари бор.— Сирдар'ё бўйида эса Сўноқдан 90 чақирим нарида Ясирвон шаҳри бор»¹.

Бу сатрларнинг автори 1927 йил ёзида Сиғноқ харобаларини бориб кўриб, юқорида айтиб ўтилган «Развалины Сыгнака» («Сиғноқ харобалари») деган мақоласида бу харобаларнинг қандай ҳолда эканлигини тасвирлаб берган эди. Сиғноқ харобаларини қисқача бўлса ҳам такрорлаш имконияти бўлмаганлигидан, автор фақат шунигина эслатиб ўтадики, шаҳарнинг қолдиқларига қараб унинг катталиги, ундаги истеҳком ва биноларнинг, шу жумладан, уй-жой биноларининг қанақа бўлганлиги, Сиғноқ кулоллариининг бадиий маҳорати тўғрисидагина эмас, балки шаҳарда катта қабристон бўлганлиги тўғрисида ҳам бир фикрга келиш мумкин. Сиғноқлиларнинг архитектура соҳасида катта ютуқларга эришганлигини кўрсатадиган XIV—XV асрларда қурилган ба'зибир биноларнинг харобаларини автор 1927 йилда бориб кўришга муяссар бўлди. Автор Сиғноқнинг яқин атрофидаги жойларни, шу жумладан, Кўк Қасанани ҳам (Туман ариқ темир йўл станциясидан 5 км нарида) текшириб, XIV—XV асрларда ажойиб қилиб ишланган мақбарадан деярли ҳечнима қолмаганлигини (деворнинг бир қисмидаги ранг-баранг кошнлар нураб тушиб кетган) кўрди. Кўк Қасана ёдғорлигининг ўзини (бу мақбаранинг эски фотографияси сақланган)², шунингдек, унинг яқинидаги қабрларнинг харобаларини ҳам ўрганиш, буер мозор бўлган, деб хулоса чиқаришга имкон беради.

Фотография суратиға қараганда, Кўк Қасана биноси каттакон, пештоқли бино бўлган. Бинонинг устида конус шаклидаги гумбаз бўлиб, бу гумбаз аввал квадрат шаклида, сўнг саккиз қиррали ва ундан кейин ўн олти қиррали қилиб жуда яхшилаб ишланган. 1901 йилда Кўк Қасанани бориб кўрган ва уни тасвирлаб ёзган В. А. Қалаурнинг сўзига қараганда, бинонинг ичида даҳма ва даҳманинг устида эса сағана бўлган. Гумбазнинг ич ва сирт томонларида арабча ёзувлар бўлган. В. А. Қалаурнинг фикрича, бу бино мақбара (мавзолей) бўлган. Шайбоний уругидан чиққан Оқ Ұрда хонларининг қабристони худди шуерда бўлганлиги ушбу сатрларнинг авторига 1927 йилдаёқ ма'лум эди. Юқорида айтиб ўтилган «Меҳмонномаи Бухоро» асарининг автори ҳам худди шундай дейди.


Урисхонга қадар Оқ Ұрда хонлари династиясининг тарихи манба'ларда жуда ёмон ёритилган. Бунинг сабаби XIV—XVI асрлардаги тожик ва эрон тарихчиларининг бу тўғрида яхши хабардор эмасликлари ҳамда бир-бирларига зид фикрда бўлганликларидагина эмас, балки Оқ Ұрда хонларининг ўз пулларини

¹ Книга Большого Чертежа. Изд. Спасского. 1846, 74 бет.

² Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии, 1901, 92—100 бетлар.

фақат Мубораххўжагон давридан бошлаб зарб қилдирганликларида ҳамдир. Мубораххўжагоннинг биринчи тангасида 728 ҳ. йил (=17 II 1327—5 II 1328) санаси кўрсатилган. II Савельев¹ замонидан бошлаб Оқ Урда хонларининг шажарасини қуйидагича қилиб кўрсатиш расм бўлиб қолган.

Жўжининг ўгли Урда Иченнинг бевосита авлодлари қуйидагилар бўлган:



XV асрда ўтган эрон тарихчиси Муниддин Натанзийнинг «Искандар аноними» деган асари II Савельевга маълум бўлмаган, бу асарда Саси-Буға замонидан то Ўрисхонгача бўлган даврда ўтган Оқ Урда хонлари тўғрисида энг қимматли маълумотлар бор. «Искандар аноними» дастлаб хонлар номининг ўзига тузатиш киритишга имкон беради. II Савельевда «Сашибуға», «Искандар аноними»да «Сасибуға» деб бериллади. Саси-Буғанинг ўгли II Савельевда «Абисон» дейилган бўлса, «Аноним»да — «Эрзан» деб аталади. Бу хонларнинг ҳаммаси давлатни қандай идора қилганлиги тўғрисида жуда қимматли маълумотлар бор, буни биз қуйида кўриб ишонамиз. Броқ «Искандар аноними»даги хронология у қадар ишончли эмас, бу хронология тангалардаги маълумотларга тўғри келмайди. Оқ Урда хонларининг подшолик даври тўғрисидаги хронологияда «Аноним» мана бундай деб кўрсатади: Саси-Буға 690 ҳ. й. дан 720 ҳ. й. гача (=1291—12 II 1320—30 I 1321)², Эрзан 720 ҳ. й. дан 745 ҳ. й. гача (=1320—1321—15 V 1344—4 V 1345)³ идора қилган. Мубораххўжа тўғрисида, у фақат 6 ойгина ҳукмронлик қилган, сўнгра 2¹/₂


¹ II Савельев. Джучиды Сивей Орды. ТВО, часть III, вып. 2, 1857, 355 бет.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 234 бет (форсча текст), 129 бет (русча тарж.).

³ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 234 бет (форсча текст), 129—130 бетлар (русча тарж.).

йил¹ дарбадарликда юрган, дейлади. Бу юқорида келтирилган саналардан («Аноним»нинг кўрсатишича), Муборакхўжа 745 ҳ. йилдан (= 1344—1345) кейин ҳукмронлик қилган, деган хулоса келиб чиқади. Бу эса тангалардаги маълумотларга сра тўғри келмайди. Муборакхўжа ўз пулларини 728 ва 729 ҳ. йилларда², я'ни 16—17 йил илгари зарб қилдирган. Шундай қилиб, биз хронология масаласида ҳозирча П. Савельев кўрсатган шажара табличасини ўзгартирмай қолдирамиз ва фақат хонларнинг номларигагина тузатиш киритамиз.

Саси-Буға, 709 (=1309—1310)



Энди Оқ Урданинг юқорида номлари кўрсатилган хонларига «Искандар аноними»да берилган характеристикага ўтайлик. Саси-Буға Олтин Урда хонларига содиқ вассал эди, улар чақирганда ҳар сафар бўйин товламай борар ва қурултойларда қатнашар эди⁴. Бу сўзлардан очиқ маълумки, Жўжи Улуси қўшинининг сўл қанотини ташкил қилган Оқ Урда XIV аср бошларида ўз династиясидан бўлган хонларига эга бўлса ҳам, аммо у Сарой Беркада ўтирган хонларга тоби бўлган. Шу нарса характерики, Саси-Буганинг тахт вориси, унинг ўғли Эрзан Оқ Урда тахтига мустақил равишда мерос йўли билан ўтирмай, балки Олтин Урда хони Ўзбек (1312—1342) томонидан ўтказилган. «Искандар аноними» да Эрзан энг яхши фазилатларга эга бўлган киши, доно ва одил

¹ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 234 бет (форсча текст), 130 бет (русча тарж.).

² 768 ҳ. йил санаси билан иккита танга сақланган; лекин 2 рақами, баъзан устанинг бепарволиги орқасида 6 рақами билан алмаштириб юбориларди, чунки бундай қилиш осон бўлган.

³ Муизда кўрсатилишича, Тўйхўжа шаҳзода Қутлугхўжанинг ўғли бўлган (В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 61 бет).

⁴ Тўхтамишхоннинг ҳукмронлик даври қачон тамом бўлганлигини аниқлаш қийин. 1395 йилдан кейин у ҳукмронликдан кетиб, умрини дарбадарликда ўтказган. У 1406 йилда вафот этган.

⁵ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 234 бет (форсча текст), 129 бет (русча тарж.).

ҳоким қилиб тасвирланган. Унда айтилишича, Эрзан Сирдарё бўйидаги бирқанча шаҳарларда — Утрор, Саброн, Жанд, Барчинлиғкент ва бошқа шаҳарларда мусулмончилик ишлари учун хайр-аҳсон йиғадиган муассасалар жорий қилган, масжид, мадраса, хонақо ва мазорлар қурдирган. Уз уруг-аймоқларини ва биринчи галда ўз династиясига мансуб бўлган одамларни турли ерларга жойлаштирган. Уша авторнинг сўзига қараганда, Эрзан уларга бўлиб берилган уделлар (куби)нинг ҳажмини аниқ қилиб белгилаб берган. У Оқ Ғрда (Ўзбек) Улусидаги кўчманчи ҳарбий зодагонлар орасида удел ерлар масаласида шунчалик тартиб ўрнатганки, мамлакатда ҳечқандай галва чиқмаган, «улуғларнинг ҳечбири кичикларга жабр қилмаган ва кичикларнинг ҳечбири ҳам катталарга бирон-бир ҳурматсизлик кўрсатмаган»¹. «Улуғлар» ва «кичиклар» — бу «феодал зодагонлар» блан «халқ» эмас, албатта, бинобарин, буерда гап ҳамма учун умумий бўлган фароғатлик вужудга келтирилганлиги тўғрисида бораётгани йўқ. «Улуғлар» ва «кичиклар» — кўчманчиларнинг ҳоким аристократик синфи ичидаги турли табақалардир. Шундай қилиб, буерда гап фақат ҳарбий аристократиянинг ўзининг ичида ғойишталик ўрнатилганлиги ва галва-жанжалларнинг бўлмаганлиги устидагина борапти, холос. «Искандар аноними»да айтилишича, шундан кейин ҳечким бундай хонни кўрмаган. Эрзан вафот этгандан кейин (у Оқ Ғрда пойтахти Сигноқда кўмилган) Муборакхўжа тахтга ўтирган (720—745); у отасига сра ўхшамаган. Удел муносабатлари системасида отаси ўрнатган тартибни у биринчи бўлиб бузган. «Муборакхўжа ўзининг ҳирс ва очкўзлиги блан тўс-тўполонни бошлаб юборди ва бу тўполон (булғоқ) Дашти Қипчоқда ҳозиргача ҳечкимнинг эсида чикқан эмас»². Нумизматика маълумотлари бу масалада ҳам манбадаги баъзбир айтилмай қолган жойларни аниқлашга ёрдам беради. Буерда қайси тўс-тўполон ҳақида сўз борапти? Фақат Муборакхўжахондан бошлаб унинг номи блан чиқарилган пулларнинг сақланиб қолганлиги фактининг ўзи шуни кўрсатадики, Муборакхўжа Оқ Ғрда хонлари ичида биринчи бўлиб ўзини Олтин Ғрдан, Сарой хонидан, мустақил деб элон қилган. Маълумки, бу даврда пул зарб қилиш, айниқса, қумуш пул зарб қилиш ҳуқуқи мусулмон Шарқда суверен ҳокимнинг имтиёзи ҳисобланар эди. Муборакхўжахон 728 ҳ. йилда³ пул зарб қилдириш блан ўзининг мустақиллигини элон қилди. Бу иш Олтин Ғрда хони Ўзбекнинг (1312—1342) норозилигига сабаб бўлмай иложи йўқ эди, шунингдек, Оқ Ғрданинг ўзидаги кўчманчи ва ҳарбий аристократия орасида ҳам

¹ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 234 бет (форсча текст), 129—130 бетлар (русча тарж.).

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 234 бет (форсча текст), 130 бет (русча тарж.).

Бу вақтгача Муборакхўжахон пул зарб қилдирмаган бўлса керак.

бу масалада низо' ва жанжаллар бошланиб кетди. Бунга яна бошқа бирқанча зиддиятлар ҳам қўшилиб, сиёсий аҳвол шу қадар мураккаблашиб кетдики, натижада Оқ Ұрдада жиддий тўс-тўполон бошланди ва бу тўполон Муборакхонни бирнеча вақт дарбадар бўлиб юришга мажбур қилди. Олтин Ұрда нима қилиб бўлса ҳамки, Оқ Ұрдани илгаригидек вассал қарамлигида бўлишига ҳаракат қилди. Муниддин Натанзийнинг айтишича, Муборакхўжа 2 ярим йил дарбадарликда юрган¹. Ўзбекхон Оқ Ұрда билан Олтин Ұрдани бир хонлик қилиб бирлаштириш учун шу вақтда ўз ўғли Тинибекни Сигноққа хон қилиб юборган бўлса керак. Тинибек Оқ Ұрдада узоқ хон бўлиб турмаган². Шайх Увайснинг айтишича, Ўзбекхон вафот қилгандан кейин орадан саз ўтмай Тинибек ўз укаси Жонибек томонидан ўлдирилган; Жонибек бу акасини Олтин Ұрдадаги хонлик тахтига да'во қилучи энг асосий рақиб деб билиб, шундай қилган эди. Жонибекхон Муборакхўжа вафот этгандан сўнг ва ўз акаси ўлдирилгандан кейин, «Аноним» да айтилишича, Оқ Ұрда тахтининг мерос қолиши масаласига аралашган ва Эрзаниннг ўғли Чимтойни (745—762 ҳ. й.) хон қилиб ўтқизган³.

Эрон манбаи бўлган «Аноним»даги бу хабарнинг тўғрилигини тангалардаги ма'лумотлар тўла тасдиқлайди. Бизда Чимтойнинг номи билан чиққан биронта ҳам танга йўқ. Чимтой гарчи ўзини Оқ Ұрданиннг суверен хони деб ҳисоблаган бўлмасада, броқ, суверен хон Муборакхўжа замонида эмас, балки худди шу Чимтой замонида Оқ Ұрда Олтин Ұрдалаги «тўс-тўполон»га актив суратда аралаша бошлаган, бу тўғрида бундан олдинги бобда муфассал гапирилган эди. «Искандар аноними»⁴, рус йилномалари ва нумизматика ма'лумотлари — барча манба'лар бунинг тўғри эканлигини тасдиқлайди. Чимтойнинг ўзи Сарой ишларига аралашмаган ва, афтидан, бундай қилишга шаҳсан ўзи қарши бўлган, броқ Оқ Ұрдадан Сарой Берка тахтини да'во қилучи бирқанча шаҳзодаларнинг чиқишига тўсқинлик қилаолмаган. Хизрни (Хидирни), Темур Хўжани, Муридни (Амуратни) ва Келдибекни эслайлик. Бу Сарой хонлари ўз пулларини XIV асрнинг 60-нчи йиллари бошида, Чимтойхоннинг хонлик даврининг охирида зарб қилдирганлар.

Броқ Олтин Ұрда ишларига аралашини масаласига келганда Чимтойнинг ўз оила а'золари ўртасида яқдиллик бўлмаган.

¹ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 234 бет (форсча текст), 130 бет (русча тарж.).

² А. Т. Тагиржонов, Кутбнинг «Хисров ва Ширин» дostonида «Маликхон Малиқасининг (я'ни Тинибекнинг хотини) мадҳияси» деган бобда Тинибекнинг саройи Сигноқда бўлганлиги ҳикоя қилинади, деб менга айтган эди.

³ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 234 бет (форсча текст), 130 бет (русча тарж.).

⁴ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 234 бет (форсча текст), 130 бет (русча тарж.).

«Искандар аноними»да айтилишича, Чимтойнинг невараси бўлган Урисхон «Кўк Урда улусини ҳам қўлга олишга ҳамавақт ўз отасини қистаган бўлса ҳам, лекин Чимтой (унга) қулоқ солмаган»¹.

Чимтойдан кейин Оқ Урда тахти Урисхонга ўтган, Урисхон 763 ҳ. йилдан 782 ҳ. йилгача, я'ни 1361 дан 1380 йилгача давлатни идора қилган². «Искандар аноними» Урисхоннинг баджаҳл одам эканлигини айтса ҳам, броқ у кучли хон бўлган, деб э'тироф қилади. Ўз ҳукмронлигининг биринчи кунларидан бошлабоқ у Муборакхоннинг йўлини тутиб, ўзини фақат суверен ҳоким деб э'лон қилибгина қолмай, балки кўчманчи ўзбек зодагонларни қурултойида «Олтин Урда» ишларига аралашини ҳам таклиф қилган. Урисхон бирнеча кунгача зиёфат бериб, йирик ва обрўли амирларга катта-катта ҳад'ялар улашган ва ҳарбий зодагонларнинг қўллаб-қувватлашига ишонган ҳолда Олтин Урда устига аскар тортиб борган. Афсуски, бу юришнинг қачон бўлганлигини аниқ билмаймиз. Бу — Оқ Урданинг Сарой хонларига қарши қат'ий ҳужум бошлаши эди. Урисхон бугун Олтин Урда давлатига ўзи ҳоким бўлиш учун, унинг ҳар иккала қисмини ўз ҳукмронлиги остида битта қудратли давлат қилиб қайтадан бирлаштириш учун зўр бериб ҳаракат қилган. Урисхон ўзининг бу сиёсатида анча муваффақият қозонган. 70-нчи йилларнинг ўрталарида у Хожин Тархон (Астрахань)ни эгаллаб, юқорида айтиб ўтилган Хўжа Черкасни уердан ҳайдаб чиқарган³.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, Урисхон Волганинг юқори томонига қараб юриб, Саройга етиб келган; Сарой аввал Хўжа Черкаснинг рақиби Ойбекнинг қўлига, кейин эса Ойбекнинг ўғли Қорихон қўлига ўтган эди. 776 ҳ. йилда (= 1374—1375) Урисхон Қорихондан Саройни тортиб олган⁴ ва тез орада шуерда у ўз пулларини зарб қилдирабошлаган. Бу эса бизгача етиб келган пул зарб қилинадиган қолипдан (унда Урисхоннинг номи, Сарой шаҳри ҳамда 779 ҳ. йил (=1377—1378) санаси ёзилган) кўриниб турибди⁵. Пул зарб қилинганлиги тўғрисидаги бу факт Саройнинг қўлга олинганлиги ҳақида Ибн Халдун берган хабарнинг тўғри эканлигини тамомила тасдиқлайди. Урисхон олдида жуда оғир бир вазифа — Мамайни йўлдан олиб ташлаш вазифаси турар эди, броқ Урисхон бу вазифанинг удласидан чиқаолмади. Юқорида айтиб ўтилганидек, Куликово жангига қадар Мамай-

¹ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 131 бет.

² Урисхон Оқ Урда тахтига бирнеча йил кейинроқ келган, я'ни 764 ҳ. йилдан олдин ўтирмаган бўлса керак.

³ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., Ибн Халдун, 374 бет (арабча текст), 391 бет (русча тарж.).

⁴ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, 374 бет (арабча текст), 391 бет (русча тарж.).

⁵ Урисхоннинг бизгача етиб келган тангаларидан биринчиси эса 770 ҳ. йилда Сигноқда зарб қилинган.

нинг куч-қудрати жуда зўр эди ва у Ұрисхонни Саройдаги бошқа хонлардан кучлироқ бўлган жиддий рақиб деб ҳисобламас ҳам эди.

Ұрисхон Олтин Ұрдага қарашли Поволжьеда ўз сиёсатини зўр бериб амалга оширар экан, Оқ Ұрданинг ўзида ёш Тўхтамишдек жиддий рақиб чиқиб қолди.

Тўхтамиш юқорида айтиб ўтилган Тўйхўжа ўғлоннинг ўғли эди, Тўйхўжанинг ўзи эса, «Муиз»да айтилишича, шаҳзода Қутлуғхўжанинг ўғли бўлган¹; бу эса П. Савельевнинг юқорида келтирилган Оқ Ұрда хонлари шажара таблицасининг камчилигини кўрсатади.

Ҳарҳолда, Тўйхўжа ўғлон Оқ Ұрдадаги ҳукмрон династиянинг кўзга кўринган ва эʼтиборли шаҳзодаси бўлган. Ұрисхон даврида у Манқишлоқнинг ҳокими бўлган. Ұрисхон ўз ҳукмронлигининг дастлабки кунларида Олтин Ұрда ишларига аралаштириш масаласида зодагонлар қурултойини чақирганда, Тўйхўжа Ұрисхоннинг бу ниятларига қатʼий қарши чиққан. Тўйхўжа ўғлон хайрихоҳлик билдирмагани ва бўйсунмаганлиги учун қатл қилинган. Тўйхўжанинг Тўхтамиш² деган ўғли бор эди. Тўхтамиш ёш, ғайратли ва қобилиятли шаҳзода эди. У отаси қатл қилингандан кейин Оқ Ұрдада жуда хавотирда юрди, унинг ўз ҳаёти учун қўрқишга ҳамма асослари бор эди. У таʼқиблардан қутулиш учун 1376 йилда Самарқандга, Мовароуннаҳрнинг ёш, лекин кучли ҳокими бўлган Темур ҳузурига қочиб борган. Темурни Темурланг (Европа талаффузида Тамерлан) деб ҳам аташган. У рус йилномасида ҳам ўша ном блан, лекин туркча формада Темур Оқсоқ деб ёзилган. «Ланг» ва «оқсоқ» — бу иккови бир нарсадир, биринчиси форсча, иккинчиси туркий сўз бўлиб, «чўлоқ» демакдир.

Шу вақтдан бошлаб (1376 й.) Тўхтамишнинг тарихи бизга яхши маʼлум, чунки бир томондан, Темурнинг муфассал расмий тарихи ёзилган «Зафарнома» деган китобни тузган XV аср эрон авторлари Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг ва, иккинчи томондан, Темурнинг кичик замондоши бўлган араб автор Ибн Арабшоҳнинг Тўхтамиш тўғрисида айтган маʼлумотлари бор, шунингдек, рус йилномаларида ҳам Тўхтамиш тўғрисида XV асрдаги эрон манбаʼларига кирмаган кўпгина қимматли маʼлумотлар сақланиб қолган.

Низомиддин Шомий Шарафиддин Али Яздийдан бирмунча олдинроқ ёзганлиги ва Яздий Шомийнинг фикрларини ўз асарига асос қилиб олганлиги сабабли, бундан кейинги баʼенимизда, асосан, Низомиддин Шомийнинг айтганларига таянамиз. Шарафид-

¹ В. Г. Тизенгаузен, кўрс асар, II т., 61 бет.

² Тўхтамишнинг онаси Кудан Кунчек (Ғаффорийнинг айтишича, Куй Кичик) Қўнғирот қабиласидан бўлган [В. Г. Тизенгаузен, кўрс асар, II т., «Искандар аноним», 137 бет (форсча текст), 132 бет (русча тарж.); Ғаффорий, ўшаерда. 211 бет].

дин Али Яздий ва бошқа авторларнинг берган маълумотларига улар фақат Низомиддин Шомийнинг айтганларини тўлдирган ҳоллардагина мурожаат қиламиз.

Тўхтамишнинг таржуман ҳолига қайтайлик. Темур Чу¹ дар'ёсининг юқори оқимидаги Қўчқор² деган жойда уруш қилиб юрган пайтда унга, шаҳзода Тўхтамиш Урисхоннинг кирдикорларидан қочиб, Самарқандга сенинг олдинга мадад ва паноҳ истаб келди, деб хабар қилганлар. Ақлли ва узоқни кўрадиган сиёсатчи бўлган Темур ҳарқанақасига Тўхтамишнинг кўнглини кўтариш ва уни қўллаб-қувватлаш кераклигини жуда яхши тушунарди. Урта Осиёнинг айрим ерларини битта давлат қилиб бирлаштириш блан банд бўлган Темур, Оқ Ҷрданинг кучайиши натижасида келиб чиқадиган хавф-хатарни сезмаслиги мумкин эмас эди. Бунинг устига, кучли Оқ Ҷрданинг тўс-тўполомларни ҳақиқатан ҳам тўхтатаолиши ва бутун Жўжи Улусида ҳокимиятни ўз қўлига олиши мумкинлигини Темур яхши тушунар эди. Қўшни бўлиб турган кучли ва қудратли Ҷрда (Олтин Ҷрда блан Оқ Ҷрда) Мовароуннаҳрни бирлаштириш ишига жуда катта хавф солиб турарди. Мана шунинг учун ҳам Темур Оқ Ҷрда ишларига ўз таъсирини ўтказиб, шу мақсадда уерга ўз одамини қўймоқчи бўлди. Ана шундай ният ва мақсадларни кўзда тутган Темур Тўхтамишни мумкин қадар яхшилаб кутиб олишни буюриб, ўзи эса Ҷзкент орқали Самарқандга жўнади. Буерда амирлар Темурга Оқ Ҷрдан қочиб келган ёш шаҳзодани таништирдилар. Низомиддин Шомийнинг айтишича, Темур Тўхтамишни ҳартомонлама кўнглини кўтарган, унга катта тортиқлар ҳад'я қилган ва кўпдан-кўп олтин, чорва моллари, чодирлар, мата ва зеб-зийнат буюмлари, дўмбиралар, байроқлар, қурол-яроғ, от ва хачирлар ва, ниҳоят, қўшин берган. Шу блан бирга Темур Ҷтрор блан Савронни³, Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича эса⁴, Сиғноқни (Оқ Ҷрданинг пойтахти) ҳам дарҳол Тўхтамишга ин'ом қилган. Броқ бу ин'ом қилинган шаҳарларни қўлга олиш керак эди, чунки бу қилинган ин'ом Оқ Ҷрдада ҳали инобатга олинмас эди. Урисхон бўлмаганлиги учун (Урисхон бу вақтда Волга бўйига аскар тортиб кетган эди) ҳақиқатда Оқ Ҷрдадаги ҳокимият унинг ўғли Қутлуг Буғанинг қўлида эди. Еш Тўхтамиш 776 ҳ. йилда (= 12 VI 1374—2 VI 1375) ана шу Қутлуг Буғага қарши аскар тортиб борди. Биринчи жангдаёқ Қутлуг Буға ўлдирилган эди, ammo унинг ўлими Оқ Ҷрда қўшинининг қонини қайнатиб юборди ва шундан кейин Тўхтамиш тор-мор этилди. Жанг майдонидан қо-

¹ Қирғизистон ССР да.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., Шарафиддин Али Яздий, 146 бет.

³ Низомиддин Шомий, форсча текст. Тауег нашр., 75 бет.

⁴ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., Шарафиддин Али Яздий, 147 бет.

чиб борган шаҳзода яна Темурнинг паноҳидан жой топди. Тўхтамиш муваффақиятсизликка учраган бўлса-да, лекин Темурнинг ундан кўнгли совумади. Мовароуннаҳр ҳукмдори Тўхтамишни иккинчи марта бутун керакли уруш анжомлари билан таъминлади ва унга янги, аввалгидан кўра яна ҳам кучлироқ бўлган қўшин берди. Бу сафар Тўхтамишга қарши Ҳрисхоннинг бошқа ўғли — Тўхтакия аскар тортиб чиқди. Тўхтамиш бу гал ҳам қаттиқ шикаст еди. Темурнинг ҳаёти ва қилган ишларини ёзган ҳар икки эрон тарихчиси ҳам жуда ажойиб бир эпизодни — Тўхтамишнинг бир ўлимдан қолганлиги тўғрисидаги воқияни муфассал ҳикоя қиладилар. Тор-мор қилинган Тўхтамишни қолган аскарлар ҳам ташлаб кетганларидан кейин у Сирдарёга қочиб борган ва устидаги кийимларини ечиб, нариги қирғоққа ўтиб олиш учун ўзини дарёга ташлаган. Тўхтакияннинг аскар бошлиқларидан бири бўлган Қозончи баҳодир Тўхтамишни қувлаб бориб, камондан унга қараб ўқ узган ва Тўхтамишнинг қўлини ярадор қилган. Тўхтамиш зўр машаққатлар билан қирғоққа аранг чиқиб олиб, буталар орасига кириб бекинган. Қутилмаганда Идигу Барлос¹ деган Темурнинг юборган одами ўша ерга яқин жойда бўлади; Темур бу одамни бирор кўнгилисиз ҳодиса юз бергудай бўлса, Тўхтамишга ёрдам бериш учун атайин юборган эди. Идигу Барлос буталар ичидан инграган товушни эшитиб, шу овоз чиққан томонга қараб юради ва Тўхтамишни жуда аянч аҳволда ётганини кўради. Шундай қилиб, Тўхтамиш иккинчи марта ҳам Темур саройига шармандан-шармисор бўлиб қайтади. Брок Темур Оқ Ұрдада ўз одами бўлиши кераклигини ниҳоятда истаганлигидан Тўхтамишга ҳечқандай норозилик билдирмайди. Тез орада Самарқандга Темур ҳузурига иккинчи бир қочоқ — манғитлар қабиласидан бўлган Идигу, яъни рус йилномаларида Едигей деб аталган одам келади. Тўхтамиш сингари, Идигу ҳам Ҳрисхондан қочиб келган эди. Ҳрисхон бу сафар Сирдарё бўйларида юз бераётган ишлардан хабардор бўлган бўлса керак, ўз юртига қайтиб келади ва дарҳол Темурга иккита элчи юбориб, исёнкор Тўхтамишни унга тутиб беришни талаб қилади ва, ақс ҳолда уруш қиламан, деб дўқ уради². Темур Ҳрисхоннинг талабини рад қилади ва урушга тайёрланабошлайди. Бу сафар ҳукмдорларнинг ўзлари катта қўшинга бош бўлиб, урушга чиқадилар. Манба'ларда кўрсатилишича, Ҳрисхон бутун Жўжи Улусидан аскар йиққан. Ҳар икки томоннинг қўшини 777 ҳ. йил (= 2 VI 1375—20 V 1376) қишда Сигноқ шаҳри ёнида тўқнашган. Дастлаб қиш ёмғиргарчилик билан бошланиб, сўнгра қаттиқ совуқ тушган ва кетма-кет қалин

¹ Бу Идигуни манғитлар қабиласидан чиққан, рус йилномаларида Едигей номи билан машҳур бўлган Идигу билан аралаштирмаслик керак.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., Низомиддин Шомий, 107 бет.— Форсча текст, Таиен нашр., 75 бет.— Шарафиддин Али Яздий, 148 бет.

қор ёққан эди. Жангчилар совуқдан қўлларига қурол ушлаёлмаганлари учун ҳар иккала томон ҳам жанг бошламасликка қарор берган. Аммо Темур, унча аҳамиятли бўлмаса ҳам, душманга қарши бирнеча марта муваффақиятли ҳамлалар қилган. Шу қиш Темур юртига қайтган ва, шундай қилиб, Оқ Ұрдани бўйсундириш ишини баҳорга қолдирган. 778 ҳ. йил баҳорида (=1376—1377) Темур Ҳрисхонга қарши яна жуда катта қўшин тортиб борган. Брок Темур бу сафар ҳам Ҳрисхон блан қат'ий жанг қилаолмайди, чунки Ҳрисхон урушга чиқиш пайтида вафот этади¹. Оқ Ұрда тахтига Ҳрисхоннинг катта ўғли Тўхтақия ўтиради, лекин тез орада у ҳам вафот қилади. Тахт Темур Малик Уғлон қўлига ўтади. Темур қўмондонлигини яна Тўхтамишга юклайди, Тўхтамиш эса яна мағлубиятга учрайди. Темур шахсан совға қилиб берган учқур от туфайли Тўхтамиш асир тушишдан ва Оқ Ұрда хонини қажр-газабига дучор бўлишдан қочиб қутулади. Темур бу сафар ҳам сабр қилади ва у Тўхтамишни Оқ Ұрда тахтига хон қилиб ўтказиш фикридан қайтмайди. Бундан кейинги вазиятнинг ўзи Тўхтамишнинг омадини беради. Темур Малик жиддий одам эмас эди, у кўп вақтини ишратпарастлик, ўйин-кулги блан ўтказиши, ичкиликка берилади ва шу туфайли бутун обрўсини йўқотади. Темурга Сигноқдан ва бошқа жойлардан, Оқ Ұрдада Тўхтамиш тарафдорлари бўлган одамлар анчагина бор, деган хабарлар келабошлайди². Темур бу қулай вазиятни ҳисобга олиб, Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, 778 ҳ. йил охирида (=21 V 1376 — 8 V 1377)³ Сигноқ тахтини олиш учун Тўхтамишни тўртинчи марта жўнатади. Бу сафар Тўхтамиш енгади ва ўзини Оқ Ұрда хони деб э'лон қилади. У Сигноқ, Саврон ва бошқа шаҳарларни босиб олади. Шу нарса характерлики, тангалардаги ма'лумотларга кўра, Тўхтамиш 780 (=1378—1379), 781 (=1379—1380) ва 783 (=1381—1382) ҳ. йилларда Сигноқда пул зарб қилдирган⁴. 778 ҳ. йилининг қиш фаслини Тўхтамиш Оқ Ұрдада ўтказиб, идора қилиш ишларини тартибга солган, ҳарбий-феодал зодагонларнинг энг кучли ва э'тиборли вакиллари блан яхши муносабатлар ўрнатган ҳамда кўп сонли ва сараланган қўшин тўплаган. 779 ҳ. йил баҳорида (=1377—1378) у Поволжьега қараб йўлга

¹ Бир томондан, Темур ҳамда иккинчи томондан, Ҳрисхон блан Тўхтамиш ўртасидаги муносабатлардан яхши хабардор бўлган Низомиддин Шомий блан Шарафиддин Али Яздийнинг бу хабарни тангалардаги ма'лумотларга тўғри келмайди, чунки бизнинг қўлимизда Ҳрисхоннинг номи блан 779 ҳ. йилда Сарой шаҳрида зарб қилинган танга бор.

² Низомиддин Шомий, Тауег нашр., 77 бет. — В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 108 бет.

³ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 150 бет. — Низомиддин Шомий бошқа санади, я'ни 780 ҳ. й. (=30 IV 1378—18 IV 1379) йилиги кўрсатади (Тауег нашр., 77 бет; В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 108 бет).

⁴ А. Марков. Инвентарный каталог, 528—529 бетлар.

чиққан ва, афтидан, уерда тез орада Сарой Беркани ва Волганинг сўл қирғоғидаги бошқа шаҳарларни қўлга олган.

Олтин Ұрдада Тўхтамишнинг ҳокимлик қилган дастлабки йилларига доир малумотлар шарқ манба'ларида сақланмаган. Аммо рус йилномаларида эса Тўхтамиш сиёсий биографиясининг бу даври анча муфассал ёритилган. Ёилномада тўпланган фактларни диққат блан ўқиб чиқиб, уларни бундан олдинги бобларда баён қилинган фикрлар блан солиштирилгач, Тўхтамишнинг Ұрисхон томонидан бошлаб берилган сиёсатни қат'ий суратда амалга оширабошлаганлиги аниқ ма'лум бўлади. Тўхтамиш Жўжи Улусининг ҳаммасини, я'ни Оқ Ұрдадан ташқари бутун Олтин Ұрдани ҳам ўзига бўйсундиришни вазифа қилиб қўйган. Олтин Ұрданинг катта қисми эса Мамай кўлида эди. Шундай қилиб, ўша даврда Мамай Тўхтамишнинг асосий душмани бўлиб қолган. Димитрий Донскойга қарши Русь устига қўшин тортиб боришга тайёргарлик кўриш блан банд бўлган Мамай, афтидан, Жўжи Улусининг шарқий қисмида нималар бўлаётганлигига етарли э'тибор бермаган ва Тўхтамишнинг куч ҳам имкониятларидан беҳабар бўлган. Тўхтамиш эса, аксинча, Мамай блан Димитрий Донской ўртасидаги кураш блан боғлиқ бўлган воқиаларни зийраклик блан кузатиб борган.

Мамайнинг Куликово майдонида 1380 йили мағлубиятга учрагандан кейин нима бўлганлиги масаласига қайтайлик. Мамай, йилномада айтилишича¹, бу мағлубиятнинг Олтин Ұрда давлати учун ҳам, шунингдек, шахсан ўзи учун ҳам жуда ёмон оқибатларга олиб келишини жуда яхши тушуниб, бунга ҳечбир рози бўлаолмаган. Мамай юртига қайтиб келиши бланок Русь устига янгидан қўшин тортиб бориш учун ўз қўл остидаги территориядан иложи борича кўпроқ жангчилар тўплайбошлаган. Броқ у ўч олиш имкониятига эга бўлаолмаган. Мамайга қарши Тўхтамиш қўшин тортиб келган. Қалка дар'ёси бўйида тарихда иккинчи буерда бир-бири блан тўқнашган, бу қонли жанг Тўхтамишнинг тўла ғалабаси блан тамом бўлган. Тор-мор қилинган Мамай бу мағлубиятдан кейин тарих майдонидан батамом тушиб кетди, чунки унинг энди бошқа аскарлари ҳам, обрўси ҳам қолмаган эди. Йилномада айтилишича, «Мамайнинг амирлари эса Мамайдан яширинча ўзаро маслаҳатлашиб, шундай қарорга келганлар: «Мамайнинг даргоҳида яшашимиздан фойда йўқ, ҳамма жойда душманларимиз томонидан хўрланамиз ва калтак еимиз, бинобарин, унинг даргоҳида яшашдан бизга фойда борми? Шоҳ Тўхтамиш ҳузурига борайлик-чи, у ерда яна нима бўлса, кўрармиз»².

¹ ПСРЛ, XI, Никоновск. летоп., 68 ва ундан кейинги бетлар, 6889 (1380 — 1381) йил санасида.

² ПСРЛ, XI, 69 бет.

Ҳамма ташлаб кетган, фақат кичик бир дружинаси блан қолган Мамай Қримнинг денгиз бўйидаги савдо шаҳри бўлган Кафа ма'мурлари блан ўзига бошлана бериш тўғрисида музокара юрита-бошлайди. Уша вақтларда Мамай Қримнинг ҳақиқатда ҳокими сифатида уерга тез-тез бориб, узоқ вақт турар эди, шу сабабли Кафадаги Генуяга қарашли бой фактория Мамайни яхши танир эди. Кафа шаҳрининг ма'мурлари Мамайга шаҳарга кириш учун рухсат берганлар. Мамай кичик бир отряди «ва олтин-кумуш, қимматбаҳо тош ва марваридлардан иборат кўпдан-кўп бойлиги»¹ блан шаҳарга кириб борган. Броқ «кафалилар» Олтин Ұрданинг омади кетган ҳокимини шаҳарга бекорга киритмаганлар; улар орадан бирнеча кун ўтар-ўтмас, Мамайни ўлдириб, унинг бойлик-ларини тортиб олганлар. Олтин Ұрдадаги тўс-тўполонларни бос-тираолмаган ва Куликово майдонида 1380 йили мағлубиятга уч-раган кишининг ҳаёти ана шу тариқа шармандалик блан тамом бўлди. Куликово майдонидаги мағлубият эса Русьнинг татарлар тутқунлигидан батамом халос бўлиш истиқболини очиб берган эди. Тўхтамишнинг Калка дар'ёси бўйида Мамай қўшини устидан ғалаба қозониши Олтин Ұрда ҳаётида ва жумладан, Тўхтамиш ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди. Эндиликда Жўжи Улусининг ўзида Олтин Ұрда тахтининг янги да'вогари бўлмиш Тўхтамиш-нинг йўлига гов бўлаоладиган ҳечбир реал бир куч қолмаган эди. Хожи Тархон (Астрахань)дан тортиб то Булғоргача бўлган Поволжьедан ташқари Шимолий Кавказ, шунингдек, Волганинг ғарбидаги областьлар блан бирга Қрим ҳам Тўхтамиш қўлига ўтди. Янғидан бирлаштирилган Олтин Ұрдага фақат Хоразм кир-маган эди, ма'лумки, Хоразм амалда Темурнинг қўлига ўтиб кет-ган эди. Мамай енгилгандан кейин Тўхтамиш жуда кўп ўлжа қўлга туширди, бу ўлжага у ўз қўшинини янада яхшилиб қурол-лантирибгина қолмай, балки босиб олинган мол-мулкларнинг анча қисмини ўз жангчиларига улашиб ҳам берди.

Олтин Ұрданинг гуриллаган даврида Русьнинг унга тўлаган мажбурият ва хирожларидан ҳам Тўхтамишнинг воз кечкиси келмади (юқорида айтиб ўтилган XIV асрнинг 60—70-нчи йилла-ридаги «тўс-тўполон»лардан илгари Олтин Ұрдага шундай маж-бурият ва хирожлар тўланиб келган эди). Тўхтамиш бутун Ұрда хони сифатида давлатни идора қилабошлаган дастлабки кунлар-даноқ «ўша кузда Москвадаги буюк князь Димитрий Иванович хузурига, шунингдек, барча рус князьларига ўз элчиларини жўна-тиб, бу князьларга ўзининг Волга подшолигига келганлигини, қан-дай қилиб ҳукмрон бўлганлигини, ўзининг рақиби ҳамда улар-нинг душмани бўлган Мамайни қандай қилиб енгганлигини, ўзи эса Волга подшолиги тахтига ўтирганлигини айтган»².

¹ ПСРЛ, XI, 69 бет.

² Уша жойда.

Русьнинг бошқа шаҳарларидаги сингари, Москвада ҳам, Куликово жангидан кейинги оғир жароҳатлар ҳали тузалиб битмаган эди. Иппномада айтилишича, «бутун Рус ерида аскарбошилар, хизматкорлар ва барча қўшинлар тамомила камайиб кетганлигидан бутун Рус ери катта таҳликага тушиб қолган эди»¹. Ана шундай бир пайтда татар элчиларини ҳайдаб юборилса, катта хато қилинган бўлур эди. Гарчи оғир бўлса ҳам, вақтинча бўйсунишга тўғри келди. Ана шунинг учун ҳам Димитрий Донской «Урдага, Волганинг янги шоҳи Тўхтамиш ҳузурига, ўз элчилари Тўлбуға ва Мокшиани ҳад'я ва совға-саломлар блан жўнатган»².

Тўхтамишнинг Литва князи Ягайло ҳузурига элчилар юбориши ҳам жуда қизиқ бир ҳолдир. Элчилар унга Тўхтамишнинг махсус ёрлигини олиб келганлар, бу ёрлиқ айни замонда ҳам фармойиш, ҳам информация ҳисобланган. Бу ёрлиқ бизгача сақланмаган. Буни биз Тўхтамишнинг Ягайлога юборган бошқа бир ёрлигидан балиб олдик; бу вақтда Ягайло фақат Литванинг буюк князигина эмас, шу блан бирга Польша короли ҳам эди. Бу кейинги ёрлиқ 795 ҳ. йил Ражаб ойининг саккизинчи куни, я'ни 1393 йилнинг 20 майида Тана (Азов) шаҳрида ёзилган. Бу ўринда ёрлиқнинг бошланиши бизни айниқса қизиқтиради: «Менким, Тўхтамиш, Ягайлога дейман. Улуғ ўринга қандай қилиб ўтирганлигимизни хабар қилмоқ учун. Биз Қутлуғ Буға ва Ҳасан бошчилигида аввал элчлар юборган эдик ва сен ҳам ўшанда ўз аризачиларингни бизга юборган эдинг»³.

Юқоридаги ёрлиқ Мамай қўшинини Тўхтамиш тор-мор қилгандан кейин орадан 13 йил ўтгач ёзилган. Ёрлиқнинг дастлабки сатрларидан равшанки, Тўхтамиш Қалка дар'еси бўйида Мамайни енггандан кейиноқ ўзининг Олтин Ұрда тахтига ўтирганлиги тўғрисида хабар юборган. Ёрлиқдан яна шу нарса равшанки, Ягайло Тўхтамишнинг энг кучли ва имтиёзли вассалларидан бири ҳисобланган бўлса ҳам, лекин у Тўхтамишнинг олий ҳокимиятини э'тироф қилган. Брок Тўхтамиш рус князьларининг зоҳиран тоби'ликни тап олишларига қаноатланмаган. Тўхтамиш тўғридан-тўғри рус ерларини Ұрданинг оддий бир улусига айлантиришга ҳаракат қилган ва буни фақат қуроқ кучи блан амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблаган; бунинг устига, Мамайнинг тор-мор қилинган лагеридан қўлга туширилган ўлжа Тўхтамишга камлик қилган ва у иштило қилинган ҳамда таланган рус шаҳарларидан яна кўпроқ ўлжа олишга ҳаракат қилган. Москванинг бойликлари Тўхтамишнинг айниқса ҳавасини келтирарди. Ана шуларнинг ҳаммаси уни 1382 йилда Русь устига ва, жумладан, Москва устига ҳам аскар тортиб бориш учун тайёрлик кўришга олиб келди.

¹ ПСРЛ, XI, 69 бет.

² Уша жойда.

³ ЗВО, III, 6 бет, текст, 4 ва ундан кейинги бетлар. В. Радлов таржимаси ва нашри.

Рус йилномаларида бу юришни тасвирлайдиган икки хил нақл: Симеон йилномасига кирган эски нақл ва бирнеча вариантларда (Новгороднинг тўртинчи йилномасида, Ермолин йилномасида, София биринчи йилномасининг давомида ҳамда Никон йилномасида) ёзилган янги нақл сақланиб қолган. Бу икки хил нақл ўртасидаги асосий фарқ шундаки, биринчисида (Симеон йилномасида) Тўхтамиш 1382 йилда Москвани қамал қилган пайтда халқ шаҳарни татарлардан ҳимоя қилишда актив иштирокчи қилиб кўрсатилмаган. Иккинчи нақлда эса, аксинча, шаҳарни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳикояда Москванинг асосий ҳимоячилари қилиб шаҳарликлар ва аввало пойтахтнинг меҳнаткаш аҳолиси кўрсатилган. Бахтга қарши, шаҳарни ҳимоя қилишда халқнинг роли тўғрисидаги хабар бизга черковдаги юқори табақа одамларнинг таъсири остида бузиб, қайтадан ишланиб, очикдан-очик сохталаштирилган ҳолда етиб келган. Бу тўғрида йилномалардаги гапларни ўқир эканмиз, воқналарни халқнинг синфий душманлари бўлган кишилар ҳикоя қилганликларини сра ёднимиздан чиқармаслигимиз керак.

Тўхтамишнинг 1382 йилда Москва устига қўшин тортиб келганлиги тўғрисидаги энг қизиқ хабарлар қуйидагилардир:

1. Симеон йилномасидаги ҳикоя, бу ҳикоя ўзи алоҳида қисса тарзида берилмаган¹.

2. Ермолин йилномасидаги ҳикоя, бу ҳам айрим қисса қилиб берилмаган².

3. «Подшо Тўхтамишнинг Москвани олиши ва Рус ерини асоратга солиши тўғрисида»³.

4. «Тўхтамишнинг Москва устига қўшин тортиб келганлиги тўғрисида қисса»⁴.

5. «Подшо Тўхтамишнинг Москвани олганлиги ва Рязань ерини асоратга солганлиги тўғрисида қисса»⁵.

Тўхтамиш Русь устига қўшин тортиб бориши учун жуда пухта тайёргарлик кўрган. Узининг қўшини тортиб бориши Русь учун ва Москва князи Дмитрий учун қўққисдан қилинган бўлишига Тўхтамиш айниқса кўп эътибор берган. София биринчи йилномасида айтилганича, «Тўхтамишнинг аскар тортиб бориши тўғрисида бирор кимса Русь ерига хабар етказмасин учун, Русь бу тўғрида ҳеч нарса билмасин учун, Тўхтамиш барча рус савдогарларини тутиб олиб, мол-мулкни талаттирди, ўзларини эса қаматтирди, ammo Урданинг ичида Русь ерининг тарафдорлари бўлган махсус тайинланган баъзибир яхши ниятли одамлар бор эди»⁶.

¹ ПСРЛ, XVIII, 131—133 бетлар.

² ПСРЛ, XXIII, 127 ва ундан кейинги бетлар.

³ ПСРЛ, VI, 98—103 бетлар.

⁴ Бу иккала қисса Никон йилномасида ёзилган бўлиб, бир-бирига яқин вариантлардан иборатдир. — ПСРЛ, XI, 71—81 бетлар.

⁵ ПСРЛ, VI, 99 бет.

Савдогарларнинг, жумладан, рус савдогарларининг бошқа мамлакатларда нималар бўлаётганлиги тўғрисида хабар бериб туришда қандай катта роль ўйнаганликлари ана шундан яққол кўриниб турибди. Бу рус савдогарлари орасида ўз мамлакатининг ватаипарварлари бўлган кишилар анчагина бор эди. Улардан кўплари савдо ишлари билан тез-тез Поволжьёда, Саройларда Қримда ва бошқа жойларда бўлиб, фақат савдо-сотик ишлари соҳасидагина эмас, балки сиёсий соҳада ҳам нима ишлар бўлаётганлигида хабардор эдилар. Шундай ватаипарварлик руҳидаги рус савдогарларидан ўзини беҳатар қилиш учун ҳам Тўхтамиш уларнинг ҳаммасини қириб ташлашга буйруқ берган, ҳолбуки бундай қабиҳ ишни аслида бераҳм ва маккор Мамай ҳам қилмаган эди. Тўхтамиш Булғорга татар қўшинининг олдинги отрядини жўнатиш билан ўз юришини бошлаган, Булғорда у, рус савдогарларини қириб ташлашгина эмас, балки уларнинг моллар ортилган кемаларини¹ ҳам босиб олишни буюрган ва шу билан катта ўлжа қўлга туширишни мўлжаллаган. Аммо бу факт яна шу жиҳатдан ҳам диққатни жалб қиладикки, Волга дарёси орқали ўтган савдо йўли ва савдо кемалари Ұрда савдогарлари қўлида эмас, балки рус савдогарлари қўлида бўлган.

Булғорга юборилган отряд кетидан Тўхтамишнинг ўзи ҳам катта қўшни билан Волгадан ўтган. Йилномада айтилмишча, бу воқиа «Тўхтамиш Ұрда ва Саройда ҳукмронлик қилишнинг учинчи йилида»² содир бўлган. Русьда у вақтда татарлар билан тўқнашсини истамаганлар, чунки кўплар татарлар билан қатъий жанг қилиш фурсати эмаслигини тушунардилар. Тўхтамишнинг қўшин тўртиб келганлигини тасвирлаб ёзган автор «ғайридин татарларнинг христианлар устига бостириб келиши нақадар оғир»³, деб таъкидлаб кўрсатади. Русьда ўша вақтда керагича ҳамжиҳатлик бўлмаган. Димитрий Константинович Суздальский қандай йўл билан бўлса-да, Нижний Новгороднинг тинчлигини кўзлаб, ўзининг икки ўғлини Тўхтамиш ҳузурига юборган, бироқ унинг ўғиллари Тўхтамишни тополмай, ҳечбир натижасиз қайтиб келганлар. Олег Рязанский эса Мамайнинг юриши даврида қандай қилган бўлса, бу сафар ҳам худди шундай йўл тутган, яъни тўғридан-тўғри хиёнат йўлига ўтган. Бу тўғрида рус йилномасида бундай дейилган: «Рязань князи Олег бўлса подшо Тўхтамишни Рязань ерига кирмасданоқ қарши олиб, унинг оёғига бош урди, Тўхтамишнинг Русь устидан ғалаба қилишида унга ёрдамчи бўлди, шунингдек, христианларга ёмонлик қилишда ҳам унга ёрдам берди ва Русь ерини қандай қилиб босиб олиш ҳамда тошдан қурилган Москва шаҳрини қандай қилиб осон йўл билан қўлга

¹ ПСРЛ, VI, 98 бет; ПСРЛ, XI, Никоновск. летоп., 71 бет.

² ПСРЛ, VI, 98 бет.

³ Уша жойда.

олиш ва буюк князь Димитрий Ивановични қандай қилиб енгил ва ағдариб ташлаш тўғрисида ба'зибир гапларни айтди»¹.

Москва князи Димитрий Донской аҳволнинг жуда оғир эканлигини билиб, яна қаҳрамонона жанг қилиш учун — мамлакатни татарлардан ҳимоя қилиш учун ҳарнима қилиб бўлса ҳам рус князьларини бирлаштиришга ҳаракат қилган, брок князьлар орасида ўйлаган муддасига эришаолмаган, чунки «улар орасида ихтилофлар чиқиб, ёрдам беришни хоҳламаганлар». Аччиғланган Димитрий Донской қўшин йиғиб келиш учун Костромага қараб кетган.

Олег Рязанскийнинг хиёнаткорлик билан йўл-йўриқ кўрсатиб беришдан фойдаланган Тўхтамиш катта қўшин билан Ока дарёсининг кечик жойидан тезликда нариги томонга ўтиб олиб, Москвага борадиган йўлга чиқади². Бу вақтда Москвада ихтилофлар жуда авж олган эди. Бирхил одамлар, яхшиси шаҳарни ташлаб чиқиб, ҳарким қаерда бўлмасин жон сақлаши керак, деса, бошқалари, бунинг аксича, Москвани ҳечбир кимса ташлаб кетмаслиги керак, ҳамма уни ғайрат билан ҳимоя қилиши керак, деб талаб қиларди. Шаҳарнинг халқ оммаси ана шу кейинги йўлдан борди. Никон йилномасидаги гапларга ишонадиган бўлсак, шаҳарни ҳимоя қилиш тарафдорлари орасида истеъдодли, бағайрат ташкилотчи ҳам топилган. Литва князи Ольгерднинг невараси Остей шундай ташкилотчи бўлган, дейишади. У шаҳарни мустаҳкамлайбошлаган ва бу билан москвалиларнинг руҳини кўтарган. Шу вақтда Москва атрофидаги аҳоли — «боярлар ва сурожлилар, мовутфурушлар ва бошқа хил савдогарлар, архимандритлар ва игуменлар... хуллас, барча ёшдаги эркак ва аёллар ўз бола-чақалари билан»³ шаҳарга келиб бекинган. Митрополит Киприанга яқин одамлар таъсирида бўлса керак, Остейнинг Москвани мудофаа қилишдаги роли йилномада жуда бўрттириб кўрсатилган, маълумки, Киприан Литвага хайрихоҳлик билдириб, уни Москва билан бирлаштиришга ҳаракат қилар эди. 1382 йил 23 августда Тўхтамиш Москвага етиб келиб, уни ўраб олди. Ана шундай қилиб Москвани қамал қилиш бошланди. Душманга қаттиқ зарба бериш учун ҳамма нарса тайёрлангандек эди. Брок Москвада шаҳар мудофаасини издан чиқармоқчи бўлган хойнлар чиқиб қолган. Йилномада айтилишича: «Ба'зибир галамус одамлар ҳовлима-ҳовли юриб, тўраларнинг ертўласидан асалларини ва кумуш ҳамда хрустал идишларини олиб чиқиб, ўлгуича мастбозлик қилганлар»⁴. Маст кишилар эҳтиёт бўлишни унутганлар, энг муҳими — кўриниб турган хавф-хатарни менсимганлар ва, душман кучсиз, ундан кўрқинишнинг ҳожати йўқ ва осонгина уни енга-

¹ ПСРЛ, VI, 98 бет.

² Уша жойда.

³ Уша жойда, 99 бет.

⁴ Уша жойда, 100 бет.

миз, деган ишончга берилиб кетганлар. Шаҳарни қамал қилиш бошланган. Татарлар Москвани штурм блан олиш учун бирнеча марта уриниб кўрганлар. Улар камонлардан жуда кўп ўқ узганлар, девор бузар минораларни олиб келиб ишга солганлар, штурм қилиш учун шаҳар деворларига нарвоңлар қўйганлар, лекин буларнинг ҳечқайсиси фойда бермаган. Қамалдагилар татарларнинг устига тошларни ёғдириб ташлаганлар, штурм қилаётганларнинг бошига қайноқ сув қўйганлар ва ўзларининг тюфак*ларини ишга солганлар. Бу—москвалиларнинг шаҳарни мудофаа қилишидаги жуда антиқа бир деталь ҳисобланади. Тюфаклар рус кишилари қўллаган ўқсочар қурол бўлиб, биринчи марта мауба'ларда тилга олинади. Рус тарихчиларидая проф. В. В. Мавродин «тюфаклар»га алоҳида э'тибар берган, у ўзининг «О появлении огнестрельного оружия на Руси» («Русьда ўқсочар қуролнинг пайдо бўлиши тўғрисида»)¹ деган жуда қизикarli мақоласида бу деталь ҳақида махсус тўхталиб ўтган. Шаҳар кўрғони атрофида жанг қилиб кетган бир вақтда москвалилардан бири бўлган хуварман-мовут тўқучи Адам деган бир киши Флоров дарбозасидан туриб, Тўхтамишга энг яқин бўлган Ұрда амирларидан бирини камондан ўқ узиб, тил торттирмай ўлдирди. Тўхтамиш бундан қаттиқ ғазабга келиб, Москвадан ва уни ҳимоя қилучилардан ўч олмоқчи бўлди. У, москвалилар курашини тўхтателар, уларнинг гуноҳини кечаман, жони омон қолади ва молу мулкига теғмайман ва ҳатто турли ҳад'ялар бераман, деган ва'да блан ҳийла-найранг ишлатди. Остеи Тўхтамишнинг ёлгон гапларига ишониб, дарбозаларни очиб берди ва Тўхтамишнинг олдига тортиқлар кўтариб чиқди. Москвалилар ва Остеининг ўзи ҳам бундай лақмаликнинг жаддини тортдилар. Остеи шунинча ўлдирилди. Москва бўлса талон-торож қилинди ва бир қисмига ўт қўйилди. Москва шаҳрининг ўзида ўшанда жуда кўп киши ўлдирилди. Ёилномада кўрсатилишинча, Тўхтамиш Москвадан катта ўлжа қўлга туширган. Москвага яқин бўлган бирнеча шаҳарларни талаб, Тўхтамиш Тверьга қараб бормоқчи бўлади, лекин бу мақсадни амалга ошираолмайди. Москвалилар блан бўлган курани Тўхтамишнинг қўнигини ҳолдан тойдирган эди, шунинг учун у Тверь князидан катта хирож олиб, жанубга бурилди ва Ұрдага қайтиб кетди.

Тўхтамишнинг босқинчилиги Москвага ва унинг атрофидаги жойларга оғир жароҳат етказди: пойтахтнинг ва унинг агрофида-

* Тюфак — эски вақтларда ишлатилган кичик калибри, тўпга ўхшаган ўқсочар қурол. *Ред.*

¹ Вестн. Ленингр. ун-в., 1946, № 3, 66 ва ундан кейинги бетлар. — А. М. Беленицкий. О появлении и распространении огнестрельного оружия в Средней Азии и Иране в XIV—XVI веках. Изв. ТФАН. 1949, № 15, 21 ва ундан кейинги бетлар. — В. Г. Федоров. К вопросу о дате появления артиллерии на Руси. Изд. Акад. артил. наук. М., 1949, 67 ва ундан кейинги бетлар.

ги шаҳар ҳамда қишлоқларнинг аҳолиси обод уй-жойларидан ажралиб, қуруқ вайроналар ичда қолди.

Костромадан талон-торож қилинган Москвага қайтиб келган Димитрий Донской учун 1382 йилнинг куз кунлари унинг ҳаётидаги энг огир кунлар бўлди, чунки ўша пайтда Тўхтамишга қарши у бирор чора кўришдан ўзининг батамом ожиз эканлигини кўрди. У вақтда Димитрийнинг катта ҳарбий кучи йўқ эди. Унда фақат келажакка бўлган умид, Русьнинг ички кучлари йўқ қилиб ташланмаган, Русьнинг бирлигини тиклаш мумкин, моддий имкониятлар эса ниҳоятда кўп, деган ишончгина қолган эди.

Тўхтамишнинг талончиликдан иборат бўлган юришида омадининг келиши унда, жуда катта кучнинг эгасиман, деган қаттиқ ишонччи туғдирди. Ҳар галги ҳарбий муваффақиятдан кейин унинг улуғ Олтин Урда давлатини тиклашга бўлган умиди мустаҳкамланаборди. Темурнинг қўли билан ҳамда унинг вассали бўлиб тахтга ўтирган Тўхтамиш Мамайни тор-мор қилгандан ва Москвани талагандан кейин тез орада Хоразмда 785 ҳ. йилда (= 1383)¹ ўз номи билан пул зарб қилдиришдан қўрқмади. Бу иш Тўхтамишнинг Хоразмга нисбатан тутган ҳақиқий сиёсий программаси эди. Темурнинг Хоразмни Мовароуннаҳрнинг бошқа ерларига қайтадан қўшиб олиш пиятлари Тўхтамишга яхши маълум эди, шунингдек, Темурнинг Сўфийлар династиясидан бўлган амирларни фақат майда вассаллар сифатида қўйиб қўйганини ҳам Тўхтамишнинг билмаслиги мумкин эмас эди. Шундай қилиб, Хоразм ишларига аралашиб, яна ерда ўз номи билан пул зарб қилдириши Тўхтамишнинг ўла-ўлгунича унутмаслиги керак бўлган ҳукмдор билан очиқдан-очиқ алоқани узганлиги кўрсатар эди. Эрондаги ишлар билан жиддий банд бўлган Темур бошқа масалалар билан овора бўлгиси келмади, шу сабабдан ҳам у Тўхтамишнинг бу бориб турган душманлик ҳатти-ҳаракатига ортиқча эътибор бермади. Тўхтамишнинг Озарбайжонга нисбатан тутган ҳатти-ҳаракати улуғ Олтин Урда давлати сиёсатининг энг яққол бир кўриниши бўлди. Озарбайжонни Олтин Урдага қўшиб олишга актив суратда ҳаракат қилган Олтин Урда хонларидан сўнггиси Жонибек бўлганлигини юқорида кўриб ўтган эдик. Брок 1357 йилда Жонибек вафот қилиши билан унинг қўлга киритган ютуқлари пучга чиқди. Қолдириб кетилган Олтин Урда отряди томонидан эзилган Табриз шаҳрининг аҳолиси Жонибекнинг вафотидан сал илгарироқ ўрдалиларга қарши бош кўтарган ва Жалонрийлар династиясидан бўлган амир Увайсга фақат Табризнигина эмас, балки жуда катта ўлкани ҳам босиб олишда ёрдам берган. Амир Увайс Озарбайжон территориясидаги турк-мўғул кўч-

¹ В. В. Бартольд ўзининг Тўхтамиш туғрисидаги кичик бир мақоласидаёқ «Елсулоюле де У'длаи», «Тўхтамиш» сўзи остида) шу ҳодисага эътибор берган эди.

манчи отрядларнинг бошлиғи эди. Шу тариқа шимолий Эронда Жалоирийлар давлати (1356—1411 йиллар) ташкил топди. Бу давлатга жанубий Озарбайжон ерлари, шимолий (ҳозирги совет) Озарбайжони ерларининг бир қисми, шунингдек, Бағдод шаҳри блан бирга араблар мамлакати бўлмиш Ироқ ва ғарбий Эроннинг ба'зибир ерлари ҳам кирган эди. Броқ мамлакат ичкарисидаги феодал низо-жапжалларни тўхтатиш мумкин бўлмаганлиги, шунингдек, кўчманчи турк-мўғул қабилалари бошлиқларининг тинч ҳаёт кечириётган шаҳар халқи ва қишлоқ аҳолисига жабр-зулм қилишлари туфайли Жалоирийлар давлати мустақкам бир давлат эмас эди. Жалоирий султонлари ичиде энг баттоли султон Аҳмад (1382—1410) эди. Бу оламнинг номи халқ хотирасида энг раҳмсиз ва маккор ҳокимлардан бири сифатида сақланиб қолган. Унинг даврида фақат деҳқонлар ва шаҳарлардаги ҳунармандларгина эмас, балки савдогарлар блан зодагонлар ҳам қаттиқ азоб чеккан. XV асрдаги эрон ва араб манба'ларида султон Аҳмаднинг номи Темурнинг Эронга қилган юришлари муносабати блан тез-тез учраб туради. Темур XIV аср 80-нчи йилларининг биринчи ярмидаёқ шимоли-шарқий Эрон ўлкаларини босиб олгандан кейин, очикдан-очик жанубий Озарбайжонни бўйсундиришга қаратилган сиёсатни олиб боради, жанубий Озарбайжонни қўлга киритилса, бой Закавказьега йўл очилар эди. Ўз ҳокими султон Аҳмаднинг талончилигидан ва жабр-зулмидан азоб чеккан Табриз аҳолиси орасида Темурнинг айғоқчилари усталик блан олиб борган тарғибот ишлари яхши муваффақият қозонади. Табризда зодагонлар орасида Ўрта Осиё ҳукмдорининг тарафдорларидан иборат жуда кучли бир гуруҳ вужудга келган¹. Темур ўзининг «донги кетганлиги» дан яхши хабардор эди ва олдиндан ғалаба қилишига ишонгани ҳолда султон Аҳмад блан тўқнашишга тайёрланди. 1385 йилда Султонияга яқин жойда ҳар иккала қарши томон кўшинлари ўртасида жанг бўлди. Темур енгиб чиқди, лекин уни анча муҳимроқ ишлар банд қилиб қўйгани учун Табриз зодагонлари орасидаги Темур тарафдорлари уни шаҳарга киришга очикдан-очик да'ват қилсалар ҳам, у Табризга бормади. Тўхтамиш Озарбайжонда нималар бўлаётганидан хабардор эди, шунинг учун катта кўшин ҳамда жуда кўп моддий ресурслар блан 786 ҳижрий йил қишида (25 II 1384—11 II 1385) Табризга кўшин тортиб боришга жазм қилди. Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг ўғли ва унинг Тарихи Гузиде номли асарини давом эттирган Зайниддин бу тўғрида муфассал ҳикоя қилади². Жалоирийларнинг вассали Иброҳим (1382—1417) ҳукмдор бўлган Дарбанд ва Ширван ўлкалари орқали ўтиб, Тўхтамиш 787 ҳижрий йилнинг қишида (12 II

¹ А. А. Марков. Каталог джелаиридских монет, XXV бет.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 226 бет (форсча текст), 97 бет (русча тарж.).

1385—1 II 1386) 9 тумандан иборат қўшин билан Табризга етиб келган. Татарлар қўшини етиб келган пайтда, Низомиддин Шомийнинг айтишича, табризликларнинг бошлиғи бўлмаган¹. Шунга қарамасдан, шаҳар аҳолиси душманга қатъий қаршилик кўрсатишга қарор берган ва ўз шаҳрининг тор кўчаларида баррикада тилида истеҳкомлар қурабошлаган. Тўхтамишнинг жангчилари 8 кунгача шаҳарга кираолмаган. Тўхтамиш Табриз остонасида ҳам буздан бирнеча йил бурун Москва ёнида ишлатган маккорлик тактикасини ишга солган. Катта хирож олиш шарти билан у сулҳ шартномаси тузишга рози бўлган. Заъиниддин Казвинийнинг айтишича, табризликлар ўша замонда жуда катта пул ҳисобланган 250 туман олтин йиғиб беришлари лозим бўлган. Табриз савдогарларининг (хўжаларининг) бу пулни йиғиб беришларига қарор қилинган ва худди шундай қилиб бажарилган ҳам. Тўхтамиш жуда катта ўлжани олгач, бу билан қаноатланмаган ва шартномани бузиб, Табризга ўзининг жуда катта қўшинини киритган ва уни батамом талон-торож қилган. Чингизхон замонидан буён табризликлар бундай зўр фалокатни кўрмаган эдилар. Аҳолининг кўп қисми ўз уй-жойидан абадий жудо қилинган: ба'зилари ўлдирилган, бошқалари ярадор бўлиб ҳамда қийноқ-азоблардан ўлиб кетган, учинчи бирхиллари эса (асосан ёшлар) қул қилиб олиб кетилган. Тўхтамиш 1386 йилда Озарбайжондан жуда катта ўлжалар олиб қайтиб кетган. Бу воқиядан кейин, орадан сал ўтмай, Озарбайжонда Темур пайдо бўлди, у Шимолий Эронни, айниқса Озарбайжонни ўз ҳокимиятига бўйсундириш учун очиқдан-очиқ ҳаракат қилмоқда эди. Темур билан Тўхтамишнинг бой Озарбайжонни бир-бировларига ўз розилиғи билан бермаслиги уларнинг ҳар иккаласига ҳам мутлақо равшан эди. Аввалги вақтлардагига, я'ни дастлабки Олтин Урда хонлари давридагига ўхшаш (Бейбарс билан Беркахон ўртасида элчилар юбориб турилганлигини эсга олайлик) Тўхтамиш Миср султони ҳузурига элчилар юборган. Ал Макризийнинг айтишича, 766 ҳ. йил 11-нчи Зулҳижжада (=25 I 1385) Тўхтамишдан Мисрга элчилар борган, бу элчилар уерда катта иззат-ҳурмат билан кутиб олинган. Одат бўйича бу элчилар совгалар олиб борганлар, совгалар орасида ажойиб лочинлар, турли хил маталар билан безатилган тойлар ва қуллар бўлган. Миср султони элчиларни жуда кўп озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлашни ва уларга кунига 100 дирҳамдан пул беришни буюрган².

Элчилар Мисрда нима тўғрисида сўзлашганликлари бизга номаълум. Аммо кейинги воқиялардан шу нарса равшанки, Тўхтамиш ўша вақтдаёқ (1385 йил январь) Темурнинг Эронда ку-

¹ Низомиддин Шомий, форсча текст. Тауег нашр., 97 бет.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 427 бет (арабча текст), 441—442 бетлар (русча тарж.).

чайиб кетиши мумкинлигини кўзда тутиб, Олтин Ұрда блан Миср ўртасида иттифоқ тузиш учун тайёргарлик кўрган. Ҳарҳолда, Темур 90-ичи йилларда Тўхтамишга қарши қат'ий кураш олиб борган пайтда, Тўхтамиш Темурга қарши иттифоқ тузиш учун Миср султониغا бирпеча марта мурожаат қилган¹.

Қандай бўлмасин, лекин ҳар икки томон — Темур блан Тўхтамиш бир-бири блан тўқнашишга тайёрланмоқда эди. Брок уларнинг ҳар иккаласининг тактикаси икки хил эди. Темур тўқнашини кейинга чўзмоқда эди, чунки у Эронда, айниқса, Озарбайжонда ва Закавказьеда ўз мавқини мустаҳкамлаб олишни го'ятда муҳим деб билар ва шундан кейингина, бир томондан, Мовароуннаҳрга ва, иккинчи томондан, Закавказье ҳамда шимолий Эронга таяниб туриб, итотсиз одами ва вассалига қарши уруш бошлашни зарур деб ҳисоблар эди. Бунинг аксича, худди ана шу сабабларга кўра, Тўхтамиш Темур блан мумкин қадар тезроқ қиличбозлик қилишга ҳаракат қилар эди, чунки у Темурнинг Эронда ва Закавказьеда кучайиб кетишидан кўрқар эди.

788 ҳ. йилнинг қиш фаслини (=2 II 1386—21 I 1387) Темур Озарбайжоннинг Қорабоғ деган жойида ўтказди, бу жойда Темурнинг ўшанда асосий қўшини ҳисобланган отлиқ аскарлари учун жуда яхши шароит бор эди. Худди шу вақтда Тўхтамишнинг қўшинлари Дарбад орқали ўтиб, Самур² дар'еси бўйига чиққан. Бу тўғрида Темурга хабар етгач, у бирпеча тумандан иборат олдинги отрядиши Тўхтамишнинг қаршисига юборган ва отряд бошиқларига, Тўхтамиш блан жанг қилинмасин, бунга Темурнинг ҳаракат қилишда Тўхтамиш блан тузган шартномаси ва битими бор деб баҳона қилинсин, деган. Борди-ю, Тўхтамишнинг қўшинлари биринчи бўлиб хужум қилгудай бўлса, орқага қайтиб, тезликда ўз қўшинларингизга етиб олишга ҳаракат қилинг, деб буйруқ берган.

Темурнинг олдинги отряди дар'ёга яқинлашганда, уерда жуда катта қўшин турганини кўрган. Тўхтамишнинг бирпеча айгоқчиларини тутиб олиб, бу кимнинг қўшини, деб сўраганлар. Айгоқчилар, Тўхтамишнинг қўшини, деб жавоб берганлар. Темурнинг амирлари буйруқни бажариб орқага қайтганлар, аммо душманининг олдинги отряди уларнинг устига камондан ўқ ёғдирган ва шундан кейин жанг бошланиб кетган. Орадан бироз вақт ўтгач, Темурнинг ўғли Мироншоҳ қўмондонлиги остида Темурнинг қўшини етиб келиб, жангга кирган. Тўхтамишнинг асосий кучлари блан қаттиқ жанг бўлган. Жангда Мироншоҳнинг қўли баланд келаётганлиги очиқдан-очиқ кўриниб турган эди.

¹ Қуйида бу тўғрида муфассал гапирилади.

² Догистондаги дар'ё.

Шундан кейин Тўхтамиш қўшинини орқага қайтариб, Дарбандга қараб кетган.¹

Уша йили Тўхтамиш Закавказье ва Озарбайжоннинг ичкари-сига иккинчи марта киришга жур'ат этмай, қўшинини тўсатдан шарққа қараб олиб кетган. Темурнинг Эрон ичкарисида юрганини ва Мовароуннаҳрда унинг кучли қўшини йўқлигини билиб, Тўхтамиш 789 ҳ. йилда (=22 I 1387—10 I 1388) катта қўшин билан Сигноқдан ўтиб, Темурийларнинг Ўрта Осиёдаги ерларининг чегара қал'аси ҳисобланган Саврон шаҳрига етиб келган. Саврон ҳимоячилари шаҳарни шу қадар қаттиқ туриб мудофаа қилганларки, шаҳар истеҳкомлари эса шу қадар мустаҳкам бўлганки, Тўхтамиш ҳарчанд уринса ҳам, қал'ани олаолмаган. Тўхтамиш қўшинига қарши Андижондан Темурнинг ўғли шаҳзода Умар Шайх аскар билан келган. Утрордан сал нарироқда Тўхтамиш қўшини билан жанг бўлиб, бу жангда Умар Шайх енгилган. Шундай қилиб, Тўхтамишнинг Мовароуннаҳрга, гуллаб-яшнаб турган Зарафшон водисига бемалол кириб боришига йўл очилган. Йўл-йўлакай бирқанча қишлоқ ва шаҳарларни талаб борган Тўхтамиш Бухорони қўлга олмоқчи бўлди, броқ Саврон сингари, Бухоро шаҳри ва унинг қал'асини ҳам олишнинг уддасидан чиқаолмади. Бухоро деворлари тагида Тўхтамиш қаттиқ қаршиликка дуч келган, бухородилар шаҳарни жуда усталик билан мудофаа қилабилганлар. Тўхтамишнинг қўшинлари Бухорони қолдириб, Мовароуннаҳрнинг то Амудар'е бўйига-ча бўлган атроф жойларини ва бирқанча райоиларини талаб кетган. Қаршидан ғарб томонда жойлашган, Қашқадар'е ҳавзасидаги Занжир Сарой айниқса қаттиқ зарар кўрган².

Тўхтамишнинг талончилик юриши тўғрисидаги хабар Темурга бориб етган, Темур 789 ҳ. йилда (=1387—1388) Ғарбий Эроннинг Шероз шаҳрида эди. Тўхтамиш Мовароуннаҳр устига қўшин тортиб келиб, Хоразмда Темурга қарши қўзғолон тайёрлаган. Қўнғирот қабиласидан бўлган Сўфийлар династияси Хоразмда ҳали ма'лум даражада роль ўйнаганлигидан бу қўзғолонни тайёрлаш анча осон бўлган. Сўфийлар династиясининг сўнги вакили бўлган Сулаймон Сўфи қат'иян Тўхтамиш томонига ўтган. Темур бўлаётган ҳодисаларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, Тўхтамиш унинг Эронга нисбатан туган истилочилик шиятларингига эмас, балки Мовароуннаҳрнинг ўзини ҳам бирлаштириш ишини жиддий хавф остида қолдираётганлигини яхши пайқар эди. Ана шу сабабдан, у, Тўхтамишга қарши қат'ий ҳаракатлар бошлаш пайти етди, деб ҳисоблади. Темур аввало хоразмдиларни ва хиёнаткор Хоразмшоҳ Сулаймон Сўфийни жазолаш мақсадида Хоразмга қўшин тортиб борди, бу юриш Темурнинг Хоразмга қилган бе-

¹ Низомиддин Шомий, Тауег нашр., 101—102 бетлар.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 153 бет.

шиянчи юриши бўлиб, кўпга чўзилмади. Темур сахро ерлардан жадаллик блан юриб келиб, Бағдодак¹ каналдан ўтди ва Урганчга етиб келди. Сулаймон Сўфи, Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, «тахтдан кўра бошини ва юридан кўра ҳаётини сақлаб қолишни афзал билиб», Тўхтамиш ҳузурига қочиб борган ва Тўхтамишнинг яқин одамларидан ва унинг қўшин бошлиқларидан бири сифатида ундан ҳечбир ажрамаган. Буни биз қуйида кўриб ўтамиз.

Темур Хоразмни босиб олиб ва талаб, тезда Урганчни ҳам эгаллаган. Хоразмиларнинг қилмишларидан ғазабланган Темур ўша 789 ҳ. йилнинг ўзида (= 1387—1388) бутун аҳоли Самарқандга кўчирилсин, Урганч шаҳри яқсон қилинсин, шаҳарнинг ўрнига эса арпа экилсин, деб буйруқ берган. Буйруқни тўлиқ бажариш мумкин эмас эди, аммо унинг буйруғига биноан, мумкин бўлган ҳамма чораларни кўрилган ва гуллаб турган шаҳар ярим харобазор сахрога айланган. 1391 йилда Темур жаҳлидан тушиб, Хоразмнинг пойтахти Урганчни қисман бўлса-да тиклашга рухсат берган. Буни биз қуйида кўриб ўтамиз.

¹ Бағдодак каналининг қаердалиги аниқ маълум эмас. В. В. Бартольд фикрича, Бағдодак Амударёнинг шимолий irmoқларидан бири бўлган (В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана, 87 бет).



У Ч И Н Ч И Б О Б

*XIV АСРНИНГ 80—90-нчи ЙИЛЛАРИДА
ТЕМУРНИНГ ТЎХТАМИШГА ҚАРШИ КУРАШИ*

„Уларнинг олд томоннда Итиль дарёси, орқасида эса ҳалокатли қилч туғар эди“.

Шарафиддин Али Яъқубий (XV а.)

1

Темур Тўхтамиш блан биринчи марта 777 ҳ. йилда (= 1375 — 1376) танишган. Бу пайт Темур майда феодалликларга бўлиниб кетган Мовароуннаҳрни бирлаштиришга эндигина киришабошлаган, ҳарбий ишларда катта истеъдод эгаси эканлигини ҳали намоеън қилмаган ва Эрон, Закавказье, Кичик Осиё, Ҳиндистон ва Хитойда катта-катта территорияларни босиб олиш ва уерларни талон-торож қилишнинг ташкилотчиси ва раҳбари сифатида ҳали ном чиқармаган бир давр эди.

Темурнинг яқин 15 — 20 йил ичида дун'ё миқ'ёсидаги ҳукмдорга айланишини, фақат Урта Осиёнинггина эмас, балки деярли бутун Олд Осиёнинг ҳам тақдирини ҳал қилучи ҳукмдор бўлишини унинг замондошларидан ҳечким ўйламаган эди. Темур 1376 йилда Самарқандда Тўхтамишни ўз паноҳига олган пайтда, ҳали отоқли ҳукмдор сифатида донги чиқмаган эди. У вақтда Темурга лоақал Олтин Урда хошига баробар келаоладиган ҳукмдор деб ҳам қаралмас эди. Уша вақтда Темур паноҳида иззат-ҳурматда бўлган Тўхтамиш ҳам Темурга шундай деб қарар эди. Темур ёш жиҳатидан Тўхтамишдан катта ва сиёсий майдонга ҳам ундан олдин чиққан бўлса ҳам, уларнинг асосий ҳукмронлик даври деярли бирвақтга тўғри келган. Темур Тўхтамишга ҳомийлик қилиб, унинг учун жуда катта маблағлар сарф қилган, лекин Темурнинг бу марҳаматлари бегараз эмас эди. 70-нчи йилларда Урта Осиёни бирлаштириб бир бутун давлат ташкил қилиш блан банд бўлган Темур, шу блан бирга, ўз давлатининг осойишта яшайолиши-

га имкон берадиган бир шароит яратиш, я'ни атрофида душман давлатлар бўлмаслигига эришиш масаласи устида доимо уйлар эди. Шу нуқтага назардан Темур Мовароуннахрнинг шарқий ва шимоли-шарқий чегараларига алоҳида хавф блан қарар эди. Етисув ва Қашқарнинг мўғул хонлари ва Жўжи Улуси уни ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишлантирар эди. Олтин Ұрдадаги воқиялар ва тўс-тўполонлардан, Мамайнинг ҳолидан, ниҳоят, Жўжи Улусини қайта тиклашда Оқ Ұрда ва унинг ҳокими Ҳрисхоннинг қандай роль ўйнай бошлаганидан Темур яхши хабардор эди. Олтин Ұрданинг бирлаштирилиши, Жўжи Улуси қудратининг яна тикланиши, Темурнинг фикрича, Мовароуннахр учун зарар эди, чунки қудратли Жўжи Улуси Темур бошчилик қилган давлатга ҳар доим хавф тугдирар эди. Мовароуннахр ҳокими бўлган Темур Олтин Ұрданинг заифлигиндан жуда манфаатдор эди. Ҳрисхоннинг тақибларидан қочиб, 1376 йилда Самарқандга келган шаҳзода Тўхтамишни Темурнинг иззат-ҳурмат блан ўз паноҳига олганининг сабаби ҳам ана шунда эди, чунки Темур шу муносабат блан Оқ Ұрданинг, кейин эса Олтин Ұрданинг ишларига актив суратда аралаштириш имкониятига эга бўлган бўлар эди.

Тўхтамиш сиёсат майдонида иш бошлаган дастлабки ойлар ва ҳатто йилларда Темур берган ёрдамни жону дилдан қабул қилган. Ташқаридан қараганда ўз ҳомийсидан миннатдор ва унга содиқ бўлган Тўхтамиш, амалда орадан кўп ўтмай, мустақил сиёсий ҳаракат қила бошлади, кўп ҳолларда ҳатто Темур манфаатларига зид ишлар қилди, чунки Тўхтамиш Темурнинг вассали бўлиб қолишни ҳеч ҳам хоҳламас эди. Тўхтамиш тезда Мамайни тор-мор келтириб, Жўжи Улусида ҳокимиятни кўлга олгандан кейин (1381 йил), Олтин Ұрданинг қудратини ва унинг улус давлатчилиги сиёсатини қайта тиклаш йўлига ўтди.

Тўхтамишнинг бу қилмишлари эртами-кечми, икки ўртада жанжал чиқишига сабаб бўлишини Темур яхши сезар эди. Тўхтамиш ҳам бунини яхши пайқар эди, шу сабабли у ўз ҳомийси блан курашишга зўр бериб тайёрлик кўра бошлади. Темур ҳам бу тўқнашувга тайёрланса-да, лекин шошилмас эди, балки тўқнашишга ҳали вақт эрта деб, тайёргарликни орқага сурар эди. Бу вақтда Тўхтамиш нақадар катта маблағларга ва одам резервларига эга эканлигидан Темур яхши хабардор эди. 80-нчи йилларнинг иккинчи ярмига қадар Тўхтамиш Темурга қараганда анча кучли эди. 80-нчи йилларнинг охирига келганда, шунда ҳам Тўхтамиш 1387 йилда Мовароуннахрга талончилик мақсади блан қўшин тортиб келгандан кейингина Темур Тўхтамишга қарши курашишга қарор берди. Брок шундан кейин ҳам, Тўхтамиш дастлабки пайтларда ташаббусни кўлдан бермади. 1388 йил охирида Тўхтамиш жуда катта қўшин тўплади, бу қўшинда, Шарфиддин Али Яздийнинг айтишича, турк-мўғул қисмларидан ташқари, яна рус, булғор, черкас, алан, мокша, бошқирдлардан ва

Қрим, Кафа (Феодосия) ва Азоқ (Азов) халқларидан олинган отрядлар бўлган¹.

Тўхтамиш қишда йўлга чиқиб, қўшинининг бир қисмини Саврон шаҳрини қамал қилиш учун қолдирган, иккинчи қисмини эса, Арьсь дар'ёсининг Сирдар'ёга келиб қуйиладиган жойи яқинидаги Зернуқ қал'аси районига юборган.

Бу вақтда Темур ўз пойтахти Самарқандда эди. Тўхтамиш қўшинларининг яна бостириб келаётганини эшитиб, Темур Тўхтамишга қарши чиқиш учун керакли армияни тўплашга буйруқ берган. Бунинг учун Темур Андижондаги ўғли Умар Шайхга ва Ҳиротдаги иккинчи ўғли Мироншоҳга ўз таважжийларини² юбориб, халқдан керакли миқдорда лашкар тўплаб бироз вақтдан кейин, белгиланган жойга етиб келишни буюрган. Темурнинг ўзи эса Самарқанд блан Кеш (Шаҳрисабз) дан бирнеча ўн минг жангчилар олиб, авангард сифатида Сирдар'ё томонга қараб юрган.

Бу вақтда қаҳратон қиш эди, дастлаб гоҳ ёмғир, гоҳ ҳўл қор ёғиб турган, кейин совуқ бошланган, шу даражада қалин қор ёққанки, отлар зўрға юрган. Андижондан келган Умар Шайх отрядлари Темурга Сирдар'ё бўйида қўшилган. Сирдар'ёдан сал нарироқда Темур Тўхтамиш қўшинининг олдинги қисмлари блан тўқнашиб, уларни тор-мор қилган ва қолган-қутганларини дар'ёнинг нариги томонига қочишга мажбур этган.

Темур эришган бу ютуғига қизиқиб кетиб Тўхтамиш қамал қилиб турган Саврон шаҳрига қараб бормай, Самарқандга қайтган, бу вақтда Мироншоҳнинг Хуросондан ва унга ёндош областлардан тўплаган асосий кучлари Самарқандга етиб келган эди. 1389 йилнинг эрта баҳори эди, Самарқанднинг теварак-атрофидаги ерларда Балх, Қундуз, Бақлон, Бадахшон, Хутталанд, Хисор ва бошқа область ҳам шаҳарлардан келтирилган аскарлий қисмлар турар эди. Темур лозим бўлган тайёргарликни кўриб бўлгандан кейин, шу 1389 йилнинг баҳоридаёқ Оқ Урдага қараб юрган ва Тўхтамиш қўшинлари блан шуерда учрашмоқчи бўлган. Броқ бу сафар Тўхтамиш урушмасдан Саврон қамалини бўшатиб, даштликнинг ичкарасига кириб кетган. Ҳар иккала томон ҳам бу, урушни кечиктириш эканлигини, ахир бир кун муқаррар тўқнашув бўлажagini жуда яхши тушувар ва шу сабабли бўлажак урушга зўр бериб тайёрланабошлаган эди.

2

Темурнинг Тўхтамишга қарши кураши масаласини рус тарих фани алоҳида ўрганиб чиққан. XIX асрнинг биринчи ярмида Петербургда ишлаган француз ориенталисти М. Шартоу биринчи

¹ Шарафиддин Али Яздий, I, 461. — В. Г. Тизенгаузен, кўрсатилган асар, II т., 156 бет.

² Таважжийлар тўғрисида қуйида сўзланади.

марта бу соҳада анча катта илмий текшириш иши олиб борди. Бу илмий асар, Expedition de Timour à l'Ink ou l'amerlan contre Toqamische Khân de l'ouloûs de Djoûtchy, en 793 de l'hégire ou 1391 de notre ère, деб аталган. Сарлавҳадан кўри-ниб турибдики, бу асар авторнинг ўз она тили — француз тилида ёзилиб, „Mémoires de l'Academie impériaie des sciences de Sa nt-Pé èrsbourg“¹да 1836 йилда босилиб чиққан. М. Шармуанинг бу илмий асари Темурнинг 1391 йилда Тўхтамишга қилган ҳарбий юришинигина тасвирлаган ва унда 1) шу юришга оид манба'ларнинг кўпчилигини келтирган (асосий манба'лардан ўша вақтда унга нома'лум бўлган Низомиддин Шомий тексти-гина йўқ), 2) манба'лар француз тилига таржима қилиб берилган, 3) 1391 йилдаги юришни алоҳида текшириб ёзилган кичик бир боб берилган, 4) бу боб учун шарҳлар берилган ва 5) асо-сан манба'ларнинг қисқача обзорига бағишланган кичик кириш сўзи берилган. Шармуанинг китоби босилиб чиққанига 100 йил-дан ортиқроқ вақт ўтган бўлишига қарамай, у, Темурнинг 1391 йилда Тўхтамишга қарши қилган юриши масаласини ўрга-ниш учун ўз аҳамиятини ҳозирги кунга қадар йўқотмаган.

Ўз замонида М. Шармуанинг бу фойдали асари М. И. Ива-ниннинг «Чингизхон ва Темурланг даврларида мўғул-татарлар-нинг ва Ўрта Осиё халқларининг ҳарбий сан'ати ва исгилолари»² номли китобига та'сир кўрсатган. Бу китоб икки марта нашр қилинган — биринчиси 1846 йилдаёқ босилиб чиққан, иккинчиси 1875 йилда босилган. Китоб автори шарқшунос бўлмаганлиги учун ориенталистлар асарларида келтирилган шарқ авторлари асарларининг таржималари ёки парчаларидан манба' сифатида фойдаланган. Шунга қарамай, бу китобнинг бирқанча қимматли томонлари бор, чунки у Бош Штаб ҳарбий-илмий комитетининг а'зоси бўлган мутахассис томонидан ёзилган.

Броқ ҳар иккала текширучилар, айниқса иккинчиси, Темур-нинг ҳарбий соҳадаги ташкилий ишлари, қўшинларнинг тузили-ши ва сан'ати тўғрисида фикр юритганда «Тузуқоти Темур» («Темур қондалари») ёки форсча «Малфузати Темур» («Темур-нинг ҳикматли сўзлари») номли асарни асос қилиб олган. Ҳар иккала автор, я'ни Шармуа блан Иванин фикрича, бу асар авто-биографик характердаги асар бўлиб, дастлабки манба'лар қа-торига киритилиши мумкин. М. И. Иванин Темур қўшинининг ҳар-бий тузилишига доир асосий фактларни ҳам ана шу асардан олган. Ҳолбуки, «Тузуқоти Темур»нинг автобиографик характер-даги асар эмаслиги, балки XVII асрда Ҳиндистонда ёзилганлиги

¹ Sixième série, sciences politiques, Histoire et philologie, tome III, St-Petersbourg, 18 6, 89—505 бетлар.

² М. И. Иванин ўлгандан кейин ген.-лейтенант князь Н. С. Голицин таҳ-ририда чиққан нашрга қаралсин (СПб., 1875).

ва унинг XV аср Эрон учун характерли эмаслиги ҳозирги вақтда аниқланган¹. Бинобарин Темурнинг ҳарбий ташкилоти ҳақида бу асарда айтилган фикрлар тарихий аниқ материал бўлаолмайди. Бу тўғрида илмий фикр юритмоқ учун асослироқ фактларга муурожаат қилиш зарур. Бундай фактлар XV аср тарихчиларининг асарларида бор. Жумладан, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Клавихо асарлари Темур тарихи учун асосий манба'лар бўлиб хизмат қилади. Булардан кейинроқ ўтган ва Низомиддин Шомий блан Шарафиддин Али Яздий асарларига асосланиб ёзган Абдураззоқ Самарқандий асари ҳам шулар жумласига киради. Темур блан Тўхтамишнинг ҳарбий ишларини тушунимоқ учун Жувайний асаридаги Чингизхоннинг улуг' ясоси деб аталган ерлар ҳам катта аҳамиятга эга.

Темур қўшини ҳам, ўша замондаги Жўжи Улуси қўшини сингари, Тўхтамиш даврида Чингизхон замонидаги мўгул қўшинларидан асосан ҳечқандай фарқ қилмаган. Темурнинг қўшини асосан Чингизхон қўшинига ўхшаб тузилган бўлсада, лекин у бироз такомиллаштирилган эди. Сўзимизнинг исботи учун, мўгул қўшинига асос қилиб олинган ва юқорида айтилган Чингизхон ясогига кирган принципларни қисқача баён қилиб ўтамиз. Чингизхон ва унинг лашкарбошилари мўгул қўшини блан фахрланар ва биздан аввал ўтганларда ва замондошларимизда ҳам бундай қўшини асло бўлмаган деб ҳисоблар эдилар. Мўгул қўшинида хизмат қилган бу халқ тинч вақтда меҳнат блан банд бўлган, турли фойдали буюмлар ясаган, ҳархил мажбуриятлар ўтаган, солиқлар — копчур², аваризот³ тўлаган, почта станциялари (бекатлар) нинг харажатлари учун кетадиган солиқлар тўлаган, от-улов етказиб берган, от ва бошқа ҳайвонларга ем-хашак етказиб бериб турган. Уруш вақтида бу халқнинг ҳаммаси аскарликка чақирилган, шу блан бирга, юриш ва жанг учун керакли барча уруш анжомларини: от ва бошқа ҳайвонлар, кийим-кечак, қурол-яроғ, қисқаси, арқондан тортиб игнагача ҳамма нарсани уларнинг ўзлари тайёрлаган⁴. Шулардан ма'лумки, мўгул қўшини ялпи мажбурият асосида чақириладиган халқ лашкарларидан иборат бўлган.

¹ В. В. Бартольд. Мир-Али-Шир и политическая жизнь. Мир-Али-Шир, сб. к пятидесятилетию со дня рождения, 1928, 103 бет.

² Қўчманчи мўгулларда копчур — «яйловдаги чорвалдан 1% миқдорда олинган солиқ» (В. Бартольд. Персидская надпись на стене Анийской мечети Мануче, СПб., 1911, 32 бет).

³ Аваризот — қўшимча, ошиқча олинадиган солиқлар ёки мажбуриятлар. Қўчманчи мўгулларда булар нямалақ иборат бўлганлигини айтиш қийин. Ўтроқ халқларда (Чингизхон бўйсундирган ва деҳқончилик блан кун кўрадиган ўлкаларга ясо киритилган эди) аваризот — бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиш, транспорт, далада ишлаш ва шунга ўхшаш соҳаларга тааллуқли бўлган favқулодда солиқ ва мажбуриятлардир.

⁴ Дж у в е й н и. История завоевателя мира. GMS, XVI, ч. I, 22 бет.

Мўғул қўшини ўнлик системага мувофиқ тузилган, яъни ўнликларга, юзликларга, мингликларга, ўнмингликларга (туманларга) бўлинган. Ҳарбий ишга лаёқатли мўғуллардан ҳарбири қайси ўнликка мансуб эканлигини, шу ўнлик орқали ўзининг юзбошисини ва бошқаларни яхши билган. Шу билан бирга, қўшинга чақирилган ҳарбир мўғул йиғиладиган ва кўрувдан ўтадиган жойига дарҳол етиб бориши ва керак бўладиган нарсаларнинг ҳаммасини тахт қўйиши даркорлигини билар эди. Сафарга анжомларини тахт қилиб келмаган жангчининг шўри қуриган, бирон нарсаси етишмаган одам қаттиқ жазоланган. Қўшин тўплаш зарур бўлиб қолганда, буйруқ юқоридан пастга қараб борган. Энг юқори ҳарбий бошлиқ туманбошига буйруқ берган, туманбоши эса буйруқни ўзидан пастдаги мингбошига, мингбоши юзбошига ва юзбоши ўнбошига юборган. Йиғилиш жойига тезда етиб келиш лозим бўлган, акс ҳолда, қаттиқ жазо берилган¹. Мўғул қўшинида асосий қўшилмаларга (қўшиннинг маркази, қанотларига) қўмондонлик қилучи шахзодалардан (ўғлонлардан) тортиб ўнликка кирган оддий жангчига қадар ҳаммаси қаттиқ интизомга бўйсунган.

Ясога кўра, қўшин юришга чиққан пайтда жангчилар ҳар доим ярим оч ҳолда тутилган, бунда қорни тўқ ит овда фойда бермаганидек, тўқ жангчи ҳам жангга ярамайди; жангда ғазаб ва шиддат билан урушиш ўрнига, бўшанглик қилади, деган қоида асос қилиб олинган.² Чингизхон ва унинг ворислари давридаги мўғул қўшинининг энг характерли хусусиятларидан бири шу бўлганки, бу қўшин шаҳар ва қишлоқларни босиб олган вақтда уларни қаттиқ талаган ва халқни раҳмсизлик билан қирган. Мўғул қўшинига таълим бериш ва уни тарбиялашда, ясога кўра, қуршаб ов қилиш катта роль ўйнаган. Чингизхон ва унинг ворислари қуршаб ов қилишга катта эътибор берганлар. Қуршаб ов қилиш ҳар доим катта масштабда ўтказилганлиги ва узоқ вақт давом этганлиги сабабли, фақат ҳарбий-хўжалик аҳамиятигагина эга бўлиб қолмаган, балки у урушга тайёрлик кўришнинг ўзига хос бир мактаби ҳам бўлган. Мўғул хони ов ташкил қилганда, аҳолини ҳақиқатда урушга чақиргандагидек, сафарбар қилган. Ов машғули айрим областлардан кўчманчилар ҳам чақирилган, келган кўчманчилардан ўнлик, юзлик, минглик ва туманлардан иборат ҳарбий отрядлар тузилган. Бунинг устига ов вақтида ҳам, худди юриш вақтидагидек, ўнг, сўл қанотлар ва марказ бўлган. Хон буйруғи билан, йиртқич ҳайвонлар макон топган жуда катта район баъзан бир ойга ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт қуршов қилиниб, бу территория тобора қисиб борилган³. Ясога кўра,

¹ Джувейни. История завоевателя мира, GMS. XVI, ч. I, 22-23 бетлар.

² Джувейни, ўша асар, 22 бет.

³ Джувейни, ўша асар, 20 бет.

қуршаб ов қилиш ҳарбий ишда фойдали бўлган кўпгина малакаларни тарбиялаган.

Темурнинг қўшини ҳам халқ лашкаридан иборат бўлса-да, лекин Чингизхон замонидагига ўхшаб умумхалқ орасидан териб олиннадиган лашкар эмас эди. Темур давлати феодал давлат бўлганлигига кўра, кенг кўчманчилар оммасидан халқ лашкарига одам олинса-да, броқ деҳқончилик билан шуғуллануши аҳолидан расамади билан олинган, я'ни юқоридан келган конкрет талаб ва жойнинг шароитига қараб маҳаллий ҳоким ҳар сафар деҳқонлардан тегишли одам ажратган. Темур лашкарининг Чингизхон қўшинидан муҳим фарқи яна шунда эдики, Темур қўшинида отлик аскарлар билан бир қаторда пиёдалар ҳам катта роль ўйнаган, буни Темурнинг ўз душманлари билан олиб борган катта жанглари тасвир қилган асарлардан кўриш мумкин¹. Бу эса Темур давлатининг феодал характериға жуда мос келган. Пиёда аскарлар асосан деҳқон ва ҳунармандлардан олинган, кўпинча бу ҳунармандлар кўшинға девор тешар машина ва бошқа хил қамал машиналари ҳамда турли мудофаа қуролларини ишлатиш учун олинар эди.

Темур қўшинининг ўзига хос характерли яна бир хусусияти шундаки, халқ лашкари сифатида қўшинға чақирилган жангчилар ба'зан юришға чиққан вақтларида узоқ муддатға, беш ва ҳатто ўн йилдан ҳам кўпроқ муддатға сақлаб қолинган. 1372 йилдан то 1405 йилгача узлуксиз урушлар олиб борган Темур, гарчи қўшинни халқ лашкари сифатида тўплаш принципини ўзгартмаган бўлса-да, унинг ташкилий томонини тобора такомиллаштириб борган.

Темур давлати феодал ерларнинг типик бирлашмаси эди. Булар, бир томондан, Мовароуннаҳр, шунингдек, Эрон территориясида маҳаллий династиялар бошчилик қилган эски Эрон князьликларидан, иккинчи томондан, ҳаржой-ҳаржойдан қирқиб олиниб янгидан ташкил қилинган ва Темур ўз ўғиллари ҳамда невараларини бошлиқ қилиб қўйган феодал бирлашмалардан, учинчи томондан — ахшом (кўчманчи қабилалар) ва вилоятдан (халқ ва областьдан) иборат эди; ахшом ва вилоятлар ҳам феодал ерлар ҳисобланаар эди. Бу ерларнинг кўпчилиги айрим ма'мурий бўлақлар сифатида давлатни ёки унинг бир қисмини бошқариш системасига кирган, шу билан бирға Кебекхон (1318—1326) замонидан бошлаб бу ма'мурий вилоятлар туманлар деб аталган. Бу феодал вилоятлар (туманлар) ҳам вилоят ҳокимлари бошчилигида халқ лашкарлари етказиб бериши лозим бўлган. Ҳарбир шундай тумандан 10.000 дан жангчи тўплансин деб ай-

¹ Қаранг: Низомиддин Шомий, описание сражения Тимура с Тохтамышем при Кундузче, Тауег нашри, 123—124 бетлар — Ш а р а ф и д д и н Али Я з д и й, 1, 334 бет.

тилса ҳам, броқ амалда деярли ҳамавақт бундан кам йиғилар эди. Абдураззоқ Самарқандий малумотига кўра, Темур халқ лашкарлари йиғиш тўғрисида фармон берган вақтида жуда катта ваколатга эга бўлган мас'ул одамларни жойларга юборар эди; булар «таважжийлар» ёки «тавачилар» деб аталар эди. Алоҳида топшириқларни бажарадиган бу ҳарбий амалдорлар (ўзига хос баковуллар) бирор отряднинг жанг вақтидаги аҳволи қандайлигини Темурга ёки олий мартабали бошқа ҳарбий бошлиққа (қўмондонга) хабар қилган¹ ёки Темур фармонларини туманлар, мингликлар, қўшунларнинг амирларига етказганлар. Халқ лашкари тўплаш вақтида тавачилар айниқса муҳим роль ўйнаган. Бундай вақтда Темур тавачиларга алоҳида ваколат берган ва уларнинг батамом мас'уллиги остида бирон-бир аскарий қўшилмани олиб келиш тўғрисидаги фармонни ўз вақтида тўла ижро этишни улардан қаттиқ талаб этган². Тавачиларга ҳатто юриш вақтида қуршаб ов қилишни ташкил этиш каби вазифалар ҳам юклатилган³. Қўшин юришга чиққан пайтда йўлда, айниқса қўшни душман лагерига яқин келганда қўнадиган ерларни тавачилар тайёрлаганини⁴ ва улар зафарли юришдан кейин, қўлга тушган ўлжани тақсимлашда актив қатнашганини кўрамыз⁵.

Темур тавачиларига айниқса катта мукофотлар, ҳад'ялар берган. Тавачилар халқ лашкари тўплаш учун жойларга кетаётганларида, халқ лашкарининг миқдори кўрсатилган рўйхатни, я'ни «сон»⁶ни ўзлари билан бирга олиб кетганлар. Бундан ташқари, тавачилар Темурнинг фармойишини, ҳарқандай тўсқинлик сулишига қарамай, албатта бажаражаги ҳақида алоҳида тилхат — мажбурият (мучилка)⁷ берган. Масалан, Абдураззоқ Самарқандий сўзига кўра, Темур Тўхтамишга қарши отланишдан олдин қўшин тўплаш учун тавачиларни вилоятларга тақсимлаб юборган пайтда улардан мучилка, я'ни тилхат олган, бу тилхатга кўра, тавачилар нима қилиб бўлса ҳам керакли миқдорда қўшинни йиғиб келишга мажбур бўлган. Лекин «мучилка» («тилхат») термини фақат тавачиларга нисбатан қўлланмаган, балки бошқа мансабдор шахсларга (ҳарбий ва граждандошлари мансабдор-

¹ Низомиддин Шомий, Таърих нашри. 124 бет. — Қаранг: Шарафиддин Али Яздий (в сб.: В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 170 бет).

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., Шарафиддин Али Яздий, 156 бет.

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 161 бет.

⁴ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 176 бет.

⁵ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 185 бет.

⁶ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., Абдураззоқ Самарқандий, 162, 191 бетлар. — *Charmoy Expedition de Tlmoûr-Ienk*, 245—246 бетлар (форсча текст), 422 бет (франц. тарж.).

⁷ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 191 бет. — В. В. Бартольд «Улугбек и его время» деган асарига Муиззал Ансоб асарини далил келтириб (Париж қўлёзмаси, л. 81), Чингизхон замонидек Қорачар деган ноён «мучилка»ни киритган, дейди. Қаранг: Улугбек и его время, 22 бет, 9 шарҳ.

ларига) бирор вазифа юклатилган пайтда ҳам улардан шундай «мучилка» олинган. Темур 1391 йилда Тўхтамишга қарши қўшин тортиб кетаётганида даштликда озиқ-овқат маҳсулотлари камчилигини кўриб, туманбоши, мингбоши ва юзбошиларга озиқ-овқатни тежаб сарфлаш ва унни ортиқча харжламаслик тўғрисида буйруқ берган, нон, кулча, увра оши, чучвара ва бошқа хил хамир овқатлар пиширишни тақиқлаган ва фақат атала қилиб ичиб туришни буюрган. Шу муносабат билан Темур амирлардан мучилка (тилхат) олган.

Тавачилар вилоятлар ва қабилалар (ахшом)дан, турк ва тожиқлар орасидан пиёда ва отлик халқ лашкарлари тўплаган. Халқ лашкарининг ҳарбир жангчиси, Абдураззоқ Самарқандий ёзишига кўра, бир йилга етадиган озиқ-овқат ва бошқа буюмлар запаси, тўрт хил қурол-яроғ — бир камон ва 30 та ўқёй, совут ва қалқон олиб келиши лозим бўлган. Ҳар икки жангчида бир от (қўлбола от) ва ҳар 10 кишида — 1 чодир, 2 белкурак, 1 мотиға, 1 ўроқ, 1 арра, 1 теша, 1 бигиз; 100 та игна; 1/2 ман омбор оғирлигида арқон, 1 пишиқ тери ва 1 қозон бўлиши талаб этилган¹.

Халқ лашкари тўғрисида гапирганда, дастлабки «асл» составни ёки контингентни, шу отряд катта талафот бергандан кейин тўпланадиган қўшимча («изофа»)² лашкардан фарқ қилмоқ керак. Унлик системага кўра, бу лашкар мингликларга, қўшинларга ва ўнликларга бўлинган. «Қўшунлар» — қўшинни ташкил қилишдаги энг муҳим қўшилма бўлган; «қўшун»га ҳаммаси бўлиб 50 киши кирганлигини кўрсатадиган фактлар бўлса ҳам, лекин унда кўпинча 100 дан ортиқ киши бўлган³.

Шу нарса характерлики, манба'ларда «амир» термини фақат «туманлар», «мингликлар»нинг бошлиқларига нисбатан эмас, балки «қўшунлар»нинг бошлиқларига нисбатан ҳам ишлатилган⁴. Қўшин бир туманми ёки Темур қўшинининг ҳаммасими, — бундан қат'и назар ҳамавақт ма'лум бир тартиб билан юришга чиққан; бу тартиб «мурчил»⁵ деб аталган.

Бу «мурчил»га, я'ни ҳарбий бошлиқларнинг даражалари бўйича қўйилган жанговар тартибга қараб, амирларнинг ҳарбири — «туман» амирлари, «минглик» амирлари ва «қўшун» амирлари ўз ўрнини билиб туришни керак эди. Асосий қўшин юришга чиққанда ба'зан жуда катта отряддан (бирнеча тумандан) иборат авангард

¹ М. С. Н а г т о у, ўша асар, 246 бет (форсча текст), 422 бет (франц. тарж.). — Бундай тилаблар илгари ҳам мавжуд бўлиб, у мўғул қўшинини ташкил қилиш традицияси билан боғлиқ бўлган. (Қаранг: Ясу Чингис-хана в изложении Джувейни. GMS, XVI, I, 22 бет).

² М. С. Н а г т о у, ўша асар, 250 бет.

³ В. В. Бартольд, Улугбек и его время, 24 бет.

⁴ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., Шарафиддин Али Яздий, 159, 164, 175 ва бошқа бетлар.

⁵ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 159 ва 175 бетлар.

(манқила)¹ қўшин олдида борган. Авангарддан олдинда доимо, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий кўпроқ «қоровул» термини блан атаган, қўриқчи отряд юрган. «Қоровул»нинг асосий вазифаси қўриқчилик хизматини ўташ ва асосий қўшин олдида нималар бўлаётганини тўхтовсиз хабар қилиб туришдан иборат бўлган. «Қоровул»дан «хабаргири» (разведка)ни фарқ қилмоқ керак. «Хабаргири»ни қўмондоннинг қароргоҳидан тортиб, то қўшунларнинг амирларига қадар қўшиннинг истаган қисми юбораолар эди.

Разведкада ишлайдиган одамлар одатда баҳодирлар орасидан танлаб олинган, буларга бошчилик қилиш ҳам ботир ва тажрибали ҳарбий бошлиққа (масалан, Шайх Довудга, Мубоширга ва бошқа шунга ўхшашларга) топширилган. Разведкага кўп вақт «тил» тутиб келиш топширилган².

Қўшин йўлга чиққанда йўл бошловчилар («качарчилар») муҳим роль ўйнаган. Темур шахсан ўзи Оқ Ұрда хони Ҳурисхон устига қўшин тортиб борган пайтда Тўхтамишнинг ўзи йўл бошлаб борган³. Темур йўл бошловчиларга шу қадар катта аҳамият берганки, у ўз қўшинининг амирлари ўртасида йўлбошловчиларни шахсан ўзи тақсимлаган.

Темур 1391 йилда Тўхтамишга қарши отланган пайтда шундай қилган⁴. Ба'зан юришлар вақтида лагерь типдаги қароргоҳни рўбарўдан келаётган душман қўшинига яқин жойда қуришга тўғри келган. Қароргоҳ олдида окоп (хандақ)лар қазилиб, тўқилган қалқон («чопор»)лар ва қандайдир мудофаа қуроллари — турлар⁵

¹ Низомиддин Шомий. Таърих нашри.—Бу асарда «манқила», «қоровул», «хабаргири» терминлари жуда тез-тез учраб туради. 119-нчи бетни мисол қилиб келтирайлик. Уерда бу терминларнинг ҳаммаси юқоридаги ма'нода ишлатилган. «Манқила» термини мўғулча бўлиб, мўғуллар замоннда пайдо бўлган ва Олтин Ұрда тарихига доир воқеалар тасвир қилинганла учрайди (масалан, Вассофнинг 718 ҳ. йилда (= 1318—1317) Ўзбекхоннинг Арронга қилган юришининг тасвири деган асарига қаралсин: В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 87 бет).

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар; Низомиддин Шомий асарида (Таърих нашри) аксарин «хабаргири» — разведка ва унинг бошлиқлари тўғрисида ҳикоя қилинган. Асарнинг 119—120 бетларида Шайх Довуднинг идроки ва сан'ати тўғрисида, унинг Темурга қимматли ма'лумотлар берган «тил» тутиб келганлиги тўғрисида муфассал гапирилади. 121 бетда Мубоширнинг бу масаладаги усталлиги ҳақида, унинг 40 кишини бир йўла тутиб келганлиги ҳақида гапирилади.

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., Шарафиддин Али Яздий, 149 бет.

⁴ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 112 бет.

⁵ М. Шагтоу, кўрс. асар, 202 бет (форсча текст). — Контекстдан ма'лумки, чопорлар қўл қалқонлари эмас, балки окоп қалқонларидир. Шармуа «турлар ва чопорлар» «катта ва кичик қалқонлар» бўлган, деб хато таржима қилган (кўрс. асар, 387 бет).

Темурнинг 1394—1395 йилларда Тўхтамишга қарши қилган юришини тасвирлаганда ҳам шу терминлар ишлатилган (В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 175—176 бетлар).

қўйилган. Атрофи окоплар билан ўраб олинган бундай қароргоҳ ба'зан эски мўғулча термин билан «курень»¹ («курень») деб аталган.

Бундай қароргоҳда кечалари олов ёқиш ва ҳатто қаттиқ гапириш ман' қилинган.

Темур фақат ғолибона жангдан кейин эмас, балки душман билан тўқнашмасдан олдин ҳам, айниқса жанг олдидан аскарлар руҳини кўтариш учун уларга турли совғалар берган. Жангчиларга бериладиган совғалар «укулка» («оғлигә») деб аталган².

Қўшиннинг жанг бошланиш олдидан жойланиш тартиби — жанговар тартиб катта аҳамиятга эга бўлган. Низомиддин Шомий³ ва Шарафиддин Али Яздий⁴, Темур қўшинни жанговар сафга тартиб масаласида янгиликлар киритган дейдилар.

Темур киритган янгилик нимадан иборат эканлигини билиш учун, Темур ҳарбий бошлиқ сифатида иш бошлаган дастлабки пайтларда қўшиннинг жанговарлик тартиби қандай бўлганлигини, я'ни у бу масалада ўзидан олдин ўтган лашкарбошилардан нималарни мерос қилиб олганлигини кўриб чиқиш керак. Бунинг учун 1365 йилдаги «Ботқоқ жанги» деб аталган жангда қўшин қандай жанговар тартибда бўлганлигини аниқлаб олиш керак; бунда Хусайн билан Темур мўғул хони Ил'ёсхўжага қарши урушган ва бу жангда енгилган. Жанг Чиноз билан Тошкент ўртасидаги бир ерда бўлган. Низомиддин Шомий бу тўғрида жуда муҳим бир материал келтирган. Бу жангда Хусайн билан Темур қўшини қандай жанговар тартибда сафга тизилганлигини Низомиддин Шомий бундай тасвирлайди. Амир Хусайн қўшиннинг ўнг қанотига бошчилик қилган, қанбулда (фланг қўриқчилигида) Арлатлар қабиласидан чиққан Тиланчи турган, қоровулда эса — амир Улжойту ва бошқа амирлар турган; сўл қанотда Темурнинг ўзи бошчилик қилган, унинг қанбулида Сари Буға турган, қоровулда эса Темурхўжа ўғлон турган; марказда (кул) амир Чоку ва бошқа амирлар турган⁵.

Шундай қилиб, биз буерда марказ, сўл ва ўнг қанотлардан иборат жанговар тартиб бўлганлигини, шу билан бирга, қанотларнинг ҳарбирида қўшимча аскарний қисм — фланг қўриқчилиги (қанбул) ва қоровул турганлигини кўраемиз. Бу жанговар тартибнинг ҳаммаси етти қисмдан иборат бўлиб, булардан учтаси бирқадар мустақил иш кўраолган, тўрттаси эса (икки қоровул ва икки қанбул) бошқа қисмларга бўйсунган. Бу жанговар тартибнинг характерли хусусияти шуки, ўнг ва сўл қанотларга нис-

¹ Б. Я. Владимирцов. Общественный строй монголов, 37 бет. — В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 158, 165 бетлар.

² Бу термин мабала'ларда тез-тез учраб туради.

³ Низомиддин Шомий, Тауег нашри, 123 бет.

⁴ Шарафиддин Али Яздий, қаранг: М. С. Хантоу, ўша асар, 213—214 бетлар (форсча текст). — Буерда Темурнинг янгиликлар киритгани анча аниқ кўрсатилган.

⁵ Низомиддин Шомий. Тауег нашри, 28 бет.

Русьнинг бошқа шаҳарларидаги сингари, Москвада ҳам, Куликово жангидан кейинги оғир жароҳатлар ҳали тузалиб битмаган эди. Йилномада айтилишича, «бутун Рус ерида аскарбошилар, хизматкорлар ва барча қўшинлар тамомила камайиб кетганлигидан бутун Рус ери катта таҳликага тушиб қолган эди»¹. Ана шундай бир пайтда татар элчиларини ҳайдаб юборилса, катта хато қилинган бўлур эди. Гарчи оғир бўлса ҳам, вақтинча бўйсунушига тўғри келди. Ана шунинг учун ҳам Димитрий Донской «Урдага, Волганинг янги шоҳи Тўхтамиш ҳузурига, ўз элчилари Тўлбуға ва Мокшиани ҳад'я ва совға-саломлар блан жўнатган»².

Тўхтамишнинг Литва князи Ягайло ҳузурига элчилар юбориши ҳам жуда қизиқ бир ҳолдир. Элчилар унга Тўхтамишнинг махсус ёрлигини олиб келганлар, бу ёрлиқ айни замонда ҳам фармойиш, ҳам информация ҳисобланган. Бу ёрлиқ бизгача сақланмаган. Буни биз Тўхтамишнинг Ягайлога юборган бошқа бир ёрлигидан билиб олдик; бу вақтда Ягайло фақат Литванинг буюк князигина эмас, шу блан бирга Польша короли ҳам эди. Бу кейинги ёрлиқ 795 ҳ. йил Ражаб ойининг саккизинчи куни, я'ни 1393 йилнинг 20 майида Тана (Азов) шаҳрида ёзилган. Бу ўринда ёрлиқнинг бошланиши бизни айниқса қизиқтиради: «Менким, Тўхтамиш, Ягайлога дейман. Улуғ ўринга қандай қилиб ўтирганлигимизни хабар қилмоқ учун, Биз Қутлуғ Буға ва Ҳасан бошчилигида аввал элчилар юборган эдик ва сен ҳам ўшанда ўз аризаларингни бизга юборган эдинг»³.

Юқоридаги ёрлиқ Мамай қўшинини Тўхтамиш тор-мор қилгандан кейин орадан 13 йил ўтгач ёзилган. Ёрлиқнинг дастлабки сатрларидан равшанки, Тўхтамиш Калка дар'ёси бўйида Мамайни енгандан кейиноқ ўзининг Олтин Ұрда тахtiga ўтирганлиги тўғрисида хабар юборган. Ёрлиқдан яна шу нарса равшанки, Ягайло Тўхтамишнинг энг кучли ва имтиёзли вассалларидан бири ҳисобланган бўлса ҳам, лекин у Тўхтамишнинг олий ҳокимиятини этироф қилган. Броқ Тўхтамиш рус князьларининг зоҳиран тоби'ликни тан олишларига қаноатланмаган. Тўхтамиш тўғридан-тўғри рус ерларини Ұрданинг оддий бир улусига айлантиришга ҳаракат қилган ва буни фақат қурола кучи блан амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблаган; бунинг устига, Мамайнинг тор-мор қилинган лагеридан қўлга туширилган ўлжа Тўхтамишга камлик қилган ва у истило қилинган ҳамда таланган рус шаҳарларидан яна кўпроқ ўлжа олишга ҳаракат қилган. Москванинг бойликлари Тўхтамишнинг айниқса ҳавасини келтирарди. Ана шуларнинг ҳаммаси уни 1382 йилда Русь устига ва, жумладан, Москва устига ҳам аскар тортиб бориш учун тайёрлик кўришга олиб келди.

¹ ПСРЛ, XI, 69 бет.

² Уша жойда.

³ ЗВО, III, 6 бет, текст, 4 ва ундан кейинги бетлар. В. Радлов таржимаси ва наشري.

Рус йилномаларида бу юришни тасвирлайдиган икки хил нақл: Симеон йилномасига кирган эски нақл ва бирнеча вариантларда (Новгороднинг тўртинчи йилномасида, Ермолин йилномасида, Софья бирипчи йилномасининг давомида ҳамда Никон йилномасида) ёзилган янги нақл сақланиб қолган. Бу икки хил нақл ўртасидаги асосий фарқ шундаки, бирипчисида (Симеон йилномасида) Тўхтамиш 1382 йилда Москвани қамал қилган пайтда халқ шаҳарни татарлардан ҳимоя қилишда актив иштирокчи қилиб кўрсатилмаган. Иккинчи нақлда эса, аксинча, шаҳарни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳикояда Москванинг асосий ҳимоячилари қилиб шаҳарлилар ва аввало пойтахтнинг меҳнаткаш аҳолиси кўрсатилган. Бахтга қарши, шаҳарни ҳимоя қилишда халқнинг роли тўғрисидаги хабар бизга черковдаги юқори табақа одамларининг таъсири остида бузиб, қайтадан ишланиб, очиқдан-очиқ сохталаштирилган ҳолда етиб келган. Бу тўғрида йилномалардаги гапларни ўқир эканмиз, воқилаларни халқнинг синфий душманлари бўлган кишилар ҳикоя қилганликларини сра ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Тўхтамишнинг 1382 йилда Москва устига қўшин тортиб келганлиги тўғрисидаги энг қизиқ хабарлар қуйидагилардир:

1. Симеон йилномасидаги ҳикоя, бу ҳикоя ўзи алоҳида қисса тарзида берилмаган¹.

2. Ермолин йилномасидаги ҳикоя, бу ҳам айрим қисса қилиб берилмаган².

3. «Подшо Тўхтамишнинг Москвани олиши ва Рус ерини асоратга солиши тўғрисида»³.

4. «Тўхтамишнинг Москва устига қўшин тортиб келганлиги тўғрисида қисса»⁴.

5. «Подшо Тўхтамишнинг Москвани олганлиги ва Рязань ерини асоратга солганлиги тўғрисида қисса»⁵.

Тўхтамиш Русь устига қўшин тортиб бориши учун жуда пухта тайёргарлик кўрган. Узининг қўшини тортиб бориши Русь учун ва Москва князи Димитрий учун қўққисдан қилинган бўлишига Тўхтамиш айниқса кўп эътибор берган. Софья бирипчи йилномасида айтилишича, «Тўхтамишнинг аскар тортиб бориши тўғрисида бирор кимса Рус ерига хабар етказмасин учун, Русь бу тўғрида ҳеч нарса билмасин учун, Тўхтамиш барча рус савдогарларини тутиб олиб, мол-мулкни талаттирди, ўзларини эса қаматтирди, ammo Урданинг ичиде Рус ерининг тарафдорлари бўлган махсус тайинланган баъзибир яхши ниятли одамлар бор эди»⁵.

¹ ПСРЛ, XVIII, 131—133 бетлар.

² ПСРЛ, XXIII, 127 ва ундан кейинги бетлар.

³ ПСРЛ, VI, 98—103 бетлар.

⁴ Бу иккала қисса Никон йилномасида ёзилган бўлиб, бир-бирига яқин вариантлардан иборатдир. — ПСРЛ, XI, 71—81 бетлар.

⁵ ПСРЛ, VI, 99 бет.

Савдогарларнинг, жумладан, рус савдогарларининг бошқа мамлакатларда нималар бўлаётганлиги тўғрисида хабар бериб туришда қандай катта роль ўйнаганликлари ана шундан яққол кўриниб турибди. Бу рус савдогарлари орасида ўз мамлакатининг ватанпарварлари бўлган кишилар анчагина бор эди. Улардан кўплари савдо ишлари блан тез-тез Поволжьеда, Саройларда Қримда ва бошқа жойларда бўлиб, фақат савдо-сотик ишлари соҳасидагина эмас, балки сиёсий соҳада ҳам нима ишлар бўлаётганлигидан хабардор эдилар. Шундай ватанпарварлик руҳидаги рус савдогарларидан ўзини беҳатар қилиш учун ҳам Тўхтамиш уларнинг ҳаммасини қириб ташлашга буйруқ берган, ҳолбуки бундай қабиҳ ишни аслида бераҳм ва маккор Мамай ҳам қилмаган эди. Тўхтамиш Булғорга татар қўшинининг олдинги отрядини жўнатиш блан ўз юришини бошлаган, Булғорда у, рус савдогарларини қириб ташлашгина эмас, балки уларнинг моллар ортилган кемаларини¹ ҳам босиб олишни буюрган ва шу блан катта ўлжа қўлга туширишни мўлжаллаган. Аммо бу факт яна шу жиҳатдан ҳам диққатни жалб қиладикки, Волга дар'еси орқали ўтган савдо йўли ва савдо кемалари Урда савдогарлари қўлида эмас, балки рус савдогарлари қўлида бўлган.

Булғорга юборилган отряд кетидан Тўхтамишнинг ўзи ҳам катта қўшин блан Волгадан ўтган. Йилномада айтилишича, бу воқиа «Тўхтамиш Урда ва Саройда ҳукмронлик қилишининг учинчи йилида»² содир бўлган. Русьда у вақтда татарлар блан тўқнашишни истаманлар, чунки кўплар татарлар блан қат'ий жанг қилиш фурсати эмаслигини тушунардилар. Тўхтамишнинг қўшин торттиб келганлигини тасвирлаб ёзган автор «гайридин татарларнинг христианлар устига бостириб келиши нақадар оғир»³, деб та'кидлаб кўрсатади. Русьда ўша вақтда керагича ҳамжиҳатлик бўлмаган. Димитрий Константинович Суздальский қандай йўл блан бўлса-да, Нижний Новгороднинг тинчлигини кўзлаб, ўзининг икки ўғлини Тўхтамиш ҳузурига юборган, броқ унинг ўғиллари Тўхтамишни тополмай, ҳечбир цагитжасиз қайтиб келганлар. Олег Рязанский эса Мамайнинг юриши даврида қандай қилган бўлса, бу сафар ҳам худди шундай йўл тутган, я'ни тўғридан-тўғри хиёлат йўлига ўтган. Бу тўғрида рус йилномасида бундай дейилган: «Рязань князи Олег бўлса подшо Тўхтамишши Рязань ерига кирмасданоқ қарши олиб, унинг оёғига бош урди, Тўхтамишнинг Русь устидан ғалаба қилишда унга ёрдамчи бўлди, шунингдек, христианларга ёмонлик қилишда ҳам унга ёрдам берди ва Рус ериши қандай қилиб босиб олини ҳамда тошдан қурилган Москва шаҳрини қандай қилиб осон йўл блан қўлга

¹ ПСРЛ, VI, 98 бет; ПСРЛ, XI, Никоновск. летоп., 71 бет.

² ПСРЛ, VI, 98 бет.

³ Уша жойда.

олиш ва буюк князь Димитрий Ивановични қандай қилиб енгил ва ағдариб ташлаш тўғрисида ба'зибир гапларни айтди»¹.

Москва князи Димитрий Донской аҳволнинг жуда оғир эканлигини билиб, яна қаҳрамонона жанг қилиш учун — мамлакатни татарлардан ҳимоя қилиш учун ҳарнима қилиб бўлса ҳам рус князьларини бирлаштиришга ҳаракат қилган, брок князьлар орасида ўйлаган муддасига эришаолмаган, чунки «улар орасида ихтилофлар чиқиб, ёрдам беришни хоҳламаганлар». Аччиқлабган Димитрий Донской қўшин йиғиб келиш учун Костромага қараб кетган.

Олег Рязанскийнинг хиёнаткорлик билан йўл-йўриқ кўрсатиб беришидан фойдаланган Тўхтамиш катта қўшин билан Ока дар'ёсининг кечик жойидан тезликда нариги томонга ўтиб олиб, Москвага борадиган йўлга чиқади². Бу вақтда Москвада ихтилофлар жуда авж олган эди. Бирхил одамлар, яхшиси шаҳарни ташлаб чиқиб, ҳарким қаерда бўлмасин жон сақлаши керак, деса, бошқалари, буниг аксича, Москвани ҳечбир кимса ташлаб кетмаслиги керак, ҳамма уни райрат билан ҳимоя қилиши керак, деб талаб қиларди. Шаҳарнинг халқ оммаси ана шу кейинги йўлдан борди. Никон йилномасидаги гапларга ишонадиган бўлсак, шаҳарни ҳимоя қилиш тарафдорлари орасида исте'додли, бағайрат ташкилотчи ҳам топилган. Литва князи Ольгерднинг невараси Остей шундай ташкилотчи бўлган, дейишади. У шаҳарни мустаҳкамлай бошлаган ва бу билан москвалиларнинг руҳини кўтарган. Шу вақтда Москва атрофидаги аҳоли — «бойрлар ва сурожиляр, мовутфурушлар ва бошқа хил савдогарлар, архимандритлар ва игуменлар... қуллас, барча ёшдаги эркак ва аёллар ўз бола-чақалари билан»³ шаҳарга келиб бекинган. Митрополит Киприанга яқин одамлар та'сирида бўлса керак, Остейнинг Москвани мудофаа қилишдаги роли йилномада жуда бўрттириб кўрсатилган, ма'лумки, Киприан Литвага хайрихоҳлик билдириб, уни Москва билан бирлаштиришга ҳаракат қилар эди. 1382 йил 23 августда Тўхтамиш Москвага етиб келиб, уни ўраб олди. Ана шундай қилиб Москвани қамал қилиш бошланди. Душманга қаттиқ зарба бериш учун ҳамма парса тайёрлангандек эди. Брок Москвада шаҳар мудофаасини пздан чиқармоқчи бўлган хонлар чиқиб қолган. Йилномада айтилишича: «Ба'зибир ғаламус одамлар ҳовлима-ҳовли юриб, тўраларнинг ертўласидан асалларини ва кумуш ҳамда хрустал идишларини олиб чиқиб, ўлгунча мастбозлик қилганлар»⁴. Маст кишилар эҳтиёт бўлишни унутганлар, энг муҳими — кўриниб турган хавф-хатарни менсимайдилар ва, душман кучсиз, ундан кўрқишнинг ҳожати йўқ ва осонгина уни енга-

¹ ПСРД, VI, 98 бет.

² Уша жойда.

³ Уша жойда, 99 бет.

⁴ Уша жойда, 100 бет.

миз, деган ишончга берилиб кетганлар. Шаҳарни қамал қилиш бошланган. Татарлар Москвани штурм блан олиш учун бирнеча марта уришиб кўрганлар. Улар камонлардан жуда кўп ўқ узганлар, девор бузар минораларни олиб келиб ишга солганлар, штурм қилиш учун шаҳар деворларига нарвоплар қўйганлар, лекин буларнинг ҳечқайсиси фойда бермаган. Қамалдагилар татарларнинг устига тошларни ёғдириб ташлаганлар, штурм қилаётганларнинг бошига қайноқ сув қуйганлар ва ўзларининг тюфак*ларини ишга солганлар. Бу—москвалиларнинг шаҳарни мудофаа қилишидаги жуда антиқа бир деталь ҳисобланади. Тюфаклар рус кишилари қўллаган ўқсочар қурол бўлиб, биринчи марта маиба'ларда тилга олинади. Рус тарихчиларидан проф. В. В. Мавродин «тюфаклар»га алоҳида э'тибар берган, у ўзининг «О появлении огнестрельного оружия на Руси» («Русьда ўқсочар қуролнинг пайдо бўлиши тўғрисида»)¹ деган жуда қизиқарли мақолаида бу деталь ҳақида махсус тўхталиб ўтган. Шаҳар кўргони атрофида жанг қилиб кетган бир вақтда москвалилардан бири бўлган хунарманд-мовут тўқучи Адам деган бир киши Флоров дарбозасидан туриб, Тўхтамишга энг яқин бўлган Ұрда амирларидан бирини камондан ўқ узиб, тил торттирмай ўлдирди. Тўхтамиш бундан қаттиқ галабга келиб, Москвадан ва уни ҳимоя қилучилардан ўч олмоқчи бўлди. У, москвалилар курашини тўхтатсалар, уларнинг гуноҳини кечаман, жони омон қонади ва молу мулкига тегмайман ва ҳатто турли ҳад'ялар бераман, деган ва'да блан ҳийла-пайраиғ ишлатди. Остея Тўхтамишнинг ёлгон гапларига ишониб, дарбозаларни очиб берди ва Тўхтамишнинг олдида тортиқлар кўтариб чиқди. Москвалилар ва Остейнинг ўзи ҳам бундай лақмаликининг жаддини тортдилар. Остея яширинча ўлдирилди. Москва бўлса талон-торож қилинди ва бир қисмига ўт қўйилди. Москва шаҳрининг ўзида ўшанда жуда кўп киши ўлдирилди. Илһомада кўрсатилишича, Тўхтамиш Москвадан катта ўлжа қўлга туширган. Москвага яқин бўлган бирнеча шаҳарларни талаб, Тўхтамиш Тверьга қараб бормоқчи бўлади, лекин бу мақсадини амалга ошираолмайди. Москвалилар блан бўлган кураш Тўхтамишнинг қўшинини ҳолдан тойдирган эди, шунинг учун у Тверь князидан катта хирож олиб, жанубга бурилди ва Ұрдага қайтиб кетди.

Тўхтамишнинг босқинчилиги Москвага ва унинг атрофидаги жойларга оғир жараҳат етказди: пойтахтнинг ва унинг атрофида-

* Тюфак — эски вақтларда ишлатилган кичик калибрли, тўпга ўхшаган ўқсочар қурол. *Ред.*

¹ Вестн. Ленингр. унив., 1916, № 3, 66 ва ундан кейинги бетлар. — А. М. Б е л е н и ц к и й. О появлении и распространении огнестрельного оружия в Средней Азии и Иране в XIV—XVI веках. Изв. ФАН. 1949, № 15, 21 ва ундан кейинги бетлар. — В. Г. Ф е д о р о в. К вопросу о дате появления артиллерии на Руси. Изд. Акад. артилл. наук. М., 1949, 67 ва ундан кейинги бетлар.

ги шаҳар ҳамда қишлоқларнинг аҳолиси обод уй-жойларидан ажралиб, қуруқ вайроналар ичида қолди.

Костромадан талон-торож қилинган Москвага қайтиб келган Димитрий Донской учун 1382 йилнинг куз кунлари унинг ҳаётидаги энг оғир кунлар бўлди, чунки ўша пайтда Тўхтамишга қарши у бирор чора кўришдан ўзининг батамом ожиз эканлигини кўрди. У вақтда Димитрийнинг катта ҳарбий кучи йўқ эди. Унда фақат келажакка бўлган умид, Русьнинг ички кучлари йўқ қилиб ташланмаган, Русьнинг бирлигани тиклаш мумкин, моддий имкониятлар эса ниҳоятда кўп, деган ишончгина қолган эди.

Тўхтамишнинг талончиликдан иборат бўлган юришда омалнинг келиши унда, жуда катта кучнинг эгасиман, деган қаттиқ ишончни тугдирди. Ҳар галги ҳарбий муваффақиятдан кейин унинг улуг Олтин Урда давлатини тиклашга бўлган умиди мустақамланаборди. Темурнинг қўли билан ҳамда унинг вассали бўлиб тахтга ўтирган Тўхтамиш Мамайни тор-мор қилгандан ва Москвани талагандан кейин тез орада Хоразмда 785 ҳ. йилда (= 1383)¹ ўз номи билан пул зарб қилдиришдан кўрқмади. Бу иш Тўхтамишнинг Хоразмга нисбатан тутган ҳақиқий сиёсий программаси эди. Темурнинг Хоразмни Мовароуннаҳрнинг бошқа ерларига қайтадан қўшиб олиш пиятлари Тўхтамишга яхши маълум эди, шунингдек, Темурнинг Сўфийлар династиясидан бўлган амирларни фақат майда вассаллар сифатида қўйиб қўйганини ҳам Тўхтамишнинг билмаслиги мумкин эмас эди. Шундай қилиб, Хоразм ишларига аралашиб, яна уерда ўз номи билан пул зарб қилдириш Тўхтамишнинг ўла-ўлгунича унутмаслиги керак бўлган ҳукмдор билан очикдан-очик алоқани узганлигини кўрсатар эди. Эрондаги ишлар билан жиддий банд бўлган Темур бошқа масалалар билан овора бўлгиси келмади, шу сабабдан ҳам у Тўхтамишнинг бу бориб турган душманлик ҳатти-ҳаракатига ортиқча эътибор бермади. Тўхтамишнинг Озарбайжонга нисбатан тутган ҳатти-ҳаракати улуг Олтин Урда давлати сиёсатининг энг яққол бир кўриниши бўлди. Озарбайжонни Олтин Урдага қўшиб олишга актив суратда ҳаракат қилган Олтин Урда хонларидан сўнггиси Жошибек бўлганлигини юқорида кўриб ўтган эдик. Брок 1357 йилда Жошибек вафот қилиши билан унинг қўлга киритган ютуқлари пучга чиқди. Қолдириб кетилган Олтин Урда отряди томонидан эзилган Табриз шаҳрининг аҳолиси Жошибекнинг вафотидан сал илгарироқ ўрдадиларга қарши бош кўтарган ва Жалонрийлар династиясидан бўлган амир Увайсга фақат Табризнигина эмас, балки жуда катта ўлкани ҳам босиб олишда ёрдам берган. Амир Увайс Озарбайжон территориясидаги турк-мўғул кўч-

¹ В. В. Бартольд ўзининг Тўхтамиш тўғрисидаги кичик бир мақоласидаёқ Елсугоюсте де Улсат, «Тўхтамиш» сўзи остида) шу ҳодисага эътибор берган эди.

манчи отрядларнинг бошлиғи эди. Шу тариқа шимолий Эронда Жалоиррийлар давлати (1356—1411 йиллар) ташкил топди. Бу давлатга жанубий Озарбайжон ерлари, шимолий (ҳозирги совет) Озарбайжони ерларининг бир қисми, шунингдек, Бағдод шаҳри блан бирга араблар мамлакати бўлмиш Ироқ ва ғарбий Эроннинг ба'зибир ерлари ҳам кирган эди. Броқ мамлакат ичкарасидаги феодал низо-жанжалларни тўхтатиш мумкин бўлмаганлиги, шунингдек, кўчмапчи турк-мўғул қабилалари бошлиқларининг тинч ҳаёт кечираётган шаҳар халқи ва қишлоқ аҳолисига жабр-зулм қилишлари туфайли Жалоиррийлар давлати мустақкам бир давлат эмас эди. Жалоиррий султонлари ичида энг баттоли султон Аҳмад (1382—1410) эди. Бу одамнинг номи халқ хотирасида энг раҳмсиз ва маккор ҳокимлардан бири сифатида сақланиб қолган. Унинг даврида фақат деҳқонлар ва шаҳарлардаги хунардандларгина эмас, балки савдогарлар блан зодагонлар ҳам қаттиқ азоб чеккан. XV асрдаги эрон ва араб манба'ларида султон Аҳмаднинг номи Темурнинг Эронга қилган юришлари муносабати блан тез-тез учраб туради. Темур XIV аср 80-нчи йилларининг бириинчи ярмидаёқ шимоли-шарқий Эрон ўлкаларини босиб олгандан кейин, очиқдан-очиқ жанубий Озарбайжонни бўйсундиришга қаратилган сиёсатни олиб боради, жанубий Озарбайжонни қўлга киритилса, бой Закавказьега йўл очилар эди. Ўз ҳокими султон Аҳмаднинг талончилигидан ва жабр-зулмидан азоб чеккан Табриз аҳолиси орасида Темурнинг айгоқчилари усталик блан олиб борган тарғибот ишлари яхши муваффақият қозонади. Табризда зодагонлар орасида Урта Осиё ҳукмдорининг тарафдорларидан иборат жуда кучли бир гуруҳ вужудга келган¹. Темур ўзининг «донги кетганлиги» дан яхши хабардор эди ва олдиндан ғалаба қилишига ишонгани ҳолда султон Аҳмад блан тўқнашишга тайёрланди. 1385 йилда Султонияга яқин жойда ҳар иккала қарши томон қўшинлари ўртасида жанг бўлди. Темур енгиб чиқди, лекин уни анча муҳимроқ ишлар банд қилиб қўйгани учун Табриз зодагонлари орасидаги Темур тарафдорлари уни шаҳарга киришга очиқдан-очиқ да'ват қилсалар ҳам, у Табризга бормади. Тўхтамин Озарбайжонда нималар бўлаётганидан хабардор эди, шунинг учун катта қўшин ҳамда жуда кўп моддий ресурслар блан 786 ҳижрий йил қишида (25 II 1384—11 II 1385) Т.бризга қўшини тортиб боришга жазм қилади. Ҳамдуллоҳ Казвинийнинг ўғли ва унинг Тарихи Гузида номли асарини давом эттирган Зайниддин бу тўғрида муфассал ҳикоя қилади². Жалоиррийларнинг вассали Иброҳим (1382—1417) ҳукмдор бўлган Дарбанд ва Ширвон ўлкалари орқали ўтиб, Тўхтамин 787 ҳижрий йилнинг қишида (12 II

¹ А. А. Марков. Каталог джелаиридских монет, XXV бет.

² В. Г. Тизенгаузен, курс. асар. II т., 226 бет (форсча текст), 97 бет (русча тарж.).

1385—1 II 1386) 9 тумандан иборат қўшин блан Табризга етиб келган. Тагарлар қўшини етиб келган пайтда, Низомиддин Шомийнинг айтишича, табризликларнинг бошлиғи бўлмаган¹. Шунга қарамасдан, шаҳар аҳолиси душманга қат'ий қаршилиқ кўрсатишга қарор берган ва ўз шаҳрининг тор кўчаларида баррикада типига истеҳкомлар қурабошлаган. Тўхтамишнинг жангчилари 8 кунгача шаҳарга кираолмаган. Тўхтамиш Табриз остонасида ҳам бундан бирнеча йил бурун Москва ёнида ишлатган маккорлик тактикасини ишга солган. Катта хирож олиш шарти блан у сулҳ шартномаси тузишга рози бўлган. Зайниддин Қазвинийнинг айтишича, табризликлар ўша замонда жуда катта пул ҳисобланган 250 туман олтин йиғиб беришлари лозим бўлган. Табриз савдогарларининг (хўжаларининг) бу пулни йиғиб беришларига қарор қилинган ва худди шундай қилиб бажарилган ҳам. Тўхтамиш жуда катта ўлжани олгач, бу блан қаноатланмаган ва шартномани бузиб, Табризга ўзининг жуда катта қўшинини киритган ва уни батамом талон-торож қилган. Чингизхон замонидан буён табризликлар бундай зўр фалокатни кўрмаган эдилар. Аҳолининг кўп қисми ўз уй-жойидан абадий жудо қилинган: ба'зилари ўлдирилган, бошқалари ярадор бўлиб ҳамда қийноқ-азоблардан ўлиб кетган, учинчи бирхиллари эса (асосан ёшлар) қул қилиб олиб кетилган. Тўхтамиш 1386 йилда Озарбайжондан жуда катта ўлжалар олиб қайтиб кетган. Бу воқиядан кейин, орадан сал ўтмай, Озарбайжонда Темур пайдо бўлди, у Шимолий Эронни, айниқса Озарбайжонни ўз ҳокимиятига бўйсундирш учун очиқдан-очиқ ҳаракат қилмоқда эди. Темур блан Тўхтамишнинг бой Озарбайжонни бир-бировларига ўз розилиги блан бермаслиги уларнинг ҳар иккаласига ҳам мутлақо равшан эди. Аввалги вақтлардагига, я'ни дастлабки Олтин Урда хонлари давридагига ўхшаш (Бейбарс блан Беркахон ўртасида элчилар юбориб турилганлигини эсга олайлик) Тўхтамиш Миср султони ҳузурига элчилар юборган. Ал Макризийнинг айтишича, 766 ҳ. йил 11-нчи Зулҳижжада (=25 I 1385) Тўхтамишдан Мисрга элчилар борган, бу элчилар уерда катта иззат-ҳурмат блан кутиб олинган. Одат бўйича бу элчилар совғалар олиб борганлар, совғалар орасида ажойиб лочинлар, турли хил мағалар блан безатилган тойлар ва қуллар бўлган. Миср султони элчиларни жуда кўп озиқ-овқат ва кийим-кечак блан та'минлашни ва уларга кунига 100 дирҳамдан пул беришни буюрган².

Элчилар Мисрда нима тўғрисида сўзлашганликлари бизга нома'лум. Аммо кейинги воқиалардан шу нарса равшанки, Тўхтамиш ўша вақтдаёқ (1385 йил январь) Темурнинг Эронда ку-

¹ Низомиддин Шомий, форсча текст. Тауег нашр., 97 бет.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 427 бет (арабча текст), 441—442 бетлар (русча тарж.).

чайиб кетиши мүмкинлигини кўзда тутиб, Олтин Ұрда блан Миср ўртасида иттифоқ тузиш учун тайёргарлик кўрган. Ҳарҳолда, Темур 90-нчи йилларда Тўхтамишга қарши қат'ий кураш олиб борган пайтда, Тўхтамиш Темурга қарши иттифоқ тузиш учун Миср султониға бирнеча марта мурожаат қилган¹.

Қандай бўлмасин, лекин ҳар икки томон — Темур блан Тўхтамиш бир-бири блан тўқнашишга тайёрланмоқда эди. Броқ уларнинг ҳар иккаласининг тактикаси икки хил эди. Темур тўқнашини кейинга чўзмоқда эди, чунки у Эронда, айниқса, Озарбайжонда ва Закавказеда ўз мавқини мустаҳкамлаб олишни ғоятда муҳим деб билар ва шундан кейингина, бир томондан, Мовароуннаҳрга ва, иккинчи томондан, Закавказье ҳамда шимлий Эронга таяниб туриб, итбатсиз одами ва вассалиға қарши уруш бошлашни зарур деб ҳисоблар эди. Бунинг аксича, худди ана шу сабабларға кўра, Тўхтамиш Темур блан мүмкин қалар тезроқ қиличбозлик қилишға ҳаракат қилар эди, чунки у Теуришнинг Эронда ва Закавказьеда кучайиб кетишидан кўрқар эди.

788 ҳ. йилининг қиш фаслини (=2 II 1386—21 I 1387) Темур Озарбайжонининг Қорабоғ деган жойида ўтказди, бу жойда Теуришнинг ўшанда асосий қўшини ҳисобланган отлик аскарлари учун жуда яхши шаронт бор эди. Худди шу вақтда Тўхтамишнинг қўшинлари Дарбанд орқали ўтиб, Самур² дар'еси бўйиға чиққан. Бу тўғрида Темурга хабар етгач, у бирнеча тумандан иборат олдинги отряди Тўхтамишнинг қаршисига юборган ва отряд бошлиқларига, Тўхтамиш блан жанг қилимасин, бунға Теуришнинг ҳаракат қилишда Тўхтамиш блан тузган шартномаси ва битими бор деб баҳона қилинсин, деган. Борди-ю, Тўхтамишнинг қўшинлари бириччи бўлиб ҳужум қилгудай бўлса, орқаға қайтиб, тезликда ўз қўшинларингизға етиб олишға ҳаракат қилинг, деб буйруқ берган.

Теуришнинг олдинги отряди дар'ега яқинлашганда, уерда жуда катта қўшин турганини кўрган. Тўхтамишнинг бирнеча айгоқчиларини тутиб олиб, бу кимнинг қўшини, деб сўраганлар. Айгоқчилар, Тўхтамишнинг қўшини, деб жавоб берганлар. Теуришнинг амирлари буйруқни бажариб орқаға қайтганлар, аммо душманининг олдинги отряди уларнинг устиға камондан ўқ ёғдирган ва шундан кейин жанг бошланиб кетган. Орадан бироз вақт ўтгач, Теуришнинг ўғли Мироншоҳ қўмондонлиги остида Теуришнинг қўшини етиб келиб, жангға кирган. Тўхтамишнинг асосий кучлари блан қаттиқ жанг бўлган. Жангда Мироншоҳнинг қўли балаид келаётганлиги очикдан-очик кўрнниб турган эди.

¹ Қуйида бу тўғрида муфассал гапирилади.

² Догистондаги дар'е.

Шундан кейин Тўхтамиш қўшинини орқага қайтариб, Дарбандга қараб кетган.¹

Уша йили Тўхтамиш Закавказье ва Озарбайжоннинг ичкари-сига иккинчи марта киришга жур'ат этмай, қўшинини тўсатдан шарққа қараб олиб кетган. Темурнинг Эрон ичкарасида юрганини ва Мовароуннаҳрда унинг кучли қўшини йўқлигини билиб, Тўхтамиш 789 ҳ. йилда (=22 I 1387—10 I 1388) катта қўшин билан Сигноқдан ўтиб, Темурийларнинг Урта Осиёдаги ерларининг чегара қал'аси ҳисобланган Саврон шаҳрига етиб келган. Саврон ҳимоячилари шаҳарни шу қадар қаттиқ туриб мудофаа қилганларки, шаҳар истехкомлари эса шу қадар мустаҳкам бўлганки, Тўхтамиш ҳарчанд уринса ҳам, қал'ани олаолмаган. Тўхтамиш қўшинига қарши Андижондан Темурнинг ўғли шаҳзода Умар Шайх аскар билан келган. Утрордан сал нарироқда Тўхтамиш қўшини билан жанг бўлиб, бу жангда Умар Шайх енгилган. Шундай қилиб, Тўхтамишнинг Мовароуннаҳрга, гуллаб-яшнаб турган Зарафшон водисига бемалол кириб боришига йўл очилган. Йўл-йўлакай бирқанча қишлоқ ва шаҳарларни талаб борган Тўхтамиш Бухорони қўлга олмоқчи бўлди, броқ Саврон сингари, Бухоро шаҳри ва унинг қал'асини ҳам олишининг уддасидан чиқаолмади. Бухоро деворлари тагида Тўхтамиш қаттиқ қаршиликка дуч келган, бухороилар шаҳарни жуда усталик билан мудофаа қилабилганлар. Тўхтамишнинг қўшинлари Бухорони қолдириб, Мовароуннаҳрнинг то Амудар'ё бўйига-ча бўлган атроф жойларни ва бирқанча районларини талаб кетган. Қаршидан гарб томонда жойлашган, Қашқадар'ё ҳавзасидаги Занжир Сарой айниқса қаттиқ зарар кўрган².

Тўхтамишнинг талончилик юриши тўғрисидаги хабар Темурга бориб етган, Темур 789 ҳ. йилда (=1387—1388) Ғарбий Эроннинг Шероз шаҳрида эди. Тўхтамиш Мовароуннаҳр устига қўшин тортиб келиб, Хоразмда Темурга қарши қўзғолон тайёрлаган. Қўнғирот қабиласидан бўлган Сўфийлар династияси Хоразмда ҳали ма'лум даражада роль ўйнаганлигидан бу қўзғолонни тайёрлаш анча осон бўлган. Сўфийлар династиясининг сўнгги вакили бўлган Сулаймон Сўфи қат'иян Тўхтамиш томонига ўтган. Темур бўлаётган ҳодисаларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, Тўхтамиш унинг Эронга нисбатан тутган истилочилик ниятларининггина эмас, балки Мовароуннаҳрнинг ўзини ҳам бирлаштирини ишини жиддий хавф остида қолдираётганлигини яхши пайқар эди. Ана шу сабабдан, у, Тўхтамишга қарши қат'ий ҳаракатлар бошлаш пайти етди, деб ҳисоблади. Темур аввало хоразмдиларни ва хиёнаткор Хоразмшоҳ Сулаймон Сўфини жазолаш мақсадида Хоразмга қўшин тортиб борди, бу юриш Темурнинг Хоразмга қилган бе-

¹ Низомиддин Шомий, Таиғр нашр., 101—102 бетлар.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 153 бет.

шинчи юриши бўлиб, кўпга чўзилмади. Темур сахро ерлардан жадаллик блан юриб келиб, Бағдодак¹ каналдан ўтди ва Урганчга етиб келди. Сулаймон Сўфи, Шарафиддин Али Яздвийнинг айтишича, «тахтдан кўра бошини ва юртидан кўра ҳаётини сақлаб қолишни афзал билди», Тўхтамиш ҳузурига қочиб борган ва Тўхтамишнинг яқин одамларидан ва унинг қўшин бошлиқларидан бири сифатида ундан ҳечбир ажрамаган. Буни биз қуйида кўриб ўтамыз.

Темур Хоразмни босиб олиб ва талаб, тезда Урганчни ҳам эгаллаган. Хоразмдиларнинг қилмишларидан газабланган Темур ўша 789 ҳ. йилнинг ўзида (= 1387—1388) бутун аҳоли Самарқандга кўчирилсин, Урганч шаҳри яқсон қилинсин, шаҳарнинг ўрнига эса арпа экилсин, деб буйруқ берган. Буйруқни тўлиқ бажариш мумкин эмас эди, аммо унинг буйруғига биноан, мумкин бўлган ҳамма чораларни кўрилган ва гуллаб турган шаҳар ярим харобазор сахрога айланган. 1391 йилда Темур жаҳлдан тушиб, Хоразмнинг пойтахти Урганчни қисман бўлса-да тиклашга рухсат берган. Буни биз қуйида кўриб ўтамыз.

¹ Бағдодак каналининг қаердалиги аниқ ма'лум эмас, В. В. Бартольд фикрича, Бағдодак Амударёнинг шимолий irmoқларидан бири бўлган (В. В. Бартольд, К истории орошения Туркестана, 87 бет).



У Ч И Н Ч И Б О В

*XIV АСРНИНГ 80—90-нчи ЙИЛЛАРИДА
ТЕМУРНИНГ ТЎХТАМИШГА ҚАРШИ КУРАШИ*

„Уларнинг олд томонида Итиль дарёси, орқасига эса ҳалокатли қилнч турар эди“.

Шарафиддин Али Яздий (XV а.)

1

Темур Тўхтамиш блан биринчи марта 777 ҳ. йилда (= 1375—1376) танишган. Бу пайт Темур майда феодалликларга бўлиниб кетган Мовароуннаҳрни бирлаштиришга эндигина киришабошлаган, ҳарбий ишларда катта истеъдод эгаси эканлигини ҳали намоён қилмаган ва Эрон, Закавказье, Кичик Осиё, Ҳиндистон ва Хитойда катта-катта территорияларни босиб олиш ва уерларни талон-торож қилишнинг ташкилотчиси ва раҳбари сифатида ҳали ном чиқармаган бир давр эди.

Темурнинг яқин 15—20 йил ичида дунё миқёсидаги ҳукмдорга айланишичи, фақат Урта Осиёнинггина эмас, балки деярли бутун Олд Осиёнинг ҳам тақдирини ҳал қилучи ҳукмдор бўлишини унинг замондошларидан ҳечким ўйламаган эди. Темур 1376 йилда Самарқандда Тўхтамишни ўз паноҳига олган пайтда, ҳали отоқли ҳукмдор сифатида донги чиқмаган эди. У вақтда Темурга лоақал Олтин Урда хонига баробар келаоладиган ҳукмдор деб ҳам қаралмас эди. Уша вақтда Темур паноҳида иззат-ҳурматда бўлган Тўхтамиш ҳам Темурга шундай деб қарар эди. Темур ёш жиҳатидан Тўхтамишдан катта ва сиёсий майдонга ҳам ундан олдин чиққан бўлса ҳам, уларнинг асосий ҳукмронлик даври деярли бирвақтга тўғри келган. Темур Тўхтамишга ҳомийлик қилиб, унинг учун жуда катта маблағлар сарф қилган, лекин Темурнинг бу марҳаматлари беғараз эмас эди. 70-нчи йилларда Урта Осиёни бирлаштириб бир бутун давлат ташкил қилиш блан банд бўлган Темур, шу блан бирга, ўз давлатининг осойишта яшайолиши-

га имкон берадиган бир шароит яратиш, я'ни атрофида душман давлатлар бўлмаслигига эришиш масаласи устида доимо ўйлар эди. Шу нуқтаи назардан Темур Мовароуннахрнинг шарқий ва шимоли-шарқий чегараларига алоҳида хавф блан қарар эди. Ет-тисув ва Қашқарнинг мўғул хонлари ва Жўжи Улуси уни ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишлантирар эди. Олтин Ұрдадаги воқиялар ва тўс-тўполонлардан, Мамайнинг ҳолидан, ниҳоят, Жўжи Улусини қайта тиклашда Оқ Урда ва унинг ҳокими Урисхоннинг қандай роль ўйнай бошлаганидан Темур яхши хабардор эди. Олтин Ұрданинг бириктирилиши, Жўжи Улуси қудратининг яна тикланиши, Темурнинг фикрича, Мовароуннахр учун зарар эди, чунки қудратли Жўжи Улуси Темур бошчилик қилган давлатга ҳар доим хавф тугдирар эди. Мовароуннахр ҳокими бўлган Темур Олтин Ұрданинг заифланишидан жуда манфаатдор эди. Урисхоннинг тақибларидан қочиб, 1376 йилда Самарқандга келган шаҳзода Тўхтамишни Темурнинг иззат-ҳурмат блан ўз паноҳига олганлигининг сабаби ҳам ана шунда эди, чунки Темур шу муносабат блан Оқ Урданинг, кейин эса Олтин Ұрданинг ишларига актив сурагга аралаштириш имкониятига эга бўлган бўлар эди.

Тўхтамиш сиёсат майдонида иш бошлаган дастлабки ойлар ва ҳатто йилларда Темур берган ёрдамини жону дилдан қабул қилган. Ташқаридан қараганда ўз ҳомийсидан миннатдор ва унга содиқ бўлган Тўхтамиш, амалда орадан кўп ўтмай, мустақил сиёсий ҳаракат қила бошлади, кўп ҳолларда ҳатто Темур манфаатларига зид ишлар қилди, чунки Тўхтамиш Темурнинг вассали бўлиб қолишни ҳеч ҳам хоҳламас эди. Тўхтамиш тезда Мамайни тор-мор келтириб, Жўжи Улусида ҳокимиятни қўлга олгандан кейин (1381 йил), Олтин Ұрданинг қудратини ва унинг улуг давлатчилик сиёсатини қайта тиклаш йўлига ўтди.

Тўхтамишнинг бу қилмишлари эрта-кечми, икки ўртада жанжал чиқишига сабаб бўлишини Темур яхши сезар эди. Тўхтамиш ҳам буни яхши пайқар эди, шу сабабли у ўз ҳомийси блан курашишга зўр бериб тайёрлик кўра бошлайди. Темур ҳам бу тўқнашувга тайёрланса-да, лекин шошилмас эди, балки тўқнашишга ҳали вақт эрта деб, тайёргарликни орқага сурар эди. Бу вақтда Тўхтамиш нақадар катта маблағларга ва одам резервларига эга эканлигидан Темур яхши хабардор эди. 80-нчи йилларнинг иккинчи ярмига қадар Тўхтамиш Темурга қараганда анча кучли эди. 80-нчи йилларнинг охирига келганда, шунда ҳам Тўхтамиш 1387 йилда Мовароуннахрга талончилик мақсади блан қўшин тортиб келгандан кейингина Темур Тўхтамишга қарши курашишга қарор берди. Брок шундан кейин ҳам, Тўхтамиш дастлабки пайтларда ташаббусни қўлдан бермади. 1388 йил охирида Тўхтамиш жуда катта қўшин тўплади, бу қўшинда, Шарфиддин Али Яздийнинг айтишича, турк-мўғул қисмларидан ташқари, яна рус, булғор, черкас, алаң, моқша, бошқирдлардан ва

Қрим, Қафа (Феодосия) ва Азоқ (Азов) халқларидан олинган отрядлар бўлган¹.

Тўхтамиш қишда йўлга чиқиб, қўшинининг бир қисмини Саврон шахрини қамал қилиш учун қолдирган, иккинчи қисмини эса, Арьсь дар'ёсининг Сирдар'ёга келиб қуйиладиган жойи яқинидаги Зернуқ қал'аси районига юборган.

Бу вақтда Темур ўз пойтахти Самарқандда эди. Тўхтамиш қўшинларининг яна бостириб келаётганини эшитиб, Темур Тўхтамишга қарши чиқиш учун керакли армияни тўплашга буйруқ берган. Бунинг учун Темур Андижондаги ўғли Умар Шайхга ва Хиротдаги иккинчи ўғли Мироншоҳга ўз таважжийларини² юбориб, халқдан керакли миқдорда лашкар тўплаб бироз вақтдан кейин, белгиланган жойга етиб келишни буюрган. Темурнинг ўзи эса Самарқанд блан Кеш (Шаҳрисабз) дан бирнеча ўн минг жангчилар олиб, авангард сифатида Сирдар'ё томонга қараб юрган.

Бу вақтда қаҳратон қиш эди, дастлаб гоҳ ёмғир, гоҳ ҳўл қор ёғиб турган, кейин совуқ бошланган, шу даражада қалин қор ёққанки, отлар зўрға юрган. Андижондан келган Умар Шайх отрядлари Темурга Сирдар'ё бўйида қўшилган. Сирдар'ёдан сал нарироқда Темур Тўхтамиш қўшинининг олдинги қисмлари блан тўқнашиб, уларни тор-мор қилган ва қолган-қутганларини дар'ёнинг нариги томонига қочишга мажбур этган.

Темур эришган бу ютуғига қизиқиб кетиб Тўхтамиш қамал қилиб турган Саврон шахрига қараб бормай, Самарқандга қайтган, бу вақтда Мироншоҳнинг Хуросондан ва унга ёндош областлардан тўплаган асосий кучлари Самарқандга етиб келган эди. 1389 йилнинг эрта баҳори эди, Самарқанднинг теварак-атрофидаги ерларда Балх, Қундуз, Бақлон, Бадахшон, Хутталанд, Хисор ва бошқа область ҳам шахарлардан келтирилган аскарый қисмлар турар эди. Темур лозим бўлган тайёргарликни кўриб бўлгандан кейин, шу 1389 йилнинг баҳоридаёқ Оқ Урдага қараб юрган ва Тўхтамиш қўшинлари блан шуерда учрашмоқчи бўлган. Броқ бу сафар Тўхтамиш урушмасдан Саврон қамалини бўшатиб, даштликнинг ичкарисига кириб кетган. Ҳар иккала томон ҳам бу, урушни кечиктириш эканлигини, ахир бир кун муқаррар тўқнашув бўлажagini жуда яхши тушунар ва шу сабабли бўлажак урушга зўр бериб тайёрланабошлаган эди.

2

Темурнинг Тўхтамишга қарши кураши масаласини рус тарих фани алоҳида ўрганиб чиққан. XIX асрнинг биринчи ярмида Петербургда ишлаган француз ориенталисти М. Чапгоу биринчи

¹ Шарафиддин Али Яздий, I, 461. — В. Г. Тизенгаузен, кўрсатилган асар, II т., 156 бет.

² Таважжийлар тўғрисида қуйида сўзланади.

марта бу соҳада анча катта илмий текшириш иши олиб борди. Бу илмий асар, Expedition de Timour à l'Inde ou l'amerlan contre Toq'amiche. Khân de l'ouloûs de Djoûtchy, en 793 de l'hégire ou 1391 de notre ère, деб аталган. Сарлавҳадан кўри-ниб турибдики, бу асар авторнинг ўз она тили — француз тилида ёзилиб, „Mémoires de l'Académie impériale des sciences de Saint-Petersbourg“¹да 1836 йилда босилиб чиққан. М. Шарму-нинг бу илмий асари Темурнинг 1391 йилда Тўхтамишга қилган ҳарбий юришинигина тасвирлаган ва унда 1) шу юришга оид манба'ларнинг кўпчилигини келтирган (асосий манба'лардан ўша вақтда унга нома'лум бўлган Низомиддин Шомий тексти-гина йўқ), 2) манба'лар француз тилига таржима қилиб берил-ган, 3) 1391 йилдаги юришни алоҳида текшириб ёзилган кичик бир боб берилган, 4) бу боб учун шарҳлар берилган ва 5) асо-сан манба'ларнинг қисқача обзорига бағишланган кичик кириш сўзи берилган. Шармуанинг китоби босилиб чиққанига 100 йил-дан ортиқроқ вақт ўтган бўлишига қарамай, у, Темурнинг 1391 йилда Тўхтамишга қарши қилган юриши масаласини ўрга-ниш учун ўз аҳамиятини ҳозирги кунга қадар йўқотмаган.

Ўз замонда М. Шармуанинг бу фойдали асари М. И. Ива-нининг «Чингизхон ва Темурланг даврларида мўғул-татарлар-нинг ва Урта Осиё қалқларининг ҳарбий сан'ати ва ислоҳлари»² номли китобига та'сир кўрсатган. Бу китоб икки марта нашр қилинган — биринчиси 1846 йилдаёқ босилиб чиққан, иккинчиси 1875 йилда босилган. Китоб автори шарқшунос бўлмаганлиги учун ориенталистлар асарларида келтирилган шарқ авторлари асарларининг таржималари ёки парчаларидан манба' сифатида фойдаланган. Шунга қарамай, бу китобнинг бирқанча қимматли томонлари бор, чунки у Бош Штаб ҳарбий-илмий комитетининг а'зоси бўлган мутахассис томонидан ёзилган.

Броқ ҳар иккала текширучилар, айниқса иккинчиси, Темур-нинг ҳарбий соҳадаги ташкилий ишлари, қўшинларнинг тузили-ши ва сан'ати тўғрисида фикр юритганда «Тузукоти Темур» («Темур қондалари») ёки форсча «Малфузати Темур» («Темур-нинг ҳикмагли сўзлари») номли асарни асос қилиб олган. Ҳар иккала автор, я'ни Шармуа блан Иванин фикрича, бу асар авто-биографик характердаги асар бўлиб, дастлабчи манба'лар қа-торига киритилиши мумкин. М. И. Иванин Темур қўшинининг ҳар-бий тузилишига доир асосий фактларни ҳам ана шу асардан олган. Ҳолбуки, «Тузукоти Темур»нинг автобиографик характер-даги асар эмаслиги, балки XVII асрда Ҳиндистонда ёзилганлиги

¹ Sixième série, sciences politiques, Histoire et philologie, tome III, St-Petersbourg, 18 6, 89—505 бетлар.

² М. И. Иванин ўлгандан кейин ген-лейтенант князь Н. С. Голицин тах-ририда чиққан нашрга қаралсин (СПб., 1875).

ва унинг XV аср Эрон учун характерли эмаслиги ҳозирги вақтда аниқланган¹. Бинобарин Темурнинг ҳарбий ташкилоти ҳақида бу асарда айтилган фикрлар тарихий аниқ материал бўлаолмайди. Бу тўғрида илмий фикр юритмоқ учун асослироқ фактларга мурожаат қилиш зарур. Бундай фактлар XV аср тарихчиларининг асарларида бор. Жумладан, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Клавихо асарлари Темур тарихи учун асосий манба'лар бўлиб хизмат қилади. Булардан кейинроқ ўтган ва Низомиддин Шомий билан Шарафиддин Али Яздий асарларига асосланиб ёзган Абдураззоқ Самарқандий асари ҳам шулар жумласига киради. Темур билан Тўхтамишнинг ҳарбий ишларини тушуномқ учун Жувайний асаридаги Чингизхоннинг улуг' ясои деб аталган ерлар ҳам катта аҳамиятга эга.

Темур қўшини ҳам, ўша замондаги Жўжи Улуси қўшини сивари, Тўхтамиш даврида Чингизхон замонидаги мўғул қўшинларидан асосан ҳечқандай фарқ қилмаган. Темурнинг қўшини асосан Чингизхон қўшинига ўхшаб тузилган бўлсада, лекин у бироз такомиллаштирилган эди. Сўзимизнинг исботи учун, мўғул қўшинига асос қилиб олинган ва юқорида айтилган Чингизхон ясоига кирган принципларни қисқача баён қилиб ўтамиз. Чингизхон ва унинг лашкарбошилари мўғул қўшини билан фахрланар ва биздан аввал ўтганларда ва замондошларимизда ҳам бундай қўшини асло бўлмаган деб ҳисоблар эдилар. Мўғул қўшинида хизмат қилган бу халқ тинч вақтда меҳнат билан банд бўлган, турли фойдали буюмлар ясаган, ҳархил мажбуриятлар ўтаган, солиқлар — копчур², аваризот³ тўлаган, почта станциялари (бекатлар)нинг харажатлари учун кетадиган солиқлар тўлаган, от-улов етказиб берган, от ва бошқа ҳайвонларга ем-хашак етказиб бериб турган. Уруш вақтида бу халқнинг ҳаммаси аскарликка чақирилган, шу билан бирга, юриш ва жанг учун керакли барча уруш анжомларини: от ва бошқа ҳайвонлар, кийим-кечак, қурол-яроғ, қисқаси, арқондан тортиб игнагача ҳамма нарсани уларнинг ўзлари тайёрлаган⁴. Шулардан ма'лумки, мўғул қўшини ялпи мажбурият асосида чақириладиган халқ лашкарларидан иборат бўлган.

¹ В. В. Бартольд. Мир-Али-Шир и политическая жизнь. Мир-Али-Шир, сб. к пятидесятилетию со дня рождения, 1928, 103 бет.

² Кўчманчи мўғулларда копчур — «яйловдаги чорвалар 1% миқдорда олинган солиқ» (В. Бартольд. Персидская надпись на стене Анийской мечети Мануче, СПб., 1911, 32 бет).

³ Аваризот — қўшимча, ошнқча олинадиган солиқлар ёки мажбуриятлар. Кўчманчи мўғулларда булар нимадан иборат бўлганлигини айтиш қийин. Утроқ халқларда (Чингизхон бўйсундирган ва деҳқончилик билан кун кўрадиган ўлкаларга ясо киритилган эди) аваризот — бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиш, транспорт, далада ишлаш ва шунга ўхшаш соҳаларга тааллуқли бўлган фавқуллодда солиқ ва мажбуриятлардир.

⁴ Джувейни. История завоевателя мира. GMS, XVI, ч. I, 22 бет.

Мўғул қўшини ўнлик системага мувофиқ тузилган, яъни ўнликларга, юзликларга, мингликларга, ўнмингликларга (туманларга) бўлинган. Ҳарбий ишга лаёқатли мўғуллардан ҳарбири қайси ўнликка мансуб эканлигини, шу ўнлик орқали ўзининг юзбошисини ва бошқаларни яхши билган. Шу билан бирга, қўшинга чақирилган ҳарбир мўғул йиғиладиган ва кўрувдан ўтадиган жойига дарҳол етиб бориши ва керак бўладиган нарсаларнинг ҳаммасини тахт қўйиши даркорлигини билар эди. Сафарга анжомларини тахт қилиб келмаган жангчининг шўри қуриган, бирон нарсаси етишмаган одам қаттиқ жазоланган. Қўшин тўплаш зарур бўлиб қолганда, буйруқ юқоридан пастга қараб борган. Энг юқори ҳарбий бошлиқ туманбошига буйруқ берган. туманбоши эса буйруқни ўзидан пастдаги мингбошига, мингбоши юзбошига ва юзбоши ўнбошига юборган. Йиғилиш жойига тезда етиб келиш лозим бўлган, акс ҳолда, қаттиқ жазо берилган¹. Мўғул қўшинида асосий қўшилмаларга (қўшиннинг маркази, қаноғларига) қўмондонлик қилучи шаҳзодалардан (ўғлонлардан) тортиб ўнликка кирган оддий жангчига қадар ҳаммаси қаттиқ интизомга бўйсунган.

Ясога кўра, қўшин юришга чиққан пайтда жангчилар ҳар доим ярим оч ҳолда тутилган, бунда қорни тўқ ит овда фойда бермаганидек, тўқ жангчи ҳам жангга ярамайди; жангга ғазаб ва шиддат билан урушиш ўрнига, бўшанглик қилади, деган қонда асос қилиб олинган.² Чингизхон ва унинг ворислари давридаги мўғул қўшинининг энг характерли хусусиятларидан бири шу бўлганки, бу қўшин шаҳар ва қишлоқларни босиб олган вақтда уларни қаттиқ талаган ва халқни раҳмсизлик билан қирган. Мўғул қўшинига таълим бериш ва уни тарбиялашда, ясога кўра, қуршаб ов қилиш катта роль ўйнаган. Чингизхон ва унинг ворислари қуршаб ов қилишга катта эътибор берганлар. Қуршаб ов қилиш ҳар доим катта масштабда ўтказилганлиги ва узоқ вақт давом этганлиги сабабли, фақат ҳарбий-хўжалиқ аҳамиятигагина эга бўлиб қолмаган, балки у урушга тайёрлик кўришнинг ўзига ҳос бир мактаби ҳам бўлган. Мўғул хони ов ташкил қилганда, аҳолини ҳақиқатда урушга чақиргандагидек, сафарбар қилган. Ов машқига айрим областлардан кўчманчилар ҳам чақирилган, келган кўчманчилардан ўнлик, юзлик, минглик ва туманлардан иборат ҳарбий отрядлар тузилган. Бунинг устига ов вақтида ҳам, худди юриш вақтидагидек, ўнг, сўл қаноғлар ва марказ бўлган. Хон буйруғи билан, йиртқич ҳайвонлар макон топган жуда катта район баъзан бир ойга ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт қуршов қилиниб, бу территория тобора қисиб борилган³. Ясога кўра,

¹ Джувейни. История завоевателя мира, GMS. XVI, ч. I, 22–23 бетлар.

² Джувейни, ўша асар, 22 бет.

³ Джувейни, ўша асар, 20 бет.

қуршаб ов қилиш ҳарбий ишда фойдали бўлган кўпгина малакаларни тарбиялаган.

Темурнинг қўшини ҳам халқ лашкаридан иборат бўлса-да, лекин Чингизхон замонидагига ўхшаб умумхалқ орасидан териб олиннадиган лашкар эмас эди. Темур давлати феодал давлат бўлганлигига кўра, кенг кўчманчилар оммасидан халқ лашкарига одам олинса-да, броқ деҳқончилик блан шугулланучи аҳолидан расамади билан олинган, я'ни юқоридан келган конкрет талаб ва жойнинг шароитига қараб маҳаллий ҳоким ҳар сафар деҳқонлардан тегишли одам ажратган. Темур лашкарининг Чингизхон қўшинидан муҳим фарқи яна шунда эдики, Темур қўшинида отлиқ аскарлар блан бир қаторда пиёдалар ҳам катта роль ўйнаган, буни Темурнинг ўз душманлари блан олиб борган катта жанглари тасвир қилган асарлардан кўриш мумкин¹. Бу эса Темур давлатининг феодал характериға жуда мос келган. Пиёда аскарлар асосан деҳқон ва ҳунармандлардан олинган, кўпинча бу ҳунармандлар қўшинға девор тешар машина ва бошқа хил қамал машиналари ҳамда турли мудофаа қуролларини ишлатиш учун олинар эди.

Темур қўшинининг ўзига хос характерли яна бир хусусияти шундаки, халқ лашкари сифатида қўшинға чақирилган жангчилар ба'зан юришға чиққан вақтларида узоқ муддатға, беш ва ҳатто ўн йилдан ҳам кўпроқ муддатға сақлаб қолинган. 1372 йилдан то 1405 йилгача узлуксиз урушлар олиб борган Темур, гарчи қўшинни халқ лашкари сифатида тўплаш принципини ўзгартмаган бўлса-да, унинг ташкилий томонини тобора такомиллаштириб борган.

Темур давлати феодал ерларнинг типик бирлашмаси эди. Булар, бир томондан, Мовароуннаҳр, шунингдек, Эрон территориясида маҳаллий династиялар бошчилик қилган эски Эрон князьликларидан, иккинчи томондан, ҳаржой-ҳаржойдан қирқиб олиниб янгидан ташкил қилинган ва Темур ўз ўғиллари ҳамда невараларини бошлиқ қилиб қўйган феодал бирлашмалардан, учинчи томондан — ахшом (кўчманчи қабилалар) ва вилоятдан (халқ ва областдан) иборат эди; ахшом ва вилоятлар ҳам феодал ерлар ҳисобланар эди. Бу ерларнинг кўпчилиги айрим ма'мурий бўлақлар сифатида давлатни ёки унинг бир қисмини бошқариш системасига кирган, шу блан бирға Кебекхон (1318—1326) замонидан бошлаб бу ма'мурий вилоятлар туманлар деб аталган. Бу феодал вилоятлар (туманлар) ҳам вилоят ҳокимлари бошчилигида халқ лашкарлари етказиб бериши лозим бўлган. Ҳарбир шундай тумандан 10.000 дан жангчи тўплансин деб ай-

¹ Қаранг: Низомиддин Шомий, описание сражения Тимура с Тохтамышем при Кундузче, Таеге нашри, 123—124 бетлар — Ш а р а ф и д д и н А л и Я з д и й, I, 334 бет.

тилса ҳам, броқ амалда деярли ҳамавақт бундан кам йиғилар эди. Абдураззоқ Самарқандий ма'лумотиға кўра, Темур халқ лашкарлари йиғиш тўғрисида фармон берган вақтида жуда катта ваколатға эга бўлган мас'ул одамларни жойларға юборар эди; булар «таважжийлар» ёки «тавачилар» деб аталар эди. Алоҳида топшириқларни бажарадиган бу ҳарбий амалдорлар (ўзига хос баковулар) бирор отряднинг жанг вақтидаги аҳволи қандайлигини Темурға ёки олий мартабали бошқа ҳарбий бошлиққа (қўмондонға) хабар қилган¹ ёки Темур фармонларини туманлар, минглиklar, қўшунларнинг амирларига етказганлар. Халқ лашкари тўплаш вақтида тавачилар айниқса муҳим роль ўйнаган. Бундай вақтда Темур тавачиларға алоҳида ваколат берган ва уларнинг батамом мас'уллиги остида бирон-бир аскарый қўшилмани олиб келиш тўғрисидаги фармонни ўз вақтида тўла ижро этишни улардан қаттиқ талаб этган². Тавачиларға ҳатто юриш вақтида қуршаб ов қилишни ташкил этиш каби вазифалар ҳам юклатилган³. Қўшин юришға чиққан пайтда йўлда, айниқса қўшни душман лагерига яқин келганда қўнадиган ерларни тавачилар тайёрлаганини⁴ ва улар зафарли юришдан кейин, қўлга тушган ўлжани тақсимлашда актив қатнашганини кўрамиз⁵.

Темур тавачиларига айниқса катта мукофотлар, ҳад'ялар берган. Тавачилар халқ лашкари тўплаш учун жойларға кетаётганларида, халқ лашкарининг миқдори кўрсатилган рўйхатни, я'ни «сон»ни ўзлари билан бирга олиб кетганлар. Бундан ташқари, тавачилар Темурнинг фармойишини, ҳарқандай тўсқинлик бўлишиға қарамай, албатта бажаражаги ҳақида алоҳида тилхат — мажбурият (мучилка)⁷ берган. Масалан, Абдураззоқ Самарқандий сўзига кўра, Темур Тўхтамишға қарши отланишдан олдин қўшин тўплаш учун тавачиларни вилоятларға тақсимлаб юборган пайтда улардан мучилка, я'ни тилхат олган, бу тилхатға кўра, тавачилар нима қилиб бўлса ҳам керакли миқдорда қўшинни йиғиб келишға мажбур бўлган. Лекин «мучилка» («тилхат») терминини фақат тавачиларға нисбатан қўлланмаган, балки бошқа мансабдор шахсларға (ҳарбий ва граждандошлари мансабдор-

¹ Низомиддин Шомий, Таърих нашри. 124 бет.—Қараг: Шарафиддин Али Яздий (в сб: В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 170 бет).

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., Шарафиддин Али Яздий, 156 бет.

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 161 бет.

⁴ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 176 бет.

⁵ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 185 бет.

⁶ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., Абдураззоқ Самарқандий, 162, 191 бетлар. — Chartroy Expedition de Timour-lenk, 245—246 бетлар (форсча текст), 422 бет (франц. тилда).

⁷ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 191 бет. — В. В. Бартольд «Улугбек и его время» деган асарида Муниззал Ансоб асарини далил келтириб (Париж кўлёзмаси, л. 81), Чыңгиздин замонидек Қорачар деган ноён «мучилка»ни киритган, дейди. Қара: Улугбек и его время, 22 бет, 9 шарҳ.

ларига) бирор вазифа юклатилган пайтда ҳам улардан шундай «мучилка» олинган. Темур 1391 йилда Тўхтамишга қарши қўшин тортиб кетаётганида даштликда озиқ-овқат маҳсулотлари камчилигини кўриб, туманбоши, мингбоши ва юзбошиларга озиқ-овқатни тежаб сарфлаш ва унни ортиқча харжламаслик тўғрисида буйруқ берган, нон, кулча, увра оши, чучвара ва бошқа хил хамир овқатлар пиширишни тақиқлаган ва фақат атала қилиб ичиб туришни буюрган. Шу муносабат билан Темур амирлардан мучилка (тилхат) олган.

Тавачилар вилоятлар ва қабилалар (ахшом)дан, турк ва тожиқлар орасидан пиёда ва отлик халқ лашкарлари тўплаган. Халқ лашкарининг ҳарбир жангчиси, Абдураззоқ Самарқандий ёзишига кўра, бир йилга етадиган озиқ-овқат ва бошқа буюмлар запаси, тўрт хил қурол-яроғ — бир камон ва 30 та ўқёй, совут ва қалқон олиб келиши лозим бўлган. Ҳар икки жангчида бир от (қўлбола от) ва ҳар 10 кишида — 1 чодир, 2 белкурак, 1 мотиға, 1 ўроқ, 1 арра, 1 теша, 1 бигиз; 100 та игна; 1/2 ман омбор оғирлигида арқон, 1 пишиқ тери ва 1 қозон бўлиши талаб этилган¹.

Халқ лашкари тўғрисида гапирганда, дастлабки «асл» составни ёки контингентни, шу отряд катта талафот бергандан кейин тўпланадиган қўшимча («изофа»)² лашкардан фарқ қилмоқ керак. Ўнлик системага кўра, бу лашкар мингликларга, қўшинларга ва ўнликларга бўлинган. «Қўшуилар» — қўшинни ташкил қилишдаги энг муҳим қўшилма бўлган; «қўшун»га ҳаммаси бўлиб 50 киши кирганлигини кўрсатадиган фактлар бўлса ҳам, лекин унда кўпинча 100 дан ортиқ киши бўлган³.

Шу нарса характерлики, манба'ларда «амир» термини фақат «туманлар», «мингликлар»нинг бошлиқларига нисбатан эмас, балки «қўшунлар»нинг бошлиқларига нисбатан ҳам ишлатилган⁴. Қўшин бир туманми ёки Темур қўшинининг ҳаммасими, — бундан қат'и назар ҳамавақт ма'лум бир тартиб билан юришга чиққан; бу тартиб «мурчил»⁵ деб аталган.

Бу «мурчил»га, я'ни ҳарбий бошлиқларнинг даражалари бўйича қўйилган жанговар тартибга қараб, амирларнинг ҳарбири — «туман» амирлари, «минглик» амирлари ва «қўшун» амирлари ўз ўрнини билиб туриши керак эди. Асосий қўшин юришга чиққанда ба'зан жуда катта отряддан (бирнеча тумандан) иборат авангард

¹ М. Шагтоу, ўша асар, 246 бет (форсча текст), 422 бет (франц. тарж.). — Бундай талаблар илгари ҳам мавжуд бўлиб, у мўғул қўшинини ташкил қилиш традицияси билан боғлиқ бўлган. (Қаранг: Ясу Чингис-хана в изложении Джувейни. GMS, XVI, I, 22 бет).

² М. Шагтоу, ўша асар, 250 бет.

³ В. В. Бартольд, Улугбек и его время, 24 бет.

⁴ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., Шарафиддин Али Яздий, 159, 164, 175 ва бошқа бетлар.

⁵ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 159 ва 175 бетлар.

(манқила)¹ қўшин олдида борган. Авангарддан олдинда доимо, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий кўпроқ «қоровул» термини блан атаган, қўриқчи отряд юрган. «Қоровул»нинг асосий вазифаси қўриқчилик хизматини ўташ ва асосий қўшин олдида нималар бўлаётганини тўхтовсиз хабар қилиб туришдан иборат бўлган. «Қоровул»дан «хабаргири» (разведка)ни фарқ қилмоқ керак. «Хабаргири»ни қўмондоннинг қароргоҳидан тортиб, то қўшуларнинг амирларига қадар қўшиннинг истаган қисми юбораолар эди.

Разведкада ишлайдиган одамлар одатда баҳодирлар орасидан танлаб олинган, буларга бошчилик қилиш ҳам ботир ва тажрибали ҳарбий бошлиққа (масалан, Шайх Довудга, Мубоширга ва бошқа шунга ўхшашларга) топширилган. Разведкага кўп вақт «тил» тутиб келиш топширилган².

Қўшин йўлга чиққанда йўл бошловчилар («качарчилар») муҳим роль ўйнаган. Темур шахсан ўзи Оқ Ұрда хони Ҳарисхон устига қўшин тортиб борган пайтда Тўхтамининг ўзи йўл бошлаб борган³. Темур йўл бошловчиларга шу қадар катта аҳамият берганки, у ўз қўшинининг амирлари ўртасида йўлбошловчиларни шахсан ўзи тақсимлаган.

Темур 1391 йилда Тўхтаминга қарши отланган пайтида шундай қилган⁴. Ба'зан юришлар вақтида лагерь типидagi қароргоҳни рўбарўдан келаётган душман қўшинига яқин жойда қуришга тўғри келган. Қароргоҳ олдида окоп (хандақ)лар қазилиб, тўқилган қалқон («чопор»)лар ва қандайдир мудоффа қуроллари — турлар⁵

¹ Низомиддин Шомий. Таърих нашри.—Бу асарда «манқила», «қоровул», «хабаргири» терминлари жузга тез-тез учраб туради. 119-нчи бетни мисол қилиб келтирайлик. Ҳарда бу терминларнинг ҳаммаси юқоридаги ма'нода ишлатилган. «Манқила» термини мўғулча бўлиб, мўғуллар замоннда пайдо бўлган ва Олтин Ҳарда тарихига доир воқеалар тасвир қилинганда учрайди (масалан, Вассофининг 718 ҳ. йилда (=1318—1317) Ўзбекхоннинг Арронга қилган юришининг тасвири деган асарига қаралсин: В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 87 бет).

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар; Низомиддин Шомий асарида (Таърих нашри) аксари «хабаргири» — разведка ва унинг бошлиқлари тўғрисида ҳикоя қилинган. Асарнинг 119—120 бетларида Шайх Довуднинг идроки ва сан'ати тўғрисида, унинг Темурга қимматли ма'лумотлар берган «тил» тутиб келганлиги тўғрисида муфассал гапирилади. 121 бетда Мубоширнинг бу масаладаги усталиги ҳақида, унинг 40 кишини бир йўла тутиб келганлиги ҳақида гапирилади.

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., Шарафиддин Али Яздий, 149 бет.

⁴ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 112 бет.

⁵ М. С. Ҳагтоу, кўрс, асар, 202 бет (форсча текст). — Контекстдан ма'лумки, чопорлар қўл қалқонлари эмас, балки окоп қалқонларидир. Шармуа «турлар ва чопорлар» «катта ва кичик қалқонлар» бўлган, деб хато таржима қилган (кўрс., асар, 387 бет).

Темурнинг 1394—1395 йилларда Тўхтаминга қарши қилган юришини тасвирлаганда ҳам шу терминлар ишлатилган (В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 175—176 бетлар).

қўйилган. Атрофи окоплар блан ўраб олинган бундай қароргоҳ ба'зан эски мўгулча термин блан «курень»¹ («курень») деб аталган.

Бундай қароргоҳда кечалари олов ёқиш ва ҳатто қаттиқ гапириш ман' қилинган.

Темур фақат ғолибона жангдан кейин эмас, балки душман блан тўқнашмасдан олдин ҳам, айниқса жанг олдидан аскарлар руҳини кўтариш учун уларга турли совғалар берган. Жангчиларга бериладиган совғалар «укулка» («оглигә») деб аталган².

Қўшиннинг жанг бошланиш олдидан жойланиш тартиби — жанговар тартиб катта аҳамиятга эга бўлган. Низомиддин Шомий³ ва Шарафиддин Али Яздий⁴, Темур қўшинни жанговар сафга тартиш масаласида янгиликлар киритган дейдилар.

Темур киритган янгилик нимадан иборат эканлигини билиш учун, Темур ҳарбий бошиқ сифатида иш бошлаган дастлабки пайтларда қўшиннинг жанговарлик тартиби қандай бўлганлигини, я'ни у бу масалада ўздан олдин ўтган лашкарбошилардан нималарни мерос қилиб олганлигини кўриб чиқиш керак. Бунинг учун 1365 йилдаги «Ботқоқ жанги» деб аталган жангда қўшин қандай жанговар тартибда бўлганлигини аниқлаб олиш керак; бунда Хусайн блан Темур мўгул хони Ил'ёсхўжага қарши урушган ва бу жангда енгилган. Жанг Чиноз блан Тошкент ўртасидаги бир ерда бўлган. Низомиддин Шомий бу тўғрида жуда муҳим бир материал келтирган. Бу жангда Хусайн блан Темур қўшини қандай жанговар тартибда сафга тизилганлигини Низомиддин Шомий бундай тасвирлайди. Амир Хусайн қўшиннинг ўнг қанотига бошчилик қилган, канбулда (фланг қўриқчилигида) Арлатлар қабиласидан чиққан Тиланчи турган, қоровулда эса — амир Улжойту ва бошқа амирлар турган; сўл қанотда Темурнинг ўзи бошчилик қилган, унинг канбулида Сари Буға турган, қоровулда эса Темурхўжа ўғлон турган; марказда (кул) амир Чоку ва бошқа амирлар турган⁵.

Шундай қилиб, биз буерда марказ, сўл ва ўнг қанотлардан иборат жанговар тартиб бўлганлигини, шу блан бирга, қанотларнинг ҳарбирида қўшимча аскарий қисм — фланг қўриқчилиги (канбул) ва қоровул турганлигини кўраимиз. Бу жанговар тартибнинг ҳаммаси етти қисмдан иборат бўлиб, булардан учтаси бирқадар мустақил иш кўраолган, тўрттаси эса (икки қоровул ва икки канбул) бошқа қисмларга бўйсунган. Бу жанговар тартибнинг характерли хусусияти шуки, ўнг ва сўл қанотларга нис-

¹ Б. Я. Владимирцов. Общественный строй монголов, 37 бет. — В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 158, 165 бетлар.

² Бу термин манба'ларда тез-тез учраб туради.

³ Низомиддин Шомий, Таъриқ нашри, 123 бет.

⁴ Шарафиддин Али Яздий, қаранг; М. Шагтоу, ўша асар, 213—214 бетлар (форсча текст). — Буерда Темурнинг янгиликлар киритгани аниқ кўрсатилган.

⁵ Низомиддин Шомий, Таъриқ нашри, 28 бет.

баган марказ кучсиз бўлган, марказнинг қоровули ҳам, резерви ҳам бўлмаган.

Темур ўз ҳукмронлигининг бошидан охиригача, я'ни 35 йил давомида (1370 йилдан то 1405 йилгача) тўхтовсиз қилган юришлари вақтида ўз қўшинини, айниқса жанговар тартибнинг ташкилий томонларини такомиллаштириб борган. 1391 йилда Тўхтамишга қарши қаратилган ва ўша замонга нисбатан биринчи ғоят катта жанг вақтида Темур такомиллашган ва кучли қўшинга эга бўлган. Шарафиддин Али Яздийнинг ҳикоя қилишича, Темур қўшинни 7 кулга бўлишни биринчи бўлиб жорий қилган, қўшиннинг 1365 йилги жанг пайтидаги жанговар тузилиши тасвирланган та'рифда кул деганда — фақат марказгина тушунилган, энди марказ блан бирга мустақил ва фақат қўмондон олдида мас'ул бўлган аскарний қўшилма ҳам тушуниладиган бўлган.

Темур 1391 йилда Тўхтамишга қарши Кундузча деган жойда жанг қилган пайтида бу жанговар тартибни биринчи бўлиб кенг миқ'ёсда қўллаган. Жанг олдида қўшиннинг жанговар тузилишини аниқ тасаввур қилмоқ учун, юқоридаги авторларнинг (Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий) қуйидаги жанглар: 1) Темурнинг 1391 йилда Кундузча деган жойда Тўхтамишга қарши қилган жанги, 2) Темурнинг 1395 йилда Терек дар'ёси бўйида Тўхтамиш блан қилган жанги, 3) Темурнинг 1402 йилда Анқара ёнида усмонлилар султони Боязид блан қилган жанги тўғрисидаги тасвирларини таҳлил қилиб чиқмоқ зарур.

Мовароуннаҳр қўшини Кундузча деган ерда жойлашган пайтда Темур ўз жангчиларининг жанговар тартибини тузиш блан шахсан ўзи шуғулланган. У қўшиннинг жанговар қўшилмаларини тамомла янгича ташкил қилган. У 7 кул (бир кулни шартли равишда корпус деб атамоқ мумкин) ташкил этиб, уларни илгаригидан бошқачароқ жанговар тартиб блан қўйган.

1391 йилда Кундузчада Тўхтамиш блан тўқнашган пайтда Темур қўшинининг жанговар тузилиши қай тартибда бўлганлигини Низомиддин Шомий мана бундай тасвирлайди.

Темурнинг кули марказга қўйилган бўлсада, аммо унга мирзо Сулаймоншоҳ бевосита бошчилик қилган. Унинг орқасида Темурнинг иккинчи кули турган, унга қўмондонлик қилиш мирзо Муҳаммад Султонга юқлатилган, ниҳоят Темур шахсан ўзининг амрида бўлган бирнеча қўшинни бу кул блан ёнма-ён қўйган. Афсуски, автор «ёнма-ён» деганда Муҳаммад Султон қўл остидаги кул (корпус) нинг ўнг томонидами, сўл томонидами ёки орқа томонидами эканлигини аниқ айтмайди. Шарафиддин Али Яздий бу жангда қўшиннинг қандай жанговар сафга тизилганлигини тасвирлаганда бу саволга жавоб беради, биз буни қуйида кўрамиз.

Ўнг қанотга мирзо Мироншоҳ қўмондонлиги остидаги кул қўйилган. Хожи Сайфиддиннинг кули — канбул (фланг кўриқ-

чилиги) вазифасини бажарган. Сўл қанотда мирзо Умаршайх қўмондонлигидаги кул жойлаштирилган, унга канбул (фланг қўриқчилиги) сифатида Бердибек қўмондонлигидаги кул турган, броқ у фақат сўл қанотнигина эмас, балки марказни ҳам қўриқлаш вазифасини бажариб турган. Афсуски, Низомиддин Шомий канбуллар сифатида турган куллар қаерда жойлашганлигини кўрсатмайди. Улар қўшин қанотларидаги куллар блан бирқаторда чекка флангда турганми, ёки бирқадар олдинроқда турганми,— буни айтиш қийин.

Энди Темур қўшинининг шу жанговар тартибини Шарафиддин Али Яздий қандай тасвир қилганини кўриб чиқайлик. Шарафиддин Али Яздий Низомиддин Шомийнинг айтганларини бирқадар тўлдириб, шунинг ўзини такрорлаган ва у Низомиддин Шомий фойдаланган, аммо бизнинг давримизгача етиб келмаган ўша манба'ни асос қилиб олган.

Султон Муҳаммаднинг кули марказга қўйилган. Низомиддин Шомий, бу кул бевосита Темур амрида бўлган, дейди. Бевосита қўмондонлик қилиш мирзо Сулаймоншоҳ қўлида бўлган. Бу кулнинг кетидан мирзо Муҳаммад Султоннинг асосий кули қўйилган. Унинг кетидан бевосита Темур ихтиёрида бўлган 20 қўшуи резерв қилиб қўйилган. Шундай қилиб, Шарафиддин Али Яздийнинг бу кўрсатмаси Темур қўшунлари мирзо Муҳаммад Султон кулига қайси томонда «ёнма-ён» турганлигини аниқлаб беради. Бу қўшунлар резерв бўлиб, асосий марказий корпуснинг кетида турган. Унг қанотга мирзо Мироншоҳнинг кули қўйилган, Хожи Сайфиддин кули канбул сифатида (фланг қўриқчилигида) турган. Сўл қанотга мирзо Умар Шайхнинг кули қўйилган, Бердибек Сари Буганинг кули унга канбул бўлиб турган. Бу ма'лумотларни бир-бирига солиштирганда, биз Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий ма'лумотларини аниқлаб, унга қўшимчалар қўшганлигини кўрамыз.

Умуман олганда, Темурнинг 1391 йилда Тўхтамишга қарши қилган жанги вақтидаги қўшиннинг жанговар тартибини Темур блан Хусайннинг 1365 йилдаги «Ботқоқ уруши» пайтидаги қўшиннинг жанговар тартибига таққослаб, Темур киритган ҳарбий ўзгаришлар қандай бўлганлигини ва уларнинг жанг вақтидаги аҳамияти нимада эканлигини аниқлаш мумкин. 1365 йилда Хусайн блан Темур қўшинининг жанговар тузилишида ўнг ва сўл қанотлар блан фланг қўриқчилигига асосий э'тибор берилганлигини кўриб ўтган эдик. Марказда гарчи кучли аскарый қўшилма турса ҳам, броқ жанг пайтида у ҳал қилуви роль ўйнамаган. 1391 йилги жанговар тузилишда марказга бошқача назар блан қаралганлигини кўрамыз. Қанотларга аввалгидек жуда муҳим э'тибор берилган, бу эса, флангларнинг (канбулнинг) ён томондан бўладиган қўриқчилигига катта аҳамият берилганлигидан кўриниб турибди, аммо шундай бўлсада, марказ айниқса мустаҳкамланган.

Марказ ихтиёрига авангард берилган ва, бундан ташқари, марказнинг орқа томонида қўмондон қароргоҳи ўрнаштирилиб, резервлар ҳам шуерда бўлган, жангнинг тақдирини кўпинча ана шу резервлар ҳал қилган.

Қўшиннинг бундай тузилишидаги фойдали томонларни кўргандан кейин Темур сўнги жангларда ҳам шу усулни қўллаган. Темур 1395 йилда Терек дар'ёси бўйида Тўхтамиш блан қилган жанги вақтида ҳам унинг қўшинида тартиб шундай бўлган, буни биз қўйида кўриб ўтамиз. Бунинг устига Тўхтамиш қўшиннинг бундай тузилишидаги фойдали томонларни 1391 йилги жанг пайтида ҳисобга олиб, ўз қўшинини ҳам Темурнинг қўшинига ўхшатиб тузган эди. Шундай қилиб, қўшиннинг янгича тузилишида марказ ва қанотларга ҳартомонлама э'тибор берилабошлайди. Марказ резервларни ва қўмондон қароргоҳини қўриқлаган, резервлар эса, жанг пайтида энг зарур жойга бораолиш имконига эга бўлган; канбулларнинг вазифаси эса — фақат қанотларни душман қўшинларининг ёриб ўтишидан сақлашгина бўлмай, балки душманнинг ён томондан ўнг ва сўл қанотларни айланиб ўтиб, орқадан ҳужум қилишга ҳам йўл қўймаслик бўлган. Шу сабабдан канбуллар жангда иш кўрсатган ботир ва тажрибакор қўшулардан тузилиб, уларга обрўли ҳарбий бошлиқлар қўмондонлик қилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, қўшинда фақат отличларгина эмас, балки пиёда аскарлар ҳам бўлган. Пиёдалар отличлардан олдин туриб, душман ҳужум қилгудай бўлса, айниқса у отличлар ёрдами блан атака қилса, улар (пиёдалар) ўзларининг қалқонлари («чопорлари») ва турлари орқасига яшириниб, дастлабки жангни бошлаб берганлар. Мудофаа жанги олиб бориш лозим бўлган жойла пиёдалар ғоят катта роль ўйнаган.

Шарафиддин Али Яздий Темурнинг 1391 йилда Тўхтамиш блан қилган жангини тасвирлаб, Темур қўшинининг сўл ва ўнг қанотларидаги туманларнинг, мингликлар ва қўшунларнинг амирлари пиёдалар блан отличларни жанговар тартибда сафга чизганлар, деб аниқ кўрсатади¹.

Темурнинг 1395 йилда Тўхтамиш блан қилган жангида ҳам шундай бўлган.

Ғиёсиддин Али Темурнинг 1398—1399 йилларда Ҳиндистонга қилган юришини тасвирлаб, пиёда аскарларнинг жангда қатнашганлигини қайта-қайта гапирди. Масалан, Гул (Жул) дар'ёси бўйидаги жангни сўзлаб, сўл қанотда султон Али Тавачининг кули бўлган ва унда хуросонлилардан бўлган² пиёда отрядлар қатнашган, дейди. Бундай мисоллардан кўплаб келтириш мумкин. Аммо Темур қўшинининг тузилиши қандай бўлганлиги шундай

¹ М. Шагмоу, ўша асар, 216 бет (форсча текст).

² Ғиёсиддин Али. Дневник похода Тимура в Индию, 76 бет.

ҳам равшандир. Темурнинг фақат кўчманчи/халқлардан эмас, балки деҳқончилик блан шуғулланучи ўлкалар аҳолисидан ҳам иборат бўлган қўшинидаги лашкарлар орасида пиёда жангчилар бўлмасдан иложи йўқ эди.

Темур даврида ўқсочар қуролининг бўлиши жуда муҳим бир фактдир. Муиниддин Натанзийнинг «Искандар аноними» номли асарида ўқсочар қурол биринчи марта тилга олинади, бу масалага дастлаб А. М. Беленицкий э'тибор берган.¹ XIV аср охирида ўқсочар қурол Шарқда тарқалган эди. Масалан, Низомиддин Шомий султон Маҳмуд Деҳлий қўшинининг 1399 йилда Деҳли яқинида Темур блан қилган жангини тасвирлаганда ҳинд қўшинида радандоз — «гумбирлатиб» отучи алоҳида ўқсочар қуроллар бўлганлигини тилга олади. Низомиддин Шомий Дамашқ жангчиларида ҳам ўқсочар қурол бўлганлигини айтади, Темур бу шаҳарни 1400 — 1401 йилларда қамал қилган эди.

Шу вақтда, ҳатто бундан сал олдинроқ, Шарқий Европада ҳам ўқсочар қуроллар пайдо бўлган. Тўхтамишнинг қўшинлари 1382 йилда Москвани қамал қилган пайтда москвалиларнинг тюфяклардан (примитив тўплардан) отганликларини эсга олайлик. Проф. В. В. Мавродин юқорида кўрсатиб ўтилган мақолада бунга э'тибор берган эди. Шу авторнинг сўзича, бундан бир-неча йил илгари Қозонда ҳам ўқсочар қурол пайдо бўлган. В. В. Мавродин Никон йилномасини далил келтириб, 1376 йилда руслар Қозонни қамал қилган пайтда қозовилар (я'ни ўша вақтда Булгор халқи) русларга фақат камалакдан ва ўзиотар қуроллардан ўқ отибгина қолмай, балки ўқсочар қуроллардан ҳам «гумбирлатиб ўқ ёғдириб» турганлар². Темурнинг 1391 йилда Тўхтамишга қарши қилган юриши жуда ҳам қизиқарлидир.³ Темурнинг бу юриши илмий (М. Шармуа) ва ҳарбий жиҳатдан (М. И. Иванин)⁴ текшириб, ўрганилиб чиқилган. Биз иккита сабабга кўра: 1) бу масалани текширмай, ва хусусан бу масалага оид фактларнинг ҳаммасини кўриб чиқмай туриб «Олтин Урданинг қулаши» ҳақида асар ёзиб бўлмаслиги; 2) Шармуа блан М. И. Иванин асарлари яратилган вақтдан буён (агар М. И. Иванин асарининг биринчи нашри чиққан вақт ҳисобга олинса) юз йилдан ортиқроқ фурсат ўтганлиги сабабли яна шу тема устида тўхталмоқчимиз. М. Шармуа ўз асарини француз тилида ёзган ва, у Шарафиддин Али Яздий блан Абдураззоқ

¹ А. М. Беленицкий. О появлении и распространении огнестрельного оружия в Средней Азии и Ираке в XIV—XVI веках. Изв. Тадж. филлиала Акад. Наук СССР, № 15, 1949, 23 бет.

² В. В. Мавродин. О появлении огнестрельного оружия на Руси. Вести. Ленингр. Унив., 1946, №3, 69 бет.

³ М. Шармуа «Expedition de Timour-i Lènk...» (99—126 бет) деган асарининг бир бобини шу юришга бағишлаган.

⁴ М. И. Иванин. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и средне-азиатских народов при Чингис-хане и Тамерлане. 1775, 190—207 бетлар.

Самарқандийнинг асарларидан фойдаланган. Эндиликда бизнинг кўлимизда булардан олдинги Низомиддин Шомий асарининг тексти бор, Шарафиддин Али Яздий ана шу асардан кенг фойдаланиб, унга қўшимчалар киритган.

Темур Тўхтамишга қарши 1390/91 йилнинг қиш фаслида юриш бошлаган. У Самарқанддан чиқиб, Сирдарё устига қурилган кўприкдан¹ ўтган ва Тошкент томонга қараб йўл олган. Темур бутун қўшини блан Парсин блан Чиноз ўртасидаги бир жойда тўхтаб, қишни шу ерда ўтказган². Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, Темур, ўша замоннинг расм-одатича, шайх Маслаҳатнинг³ мақбарасини тавоф қилиш учун Тошкентдан Хўжандга борган. Темур 10.000 кебек динар⁴ атаганини бериб, сўнгра Тошкентга қайтиб келган. Тошкентда Темур бетобланиб (безгак касали блан оғриган бўлса керак), 40 кун ётиб қолган. 1391 йил январининг иккинчи ярмида Темур бирмунча тузалиб, бўлажак юришга тайёрлик кўрабошлаган. Низомиддин Шомийнинг айтишича, Темур ўзининг яқин одамларига ва қўшин амирларига катта совғалар берган, хотинлари ва маликаларни Самарқандга жўнатган, фақат хотини Чўлпон Малик-оғани ўзи блан бирга олиб кетиш учун олиб қолган. Қўшиннинг асосий амирлари ўртасида йўлбошловчиларни (качарчиларни) тақсимлаб, бўлажак юришнинг тайёрлик ишларини тамомлаган. Қўшиннинг асосий амирлари орасида кейинчалик донг чиқарган Идигу ўзбек (рус йилномаларида Едигей деб аталган амир) ҳам бор эди. Темур Сафар ойининг 15-нчисида⁵, я'ни 1391 йилнинг 22 январида Тошкентдан чиқиб, Ўтрор томонга қараб жўнаган. Темур Ўтрор районидаги Қора Саман деган жойга етиб борганида, унинг ҳузурига Тўхтамишнинг элчилари келган. Темур Эронда истилолар блан банд бўлган пайтида, Тўхтамиш Мовароуннаҳрга қўшин тортиб келиб, Мовароуннаҳр шаҳарларини талаб, Темурга ҳалал берган ва зарар етказган эди. Эндиликда, Темур жуда катта куч тўплаб Тўхтамишга қарши отланган вақтда Тўхтамишнинг қути учиб, бўлажак катта жангни қулайроқ бошқа бир вақтга кўчиришга қарор берган.

Темур ўз душманидан элчилар келганлигини эшитганидан кейин, расм-одатга биноан уларни иззат-ҳурмат блан кутиб олиш-

¹ М. Шагтоу, ўша асар, Шарафиддин Али Яздий, 173 бет. (форсча текст).

² М. Шагтоу, ўша асар, ўша ерда.

³ М. Шагтоу, ўша асар, 174 бет.

⁴ Кебек динари 2 мисқол оғирликдаги кумуш пул. Динор олти дирҳамга баравар бўлган, дирҳам эса 1/3 мисқолга тенг бўлган. Кебек динарлари оғирлик жиҳатидан Эрондаги Ғозонхон динаридан кам бўлган. Уерда динар кумуш блан 3 мисқол келган.

⁵ Низомиддин Шомий, Тауег нашри, 117 бет.—Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Темур Сафар ойининг 12-нчисида, я'ни 1391 йилнинг 19 январида йўлга чиққан. Қаранг: (М. Шагтоу, ўша асар, 176 бет).

ни буюрган. Қабул маросимида элчилар Темурга ҳад'ялар, шу жумладан, бир лочин ва 9 йўрға от тортиқ қилганлар. Темур расм-одатни бузмаслик учун, лочинни олиб билагига қўйгану, лекин бу совғалар унинг э'тиборини ҳечқанча жалб қилмаганини та'кидлаб кўрсатиш учун, лочинга ҳатто қарамаган ҳам. Элчилар мулозимат блан тиз чўкиб, Тўхтамиш номасини Темурга топширганлар. Номада Тўхтамиш бундан илгари Темурнинг унга кўрсатган яхшиликлари ва қилган марҳаматини унутмаганлигини, Темурга нисбатан ёмон ният блан бема'нилиқлар қилгани учун тавба деб, кечирини сўраган. Нома Тўхтамишнинг бундан кейин содиқ вассал бўлиб, Темурнинг жам'и буйруқларини сўзсиз бажараман, деган ва'далари блан тамомланган. Бу ширин сўзларнинг ҳаммаси душманнынг дипломатик найрангидан бошқа нарса эмаслигини ва ҳозирги пайтда катта жанг қилиш Тўхтамиш учун негадир ноқулай эканлигини Темур жуда яхши пайқар эди. Темур Тўхтамишга қайтарган жавоб хатида, ярамас ишлар қилганлигини унинг юзига солиб, қаттиқ койийди ва Тўхтамиш Оқ Урда, кейин эса Олтин Урда тахти учун курашга отланиб борганида унга қандай ёрдам кўрсатганлигини эслатади, Тўхтамиш қудратли хон бўлиб олганидан кейин Темурнинг орқасига ханжар урганлиги, я'ни Темур Форс ва Ироқни¹ истило қилиш блан банд бўлган вақтда Тўхтамиш Мовароуннаҳр устига қўшин тортиб келганлиги устида тўхталади. Темур ва'даларга тамомила ишонмаслиги ва ярашиш ҳақидаги таклифни қабул этаолмаслигини айтиб жавоб хатини тамомлайди. Темур жавоб хатни тайёрлаб қўйгандан кейин, катта зиёфат берган ва элчиларга яна совға тақдим этган, лекин уларни ўз юртига қайтармай, йўлбошловчилар сифатида ўз ҳузурда олиб қолган. Шундан кейин, Темур қўшин амирлари, шаҳзодалар ва ўзига яқин турган бошқа одамлар қурултойини чақирган. Қурултойда илгарига қараб боришга қарор берилган. 1391 йил февралининг охирида жуда катта қўшин Яса (ҳозирги Туркистон шаҳри), Қорачуқ, Саврондан ўтиб, ҳозирги Қозоғистон марказидаги даштликка чиққан. Узоқ йўл босиб чарчаган қўшин 1391 йил 6 апрельда Сарик-ўзан (ҳозирги Сарисув) деган жойга келган ва буерда чанқаб қолган одамлар ва ҳайвонлар истаганча сув блан та'минланган. Бирнеча кун дам олгандан кейин, Темур қўшини дар'едан ўтган ва апрель ойининг охирларида Кичик тоғ деган жойдан ўтиб, яшнаб турган баҳор пайтида Улуғ тоққа бориб етган. Низомиддин Шомийнинг айтишича, Темур тоғ чўққисига чиқиб, уёқ-буёққа қараган ва атроф бепоён даштлик эканлигини кўриб, буерда шу юриши ҳақида хотира қолдирмоқчи бўлган. Бунинг учун у катта-катта ҳарсангларни ташиб келиб, ма'лум жойга тўплашни ўз жангчиларига буюр-

¹ М. Шармоу, ўша асар, 179 бет.

ган ва тоштарошларга катта бир ҳарсанг тошни ўйиб, ўз номини, буюрдан қачон ўтганлигини ёзиб қўйишни буюрган¹.

Бундан ўн беш-ўн олти йил илгари марказий Қозогистондаги Қарсақпай руднигига яқин жойда, Олтин Чўку деган тоғ ёнида ҳарсанг тошга ўйиб ёзилган бир ёзув топилган. Бу ёзув икки тилда битилган экан. Ҳарсангнинг юқори қисмида арабча уч сатр хат бўлиб, бу хат шу қадар едирилиб кетган-ки, ундан ҳозирча фақат: «Марҳаматли ва мурувватли Худованди карим шарифга...» деган иборанигина ўқиб чиқариш мумкин бўлди. Ҳарсангнинг пастки қисмидаги ёзув саккиз сатр бўлиб, Чиватой (эски ўзбек) тилида уйғур хати блан битилган экан. Бу ёзув ўқиб чиқарилгандан кейин, Низомиддин Шомийнинг Темур қолдирган ана шу ёдгорлик ҳақидаги фикри тасдиқланди. А. И. Пономаревнинг «Темур ёзуви»ни ўқишга доир тузатишлар² деган мақола-сидан кейин, бу ёзувнинг асосий мазмуни ҳозир тамомила оидинлашди. Бу ёзувда, етти юз тўқсон учинчи йил ёзга ўтар вақтда, я'ни 1391 йилда, Темур Тўхтамишга қарши қўшин тортиб борди, дейилган, бу эса ёзма манба'лардаги ма'лумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Шу нарса диққатга сазоворки, Низомиддин Шомий Темурнинг Тўхтамишга қарши қўшин тортиб борган йилинигина эмас, балки ойи ва кунини — Жумодул аввалнинг 23-нчи куни, я'ни 1391 йил 28 апрель санасини ҳам аниқ қилиб кўрсатиб берган. Темур ёзувда ўзини Турон султони деб атаган, бу эса XIV асрнинг сиёсий терминологиясида шу ном бўлганлигидан гувоҳлик беради. Ёзувда Темур қўшинининг сони, я'ни унинг қўшини 200.000 кишидан иборат бўлганлиги ҳам қайд қилинган. Бу нарса Темур юришларини тасвирлаб ёзган Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздийнинг ва бошқа манба'ларнинг Темур қўшинининг сони ҳақидаги ма'лумотлари тўғри эканлигини тасдиқлайди. Ёзувда юришдан кўзда тутилган мақсад, я'ни Темурнинг Тўхтамиш устига отланганлиги кўрсатилган.

Хат ёзилган ёдгорликни қўйиб бўлгандан кейин, Темур илгари қараб ҳаракат қилишни буюрган. Атроф кўкаламзор, гуллар мавж уриб очилган ва сувлар шарқираб оқиб ётарди. Илончуқ (ҳозирги Жилончуқ) дарёсидан ўтиб, орадан 8 кун ўтгач, Темур шимолий Қозогистондаги Анақарқуюн³ деган жойга етиб келган. Тўрт ой йўл юрилгандан кейин, озиқ-овқат маҳсулотлари тамом бўлай деб қолганлиги Анақарқуюнга келганда ма'лум бўлиб қолган. У вақтларда қўшин орқасидан турли мол-

¹ Низомиддин Шомий, Тауег нашр., 118 бет.—Шарафиддин Али Яздийнинг асарида худди шу воқиа бироз бошқачароқ қилиб берилган (М. Шагмоу, ўша асар, 181—182 бетлар).

² Советское востоковедение, т. III, 1945, 222—224 бетлар.

³ Низомиддин Шомий, 118 бет.—Шарафиддин Али Яздий асарида (М. Шагмоу нашри) «Атақарғуй» қавс ичида («Анақарғуй»).

лар, жумладан, чорва, ун, ёғ ва бошқа хил озиқ-овқат маҳсулотлари сотучи савдогарлар ҳам изма-из юрардилар. Шарафиддин Али Яздийнинг сўзича, бир қўй 100 кебек динор турган, 16 ман шарага тенг, катта оғирликдаги 1 ман нон ҳам 100 кебек динор турган. Бу аҳволни ҳисобга олиб, Темур қўшинларнинг амирларини ўз хузурига чақириб, бундан кейин ҳечким ундан нон, кулча ёпмаслик, увра оши ва чучвара қилмаслик, аталадан бошқа овқат пиширмаслик тўғрисида улардан тилхат (мучилка) олган¹. Бугдой уни деярли тамом бўлган бўлса керак, чунки аталани ҳам арпа ундан қилиш буюрилган. Бунинг устига, арпа унига ҳам «мутр» (қандайдир кукат қоқиси) қўшиб атала қилинган. 8 ман шарага² тенг анбар оғирлигидаги бир ман ундан 60 коса атала тайёрланган. Бир жангчига кунига 1 косадан ортиқ атала берилмаслиги керак эди. Шундай қилиб, 200.000 кишидан иборат қўшинни ярим оч ҳолда кун кечиритишдан қутқариш учун бирон чора кўриш зарур эди. Темур қуршаб ов қилишни кенг миқдосда уюштириб, бундан қутулиш чорасини топди. Кенг даштда юзлаб километр жойларда одамизод яшамас ва ёввойи ҳайвонлар жуда кўп эди. Шу кенг даштни ўраб ов қилиш 1391 йилнинг 6 май кунига тайин қилинган. Туманларнинг ва мингликларнинг амирларига Темурнинг тавачилари юборилиб, уларга ёввойи ҳайвонларни қуршаб ов қилиш тартиби тушунтирилган. Ҳар томондан ўраб олинган жуда катта бир район икки кун давомида ҳалқа қилиб қисиб келинаверган. Одамларнинг шовқин-суронидан қўрқиб қочган ёввойи ҳайвонлар тобора марказга тўпланиб, кейин ҳеч қаердан чиқаолмай қолган. Бу ов жуда қўл келган — қорни оч жангчилар қўлига улар ўз юртларида сра учратмаган кўп жайрон, ёввойи эчки ва бошқа ҳайвонлар тушган³. Шундан кейин аскарлар тўйиб, ҳатто озиқ-овқат ишларини бошқарадиган одамлар зарур миқдорда гўшт запас қилиб ҳам олган. Темур 1391 йил 12 майда невараси мирзо Муҳаммад Султон баҳодир қўмондонлиги остида авангард жўнатган. Авангарднинг вазифаси душман кучларини ахтариб топиш эди.

Орадан бироз вақт ўтгач, авангард Ғарбий Сибирьдаги Тобол дарёсигача бориб етиб, дарёдан ўтган ва узоқда ловуллаб ёнаётган жуда кўп гулханларни кўрган, аммо мирзо Муҳаммад Султон қўриқчи отрядлар юбориб, шунча қидиртирса ҳам, лекин душман қўшинининг изини топаолмаган. Авангард Тобол дарёси районида қидириш ишлари блан банд бўлиб турган пайтда, Темур бошчилигидаги асосий кучлар етиб келган. Темур Тобол дарёсидан ўтиб, душманни ўша ердан ахтаришни буюрган. Тажрибали ва синалган амир Шайх Довуд бошчилигида разведка

¹ М. С. Н а г т о у, ўша асар, 182 бет.

² Оғирлик бирликларини солиштирганда анбар ман — катта оғирликдаги 1/2 манга тенг эканлиги маълум бўлди.

³ М. С. Н а г т о у, ўша асар, 183—184 бетлар.

жўнатилган. Разведка фойдали ма'лумотлар топиб қайтган, шундан кейин Темур Ейиқ (Урал) дар'еси томонга қараб юришга қарор берган. Дар'енинг уч ерида кечиб ўтиладиган ер бўлса ҳам, броқ Темур эҳтиётлик қилиб, дар'енинг юқори қисмидан айланиб ўтишни ма'қул кўрган. Қўшин жадал юриб, 6 кундан кейин Самара дар'есига бориб етган. Темур 4 июньда Ийк дар'есидан кечиб ўтган. Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, бу ерда Тўхтамиш аскарларидан уч кишини ушлаб, Темур ҳузурига келтирганлар. Бу одамлар Темурда қанча аскар бор эканлигидан Тўхтамишнинг яхши хабардор эканлигини, чунки амир Идигунинг 2 навкари Темур лагеридан қочиб бориб, Тўхтамишга ҳамма гапни айтиб берганлигини айтганлар ва Тўхтамишнинг кучлари тўғрисида билган нарсаларини Темурга хабар қилганлар. Душмanning қаерда эканлиги ва энди нима қилиш кераклиги Темурга аён бўлди. Темур ташаббусни тезда ўз қўлига олиши кераклигини яхши тушунган. Ийк дар'еси атрофида мустаҳкамланган лагерь тарзида қўниш жойи қилинган. Хандақлар қазилиб, тур ва чопорлар (катта хандақ қалқонлари) қўйилган. Қўшиннинг ҳаммаси етиб келгандан кейин, барча қисмларнинг юриш ва жангга тайёргарлиги бир сидра кўздан кечирилиб, текширилгандан сўнг Темур аскарларни сафга тизиб, душманга қарши отланишга буйруқ берган.

Тўхтамиш яқин жойда турганлигидан авангард, қоровулар ва хабаргари (разведка) устига жуда оғир вазифа тушган. Тўхтамишнинг отрядлари ҳақида бирин-кетин хабарлар келиб турган. Темурнинг қўриқчилари ва разведка отрядларининг ишлари тўғрисида, айниқса баҳодир амир Ику-Темур блан бўлган воқиа ҳақида Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий муфассал гапирдилар. Темурнинг топшириғини бажариш пайтида Ику-Темур Тўхтамишнинг қўриқчи қўшувлари блан тўқнаш келиб, қаттиқ жанг қилган ва бу тенгсиз жангда ҳалок бўлган. Тўхтамишнинг тутган тактикаси тобора ма'лум бўлаборган; Тўхтамиш, Темур ўзининг асосий базаларидан узоқлашган сари унинг озиқ-овқат запаслари камаяборади ва жангчилари ҳам ҳолдан тояди, деган тўғри фикрга асосланиб, Темур қўшинларининг тинқасини қуришиш пайига тушган. Темур Тўхтамишни мумкин қадар тезроқ тўхтатиб, уни жанг қилишга мажбур этиши керак эди. Шу мақсад блан Темур мирзо Умар Шайхга¹ 20.000 кишидан иборат отряд блан йўлга чиқиб, Тўхтамишни топиш ва унинг қўшинини жанг қилишга мажбур этиб, тўхтатиб туришни буюрган. Мирзо Умар Шайх Тўхтамиш авангардини жанг қилишга мажбур этиб, Темурнинг топшириғини бажарган. Бу хабар Урта Осиёли амирни жуда қувонтирган. Темур шахсан ўзи 1391 йил 18 апрельда жуда катта армияни жанговар тартибда саф-

¹ М. Шармоу, ўша асар, 212—213 бетлар.

лаб, юқорида кўриб ўтганимиздек, уни бир-биридан мустақил ва лекин Темурнинг ўзига итоат қиладиган 7 кулга (жанговар корпусларга) бўлган. Ҳозирги Куйбишев областидаги Черемшан дар'ёсининг ирмоғи Кундурча дар'ёсидаги Кундурча ёки Кундузча деган жойда ўша вақтдаги машҳур жанг бўлган.

Бу жанг манба'ларда муфассал тасвирланган ва қўшиннинг жанговар тартиби масаласини мен юқорида айтиб ўтган эдим. Бу жангда ниҳоят кўп қон тўкилиб, унинг айрим участкаларида гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг қўли балинд келиб турган, лекин охири Тўхтамиш батамом тор-мор қилинган. Шарафиддин Али Яздийнинг образли қилиб айтишича, «(Тўхтамишнинг — А. Я.) олд томонида Итиль дар'ёси орқа томонида эса ҳалокатли қилич турар эди»¹.

Темурнинг Кундурча водисида Тўхтамишни енгиши натижасида жуда катта ўлжа қўлга тушган. Низомиддин Шомийнинг айтишича², пиёда аскарлар 10—20 тадан от, бир отли суворилар эса — 100 ва ҳатто ундан ҳам кўп от блан уйларига қайтганлар; чорванинг бошқа турлари, жумладан, қўй-эчкиларнинг сон-санови йўқ эди. Темур ва унинг аскарбошлиқларига теккан ҳисса эса айниқса кўп бўлган. Шахсан Темурнинг ўзи учун жўнатишган чўри қизлар ва қулбаччалар, Шарафиддин Али Яздийнинг сўзича, 5000 кишидан кўпроқ бўлган³. Темур қўшини юртига қайтиб келаётганида ҳам йўлда талончиликдан тўхтамаган. Даштда қўшин Тўхтамиш улусига мансуб бирқанча кўчманчиларга дуч келган ва уларни ҳам талаган. Қизиқ бир тафсилотни айтиб ўтамиз. Шарафиддин Али Яздийнинг сўзича: «Ўша бепоен саҳрода даштдилар «кўтарма» (шатра)ларда яшаган. Дашт халқлари бир жойдан иккинчи бир жойга кўчганларида бу кўтармаларни бузиб ташламайдилар, балки уларни турган ҳолича аравага ортиб жўнайдилар. Темур қўшинлари шу кўтармаларни ҳам батамом босиб олиб, даштдиларни саҳрода яв-ялангоч қолдириб кетганлар»⁴.

Темур қайтаётиб, Ёйиқ дар'ёсидан кечиб ўтган ва Савронга чиққан, уердан Утрорга қараб йўл олган ва сўнг пойтахти Самарқандга жўнаган. Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, 1391 йилги юриш ҳаммаси бўлиб 11 ой давом этган.

Бу юриш блан боғланган қизиқ бир фактни айтиб ўтамиз. Темур лагериди ва Кундурча (Кундузча) водисиди бўлган жанг пайтида Жўжи Улусига мансуб учта муҳим одам бор эди. Уларнинг бири — Кунча ўғлон (шаҳзода), иккинчиси — Темур Қутлуғ ўғлон (шаҳзода) ва учинчиси — амир Идигу эди. Булар Тўхтамишга душман бўлиб, Темурдан мадад истаб, унинг паноҳига

¹ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 171 бет.

² Низомиддин Шомий, Таърих нашри, 125 бет.

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 172 бет.

⁴ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 172—173 бетлар.

келган эдилар. Брок Жўжи Улуси даштларида уларнинг бошқа ниятлари бўлган, Тўхтамиш енгилгандан кейин, бу шаҳзодалар ва амир Идигу қулай баҳона топиб, Дашти Қивчоққа қайтиб кетганлар.

Фақат Қунча ўғлон ва'дасига вафо қилиб, Темур ҳузурига қайтган, лекин буерда узоқ турмаган. Тез орада у яна Темур Қутлуғ ҳузурига қочиб кетган.

3

Тўхтамишнинг 1391 йилги мағлубияти қанчалик оғир бўлмасин, на Тўхтамишнинг ва на унинг давлатининг тақдирини бу мағлубият ҳали узил-кесил ҳал қилмаган эди. Тўхтамишнинг курашни давом қилдириш учун ҳали етарлича ресурслари бор эди. Бунинг учун ирода ва зўр ғайрат керак эди. Тўхтамишда ҳар иккаласи ҳам бор эди. Темур 1391 йилги жангдан кейин, Эронда ва Закавказьеда истилолар блан банд бўлган вақтда Тўхтамиш Озарбайжонда яна қилғилигини бошлаш учун куч тўплайбошлади ва Темур блан қат'ий тўқнашиш учун очиқдан-очиқ йўллар қидирди. Араб авторлари ал Макризий¹, ал Асадий² ва ал Айний³ларнинг ҳикоя қилишларича, 1394 ва 1395 йилларда Тўхтамиш Миср султони ал Малик аз Зоҳир Беркук блан қандай бўлмасин яқинлашиш йўлини қидирган ва уни ҳар икки томон учун ҳам бирхилда хавfli бўлган Темурга қарши курашда ёрдам беришга ундаган. Шу нарса характерлики, Олтин Ұрда блан Мисрдаги мамлуклар давлати умумий душман пайдо бўлгандан кейингина бир-бирлари блан яқин алоқа боғлаганлар. Ҳалокуларнинг қудратли давлати ҳукм сурган даврда (1335 йилгача) Олтин Ұрда хонлари мамлуклар Мисри блан бажонудил яқинлашганлар, ҳолбуки Мисрнинг бир ўзи ҳалоку хонларининг да'воларига қарши тураолмас эди. 1335 йилдан кейинги (Ҳалокулар давлати шу 1335 йили йиқилган) ярим аср давомида дипломатик алоқалар жуда кам бўлган, чунки ҳар икки мамлакат учун ҳам бундай алоқанинг сиёсий жиҳатдан унчалик аҳамияти қолмаган. XIV асрнинг 80-нчи йилларидан бошлаб, я'ни Темур ҳар иккала мамлакат учун хавfli бўлиб қолгандан кейин эса вазият тамомила ўзгарган.

Шу йиллари Тўхтамиш Литва блан яқинлашиш йўлини қидирган. Тўхтамишнинг элчилари 1393 йилда Литва улуг князи Витовт (Витольд)нинг укаси — поляк короли Ягелло қабулида

¹ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 442 бет.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 448 бет.

³ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 531 бет.

(Краковда) бўлганлар¹. Москванинг Литва блан иттифоқ тузишига йўл қўймаслик кераклигини Тўхтамиш яхши тушунарди. Москва блан Литва ўртасидаги чегара ерларига оид жанжалларда, шунингдек, устунлик масаласида Тўхтамиш очиқдан-очиқ Литва князини қўллаб-қувватлаган. Тўхтамиш 1393 йилда Ягелло номига юборган ёрлигида, агар Литва менинг суверен эканлигимни тан олса ва менга хирож тўлайдиган бўлса, Москва блан Литва ўртасидаги ер жанжалларида Литванинг олий ҳуқуқларини қувватлаб чиқаман, деган. Темур 1394 йилнинг кузида — Шекида (ҳозирги Совет Озарбайжониди) турган пайтида, Тўхтамишнинг қўшини Дарбанддан ўтиб, Ширвоннинг шаҳар ва қишлоқларини талайбошлади, деган хабар келган. Темур Тўхтамиш блан тўқнашиш муқаррар эканлигини ва уни кечиктиришдан фойда йўқлигини билиб, юришга тайёрланиш тўғрисида ўз қўшинларига буйруқ берган. Темур қўшиннинг уруш анжомлари ва қурол-яроғларини бир кўздан кечириб, кейин аскарбошлиқларига катта совғалар (укулька) улашган ва ўз қароргоҳини уруш ҳолатига кўчирган. Шу муносабат блан маликаларнинг бир қисмини болалари блан бирга Султонияга жўнатган. Бошқаларга қараганда ҳурматлироқ иккита хотинини — Сарой Мулк Хоним блан Туман-огани Самарқандга юборган. 1395 йил февральда у Тўхтамишга қарши Дарбандга қараб юришга буйруқ берган. Шарафиддин Али Яздийнинг сўзича, турк урф-одатига кўра, сўл қанот² қўшиннинг олдида юрадиган бўлган. Темур йўлда кетатуриб, уруш ҳаракатлари вақтидаги қонун-қондаларга тўғри амал қилишни айтиб Тўхтамиш ҳузурига элчи юборган. Темур, дипломатик ёзишмалар ва гапларнинг нозик томонларини яхши биладиган ақлли ва тажрибали Шамсиддин Олмалиқни элчи қилиб жўнатган.

Темурнинг элчиси Тўхтамишнинг лагерига келиб, Темур хатини унга топширган ва Темур айтганларини унга бирма-бир баён қилиб берган. Тўхтамиш, Шарафиддин Али Яздийнинг сўзича, Темур блан ярашмоқчи бўлган, броқ ўз амирларининг та'сири блан, правардида, фикри ўзгариб қолган ва Темурга топшириш учун қўпол иборалар блан ёзилган хатни элчи қўлига берган³. Шамсиддин Олмалиқ Темур ҳузурига етиб келган вақтда, у Самур дар'еси водисида лагерь қуриб ўрнашган эди. Элчи Тўхтамиш блан қилган музокараларининг натижасини шу ердаги қароргоҳда Темурга айтиб берган. Самур водиси Эльбрус тоғига яқин жойда эди. Темур ўз қўшинларини жанговар тартибда саф тизган, Али Яздийнинг сўзича, қўшиннинг сўл қаноти Эль-

¹ В Spuler. Die Goldene Horde, Leipzig, 1943, 131—132 бетлар.

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 174 б.

³ Низомиддин Шомийнинг айтишича, Тўхтамиш ўзининг жавоб хатида уэр сўраб ярашишга тайёр эканлигини билдирган (Низомиддин Шомий. Тауег нашри. 158 б.).

брус тоғи этагигача, ўнг қаноти эса Кулзум (Каслий) денгизигача бориб етган¹.

Аслини олганда Темур Тўхтамишнинг бундай қўпол жавоб берганлигидан хурсанд бўлган, чунки бу хатни баҳона қилиб, уруш очиб мумкин эди. Темур қўшинни маълум жанговар тартибга мувофиқ сафга тизиб, яъни рангларга (мурчил) бўлиб, йўлга тушган. Шу тариқа туманбегилар, мингбошилар ва юзбошилар ўз отрядларига бошчилик қилиб, бирин-кетин йўлга равона бўлганлар. Темур қўшини Дарбанд довонидан ўтиб, қайтаклар ўлкасига кирган. Қайтак халқи азалдан шу ерда яшаб келган. Қайтаклар Тўхтамишнинг актив иттифоқчилари эди. Темурнинг қайтаклар юртини хонавайрон қилиб, уларнинг ўзини қириб ташлаши учун шунинг ўзи ҳам кифоя эди. Қайтаклар яшайдиган қишлоқларнинг кўпчилигига ўт қўйилиб, уларнинг кўпи қириб ташланди ва асир олинди. Темур Доғистоннинг Дарбанддан 4 кунлик йўл наридаги Тарки (Тарху)² шаҳрига етиб келиб, шуерда лагерь қурган, бу вақтда Темурга, Тўхтамиш амир Қозончи бошчилигида кучли авангард юборибди, деган хабар келган. Темур шахсан ўзи катта бир отрядга бошчилик қилиб, душманга қарши отланиб чиққан ва уни ҳайдаб юборган.

Бир-бирига душман икки армиянинг Терек дар'еси водисидagi ҳаракатини Шарафиддин Али Яздий бадий равишда тасвирлаб берган. 1395 йил апрель ойининг ўрталарида ҳар иккала армия дар'е бўйида бир-бирларига рўбарў бўлиб турдилар. Асрлардан бери давом қилиб келаётган ҳарбий традицияга батамом мувофиқ равишда, Темур мустаҳкамланган лагерь учун жой танлаш ва шуерда катта қўшинни жойлаштиришни ўз тавачиларига буюрган. Лагерьнинг атрофида хандақлар қазилиб, қозиклар қоқилган ва окоп қалқонлари (чопорлари) қўйилган, бу хандақлар кетидан иккинчи, ташқи хандақ қазилган. Лагерьнинг ичида жангчиларга шовқин-сурон қилиш ва уёқдан-буёққа юриш ман' этилган, шу блан бирга, душман яқинлашиб келаётганида Темур қўшини шуердалигидан беҳабар бўлсин учун кечалари олов ёқиш тақиқланган.

Илк ўрта аср ҳарбий техникаси шаронтида лагерь атрофида окоп қалқонлари блан гов тутиш жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Шу нарса характерлики, буерда ҳақиқатан жуда эски традициялар намоён бўлган. Асарлари IX асрнинг дастлабки манбалари қаторига кирган авторлар, Гардизий (XI а.) ва Шараф аз Замон Тоҳир ал Марвазий (XII а.)нинг айтишларича, хазар қўши-

¹ Эльбрус блан денгиз ўртасидаги масофа, Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, 5 фарсахга барабар бўлган. Лекин бу ақлга сирмайди. Низомиддин Шомий, тоғ этакларидан дар'егача, яъни Самур дар'есигача 5 фарсах бўлган дейди. Бир фарсах — 6 км.

² Хазар-Самандарнинг қадимги пойтахти бир вақтлар шу ерда бўлган бўлса керак.

нининг отлиқ жангчилари икки зира узунлигида 20 та қозиқ, йўғон арқон ва алоҳида қалқонларни ҳар доим ўзлари блан бирга олиб юрганлар. Қўшин душманга яқин жойда кечаси лагерь қуриб жойлашадиган бўлса, жангчилар дарҳол қозиқлар қоқиб, уларга окоп қалқонлари (чопорлар)¹ни ғов қилиб қўйганлар. Тўхтамиш кечаси Темур лагерига ҳужум қилишга жур'ат этаолмаган, аммо эртасига, чоршанба кун, 1395 йилнинг 15 апрелида ўша замоннинг энг йирик жангларидан бири бошлаган, бу жанг фақат Тўхтамишнинг тақдирини ҳал қилиб қўяқолмай, шу блан бирга, бутун Олтин Ўрда тақдирини, ҳарҳолда, унинг улуғ давлатчилики ма'носидаги аҳволини ҳал қилган.

Темур 1391 йилдаги жанг вақтида қандай жанговар тартибда урушган бўлса, бу сафар ҳам худди шундай тартибга амал қилди. Ўз қўшинини 7 кул (корпусга) бўлган. Бу жангда пиёда аскарлар катта роль ўйнаб, мудофаада ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган. Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий асарларида бу жанг жуда муфассал ҳикоя қилинади. Шарафиддин Али Яздий асосан Шомийнинг текстини такрорлаб, кўпгина ажойиб қўшимча тафсилотлар ҳам келтирган.

Бутун фронт бўйлаб ҳали жанг авжга кирмасдан, Тўхтамишнинг жуда катта кучлари қўшиннинг сўл қанотига ҳужум қилиб келмоқда, деб Темурга хабар қилинган. Темур ихтиёрида сараланган 27 қўшин резерв бўлиб турарди. Сўл қанот отрядлари мушкул аҳволга тушиб қолган пайтда, Темур уларга ёрдамга келган.

Душман чекинишга мажбур бўлган; Темур қўшинларининг бирнеча баҳодир йигитлари қочиб бораётган душман орқасидан қувиб, анча узоққа кетганлар. Бу аҳволдан хабардор бўлган душман ўзини тезда ўнглаб олиб, яна катта куч блан орқадан келаётганларга тащланган ва Темурнинг жангчиларини қисабошлаган. Бу бир группа баҳодирлар атрофида ҳар икки томоннинг янгидан-янги кучлари тўпланиб, ғоят шиддатли ва катта жанг бўлганлигини Шарафиддин жуда моҳирлик блан ҳикоя қилади. Темур қўшинидан жанг бўлаётган ерга етиб келган ҳарбир янги группа аскарлар дарҳол отларидан тушиб, арава ва қалқонлардан ғов — таянч пунктлари ясаганлар. Жангчилар бир оёқлари блан тиз чўкиб, душманлар устига камонлардан ўқ ёғдириб турганлар. Жанг жуда қизиқ кетган бир пайтда, асосий кул (корпус)даги мирзо Муҳаммад Султоннинг яхши қуролланган қўшинлари Темур отрядларига ёрдамга етиб келган. Улар отда шиддат блан шундай қаттиқ атака қилганларки, душман саросимага тушиб, тумтарақай қочиб қолган. Бу ғалаба бошқа қисмлардаги аскарларни ҳам руҳлантириб юборган. Бу жанг бораётган пайтда

¹ Гардизий [В. В. Бартольд ҳисоботи, 96 бет (форсча текст)] — А. Л. М а р в а з и й, В. Минорский нашри, 21 бет (араб. текст).

Тұхтамишнинг сұл қанотидаги канбул Темур қўшинининг ўнг қанотидаги қўшинга ҳужум қилиб, уни анча эзиб қўйган, бу қўшинга Темурнинг энг яхши амирларидан бири амир Хожиддин Сайфиддин қўмондонлик қиларди. Тұхтамиш жангчилари Сайфиддин қўшинига орқа томондан ўтиб, қаттиқ зарба берган. Лекин Хожиддин Сайфиддиннинг шахсан ўзи қўмондонлик қилган бутун туман жангчилари оддан тушиб, ўзларини қаҳрамонларча мудофаа қилганлар. Душман уларнинг қаршилигини синдириш учун зўр бериб ҳаракат қилса ҳам, лекин уддасидан чиқаолмаган ва Темур жангчилари камонлардан ўқ ёғдириб, тұхтамишчиларнинг қарқандай атакасини қайтариб турганлар. Ниҳоят, Жононшоҳ баҳодир тумани блан бирга жанг майдонига ўзини уриб отлиқ атака қилган. Унинг кетидан мирза Рустам блан Умар Шайх ўз туманлари блан келиб, жангга киришиб кетган. Тұхтамишчилар шиддатли ҳужумларга бардош бераолмай, тумарақай қочабошлаганлар. Тұхтамишнинг бутун сұл қаноти синдирилиб, улоқтириб ташланган. Шу тариқа, уруш майдонида бир участкадан кейин иккинчиси Темур қўлига ўтабориб, натижада бу улуг жанг Тұхтамишнинг қочиши блан тамом бўлган. Ибн Арабшоҳ бу жангни бирқадар бошқачароқ тасвирлайди. Унинг ҳикоя қилишича, Тұхтамишхон қўшинининг ўнг қанотидаги амирлардан бири бошқа бир амир блан жанжаллашиб қолиб, жанг майдонини ташлаб чиққан ва Оқтов номли қабиласини ўзи блан бирга олиб кетган. Бу қабилла ғарбдаги ар Рум ерларига кетиб, Адрианополь яқинидаги қишлоқларда ўрнашган. Бу хиёнат Тұхтамишнинг кучини заифлаштириб, унинг қолган қўшини орасида катта шов-шув ва саросимага сабаб бўлган¹. Буерда амир Оқтов кўзда тутилган бўлса керак, унинг хатти-ҳаракатини Шарафиддин Али Яздий бошқачароқ тасвирлайди. Тұхтамиш қўшинлари чекинганда ҳатто маълум бир тартиб сақлайолмаган ҳам, унинг айрим қисмлари бир-бирлари блан алоқа қилаолмаган, туманлар бўлса, майда-чуйда бўлақларга бўлиниб кетиб, тартибсиз ҳолда қочабошлаган. Темур Тұхтамишхоннинг қароргоҳида ташлаб кетилган жуда катта бойлик ва хазинани қўлга туширган. Темур жангда алоҳида иш кўрсатган аскар бошлиқлари ва жангчиларга катта-катта совғалар бериб, қўшинини бирқадар бошқатдан қурган ва қўлидан яраланган Мироншоҳни (жанг вақтида оддан йиқилиб қўли синган эди) юклар туширилган жойда катта отряд блан қолдириб, ўзи Тұхтамишни туғиб асир қилиб олиш ҳамда унинг қолган-қутган аскарларини йўқ қилиб ташлаш учун унинг орқасидан қувиб кетган. Темур сараланган қўшин блан кечакундуз демай йўл юрган.

Туратура ёнида Игиль (Волга) дарёсининг сұл қирғоғига ўтган, аммо Тұхтамишни қўлга тушираолмаган. Шарафиддин

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 465 бет.

Али Яздийнинг айтишича, Темур Урусхоннинг ўғли Қайричоқ ўғлонни ўзи билан бирга олиб юриб, уни Тўхтамишнинг ўрнига Жўжи Улуси тахтига хон қилиб ўтказмоқчи бўлган¹. Темур Қайричоқ ўғлонга ўзбеклардан кучли отряд бериб, уни олтин камар ва кимхоб тўн билан мукофотлаб, шунингдек, унга хонлик белгиси топшириб, қўшин тўплаш ва Олтин Ўрдада тартиб ўрнатиш учун уни Волганинг сўл қирғоғига жўнатган. Тўхтамишнинг бу рақибининг тақдири шундан кейин нима бўлганлиги ҳақида кам маълумот сақланиб қолган. Волганинг сўл қирғоғида у нима ишлар қилганлиги ҳам бизга номаълум. Кейинги манба'ларда қисқа изоҳлар тариқасида сақланиб қолган ба'зибир маълумотларга кўра, у тез орада вафот қилган².

Қайричоқ ўғлонни Волганинг сўл қирғоғига юборгандан кейин, Темур Олтин Ўрданинг Укек (Увек) деган шаҳарига борган ва бу шаҳарни ҳамда унинг атрофидаги жойларни талон-торож қилган. Хуллас, Темур Тўхтамишни қидириб тополмаган. Олтин Ўрданинг баттол хони ўзига яқин турган бирнеча содиқ одамларини олиб, Булар (Булғор)га қочган. Юк аравалари ёнида қолдирилган Мироншоҳ Темурдан ажралгиси келмай, қуйи Волганинг Юлуқлик-Узуқлик деган жойида отасига келиб қўшилган.

4

Тўхтамишнинг қочиши Темурни рақжитган, чунки территорияларнинг кенлиги ва унда ресурсларнинг кўплиги туфайли, Тўхтамишнинг орадан бирқанча вақт ўтгандан кейин қўшин тўплаб, яна кураш бошлашини Темур яхши билар эди. Ана шу сабабдан Темур Олтин Ўрданинг Днепр (Ўзи) томондаги ғарбий улусларига боришга қарор берган, чунки Тўхтамиш амрларидан ба'зибирлари, жумладан, Терек дар'ёси бўйидаги жангда қатнашган Бек Ёриқ ўғлон³ ва Оқтов шу ерларда яширинган эдилар.

Бу юриш кўп вақт талаб қилиши, Темур эса Мовароуннаҳрни ва истило қилинган шаҳарларини ўз ҳолига ташлаб қўйишдан, шунингдек, Эрон областьларини назоратсиз қолдиришдан хавотирланганлиги сабабли, невараси Пир Муҳаммад бошчилигида Шерозга қўшин юборган. Самарқандга эса туманбеги Шамсиддин баҳодирни жўнатган. Ўзи (Днепр) дар'ёсига бориб етгач, Темур Бек Ёриқ ўғлон, амир Оқтов ва Темур ўғлон кўл остидаги ерларни талаб, хонавайрон қилган. Амир Оқтов билан Темур ўғлон Днепрнинг нариги ёғидаги ўз душманлари бўлган амир Хуррам-

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 178 б. Шарафиддин Али Яздий, Bibliotheca Indica нашри, I т., 755 ва ундан кейинги бетлар.

² XVII аср бошларида ёзган Ҳайдар Розийнинг асарида шундай дейилган (қаранг: В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 214 бет).

³ Борачарнинг ўғли.

дай хузурига қочиб борганлару, лекин уерда жон сақлашнинг иложи бўлмаган. Шундан кейин улар Рум чегарасига ўтиб, Исраяк¹ деган жойга бориб яширинганлар ва унда бироз вақт турганлар. Темур Тан (Дон) дар'еси томонга қайтиб, қўққисдан шимолдаги рус шаҳарлари ва волостьлари устига отланган. Темурнинг шимолга, қадимги Русьнинг маданий областьларига боришга нима жалб қилган эди?

Урта Осиё ва Эроннинг бошқа ҳукмдорлари сингари, Темур ҳам рус ишларини яхши билмас эди. Мусулмон халқлар яшайдиган Урта Осиё ва Олд Осиёнинг географияси ва тарихини яхши билган Темурнинг Русь юрти тўғрисида, рус князьликлари ва Москва тўғрисида ҳатто жуда элементар ма'лумоти ҳам йўқ эди. Русларнинг юрти тўғрисида бирқадар ҳақиқатга тўғри келадиган тарихий-географик тасаввурлар Олтин Ұрданан нарига, я'ни Урта Осиё Шарқига бориб етмаган эди. Ана шу сабабдан мусулмон мамлакатларининг ва ҳатто христианлар яшаган Закавказье-нинг тарихи ҳақида ғоят бой фактик материалга эга бўлган XV аср мусулмон (эрон ва араб) историографиясидан биз Русь тарихига доир қизиқ ва қимматли ҳечнарсга топаолмаймиз. Ундан биз ҳатто тўғри географик номенклатурани, шу жумладан, рус шаҳарларининг тўғри номларини ҳам топмаймиз. Низомиддин Шомийнинг сўзича, Темурнинг жангчилари талаган Қорасув деган рус шаҳри қанақа шаҳар эканлигини билмаймиз.

XV асрнинг рус историографиясида бошқа аҳволни кўрамиз. Рус йилномалари — София ва Никон йилномаларида Урта Осиё ва Олд Осиёда бўлиб ўтган воқияларнинг аниқ ва тўғри тасвиринигина эмас, балки буерлардаги кўпгина областьлар тўғрисида аниқ географик ма'лумотларни ҳам топамиз. Олтин Ұрдада XIV асрнинг 60—80 йилларидаги тўс-тўполон вақтлар тўғрисида рус йилномасида яхши ма'лумотлар сақланиб қолганлигини биз юқорида кўриб ўтган эдик. Мамай ва Тўхтамиш ким эканлиги тўғрисида рус йилномасида яхши ма'лумот борлигини ҳам кўрган эдик².

Яна Темурнинг Русь юртига қўшин тортиб борганлиги масаласига қайтайлик. Низомиддин Шомий³ ва Шарафиддин Али Яздий⁴ нинг хабар беришларича, Темур Машков (я'ни Москва) шаҳри областига босиб кирган ва буерда ҳамаёқни хонавайрон қилиб, жуда кўп ўлжа олиб кетган. Рус йилномасида Москва районлари тилга олинмаганлигидан, биз бу ма'лумотга ишонаолмай-

¹ Исраяк — ўша вақтда усмон султонларига қарашли Румелия бўлса керак (В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 294 бет).

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 161 бет. — форсча текст: Тауег наври, 121 бет.

³ Низомиддин Шомий, Тауег наври, 161 бет. — В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 121 бет.

⁴ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 180 бет.

миз. Шарқ манба'ларида Русь юртининг географияси хато кўрсатилиб, Рязань ерини Москва князьлигининг чегара волостьлари блан чалкаштириб юборилган. Шунинг учун рус манба'ларидаги аниқроқ маълумотларга мурожаат қилайлик.

Никон йилномасида айтилишича, Темур жуда катта қўшин блан Рязань ерига бостириб кирган ва Елец шаҳрини босиб олиб, «Елец князини қўлга туширган, одамларни асир қилиб олган, бошқаларини эса ўлгудек калтаклатган»¹. Бу воқиядан хабардор бўлган улуг князь Василий Дмитриевич кўпдан-кўп полклар тўплаб, Коломна шаҳрига қараб йўлга чиққан ва Ока дар'еси орқали ўтадиган кечикни эгаллаган. Темур руслар блан тўқнашишга жур'ат қилмаган ва Рязань ерини талагандан кейин, жанубга қараб кетган. Темур Куликово майдонида Мамай блан бўлган жангни эшитиб, юраги бетламаган ва шу сабабдан руслар блан жанг қилишга ботинаолмаган бўлса керак. Темур катта ўлжалар қўлга киритиб Қуйи Поволжье бўйидаги Бальчимкин шаҳрига борган². Доннинг қуйи оқими бўйлаб бориб, у йўлда Азоқ (Азов) шаҳрини босиб олмоқчи бўлган. Азов шаҳри деярли батамом талланган, шу блан бирга Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, Темурнинг буйруғига мувофиқ, мусулмонларни бошқа одамлардан (жамоалардан) ажратилиб олиб, қолганлар «Жиход қиличи»дан ўтказилган, я'ни қириб ташланган³.

Темур Азовдан Кубаньга қараб жўнаган. Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, черкаслар Азов блан Кубань ўртасидаги яйловга ўт қўйиб юборганлар. 7—8 кун давомида Темурнинг отлари хашак йўқлигидан қаттиқ машаққат тортган. Қаттиқ ғазабланган Темур черкаслардан ўч олмоқчи бўлиб, уларнинг бутун улусини хонавайрон қилдирган. Шарафиддин Али Яздий черкаслар деганда кимларни кўзда тутган? Бу умумий термин бўлса керак. Буерда черкаслардан ташқари яна бошқа тоғли халқлар ҳам бўлган. Темур мўлжаллаб қўйган қуйи Поволжьедан бориш ўрнига, йўлини ўзгартириб, тўсатдан Доғистон томонга қараб юрган; Доғистонда баланд тоғ устига қурилган ва сра чиқиб бўлмайдиган Кули ва Тоус деган қал'аларни қамал қилган. Темур фикрича, бу қал'аларнинг ҳукмдорлари унга қарши махфий фиғна уюштирган. Бургут уяларидек қалтис жойлашган бу қал'аларни қўлга киритмоқ учун Темур лашкарбоши сифатида хўп зўр ақл ва фаросат блан иш кўриши, унинг жангчилари эса ғоятда мардлик ва жасорат блан ҳаракат қилиши керак эди. Темурнинг жангчилари бир қоядан иккинчи қояга катта нарвонлар қўйиб, юқорига чиқар ва настга тушар эдилар, улар катта талафотлар бериб, ниҳоят

¹ ПСРЛ, XI, Никоновск, летоп., 159 бет.

² Бальчимкин ёки Бальчимин — Волганин қуйи оқимидаги ўнг қирғоқда бўлиб, Олтин Урда шаҳарларидан биридир.

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 180 бет.

Тоус қал'асини эгаллаганлар¹. Темур қал'аларни қўлга киритиб ва унинг эгаларини ўлдириб, Шимолий Кавказдаги Симсим райониға қараб юрган, буерда ҳам бирқанча қал'аларни босиб олган.

Темурнинг 1395 йил қиш фаслида Хожидан Тархон (Астрахань) блан Сарой Берка устиға қўшин тортиб борганлиги алоҳида қизиқарли қилиб баён этилган. Темур ўз режаларини ҳечкимдан яширмаган. Тўхтамишни Терек дар'ёси бўйидан қувлаб борган пайтида, я'ни 1395 йилнинг ёзида қилган дастлабки юриши вақтида Темур Сарой Берка блан Астраханьни емириб ташлашға улгурмаган эди, эндиликда Олтин Ұрданинг бойликлари тўпланган ва унинг қудратли таянчи бўлган бу иккита йирик марказни умрбод йўқ қилмоқ учун у жуда катта қўшин блан шу томонға қараб йўлга чиққан.

Қаҳратон қиш фасли эди, Волга дар'ёсининг устини муз қоплаган, шу сабабли Хожидан Тархонни дар'ё томондан қўлга олиш мумкин эди. Шарафиддин Али Яздийнинг² айтишича, шаҳарнинг қуруқлик томондаги қисми қаттиқ мустаҳкамланган эди. Қўрғоннинг қурғоқ томонлари ҳарқат-ҳарқатида баланд миноралари бўлган мустаҳкам деворлар блан ўралган, деворларнинг ҳар иккала боши айланиб дар'ёға келиб тақалган эди. Дар'ё томонда девор бўлмаган. Буерда қуролланган кемалар қўриқчилик қилган. Дар'ё музлаши натижасида шаҳарға ўтиб кириш хавфи туғилганлигидан, Хожидан Тархон халқидан дар'ёдаги қалин музларни кесиб, ундан девор ясаибойшлаган. Муздан ясалган девор устиға кечаси сув селишган. «Муздан шу тахлитда баланд девор ясаб, улар,— деб ёзади Шарафиддин Али Яздий,— муз деворни шаҳарнинг бошқа девори блан туташтирганлар ва дарвоза ясаганлар. Бу, ҳақиқатда, ажойиб бир қурилиш бўлиб чиққан ва шу сабабдан уни буерда гапириб ўтилди»³.

Темур шаҳардаги аҳволдан яхши хабардор эди. Ёз вақтидаёқ у Умаридан Тобон номли амирини буерда қолдириб, унга шаҳарни идора қилишни топшириб кетган эди. Умаридан Тобон, қалантар (оқсоқол) Муҳаммадий душманлик нияти билан тайёргарлик кўрмоқда, деб Темурга олдиндан хабар берган. Темур ўз қўшини блан Хожидан Тархонға яқинлашиб келганда, шу қалантар Муҳаммадий унинг ҳузурига пешвоз чиққан. Шунда Темур уни ўзи блан бирға олиб кетмаган, балки уни Пирмуҳаммад, амир Жононшоҳ ва бошқаларға қўшиб Сарой Беркаға жўнатган, шу блан бирға, бу амирларға Волга орқали қўшин блан ўтаётганингизда қалантар Муҳаммадийни муз тағиға чўктириб юборинглар, деб топширган ва, дарҳақиқат, улар шундай қилганлар.

Хожидан Тархон мустаҳкамланган деворлари бўлишиға қарамай,

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., Низомиддин Шомий, 122 бет. Шарафиддин Али Яздий, 181—182 бетлар.

² В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, II т., 184—185 бетлар.

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 184 бет.

у қаршилиқ кўрсатмаган. Темур дастлаб шаҳар халқига тегмаслик баҳонаси билан унга хирож солган, лекин кейин уни ўз қўшинига талаттирган. Шаҳардан кетиш олдида Темур бутун халқни шаҳардан чиқариб, шаҳарга ўт қўйишни буюрган. Астраханьни баргараф қилиб, Темур Сарой Беркага қараб юрган, у ҳам қаршилиқ кўрсатмаган. Хожини Тархон сингари, Сарой Беркани ҳам Темур ўз жангчиларига батамом талаттирган, Олтин Ўрданинг хароб қилинган пойтахтига ўт қўйилган, афтидан, шаҳарнинг кўпчилиқ қисми ёниб тамом бўлган бўлса керак. Шу нарса характерлики, Темур қўшини тортиб келгандан кейин, орадан тахминан 450 йил ўтгач, Терешченко Сарой Берка харобаларини қазиган пайтда, ўша вақтдаги шаҳар кварталларида жуда катта ёнғин бўлганлигининг изларини топган¹. Темур қўшинининг талаб орттирган бойлиги ҳечвақт 1395/96 йил қиш фаслидагидек кўп бўлган эмас.

Шу йили қиш Волганинг этак томонларида ва унинг атрофидаги даштларда шу даражада қаттиқ бўлганки, кўпгина районларда чорванинг анча қисми ҳалок бўлган ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи жуда ошиб кетган. Масалан, 1 ман тариқ 70 кебек динор турган, бир қўйни эса 250 кебек динорга сотганлар — бу ўша вақтга нисбатан ҳечбир мисли кўрилмаган даражада юқори нарх бўлган. Малумки, олтин ҳисобида бир кебек динор — 50 тийин турган. Кўп жангчилар тавачилар расамади билан улашиб берган ўз ўлжаларини тамом сотиб еганлар, акс ҳолда улар ўз юртларига қайтаётган пайтларида йўлда очликдан ўлиб кетишлари мумкин эди.

Темурнинг 1395 йилда Тўхтамиш устидан қозонган ғалабасининг аҳамияти жуда катта эди. 15 йил давомида Олтин Ўрдада икки марта жуда катта зарба берилдики, бу зарбалар унинг тақдирини ҳал қилиб қўйди. 1380 йилда Куликово майдонида Димитрий Донской Мамайга шу қадар катта зарба бердики, тўс-тўполонлар билан ичдан дармонсизланган Олтин Ўрда аввалги қудратини яна тиклаш учун энди қурби етмай қолди. Жўжи Улуси қўшинининг сўл қанотидан, Оқ Ўрдадан чиққан серғайрат Тўхтамиш Олтин Ўрдани яна тиклашга уриниб кўрди.

Олтин Ўрдада иккинчи зарбани Темур берди, Олтин Ўрда улуг давлатчилиги — Мовароуннаҳрга, унинг деҳқончилиқ қилинадиган воҳалари ва маданият шаҳарларига доимо хавф-хатар эканлигини Темур яхши тушунарди. Бу зарбадан кейин Олтин Ўрда иккинчи даражали бир давлат бўлиб қолган эди.

1935 йилда Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, Астрахань ва айниқса Олтин Ўрда пойтахти Сарой Берканинг хароб қилиниши ва ёндириб юборилиши фақат Ўрта Осиё ва ўша

¹ В. В. Григорьев. Четырехлетние археологические поиски в развалинах Сарая. ЖМВД. 1847, кн. 9.

вақтдаги жануби-шарқий Европа учунгина эмас, балки Русь учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Рязань ерини талон-торож қилиб вайрон этган Оқсоқ Темур, гарчи ёвуз қилмишлари блан рус халқи хотирасида ёмон ном қолдирган бўлса-да, аммо Тўхтамишни енгил блан Рус ерига об'ектив суратда катта хизмат кўрсатган, лекин шундай бўлиб чиқишини унинг ўзи мутлақо пайқамаган.

С. Соловьев ўша вақтда бундай деб ёзган эди: «Темурланг Олтин Ұрдани тор-мор қилгандан кейин Москва князи учун у узоқ вақтгача хавф-хатарсиз бўлиб қолди; йилномачи, 12 йил мобайнида татар отрядлари рязаньлилар чегарасига йиртқиц-ларча уч марта бостириб келганлигини ва шу чегарада жанг бўлганлигини, аммо шунда ҳам, кўпинча, рязаньлилар енгилб чиққанлигини айтади».¹

¹ С. Соловьев. История России, кн. I-я, т. I—V, 2-е изд, 1029 бет.



Т Ҷ Р Т И Н Ч И Б О Б

ЕДИГЕЙ ВА ОЛТИН ҶРДАНИНГ
БУЮК ДАВЛАТЧИЛИГИНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДАГИ
ИККИНЧИ УРИНИШ

„Айёр ва мақор“...

„Ҷрданинг барча амирларини енгиб, бутун подшоликни ёлғиз ўзи идора қилди, ўз хоҳишича ястаган кишисини подшо қилиб тайин этди“.

Никон йилномаси.

Русларнинг 1380 йилда Куликово майдонида қозонган ғалабаси оламшумул-тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу ғалаба Олтин Ҷрдага жуда қаттиқ зарба бердики, шундан кейин у батамом тушқунликка қараб кетди. Тўхтамишнинг Олтин Ҷрданинг илгариги қудратини яна қайта тиклаш йўлидаги уринишлари муваффақиятсиз бўлиб чиқди.

Воқияларнинг боришини тарихий жиҳатдан бир-бирига боғлаб, шуни эътироф қилишимиз керакки, Темурнинг 1391 ва 1395 йилларда Тўхтамиш устидан ғалаба қозонишига фақат Мовароуннаҳрнинг жуда катта ресурсларга ва Темурнинг ҳарбий-ташкилотчилик талантига эга бўлганлигигина эмас, балки биринчи ғалда русларнинг Куликово майдонида эришган буюк ғалабаси сабаб бўлган. Темур Тўхтамиш билан курашган пайтида фақат катта ўлжалар қўлга киритиш ҳақидагина ўйламаган (Темур талончилик урушлар олиб борганда қўпинча ана шундай катта ўлжалар қўлга туширишни мақсад қилиб қўйган).

Фактларни диққат билан қараб чиқиб айтиш мумкинки, Темур Олтин Ҷрдадаги энг бой ўлкаларнинг — Қрим, Шимолий Кавказ ва Қуйи Поволжьенинг иқтисодий қудратини батамом путурдан кетказишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Темурнинг Олтин Ҷрдани тор-мор қилишини Ибн Арабшоҳ жуда образли

қилиб қуйидагича тасвирлайди: «У бутун мол-мулк ва ер-сувни қўлга киритиб, тақсимлаб берди ва олиб кетиладиганини олиб кетди, қўлга туширилган ҳамма бойликни бир ерга тўплаб ўлжани бўлашиб берди, шаҳарни талаш ва асирлар олишга йўл қўйиб берди, одамларни ҳалокат ва зўравонлик гирдобига отди, уларнинг қабилаларини йўқ қилиб, товушини ўчирди, тартиб-қондаларни ўзгартиб ва қўлга туширилган жам'и пул, қул ва мол-мулкни ўзи блан бирга олиб кетди. Темурнинг олдиндаги қўшини Азоққа бориб етганда ҳам, у (Темур) Сарой, Саройча, Хожи Тархон ва бошқа ўлкаларни хароб қилиш блан овора бўлди»¹.

Броқ Ибн Арабшоҳ бу масалада тўла ма'лумот бермайди. XIV асрнинг охири ва XV асрнинг биринчи ярмида ўтган араб ва эрон тарихчиларида, Темур Қрим блан Кафани² талаган, деган ма'лумотлар бор. Кафани у 18 кун қамал қилиб турган. Азов қаттиқ шикаст еган. Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, Темур Азовни олгандан кейин, мусулмонларни бошқа аҳолидан ажратиб, уларни, қўйиб юборишни буюрган. Ғайри мусулмонларнинг ҳаммасини Жиход қиличидан ўтказиб, уларнинг уйларига ўт қўйиб юбориш ва талашни буюрган³.

Олтин Урданинг ўша вақтдаги пойтахти Сарой Берканинг ғоят даражада хароб қилинганлиги ҳаммага ма'лумдир. Шу форс авторининг сўзича Темур Саройга ўт қўйган⁴. Терешченконинг бундан юз йил бурун ўтказган қазिश ишлари бунинг тўғри эканлигини тасдиқлади. Шимолий Кавказ областьлари, айниқса Можор шаҳри, шунингдек, черкаслар ери ҳам қаттиқ вайрон қилинган ва таланган.

Поволжьедаги Увек ва Астрахань (Хожи Тархон) шаҳарларининг бошига ҳам шундай оғир кунлар тушган. Шарқий Европанинг Олтин Урда орқали Ўрта Осиё ва Хитой блан олиб борган карвон савдосида жуда катта роль ўйнаган, ўрта аср Шарқининг энг яхши шаҳарларидан бири бўлган Хоразм пойтахти — Урганчининг 1388 йилда варварларча батамом йўқ қилиб ташланганлигини юқоридаги фактларга қўшсак, масала янада ойдинлашади. Темур Қрим, Қуйи Поволжье ва Хоразм орқали Европа

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 466 бет (рус. таржима).

² Қрим, ёки Солхат, — ҳозирги Қўҳна Қрим; Кафа ҳозирги Феодосия [қаранг: В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 322 бет (араб. текст), 330 бет (рус. тарж.) — Ибн Дукман; 357 бет (араб. текст), 364 бет (рус. тарж.) — Ибн ал Форат; 428 бет (араб. текст), 442 бет (рус. тарж.) — ал Макризий; II т., 185 бет. — Шарафиддин Али Яздий, «Зафарнома» I т., 776-777 бетлар].

³ Шарафиддин Али Яздий, ўша асар, изд. Bibliotheca Indica, I т., 762—763 бетлар (қаранг: В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 180 бет).

⁴ Шарафиддин Али Яздий, ўша асар, ўша жойда, 775 бет. — В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 185 бет.

блан Хитой ўртасида олиб бориладиган карвон савдосини батамом деярли қўпориб ташлашга ҳаракат қилган. Тўхтамиш енгилгандан кейин бу кенг ва яқингинада бой бўлган ўлкадаги бозорлар ва хунармандчилик ишлабчиқариши жиддий суратда орқага кетабошлаган.

XV асрда жануби-шарқий Европага келиб кетган Иосафато Барбаро блан Амброзио Контарини деган венецияли икки кишининг бу тушқунлик тўғрисидаги жуда қимматли ва ишончли маълумотлари бизнинг давримизгача сақланиб қолган. И. Барбаро 1436 йилда ва ундан кейинги йилларда Азов блан Астрахань ўртасидаги татар даштларида бўлган. Темур Астраханьни хароб қилмасдан олдин (1395 йилда хароб қилган деб тахмин қилинади) ипак ва доривор савдоси шу шаҳар орқали бўлган. Товарлар шуердан Азов (Тана)га олиб борилган, сўнгра эса катта қайиқларда Италияга жўнатилган. Барбаронинг айтишича, XV асрнинг 30—40-нчи йилларида бу савдо тўхталиб қолган, Европадан Узоқ Шарққа борадиган товарлар Сурия орқали жўнатиладиган бўлган¹. А. Контарини деган венецияли бошқа бир киши тахминан ўттиз йилдан кейин худди шу жойларга келиб кетган. У 1476 йилда Астраханьда бўлган. Контарини Иосафато Барбаро берган характеристикани тўлдиради: унинг кўрсатишича, аввалги вақтларда Астраханьда катта-катта иморатлар бўлиб, эндиликда уларнинг харобаларигина қолган; Контарини бўлган пайтларда халқ лойдан уй қуриб яшаган. Контарини шаҳар халқи айтганларини далил келтириб, Астраханьнинг савдо ишларидаги бурунги ша'н-шухрати тўғрисида, Астрахань бир вақтлар Азов блан катта савдо олиб борганлиги тўғрисида гапиради².

Тўхтамиш 1395 йилда Терек дар'ёси бўйида катта мағлубиятга учрагандан кейин, ўзига энг содиқ бўлган кишиларнинг кичик бир отряди блан даштга қочиб бекинган. Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, у Булар томонга қараб қочган³.

Булар деганда қайси географик ном кўзда тутилган? Ба'зан Булар Келар (Польша) сўзининг ўзгинаси, дейилади. Лекин «Булгор» сўзининг қўлёзмаларда бузилган шакли бўлса ҳам ажаб эмас. Бу ўринда контекст ҳал қилмоғи лозим. Бу жой «зулмат мамлакати»га яқин туради, деган гап ҳал қилучи аҳамиятга эга. Булар деганда, бизнингча, Булгор ёки Булгорлар мамлакати кўзда тутилганлиги шак-шубҳасиздир.

Афеуски, Тўхтамишнинг ўша 1395 йилда Жўжи Улусида ҳокимиятни яна қўлга олиши учун қандай тadbирлар кўрганлиги

¹ Россия тўғрисида четэл ёзучиларининг кутубхонаси, I т., СПб, 1836; И. Барбаро, 94 бет (итальян. текст), 56 бет (рус. тарж.).

² А. Контарини, ўша асар, 169 бет (итальянча текст), 90—91 бетлар (рус. тарж.).

³ Шарафиддин Али Яздий, I т., 756 бет. Калькутта — В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 178 бет.

тўғрисида манба'ларда ҳечқандай ма'лумот сақланмаган. Броқ шу нарса аёнки, серғайрат Тўхтамиш бу сафар ҳам енгилгандан кейин тинч қолавермаган. Жўжи Улусида тахтни яна қайтариб олишга интилиб, яна янги кучлар тўплашга зўр бериб киришган. Тўхтамишнинг тарафдорлари кўп бўлган Қуйи Поволжьени қайтариб олиш унча қийин бўлмаган, чунки Темур жануби-шарқий Европада ерлар қўлга киритишни ўз олдига вазифа қилиб қўймаган эди. Қримдаги бой порт шаҳарлари ва ундаги савдо масаласи — бошқа гап. XIV аср охири ва XV асрнинг биринчи ярмида Мисрда тузилган араб тарихий адабиётида Тўхтамишнинг 1396 йилда Қримга қилган юриши тўғрисида қизиқ бир ма'лумот бор. Ал Аскалонийнинг айтишича, 799 ҳижрий йилда (я'ни 1396 йил 5 октябрь блан 1397 йил 23 сентябрь ўртасида) Тўхтамиш блан генуяли франклар ўртасида катта жанг бўлган¹. Ибн ал Форат деган иккинчи бир араб автори Қримда бўлган воқиялар вақтини аниқлайди. Унинг айтишича, Тўхтамиш Кафа шаҳрининг «ҳокими» устига қўшин тортиб борган ва 1396 йил 17 мартада уни қамал қилган².

Уша вақтда Кафа генуялиларга қарашли бўлганлигини ҳар икки автор ҳам та'кидлайди; Темур Олтин Ұрдани тор-мор қилгандан кейин, мамлакат сиёсий жиҳатдан хароб бўлган ва ҳокимиятсиз қолган пайтда, афтидан, генуялилар Қримда ҳокимиятни ўз қўлларига ўтказиб олган бўлсалар керак.

Тўхтамишнинг Қримга қилган юриши тўғрисида рус йилномасида ҳам ма'лумот бор. Никон йилномасида айтилишича, «Уша йили (6906 = 1398) Катта Урда подшоҳи Тўхтамиш денгиз бўйидаги шаҳарларда уруш қилган»³ Денгиз бўйи шаҳарлари деганда, албатта, Қримнинг юқорида айтиб ўтилган шаҳарларини тушумоқ керак. Броқ, рус йилномасида бошқа сана келтирилади: 1396 эмас, 1398 йил деб кўрсатилади. Бу — Тўхтамишнинг Қримга қилган янги юришининг вақтими, ёки юришнинг чатоқ кўрсатилган вақтими? Афтидан, чатоқ кўрсатилган бўлса керак. Қрим жанги қайси вақтда бўлганидан қат'ий назар, Тўхтамишнинг Қримга қилган юриши унинг Олтин Ұрдада ўз ҳокимиятини яна тиклаш йўлида ҳаракат бошлаганлигини кўрсатади. Тўхтамиш ўша вақтда Кафани босиб олиб, уни бироз вақт ўз қўлида тутиб турган, деб ўйлаш мумкин.

Самарқанддаги Темур саройига юборилган ва унда 1404 йилда бўлган Кастилия (испан) элчиси ўзининг кундалмик дафтаридда бундай деб ёзган: «Едигуй ана шу Кафа шаҳрига ҳужум

¹ В. Г. Тизенгаузен, Уша асар, I т., 451 бет (араб. текст), 454 бет (рус. тарж.). Ал Аскалоний.

² В. Г. Тизенгаузен, Уша асар, I т., 357 бет (араб. текст.), 364 бет (рус. тарж.): Ибн ал Форат.

³ ПСРЛ, 7, XI, Никоновск. летоп. 167 бет. Бундан кейин Никон йилномасидан далил келтирилади.

қилган, чунки Тўхтамишнинг ўғли шу шаҳардан туриб у блан урушган ва мамлакатга катта зиён етказган; шаҳар халқи Едигуй блан сулҳ тузган, Тўхтамишнинг ўғли эса Темурбек ҳузурига қочиб кетган».¹

Тўхтамиш ўз ғалабасининг самараларидан фойдаланаолмаган. Олтин Ўрдада унга қарши Темур Қутлуғдек жиддий, омадлироқ рақиб пайдо бўлган.

Темур Қутлуғхон Темурхоннинг ўғли бўлган². Темур Қутлуғнинг Темур саройида шаҳзода (ўғлон) сифатида биринчи марта пайдо бўлган вақтини аниқлаш қийин. Темур Тўхтамишга қарши урушлар бошлаган пайтдан эътиборан, Темурнинг мулозимлари орасида Темур Қутлуғ актив ҳаракат бошлайди. Низомиддин Шомий Темурнинг 1390 йилда Тўхтамишга қарши қилган юришини гапирганда биринчи марта Темур Қутлуғни тилга олган. Темур Хўжанд дар'ёсидан (Сирдар'ёдан) ўтгандан кейин Темур Қутлуғ ўғлон, Кунча ўғлон ва Шайх Али баҳодир бошчилигида катта отрядни авангард қилиб жўнатган³.

Шарафиддин Али Яздийга келганимизда, у, 790 ҳижрий йилда (= 1388) Темур Хоразмга қўшин тортиб борган пайтда, яъни икки йил олдин, Темур Қутлуғнинг Темурда хизмат қилиб турганлигини биринчи марта тилга олган. Сўфийларнинг Қўнғирот династиясидан чиққан Хоразмшоҳ Сулаймон Тўхтамишга ён босганлигидан ғазабланган Темур унинг адабини бериб қўйиш учун шу вақтда Хоразм устига қўшин тортиб борган эди. Аввалги урушдагидек, бу сафар ҳам Темур Қутлуғ Кунча ўғлон блан биргаликда Хоразм юришида қатнашган.

Бундан кейин биз Темур Қутлуғ ўғлонни манғит қабиласидан чиққан Оқ Ўрда амири Идике (Едигей) блан бирга иш кўрганини биламиз. Темур Қутлуғ ўғлон Едигей блан узоқ вақт бирга бўлган. Уша Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, Темур 1391 йил 19 январьда Тўхтамишхонга қарши юришга чиққан пайтида, йўлни биладиган одам (йўлбошловчи) ларни амирларга тақсимлаб берган. Темурнинг ўзи бошчилик қилган қўшиннинг марказий қисмида Темур Қутлуғ ўғлон, Кунча ўғлон ва Идике-ўзбек ана шуидай йўлбошловчилар (қилауз) қилиб тайинланган эди.⁴

Оқ Ўрдадан чиққан бу уч амир 1391 йилги юришнинг бошидан то охиригача Темурда хизмат қилиб, унинг турли топшириқ-

¹ Рюи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403—1406 гг. Изд. и перев. И. И. Срезневского, СПб., 1881, 342 бет.

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 63 бет. Нома'лум авторнинг, «Муиззал ансоб фи шажарат салотин мўгул» (мўгул султонларининг насаб шажарасини мақтовчи китоб) номли асаридан олинган парчалар.

³ Низомиддин Шомий, Тауег нашри, Прага, 112—113 бетлар.

⁴ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 159 бет. — Шарафиддин Али Яздий, I т., 499 бет.

ларини бажарганлар. Кундузча ёнидаги жангда Темур ғалаба қозониб, Тўхтамиш қочиб кетгандан кейин бу уч амир бошқача фикрга тушиб қолганлар, я'ни Тўхтамиш эндиликда улар учун хавфли эмаслигига ва Жўжи Улусига қайтиб бориб, кўчманчи зодагонлар орасида ўзлари учун қулай сиёсат юргизаолишларига кўзлари етгандан сўнг, Темурдан ўз эл-юртларига қайтаришни илтимос қила бошлаганлар. Улар Темурга, юртимизга қайтиб борганимиздан кейин (қўл остимиздаги қабилаларни) йиғиб, уларнинг молу мулки ва чорваси блан бирликда сенинг ҳузуригга олиб келамиз деганлар. Аммо бу гаплар гап бўлиб қолаверган, уларнинг ҳақиқий ниятлари бошқача бўлган. Улар Темурдан ижозат олганларидан кейин, ўйлаган мақсадларини юзага чиқариш ва Жўжи Улуси тахтини Чингиз авлодларидан бўлган Темур Қутлуққа ўтказишга тайёрлик кўра бошлаганлар.

Темур Қутлуғ ҳам, Едигей ҳам Темур ҳузурига қайтиб келмаган, фақат Кунча ўғлон'гина ўз сўзининг устидан чиққан, лекин у ҳам, орадан бироз вақт ўтгач, Темурни ташлаб кетиб қолган (бу тўғрида қуйида айтамыз).

Юқоридаги амирларнинг Темурни алдаб кетиб қолганлиги ҳақидаги ма'лумот Ибн Арабшоҳда ҳам бор², бироқ бунда фақат Едигей тилга олинади, агар бу ма'лумот ўша вақтда таркиб топган афсонанинг ёзмаси бўлмаса ҳам, адабий жиҳатдан ишланган ма'лумотдир. Темур 1395 йилда Тўхтамишга қарши отланган вақтда Темур Қутлуғ нима иш қилганлигини айтиш қийин. Шу нарса равшанки, Идикей (Едигей)нинг қутқуси блан Темур Қутлуғ 1395 йилда Тўхтамишнинг тор-мор қилинишидан фойдаланган ва Олтин Ұрдада хонлик ҳожимиятини босиб олиш ниятида зўр бериб ҳаракат қилган.

Шу нарса характерлики, 1395 йилдан кейин Олтин Ұрда ва унда бўлиб ўтган воқиялар тўғрисида рус йилномасида жуда муфассал ма'лумотлар бор. Бу йилномада ба'зибир масалалар тўғрисида шу қадар тафсиллий ма'лумотлар борки, шарқ авторларининг ҳеч биттасида ҳам бундай тўла ма'лумот учрамайди. Рус йилномасининг бунчалик хабардорлиги ба'зан кишини ҳайратда қолдиради. «Искандар аноними»да айтилишича, Темур Қутлуғ подшолик тахтига ўтирмасдан илгарийёқ Тўхтамиш Литва князи Витовт ҳузурига қочиб кетган³.

Бироқ Тўхтамишнинг Литвага қочиб бориши ва Темур Қутлуғнинг Олтин Ұрда тахтига ўтириши ҳақида йилномада анча аниқ ма'лумот берилган. 1396—1398 йилларда Олтин Ұрддан

¹ Низомиддин Шомий, 125 бет. — В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 118 бет. Яна: 171—172 бетларни қаранг (Шарафиддин Али Яздий ҳикояси).

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 467—469 бетлар.

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 238 бет (форсча текст), 133 бет (рус. тарж.).

ажралиб чиққан Қримни Тўхтамиш яна қайтариб олиш учун кураш олиб борганлигини юқорида кўриб ўтган эдик. Уша 1398 йилда Тўхтамиш Рязань князига элчи юборган. Дастлабки вақтларда Тўхтамиш ишлари жуда яхши борган: «Уша йили (1398 й.— А. Я.) Катта Урда подшоҳи Тўхтамиш зўр қувончда эди; у рақибларидан қутулиб бўлгач, ўз номини улуғлаб барча мамлакатларга элчилар юборди»¹.

Броқ Олтин Урдада ҳокимиятни қайта тиклаш ишлари айни авж олган бир пайтда «Темур Қутлуғ деган бир подшо Тўхтамишга қўққисдан» ҳужум қилди. «Жанг бошланиб кетди, ва жанг жуда қаттиқ бўлди. Темур Қутлуғ подшо Тўхтамишни енгиб, уни ҳайдаб юборди ва ўзи эса Волга бўйидаги Катта Урдага подшо бўлиб олди, подшо Тўхтамиш эса Литва мамлакатларига қочиб кетди»².

Тўхтамиш ўзининг каттакон оиласини олиб, Киевга Витовт ҳузурига келган. Витовт уни меҳрибонлик блан кутиб олган, чунки Витовт ўзининг улуғ давлатчилик сиёсатини амалга оширишда қочқинчидан фойдаланишни кўзда тутар эди. Темур Қутлуғ ўз душманининг Литва князи ҳузурига ҳурматли меҳмон бўлиб ўтиришига албатта хотиржамлик блан қарайолмасди. Литвада Темур Қутлуққа қарши фитна тайёрланаётганлигини Олтин Урданинг бу янги хони биларди, бинобарин, бу фитнанинг қандай йўл блан бўлса ҳам олдини олиш ва барбод қилиш керак эди. Ана шунинг учун келаси (1399) йили Темур Қутлуғ Литванинг улуғ князига элчилар юборган: «Қочқин подшо Тўхтамишни, менинг душманимни менга топшир, чунки мен унинг соғ-саломат сенинг паноҳингда истиқомат қилиб турганлигини кўриб, тоқат қилолмайман, уни менга тутиб бер... унинг қўлидаги нарсаларнинг ҳаммасини ўзингга олиб қол»³.

Витовт бунга рад жавоби берган ва уруш очиш блан дўқ қилган. Дарҳақиқат, у Олтин Урдага қарши юриш қилиш учун кўшин тўплайбошлаган. Аслида бу Витовтнинг татарларга қарши учинчи юриши эди. Бу юришларнинг биринчиси 1397 йилда Дон дар'еси водисига ва иккинчиси 1398 йилда Днепр дар'есининг қуйи томонига қилинган эди, татарлар етарли даражада жиддий қаршилиқ кўрсатмаганликлари сабабли ҳар иккала юриш ҳам муваффақиятли чиққан эди. Йилномачи Витовтга оид фикрларини адабий жиҳатдан ишлаб, унинг режалари тўғрисида сўзлайди ва Литванинг бу мақтанчоқ князи номидан қуйидаги гапларни айтади: «Татарлар ерини босиб олиш учун борамиз, подшо Темур Қутлуғни енгиб, унинг подшолигини босиб оламиз ҳамда унинг бойликлари ва ер-мулкини бўлишиб оламиз. Темур

¹ Никоновск летоп, 167 бет

² Шу жойда.

³ Шу жойда.

Қутлугнинг Ұрда подшолигига: Кафа, Азов, Қрим, Азтарақан, Ейиқнинг нариги томонидаги Ұрда, бутун денгиз буйи ва Қозонга Тўхтамишни подшо қилиб ўтқазамиз. Буерларнинг ҳаммаси бизники бўлади, подшо ҳам бизники бўлади»¹.

Бу сўзлардан шу нарса равшанки, Витовт Тўхтамишни фақат Олтин Ұрдагагина эмас, балки Ейиқ дар'ёсининг нариги ёғидаги Ұрдага, я'ни Оқ Ұрдага ҳам ҳоким қилиб қўйишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган,— бошқача қилиб айтганда, Тўхтамишни ўз ноиб сифатида бутун Жўжи Улусининг хони қилиб кўтармоқчи бўлган. Витовт шу йўл билан Ұрдани ўзига бўйсундиришни хаёл қилган. Броқ бу нарса ўша вақтдаги кучлар нисбати жиҳатидан олганда, Витовтнинг қўлидан келадиган иш эмас эди. Витовтнинг Тўхтамиш билан «дўстлиги» ва Темур Қутлуг татарларига қарши кураш Москва билан иттифоқ бўлмай ва ҳатто у билан алоқа боғламай амалга оширилмоқчи бўлган. Витовтнинг Москва масаласида бошқача муддао ва сиёсати бўлган, я'ни у Москва князини кучсизлантириб, Русь ҳисобидан Литва ерларини кенгайтиришни мўлжаллаган. Витовт яхши қуроолланган катта қўшин тўплаб, 1399 йилда татарларга қарши йўлга чиққан ва Ворскла дар'ёси бўйида лагерь қурган.

XIV асрнинг охири Литвада ва Русьда қўшинни ўтсочар қурол билан таъминлашда ҳал қилучи давр бўлган бўлса керак. Никон йилномасида жуда ҳам ифодали қилиб айтилган қуйидаги сатрлар бор: «Ўша вақтда Витовт Ворскла дар'ёсининг нариги томонида қилдирақларига темир занжирлар ўралган юк араваларида тўп, замбараклар ва ўтсочар милтиқлар билан қуроолланган ҳолда пайт пойлаб турар эди»².

Йилномачининг айтишича, Темур Қутлуг Витовтнинг жуда катта қўшинини кўриб, қути учган ва жанг қилишга жур'ат этаолмай, ярашишни таклиф қилган. Шу вақтда Темур Қутлуг ҳузурига манғит қабиласига мансуб Ұрда князи Едигей келган (у амир Идике номи билан юқорида айтиб ўтилган эди). Едигей Темур Қутлугнинг юрагига далда бериб, унинг ярашиш тўғрисидаги таклифларини бекор қилдиришга ва воқияларни татарлар учун қулай томонга бирданига буриб юборишга муваффақ бўлган.

Едигей Ұрда қўшинига бош бўлиб, Ворскла дар'ёси бўйида Литванинг ҳарбий кучлари ва Тўхтамиш отряди билан жанг бошлаган; XV асрдаги поляк тарихчиси Длугошнинг сўзига қараганда, Тўхтамиш татарлардан бирнеча минг кишини ўзи билан бирга олиб келган³. Витовт немис орденидан ҳам бутун бир дивизион

¹ Никоновск. летоп., 172 бет.

² Никоновск. летоп., 173 бет.

³ I. Dlugosz. Dziejow Polskied, II т., 495 бет. Krakow, 1868.

аскарлар ёрдамга олган¹. Уруш Темур Қутлуғ ва Едигей ғалабаси блан тамомланган, Витовтнинг қўшини тор-мор этилиб, кўпдан-кўп юк араваларини ғолибларнинг талон-торожига ташлаб тумтарақай қочганлар. Иилномачининг сўзича, «татарлар ғилдиракларига темир занжирлар ўралган, тўп-замбараклар ва ўтсочар милтиқлар блан қуролланган юк араваларни, шунингдек, олтин ва кумуш идишлардан иборат жуда катта бойликларни босиб олдилар»². Витовт блан Тўхтамиш, шунингдек, немислар қочганлар. Татарлар уларни қувлаб бориб, Киев ва Литва ерларини хароб қилганлар. Улар Киевдан 3000 сўм миқдорида откуп олганлар, бу ўша вақт ҳисоби блан жуда катта суммани ташкил қилган. Ворскла дар'еси водисидagi жанг Тўхтамишнинг тақдирини ҳал қилган. Шундан кейин Тўхтамиш Олтин Ҷрдада ҳокимиятни ўз кучлари блан қайта тиклайолиш даражасида ҳечқачон бош кўтариб чиқаолган эмас.

Жўжи Улуси тўғрисида қизиқ ва қимматли, лекин хронологияда ҳарвақт хато ма'лумотлар беручи «Искандар аноними» номли асарда (автори Муиниддин Натанзий) Тўхтамиш «800-нчи ҳижрий йилда (=1397 йил 24 сентябрьда — 1398 йил 12 сентябрьда) Тулинда³(Тюменьда) ўз ажали блан вафот этди» дейилади.

Бу ма'лумотда санадан бошқа ҳаммаси тўғри. Рус манба'ларида ҳам Тўхтамиш Тюменьда ўлган, дейилади. «Искандар аноними» ҳеч бўлмаганда, 7—8 йилга хато қилган, чунки, Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, Тўхтамиш 807 ҳ. йилнинг Ражаб ойида (=1405 йил январь), Темур вафот этмасдан бирнеча ҳафта бурун, ўзининг энг эски навкарларидан бири бўлган Қора хўжани Утрор шаҳрига Темур ҳузурига элчи қилиб юборган⁴. Шарафиддин бу элчининг юборилишидан кузатилган муддаони ғалирар экан, Тўхтамишнинг аввалги сафдошлар томонидан ташлаб кетилганлигини ва шундан кейин у чўлу биебонларда нима қилишини билмай тамомила сарсон-саргардон бўлиб юрганлигини айтади.

Бу элчининг юборилиши тасодифий бўлмай, балки Темур блан Тўхтамиш ўртасидаги муносабатлар ўзгарганлиги сабабли юборилганлиги ўша вақтда Самарқандга Темур саройита юборилган Кастилия элчиси Рюн Гонзалес де Клавихо айтганларидан кўриниб туради. Клавихонинг айтишича, «Татарлар императори Тўхтамиш блан Темурбек ярашиб, ҳар иккаласи биргаликда Эдигуйни алдамоқчи бўлганлар». Қуйида яна Клавихо уларнинг муносабатларидаги бу ўзгаришни қайта тасдиқлайди:

¹ Spuler. Die Goldene Horde, 1943, 138 бет.

² Никоновск. летоп., 174 бет.

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 237 бет (форсча текст), 133 бет (рус. тарж.).

⁴ Шарафиддин Али Яздий, II т., 647 ва ундан кейинги бетлар.

«Тўхтамиш ва унинг ўғиллари Темурбек блан алоқада бўлганлар ва дўст бўлиб яшаганлар»¹.

Броқ Тўхтамиш Ворскла дар'ёси бўйидаги жангда енгилгандан кейин Едигей унга ҳеч тинчлик бермай, ҳамма ерда уни та'қиб қилган. Ибн Арабшоҳнинг гапича, «иш шунгача бориб етганки, Едигей блан Тўхтамиш 15 марта жанг қилиб, (шу блан бирга) гоҳо Едигейнинг, гоҳо Тўхтамишнинг қўли баланд келган»². Унолтинчи жангдан кейингина Идике узил-кесил галаба қилган, Тўхтамиш эса «ҳалок бўлган»³.

Уша вақтда Едигейнинг ҳарбий жиҳатдан қанчалик кучли бўлганлиги яна ўша Клавихонинг сўзларидан кўриниб турибди: «Уша Едигейнинг Ұрдасида доимо икки юз мингдан ортиқроқ суворилар бўларди»⁴.

«Искандар аноними» нинг Тўхтамиш ўз ажали блан ўлган деган ма'лумотининг қанчалик тўғрилигини билиш қийин. Бундан қат'и назар Русь юрти ва Мовароуннаҳр халқлари бошига кўпдан-кўп ташвиш ва кулфатлар солган Тўхтамиш 1405 йилнинг январида Ұтрорга Темур ҳузурига ўз элчисини юборгандан кейин, тез орада, тарих саҳнасида батомом тушиб қолган.

Едигей рус историографиясида Ұрда ҳокимлари ичида энг маккор ва йиртқичларидан бири деб айтилиб келинади. Бу фикр XIV аср охири ва XV аср бошларидаги рус-татар муносабатлари тарихига доир энг қимматли ва энг тўла манба' ҳисобланган рус йилномасида бор. «Энг қимматли ва энг тўла» манба' дейилишининг сабаби шуки, шарқ (араб ва форс) манба'ларида рус-татар муносабатлари ҳақида деярли ҳечнима айтилмаган ва уларда Едигей фаолиятининг дастлабки ва сўнгги даврларига оид муҳим ма'лумотлар бор, қолган қисмида эса Олтин Ұрдадаги вазият ва унинг (Олтин Ұрда) Ұрта Осиё ҳамда Кавказ блан олиб-борган муносабатлари тўғрисида гапирилади, холос. Шу нарса характерлики, шарқ манба'ларида Едигей нохуш сўзлар блан тилга олинган ва уни ва'дасига вафо қилмайдиган восиқаси йўқ одам, дейилади. Бу масалада Ибн Арабшоҳ бир даража бошқача фикрда бўлган, у Темурни жуда ёмон кўрганлиги сабабли, Темур душманларини оқлашга ҳаракат қилган ва Едигейга ён босган. Агар Едигейни бошқача йўл блан идеаллаштиришга уринилмаса, тарих фанида унга асло бошқача (я'ни ижобий) баҳо бериб бўлмайди.

Гап шундаки, тарихда яшаган Едигей блан бир қаторда яна нўрой эпосининг қаҳрамони Едигей ҳам бор, лекин шуни айтиш

¹ Рюи Гонзалес де Клавихо, ўша асар, 341—342 бетлар.

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 470 бет.

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 471 бет. — Софиядаги иккинчи йилнома ма'лумотларига қараганда, Тўхтамишни 1406 йилда Сибирь ерида Шодибек ўлдирган (VI т., 133 бет).

⁴ Рюи Гонзалес де Клавихо, ўша асар, 341 бет.

керакки, бу эпос кўчманчи зодагонлар манфаатини ёқлаб тузилган феодализм даври эпосидир. Едигейнинг шахси тўғрисидаги характеристикани бек-феодаллар эпосидан тарихга, афсонадан тарихий воқеаликка кўчириш — катта хатога йўл қўйиш, тарихни бузиш демакдир, баъзан фақат пантуркистларнинг манфаатлари-гагина хизмат қиладиган миллатчилик-шовинистлик историографияда шундай қилинади.

В. В. Бартольднинг «Отец Едигея»¹ («Едигейнинг отаси») деган мақоласида Едигей тўғрисида қизиқ фикрлар бор. В. В. Бартольд Едигей шахсини идеаллаштирмайди. В. В. Бартольд, афсонани бир четга қўйиб, тарихга амал қилиб текширадиган бўлсак, у ҳолда Едигейнинг характеридаги асосий хусусият мунофиқлик (хиёнат)дан бошқа нарса бўлмайди, деб ёзган эди. «Урусхонни ташлаб кетиб, — деб ёзади В. В. Бартольд, — ва Тўхтамиш деб отаси блан алоқани узиб (Абулғози айтганидек, Едигей Тўхтамишнинг навқари бўлган-бўлмаганлиги Темур тарихидан маълум эмас), Едигей кейин Тўхтамишнинг ўзига хиёнат қилган ва 1391 йилда Темурга янгидан хизматга кирган»², кейинроқ бориб у Темурга яна хиёнат қилган.

Шарқ авторларидан Ибн Арабшоҳгина Едигейнинг ташқи қиёфаси қандай бўлганлигини тасвирлайди: «У (юзи) қорачадан келган, ўрта бўйли, гўлабир, жасур, кўринишда важоҳатли, ақлирасо, қўли очик, табассум қилиб турадиган, ҳар нарсага дарҳол ақли-фаросати етадиган идрокли бир одам эди»³.

Едигей Тўхтамиш блан деярли бир вақтда тарих саҳнасида пайдо бўлган. Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, Темур Бухоро атрофларида турган, Тўхтамиш эса 778 ҳ. йили (=1376—1377) Урусхоннинг ўғли Тўқтақия томонидан мағлубиятга учратилгандан кейин қочиб кетган бир пайтда, Темурнинг қароргоҳида Едигей пайдо бўлган. Едигей Жўжи Улуси амирларидан бири бўлиб, Урусхоннинг тақибидан буерга қочиб келган ва Урусхон Тўхтамишга қарши катта қўшин тортиб йўлга чиқди, деб хабар қилган⁴.

Бу вақтда Едигей блан Тўхтамиш ўзаро дўстлик муносабатларида бўлганлар. Кейинчалик Едигей то 1391 йилгача Темурга хизмат қилиб, унинг Тўхтамишга қарши олиб борган курашида ёрдам берган. Тўхтамиш устидан ғалаба қозонилгандан кейин, биз юқорида кўриб ўтганимиздек, Едигей Темур Қутлуғ ва Кунча ўғлонлар блан биргаликда, ҳокимият тепасига чиқиб олиш умидида Темурни алдаб-сулдаб, ундан жавоб олганлар ва сўн

¹ Изв. Таврич. общ. ист., археолог. и этногр., I т: (58), Симферополь, 1927, 18—23 бетлар.

² Уша ерда, 21 бет.

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 473 бет.

⁴ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 148 бет. — Форс. текст: Шарафиддин Али Яздий, I т., 277 бет.

ўз юртларига қараб кетганлар. Едигей ғоят даражада серғайрат одам бўлган. Едигей фурсатни қўлдан бермай, Олтин Ұрданинг ҳақиқий ҳокими бўлиб олиш пайига тушган. Едигей чингизийлардан бўлмаганлиги сабабли хонлик тахтини да'во қилаолмаслигини билар эди ва шунинг учун ҳам Урусхоннинг невараси Темур Қутлуғ ўғлонни номига хон қилиб қўймоқчи бўлган. Ибн Арабшохнинг гапича, «у (Едигей) султонлик номини ололмас эди, агар шундай деб аташ мумкин бўлганда эди, (барча) подшоликларни эгаллаган Темур ўзини (сўзсиз) султон деб атаган бўлар эди. Шундан кейин у (Идигу) ўз номидан султон тайинлаб, пойтахтга (алоҳида) хон қўйган»¹. Рогожск йилномачиси бу масалада яна аниқроқ гапирди. Едигейнинг Олтин Ұрдадаги аҳволини у мана бундай деб та'рифлайди: «Ұрданинг барча амирларини енгиб, бутун подшоликни ёлғиз ўзи идора қилди, истаган кишиларини ўз хоҳишича амир қилиб тайин этди»² Темур Қутлуғнинг 800 ҳижрий йили (=1397—1398) берган ёрлиғида Едигейнинг Жўжи Улусидаги мавқини аниқ айтилган: «Мен — Темур Қутлуғ буюраман: ўнг (ва) сўл қанотлардаги ўғлонларга, мингбоши, юзбоши ва ўнбоши бекларга туманбеги Едигей бошлиқ қилинсин»³. Шундай қилиб, ёрлиқда айтилишича, Едигей Жўжи Улусидаги бутун қўшиннинг бошлиғи қилиб қўйилган.

Яна, Темур Қутлуғнинг идора қилиш ишларига қайтайлик. Шунини эслатиб ўтиш керакки, Олтин Ұрдадан сақланиб қолган оз сонли ёрлиқлар орасида Темур Қутлуғнинг ўзи томонидан берилган жуда қимматли ёрлиқ бор. Биз бу ерда Темур Қутлуғнинг 800 ҳижрий йилда (=1397—1398), ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилида берган тасдиқловчи тархонлик ёрлигини кўзда тутамиз. Олтин Ұрда давлатида, юқорида айтиб ўтилган ўзаро низо'-жанжаллар даврида унинг анча вайрон бўлганлигига қарамай, аҳолидан турли солиқлар, ўлпонлар йиғадиган ва мажбуриятларни адо эттирадиган давлат аппарати ўз ишини давом қилдираверган. Ёрлиқнинг мазмуни ва унинг тарихий аҳамияти устида тўхталиб ўтирмай (у бирнеча марта текширилган), масаланинг фақат бир томонигагина э'тибор бериш керак. Бу ёрлиқ Судоқ атрофида яшаган Хожи Байрам деганнинг ўғли — Муҳаммад номли бир ер эгаси номига берилган. Ёрлиқ тархоний тасдиқлайди, тархон эса шу одамнинг оиласида авлоддан-авлодга

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 469—470 бетлар.

² ПСРЛ, XV, Рогожск йилномачиси, 179 бет. — Рогожск йилномачисининг Едигей ҳақидаги гапларини адабий томондан ишлаб чиққан Никон йилномасида ҳам Едигей худди шу тахлитда та'рифланади: «Ұрданинг Едигей деган бу князи барча князьларга қараганда кучлироғидир, у бутун подшоликда танҳо ўзи ҳукмронлик қилиб, истаган кишиларини ўз хоҳишича амирликка тайин этади» (Никоновск. летоп., 206 бет).

³ А. Самойлович, Несколько поправок к ярлыку Тимур-Кутлуга. Изв. Акад. Наук, 1918, 1122 бет.

мерос бўлиб ўтган. Тархоннинг хусусияти шундаки, фақат ер эгасигина давлат фойдасига солиқ, ўлпонлар тўлашдан ва мажбуриятлар ўташдан озод қилинган; деҳқонларга келганда, улар аввалгидек солиқ ва ўлпонлар тўлашни ва турли хил мажбуриятлар ўташни давом қилдираверган, лекин давлат фойдасига эмас, балки катта ер эгаси фойдасига солиқ тўлаган ва мажбуриятлар ўтаган.

Мўғулларнинг бошқа давлатларида бўлгани сингари, Олтин Урдада ҳам солиқ, ўлпон ва мажбуриятлар ҳаддан ташқари кўп бўлиб, деҳқонлар елкасида жуда оғир юк бўлган. Бундай солиқ, ўлпон ва мажбуриятлар сонини санаб чиқишнинг ўзиёқ Олтин Урданинг социал тарихига оид кўп ҳодисаларни тушунтириб беради. Бунга «токзорлардан олинадиган мажбуриятлар», «омборхона божлари», «гарам пули», «ариқлардан олинадиган ясоқ», ҳайдалган ердан олинадиган ўлпон («калон»), олди-соттидан олинадиган божлар, «герб божлари», «тош-гарози божлари», «йўл ҳақи», мажбурий суратда «от-улов» етказиб бериш, «манзил пули», мол учун «терт ва ем-хашак» пули, «фавқулодда солиқлар» ва ҳоказо ва ҳоказолар киради. Олтин Урда давлатидаги ўтроқ ва маданий аҳоли зиммасига нечоғлиқ оғир солиқ ва ўлпонлар солинганлиги тўғрисида сўзлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ.

Олтин Урдага қарашли Қрим, Булғор ва бошқа маданий районларда яшаган ўтроқ аҳолини, аслини айтганда, Олтин Урда ҳокимияти блан нима боғлаб турган? Утроқ аҳоли тил, дин жиҳатдан ёт бўлган ва ҳамиша зўрликка ва эксплуатацияга асосланган бу ҳокимиятни жуда ёмон кўриб келган. Олтин Урда куч-қувватли ва унинг кўчманчи аристократияси ичдан иттифоқ бўлган пайтда, у турли қабилаларга мансуб аҳолини осонлик блан қўл остида тутиб турган; Олтин Урдада тўс-тўполон ва низо-жанжаллар бошланиб кетиб, унинг қўшини енгилабошлагандан кейин, татар-мўғулларга ёт бўлган бошқа қабила ва халқлар бу ҳокимиятнинг ҳарқандай муваффақиятсизлигидан қувонган ва ўз аҳволларини яхшилаб олиш умиди блан ундан ажралиб чиқиб кетабошлаган.

Ҳокимият тепасига Темур Қутлуғ (амалда Едигей) келиши блан Олтин Урда яна қисқа бир вақтга мустаҳкамланган, лекин бу ёниб тамом бўлаётган оловнинг сўнгги марта яллагланишигина эди. Олтин Урда аввалги қудратининг лоақал соясини бирор-бир 15 йилга қайтармоқ учун ўз тарихида ишлатган зўрлик ва маккорликнинг барча усул ва методларини сафарбар қилмоғи лозим эди. Едигей ўзининг шахсий хусусиятлари туфайли, бу жиҳатдан ҳам энг боп одам бўлиб чиқди.

Йилномачининг айтишича, «Едигей бутун Урдада буюк князь бўлиб, у қудратли, мустаҳкам ва ботир киши бўлган»¹. Шу блан

¹ Никоновск. летоп., 173 бет.

бирга, у ўз муддаоларига эришиш йўлида ҳарқандай маккорлик ва ёвузликдан қайтмайдиган «муғомбир ва айёр»¹ киши эди.

Аммо XIV аср охири — XV аср бошларидаги воқиалар, юқорида айтиб ўтилганидек, сўнгги яллиғланишгина эди, холос. Тарихнинг бетўхтов илгарилаб боришини на Едигей ва на номига хонлар тўхтатиб қолаолдилар. Русь ва Олтин Ұрда бошқа-бошқа йўл блан борарди. Рус князьликлари, феодал тарқоқликка қарамай, фақат қишлоқ хўжалиги соҳасидагина эмас, балки шаҳар ҳунармандлиги соҳасида ҳам ишлабчиқаручи кучларнинг зўр юксалиши палласида эди. Русьда шаҳарлар ривожланиши блан бирга шаҳар ҳунармандлиги маҳсулоти ҳам ортиб борди².

Буларнинг ҳаммаси мамлакат ичкарисида товар-пул муносабатларининг чуқурланиши ва мустаҳкамланишига ҳамда қўшниллар блан савдонинг ўсишига ёрдам берди. Экономикаси жиҳатидан Русь кучли эди, у ўзига керакли нарсаларнинг ҳаммасини ўзи ишлаб чиқарарди, бошқа халқларни таламай ва зўрлик қилмай туриб, ўзининг ресурслари ҳисобига яшарди.

Юқорида айтилганларни намойиш қилмоқ учун кўзга кўринарли икки фактни келтирамиз. Ҳарбий техника соҳасида Русь жуда юқори турар эди, ҳарқолда, татарлардан юқори эди. Витовтнинг 1399 йилда Ворскла дар'ёси бўйида татарлар блан қилган жанги тилга олинганда, Литва қўшинининг қурол-яроғ блан та'минланиши юксак даражада бўлганлигини айтган эдик. Русьнинг ҳам худди шундай ҳарбий техникаси бор эди. Яна бир мисол келтирайлик: Едигей «Тверьга улуғ князь Иван Михайлович Тверской ҳузурига шаҳзода Булат блан князь Ериклибердини юбориб, Иван Михайловичнинг тўп-замбарак, туфяк, пишчалы ва ўзиотар милтиқлар олиб дарҳол Москвага қарши йўлга чиқишини буюрди»³. Бу воқиа 1409 йилда бўлган. Юксак ҳарбий техника — шаҳар ва шаҳар ҳунармандлигининг тараққиёт маҳсулидир.

Фактларнинг яна бир категорияси борки, улар бундан ҳам қизиқарли ва қимматлидир. XIV асрда ва XV аср бошларида Волга дар'ёсидаги кемаларга татарлар эмас, балки руслар хўжайинлик қилар ва уларни бошқарар эди. Никон йилномасида айтилишича, 1407 йил 20 июльда «Тверьнинг улуғ князи Иван Михайлович Тверский Волга дар'ёсида кемага ўтириб Ұрдага, подшо Шодибек ҳузурига борган»⁴. XIV аср охири ва XV аср бошлари — Европа, шу жумладан Русь ҳам, маданий тараққиёт жиҳатдан Шарқдан ўзиб кетабошлаган давр эди, Олтин Ұрда эса ҳечқачон Шарқнинг илғор участкаси бўлмаган.

Темурнинг юришидан кейин Олтин Ұрда шаҳарлари, улардаги

¹ Никоновск. летоп., 206 бет.

² Б. А. Рибаксвнинг «Ремесло древней Руси» (Изд. АН. СССР, 1948) де-ган қимматли китобига қаранг.

³ ПСРЛ, XI, 209 бет.

⁴ ПСРЛ, XI, 201 бет

хунармандлик ва савдо-сотиқ ишлари, юқорида кўриб ўтганимиздек, батамом орқага қараб кетган. Ишлабчиқаруви кучлар издан чиққан эди, давлат газнаси фақат таловчилик ва зўрлик ҳисобигагина яшайоларди. Русьдан фарқ қилиб, аҳоли блан Олтин Урда ҳокимияти ўртасида ҳечқанақа ички алоқа йўқ эди. Кўчманчи турк-мўғул зодагонлари орасидаги битмас-туганмас низо¹-жанжалларни гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Ана шундай бир вазиятда рус феодал князьликларининг ягона, марказлашган давлат бўлиб бирлашуви Олтин Урдани йўқотишнинг қудратли қуроли ўлароқ Россиянинг тарихий тараққиётида катта бир заруриятга айланиб борди.

Темур Хитойга қўшин тортиб кетаётганида, йўлда юқорида айтилган Утрор шаҳарида 1405 йил 18 февральда, қишнинг совуқ кечаларидан бирида вафот қилди. Урта Осиёли даҳшатли амининг ўлими Олд Осиё тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Темур давлатида алғов-далғовлар бошланиб «Темур мероси» учун феодаллар кураши авжга минди ва бу кураш шунга олиб келдики, Урта Осиёда ҳечким Шарқий Европа ишларига аралашмайди-ган бўлди. Темур вафот қилгандан кейин Мовароуннаҳрда Олтин Урдага яна зарба бераоладиган одам топилмади. Бунинг устига Мовароуннаҳрда «Темур мероси» учун кураш блан боғланган тўс-тўполонлар шунга олиб келдики, Едигей Хоразмни босиб олиб, уни бирнеча йил ўз қўлида тутиб турди, бу воқиа, Абдураззоқ Самарқандийнинг айтишича, 1406 йилда содир бўлган¹.

Темурнинг тахт ворисларидан бири — йирик олим Улуғбек (1409 — 1449), маълумки, Оқ Урдани ва унинг даволарини ҳам баргараф қилаолмаган. Олтин Урда давлатини тугатиш вазифаси энди батамом Москва Русь гарданига тушган эди. XV асрда бу муҳим ишни Москва бажарди, бироқ татарлардан батамом озод бўлиш йўлида ҳали анчагина тўсқинликлар бор эди, уларнинг бири — Русьга яна талончилик юришлари қилиш учун Олтин Урдани қайтадан тиклашга сўнгги марта уриниш бўлди (буни амир Едигей амалга оширди). 1400 йилда, йилномада айтилишича, «Урдада подшо Темур Қутлуғ вафот этган, ундан кейин Волга бўйидаги Катта Урданинг подшолик тахтини Шодибек эгаллаган»².

Темур Қутлуғнинг ҳукмронлик қилган йилларига оид ёзма манбаъларни (шарқ ва рус манбаъларини) нумизматика маълумотлари ҳам тасдиқлайди. У 800—802 ҳижрий йилда (= 1397—1400) ал Жадид Урдасида, Саройда, Билод Қримда, Сарой ал Жадидда, Хожи Тархонда, яъни Олтин Урданинг ҳамма территориясида монеталар (танга-чақалар) зарб қилдирган.

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 253 (форсча текст), 193 бет (русча таржима).

² Никоновск. летоп., 183 бет.

Юқорида айтиб ўтилган «Искандар аноними» (Муниддин Натанзий) Темур Қутлуғнинг ўлими тўғрисида ба'зибир қизиқ тафсилотларни келтиради: «Темур Қутлуғ шу қадар кўп ичадиган бўлганки, кунлардан бирида у сурункасига ичкилик ичганидан кейин абадий уйқуга кетган»¹.

Жўжи Улусида тартибсизликлар бошланган, шундан кейин Едигей янги Чингизий қидирабошлаган. Қутлуғбекнинг ўғли Шодибек ана шундай одам бўлиб чиққан². Шодибек ўзидан аввал ўтган Темур Қутлуққа қараганда ҳам камроқ мустақил ҳукмдор бўлган. «Искандар аноними»да айтилишича, Шодибек бутун умрини айш-ишратда ва фароғатда ўтказган³. Олтин Ұрдада амир Едигей батамом хўжайин бўлиб олган. У ҳамма ишларга аралашган, тартиб-қоидаларни ўзи ўрнатган ва «ўз эркида юрган одамлар танг аҳволга тушиб қолган»⁴. Бу аҳвол Шодибекка ёқмаган, шунинг учун у мустабид ҳукмдордан халос бўлмоқчи бўлган. Броқ Едигей бундан хабардор бўлиб, қарши чоралар тайёрлай бошлаган. «Олтин Ұрда»да «адоват» қизиб турган бир маҳалда, 1407 йилда Тверьнинг улуғ князи Волга дар'ёсида кемада етиб келган⁵. Бу қизиб кетган курашда Едигей енгиб чиққан. Омадсиз Шодибекхон эса Дарбандга қочиб, Дарбанд амири Шайх Иброҳим паноҳидан жой топган. Шу мусофирлик пайтида Шодибек вафот этган⁶. Едигей ўз элчиларини юбориб Шайх Иброҳимдан қочқинни беришни талаб қилган, броқ Дарбанд амири бу талабни рад этган⁷.

Нумизматика ма'лумотларига кўра, Шодибек 1400 йилдан 1408 йилгача ҳукмронлик қилган, бу эса ёзма ма'лумотлардаги, жумладан, рус йилномасидаги хабарларга тўғри келади. Хоразмда 807, 809 ва 810 ҳижрий йилларда пул зарб қилинганлиги Хоразмнинг бу вақтда Олтин Ұрдага қарам бўлганлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, Абдураззоқ Самарқандийнинг айтишича, Едигей 808 ҳиж. йилнинг Ражаб ойида (=23 XII 1405—21 I 1406) Хоразмни босиб олган.

Шодибекнинг Кавказда зарб қилдирган пуллари катта аҳамиятга эга. У пулни Ёоку ва Дарбандда зарб қилдирган. Дарбанд монеталари 811, 813 ва 815 ҳиж. йиллар санаси блан бизгача

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 238 бет (форсча текст); 133 бет (рус. тарж.).

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 63 бет (Муиззга қаранг).

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 253 бет (форсча текст), 133 бет (рус. тарж.).

⁴ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 253 бет (форсча текст), 133 бет (рус. тарж.).

⁵ Никоновск. летоп. 201—202 бетлар.

⁶ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 238 бет (форсча текст), 134 бет (рус. тарж.).

⁷ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 238 бет (форсча текст), 134 бет (рус. тарж.).

етиб келган. Пул зарб қилдириш факти шуни кўрсатадики, Олтин Урдада бошқа одам хон бўлишига қарамай, Шодибек ўзини Олтин Урданинг қонуний ҳукмдори деб ҳисоблайберган.

Олтин Урдада Шодибек ўрнини, Никон йилномасида айтилишича, Булат Султон эгаллаган¹. Унинг қайси уруғдан келиб чиққанлиги ҳақида йилномада ҳечнима дейилмайди. Шарафиддин Али Яздийнинг сўзича, Булат, аниқроғи Пўлад, Шодибекнинг ўғли бўлган². Шарқ манба'ларида у Пўладхон номи билан машҳур. Едигей, Олтин Урданинг қудрати ва обрўсини кўтаришга ҳарта-рафлама уриниб, бунинг учун татар-мўғуллар томонидан қўлланган барча воситаларни ишга солган. Булат Султон (Пўладхон) рус князьларининг аввалги вақтдагидек Урдага келиб туришларини, князьлик қилишга хонлардан ёрлик олишларини, совға-саломлар олиб келишларини, ўзаро низо'-жанжалларини олий судья ҳисобланган Олтин Урдада ҳал қилишларини ва бошқаларни талаб қилган. Масалан, Пўлат Султон (Пўладхон) ҳукмронлигининг биринчи йилида, я'ни 1407 йилда, Иван Михайлович Тверской билан Юрий Всеволодович Тверской ўртасида Тверьнинг улуг князьлиги масаласида жанжал чиққан ва натижада хон масалани Иван Михайлович Тверской фойдасига ҳал қилган. 1408 йилда Булат Султон Литва устига қўшин тортиб борган. Урдада Москвага қарши юришга тайёргарлик кўрилмоқда, деган миш-миш гаплар тез орада Русьга келиб етган. 1409 йил ноябрида «Урдадан Москвага бир татар келди ва у «Урданинг улуг амири Едигей сенинг ерингни босиб олмақчи» деб хабар қилди»³. Дарҳақиқат, бир ойдан кейин, 1409 йилда, Едигей бошлиқ катта татар қўшини рус ерига ҳужум қилган. Едигей билан биргаликда тўрт шаҳзода ва Урданинг энг кўзга кўринган амирлари ҳарбий бошлиқлар бўлиб келган. Никон йилномасининг бу юришга бағишланган саҳифалари жуда қизиқ ва қимматли. Бу ҳикоя катта адабий иш маҳсули бўлиб, бошдан-оёқ чуқур ватанпарварлик руҳида ёзилган. Брок бу асарнинг адабий иш маҳсули бўлганлиги унинг ишончли манба' сифатидаги аҳамиятини пасайтирмайди. Тахминан 1556 йилда тузилган Никон йилномасининг 1409 йилги воқиялар тўғрисидаги ҳикоясига, ўрганилаётган даврга яқин бўлган Рогожск йилномаси асос қилиб олинган. Бизнинг кўпроқ Никон йилномасидан парчалар келтиришимизга сабаб аввало шуки, Никон йилномасида воқналар раво ва аниқ баён қилинган, шу билан бирга Рогожск йилномасида ҳикоя қилинган фактлардан ташқари, унда тўла ишонса бўладиган қўшимча ма'лумотлар ҳам келтирилган.

Йилномачининг фақат рус юртида бўлаётган ишларнигина

¹ Никоновск. летоп., 202 бет.

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 146 бет.

³ ПСРЛ, XI, 205 бет.

эмас, балки Олтин Ұрда юргизган сиёсатнинг негизларини ҳам беш қўлдай билганлиги ҳикоядан очиқ кўриниб турипти. Йилномачи татарлар ҳаётига оид бирқанча тафсилотларни яхши билган, йилномадаги ма'лумот блан Едигейнинг 1409 йилги юришида қатнашган татар шаҳзодалари ва амирлари рўйхатидаги турқча номларнинг айтилишидаги яқинлик сўзимизга яққол далилдир. Номларнинг айтилишига доир бирнечта мисол келтирамиз: князь Обрягим Тимирязев ўғли, князь Ериклибердей, Булад шаҳзода ва ҳ. к.

Едигейнинг Русьга қўшин тортиб келиши Русь учун жуда оғир синов бўлди. Татарлар ҳамаёққа ўт қўйиб, талон-торож қилиб, шафқатсизлик блан одамларни ўлдирганлар. Шу блан бирга, татарларнинг муваффақият қозонишига Русьнинг ҳарбий жиҳатдан заифлиги эмас, балки ягона ташкилий ироданинг бўлмаганлиги, князьлар ўртасида феодал низо-жанжалларнинг давом қилиши ва маккор татар князи Едигей берган сўзи ва ва'даларига русларнинг тамоман ишонишлари сабаб бўлган. Фожiali воқиаларга сабабчи бўлган ана шу фактлар устида йилномада муфассал гапирилади ва давлат ишларига доир фикрлар шу ма'нода ғоят юксак даражага кўтарилади.

Йилномада татарлар ҳийлакор ва маккор сиёсатчилар қилиб кўрсатилган. Уша замонда, я'ни XV аср бошларида, ҳоким синфни ташкил қилган татарлар мусулмонлар бўлганлигидан, йилномачи уларни исмоилийлар деб атайди.

Уларнинг дипломатик усуллари ва урф-одатларини йилномачи мана бундай характерлайди: «Агар Исмоилийлар (я'ни мусулмонлар) камчилик бўлиб қолса, у ҳолда мунофиқлик ва ёвузларча маккорлик ишлатиб тотув ва дўстона муносабат ўрнатишга тиришадилар, тилёғламалик қилиб ва совға-саломлар бериб ўз айёрликларини яширадилар, чинакам иноқ бўлишга ва'далар бериб, заҳарли найзаларини билдирмасдан қайрайдилар. Князьлар ўртасида алоҳида-алоҳида қўшин туздириб ва улар ичидаги зиддиятдан фойдаланиб, улар (мусулмонлар) иблис оталари талим берган ёвуз бўрилардек, секин-аста бостириб кириб келаберадилар»¹.

Йилномада айтилишича, татарлар ташқи сиёсатининг юқорисида айтиб ўтилган хусусиятлари Едигей сиёсатида энг ёрқин ифодасини топди. Русь князьликлари орасидаги муносабатлар қай аҳволдалигини яхши билган ва нима қилиб бўлса ҳам уларни заифлаштиришга ҳаракат қилган Едигей, Москванинг улуг князи Василий Дмитриевични Литванинг буюк князи Витовт блан (бу вақтда Киев Витовт қўлида эди) уруштиришни ўз олдида биринчи вазифа қилиб қўйган: «Улуг князь Василий Дмитриевичга ёлғон-

¹ ПСРЛ, XI, 205 бет; Рогожский летописец, 179 бет.

дакам ва маккорона муҳаббат қўйиб, уни иззат-ҳурмат қиладилар ва совғалар бериб унинг пинжига кириб оладилар»¹.

Едигей Василий Димитриевични Витовтга қайраган, уни уруш чиқаришга ундаган ва татар кўшини юбориб ёрдам бераман, деб ва'да қилган. Шу блан бирга, Москва князини урушга қайрашга кўзи етгандан кейин, Едигей Литванинг буюк князи хузурига ҳам махфий вакил жўлатган ва унга қуйидагиларни айтишни буюрган: «Сен менга дўст бўл, мен сенга дўст бўлай; поччанг князь Василий Димитриевич Московскийнинг кимлигини билиб ол, чунки у бошқа мамлакатларга бостириб кириб, уларниг ерларини босиб олмоқчи ва у сенинг устингга ҳам қўшин тортиб боришга ва ерларингни босиб олишга ҳозирлик кўрмоқда; ундан эҳтиёт бўл... у менга ва подшога кумуш ҳамда тиллалар совға қилиб юбориб, мени ёки подшони аскарлар блан келиб сенинг юртингга бостириб боришга, ерларингни босиб олиб унга ўт қўйиб юборишга зўр бериб да'ват қилмоқда»².

Едигей мақсадига етган. Василий Димитриевич Литвага қўшин тортиб борган ва бунда у татарларнинг ёрдамга юборган отрядидан ҳам фойдаланган. Литва князи блан Москва князи ўртасида қаттиқ кураш бошланган. Натижада ҳар икки томондан ҳам жуда кўп қон тўкилиб, қанчадан-қанча одамлар ҳалок бўлган, шаҳар ва қишлоқлар хароб қилинган. Бу урушдан фақат татарлар манфаат кўрган.

Едигей бу блан қаноатланмай, бир зарб блан Москва улуг князини йўқ қилишга қарор берган. У Василий Димитриевич хузурига иккинчи марта элчи юбориб, унга: «Василий, билгилки, Витовтнинг сенинг юртингга нисбатан қилган барча ёвузликлари учун ундан ўч олмоқ ниятида подшо Бўлат Султон ўз улуг Ҷрдаси (лашкарлари блан) Витовтга қарши бормоқда, сен ҳам подшони иззат-ҳурмат қил»³.

Едигей бу сафар ҳам маккорлик блан ўйлаган ниятига етишга ва яқинлашиб келаётган хавфдан Москва князининг э'тиборини чалғитишга муваффақ бўлган. Йилномачи: «Улуг князь Василий Димитриевич аскарларини ҳатто тўплаб ҳам улгураолмади»⁴ деб қайғу-алам блан хабар қилади. Татар қўшинлари худди ўғрилар ва қароқчилардек қўққисдан ёпирилиб ҳужум қилганларида рус ери қанчалик даҳшатга тушганлигини йилномачи очиқ-равшан тасвирлайди. Улуг князь Василий Димитриевич Едигейнинг Русь устига қўшин тортиб келишини гарчи бир ой

¹ Никоновск. летоп., 206 бет. — Қаранг, яна: Рогожский летописец, 177—178 бетлар. 1922. — Солиштириш шуни кўрсатдики, Никон йилномаси Рогожск йилномачисининг айтганларини деярли ҳечбир ўзгаришсиз такрорлаган.

² Уша ерда, 206 бет.

³ Уша ерда, 208 бет.

⁴ Уша ерда.

олдин билган бўлса ҳам, лекин Едигей, татар қўшинлари Литвага қарши юборилган, деб Москва улуг князини ишонтираолган.

Татарлар бутун-бутун районларни хароб қилганларидан кейин, Москва атрофига яқинлашиб келиб, пойтахтни қамал қилишга тайёрланабошлаган. «Мағрур ва мақтанчоқ князь Едигейнинг ўзи Москвага яқин келмаган бўлса-да, лекин шуерда қишламоқчи ва Москвани албатта олмоқчи эди. Едигей Тверьнинг улуг князи Иван Михайлович Тверской хузурига шаҳзода Бўлат блан князь Ериклибердини юбориб, Иван Михайловичнинг тўп-замбарак, туфяк, пишчалъ ва ўзиотар милтиқлар блан дарҳол Москвага қарши йўлга чиқишини буюрди». Тверь князи хонлик қилишни истамай, Едигейнинг талабларини ба-жармасликка ҳаракат қилган. Брок Едигей Москвани қамал қилишга муяссар бўлмаган. Едигей хузурига «бу вақтда Урдадаги подшо Бўлат Султондан шошилинч элчилар келиб, унинг тезда Урдага етиб боришини айтган», чунки Урдада яна тўс-тўполон бошланиб, қандайдир чингизий бир шаҳзода Бўлат Султонни ўлдирмоқчи ва хон тахтини босиб олмоқчи бўлган¹. Едигейга Москва қамалини бекор қилиб, 3000 сўм пул (выкуп) олгандан кейин, қўшинлари блан Волга бўйига қайтиб кетнишга тўғри келган.

Едигейнинг 1409 йилда Русьга қилган юриши тўғрисида шарқ манба'ларида ҳечнима айтилмаган. Аммо, худди шу йили Олтин Урдадан Ҳиротга, Шоҳруҳ хузурига элчилар борганлиги гапирилади. 1409 йил, ма'лумки, Урта Осиё тарихида муҳим йил ҳисобланади. Урта Осиёда «Темур мероси» учун кураш блан боғланган низо'-жанжаллар шу йили энди тамом бўлган эди. 1409 йилда темурий Шоҳруҳ ўз ўғли Улуғбек (Темурнинг невараси) блан бирга Самарқандга ғолибона кириб келиб, Мовароуннахрни идора қилишни Улуғбекка топширган эди. Бу муҳим воқиа шарафига Самарқандда катта сайл-тамошо бўлган. Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзича, Шоҳруҳ Ҳиротга қайтиб борганда Пўладхон (Бўлат Султон) дан ва амир Идигу баҳодир (Едигей) дан унинг хузурига элчилар келган. Шу нарса характерлики, Абдураззоқ Самарқандий Едигейни Пўладхон блан бир қаторга қўйиб, улар «Дашти Қипчоқ ва ўзбек мамлакатларида ҳокимият эгалари эдилар»² дейди. Шоҳруҳ Едигей элчиларини шарқ дипломатиясининг бутун қонун-қоидаларига мувофиқ қабул қилган. Ҳар икки томон бир-бировларига совға-саломлар қилган. Олтин Урда элчилари Шоҳруҳга шунқор ва бошқа ов қушлари топширганлар, бундай қушлар Эрон ва Урта Осиё саройларида жуда қадрланган. Шоҳруҳ ҳам элчиларга «подшолик телпаклари ва камарлар» бойлатган. У Пўладхон блан амир Идигуга ҳам

¹ Никоновск. летоп., 209 бет.

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 252 бет (форсча текст), 192 бет (рус. тарж.).

катта совға-саломлар бериб юборган. Афтидан, Олтин Ҷрда подшо Шохруҳни табриклаш ва Темур ҳамда Тўхтамиш замонларида узилиб қолган тинч алоқаларни қайтадан тиклаш мақсади блан элчилар юборган бўлса керак. Олтин Ҷрда эришган вақтинча ютуқларга шарқда қандай баҳо берилганлиги лоақал шу фактдан кўриниб турибдики, Шохруҳ Бўлат Султон блан Едигейнинг элчиларидан Олтин Ҷрдага борганларида Чингиз авлодидан бўлган маликалардан бирини ўз ўғли мирза Муҳаммад Жўки баҳодирга хотинликка беришни айтишни сўраган¹. Едигей ўз мавқидан ниҳоятда хурсанд бўлган ва, ўзини шоншавкатнинг энг юксак чўққисига чиқиб олдим, деб ҳисоблаган. Унинг сиёсатда калтабинлиги ҳам ана шуида бўлган. У Тўхтамиш қўл остида бўлган ерларнигина эмас, балки XIV асрнинг 60-нчи йилларидаёқ Олтин Ҷрддан ажраб чиқиб кетган Хоразмни ҳам қайтариб олдим, Русьни кучсизлантирдим ва мусулмон Шарқнинг энг йирик ҳукмдори — 1409 — 1410 йилларда Ҳиротда идора қилган Шохруҳнинг танишига муваффақ бўлдим деб ҳисоблаб, ўзининг ташқи ютуқларига гоят мағрурланиб кетган. Едигейнинг такаббурлиги Пўладхонга келади-ган элчилар сонини ҳам кўлайтирди. Бундай элчилар 812 ҳижрий йилда (= 1409—1410) Миср султони ал Малик ан Носир Фараж (бу одам ал Малик аз Зоҳир Беркукнинг ўғли эди) томонидан юборилган эди². Олтин Ҷрданинг ютуғи жуда юзаки бир ютуғ эди, чунки Русь 1409 йилги фожиага қарамай, жуда тезлик блан мустаҳкамланиб борди, Ҷрданинг ўзида эса, ундан ажралиб чиқиб кетишга ҳаракат қилаётган кучлар ҳали тугатилмаган эди. Феодаллар орасидаги «жанжаллар» тўхтамаган эди. Едигейнинг асосий душмани Тўхтамиш вафот қилган бўлса ҳам, лекин унинг ўғиллари ҳаёт эди. Юқорида айтиб ўтилган «Муизз»³ га биноан, Тўхтамишнинг турли хотинлари ва машўқаларидан туғилган 13 та ўғли бўлган; улар ичида энг обрўлиси, йилномада Зелень Салтан Тўхтамишевич номи блан машҳур бўлган Жалолиддин эди.

Москванинг улуғ князи Василий Димитриевич Едигейнинг маккорлик блан рус ерига қилган ҳужумидан кейин руҳи тушмай, Едигейга зарба беришга тайёрланабошлади. Едигейнинг олган маълумотларига кўра, Москвада «Тўхтамишнинг болалари» бошпана топганлар, Василий Димитриевич Едигей ва Пўладхонга қарши Олтин Ҷрда шаҳзодаларидан фойдаланишга зўр бериб ҳаракат қилган. Бунинг устига, Москванинг улуғ князи Олтин Ҷрда вакилларига сра эътибор бермай қўйди. Никон йилномасида айтилишича, Едигей Москванинг бундай совуқ муносабатда

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 252 бет (форсча текст), 192 бет (рус. тарж.).

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 397 бет (араб. текст), 407 бет (рус. тарж.).

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 62 бет.

бўлишига чидамаган ва Тўхтамишнинг ўгилларини қайтаришни сўраш билан бирга, Олтин Урданинг элчилари ва савдогарларига Москванинг қилган совуқ муомаласидан шикоят қилиб зорланган. Йилномачи, Едигейнинг ўша 1409 йилда ёзган мактубларидан бирида қуйидаги сўзлар борлигини гапирди: «Урдадан Сизнинг юртингизга подшо элчилари ва савдогарлар келиб туради, сиз эса уларни хўрлайсиз, хафа қиласиз ва қийнайсиз. Бундай қилиш яхши эмас.

Илгари вақтда эса улус подшога қарар ва унга бўйсунар эди, подшога бож тўлаб турилар ва элчилар иззат-ҳурмат қилинар эди, савдогарлар бўлса хафа қилинмас ва қийналмас эди. Илгари қандай ҳурмат қилинганини сен оқсоқоллардан сўраб билиб олсанг бўлади»¹.

Йилномада Едигейнинг мактубидан олиб келтирилган бу сўзлардан Москванинг Урдага очикдан-очик қаршилик кўрсатишига ва ҳатто ҳужумга ўтганлиги етарли даражада сезилиб турибди. Мамлакат аланга ичида қолган, хароб қилинган ва очлик ҳукм сурган энг оғир бир шароитда Москва князининг ниҳоят бундай қат'ийлик билан иш бошлагани унинг учун катта шон-шараф эди. Чунки Москва князи илгарилари ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик қилар, ба'зан эса ҳатто қат'ий бир ҳаракат қилмас эди; бу жиҳатдан унга та'налар қилиш ҳам мумкин эди.

Бу сафар воқиаларнинг бориши унинг учун қулай бўлиб чиқди. Урдадаги «тўс-тўполон» кучайиб борди, Жалололдин (Зелень-Салтан) бошлиқ Тўхтамишнинг ўгиллари ёрдам олиш учун Москвадан Литвага, Витовт ҳузурига бордилар. Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзича, 1410 йилда Пўладхон (Бўлат Султон) вафот қилиб, Олтин Урда тахтига Темур Қутлуғхоннинг² ўғли Темурхон ўтирган. Темурхон, Абдураззоқнинг айтишича, Едигейга қарши бош кўтарган³. Жуда қисқа бўлса-да, лекин шу масала ҳақидаги ма'лумотлар йилномада ҳам бор: «Уша қишда подшо Темур Урдада подшолик тахтига ўтиргандан кейин, Едигей князь қочиб кетди»⁴. 810 йилдан 816 ҳижрий йилгача (=1407—1413) Пўладхон номи билан танга-чақа зарб қилинган. Брок Пўладхон 1410 йилдан кейин ҳам бор эди, дейилса хато бўлар эди, чунки Олтин Урданинг бундан кейинги ҳукмдори 813—814 ҳ. йилларида (=1410—1412) ўз танга-чақаларини зарб қилдирган. Темурхон кўзғолондан кейин Едигей Пўладхон номи билан танга-чақа зарб қилдирган бўлса ҳам ажаб эмас. Пўладхон ўз танга-чақаларини Сарой ал Жадида, Булғорда, Бул-

¹ Никоновск. летоп., 209—210 бетлар.

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар. II т., 253 бет (форсча текст), 193 бет (русча тарж.). «Искандар аноними»да Темурхон Темур Султон деб аталади (В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 134 бет):

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 193 бет.

⁴ Никоновск. летоп., 215 бет.

ғор ал Жадидда, Урда Кафада, Азоқ ал Махрусда, Хоразмда, Саройчада, Хожн Тархонда ва Ражонда зарб қилдирган.

Едигей блан Темурхон ўртасидаги душманлик муносабатлари бирдан пайдо бўлмаган бўлса керак. Олтин Урданинг бу хонини ҳам Едигей тахтга ўтқазган. Бунинг устига, Едигей ўз қизини янги хонга бериб, у блан ҳатто қариндош бўлиб ҳам қолган. «Искандар аноними»да¹ воқиялар тўғрисида ана шундай дейилган. Брок Темурхон кўчманчи зодагонларни ўз томониға қаратиб олиб, узурпатор амир Едигей блан кураш бошлаган.

Манба'ларнинг ҳар иккала группасида, XV асрдаги шарқ тарихчиларида ва рус йилномасида айтилганиға қараганда, бу курашнинг дастлабки пайтларида Жалолиддин ўз укалари — шаҳзодалар блан биргаликда Жўжи Улусиға ҳужум қилган. Бу ҳодиса 1411 йилда содир бўлган. «Уша йилнинг ёзида (1411 й.) Тўхтамишнинг ўғли Салтан (Зелень-Салтан — А. Я.) Урда улусини ҳужум блан олиб, уни талади»². Жалолиддиннинг муваффақият қозонишида Литва катта роль ўйнаган. 1395 йилда Тўхтамиш енгилгандан кейин Олтин Урда ўзининг улуғ давлатчилик мавқини йўқотган эди ва Едигейнинг эришган муваффақиятлари гарчи жуда катта бўлса ҳам, лекин у Урдани аввалги ҳолиға қайтараолмаган эди. Аслини айтганда, аввало, Литва блан Москва ўртасида бирлик бўлмаганлиги туфайли, шундай муваффақиятларға эришилган эди. XV аср бошларида бу ҳар иккала давлат татарларға қарши курашда бирлашганларида эди, Едигей бундай муваффақиятларға, албатта, эришаолмаган бўлар эди. Брок Литва бирлашишни очикдан-очик хоҳламади. Витовт тамоман бошқача йўл тутди. У татарлар масаласида мустақил сиёсат юргизмоқчи бўлди, у Урдада дўст ва ҳатто ўзига бўйсунадиган хонларға эга бўлмоқчи бўлди. Ана шу сабабли у даставвал Тўхтамишни, сўнгра эса унинг ўғилларини, биринчи навбатда Жалолиддинни қўллаб-қувватлади. Едигей даврида унинг рақиблари чиқиб, хонлик тахтини босиб олганларидан кейин, қудратли амирни ўрнидан олиб ташлайдилар, шундан кейин Олтин Урда янги тўполонлар майдонига айланиб, унинг ишларига ташқи кучларнинг аралашуви осон бўлади деб ўйлаб, Витовт ана шунга кўз тиккан эди. Олтин Урда энди қудратли давлат бўлмай қолганлигини Витовт яхши тушунар ва Урда Шарқий Европа сиёсатидаги етакчилик ролини йўқотаётганлигини биларди, шунинг учун Москваға қарши, демак, русларға ҳам қарши ўйлаб қўйган ниятларини амалға оширишда Олтин Урдан қурол сифатида фойдаланишға қарор берди. Витовт ўз планларини амалға оширмоқ учун татарлар давлати яшаб туриши керак эди.

Ана шу сабабдан Тўхтамишнинг ўғиллари Русьда қисқа бир

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 238—239 бетлар (форсча текст), 134 бет (рус. тарж.).

² Никоновск. летоп., 215 бет.

вақт турганларидан кейин уларни, аввало, Жалололиддинни яна Литвада кўрамиз. Витовт уларни Трокига жойлаштирган. Витовтнинг Олтин Ұрдага нисбатан тутган сиёсатида илгари Тўхтамиш қурол бўлиб келган эди, эндиликда Жалололиддин худди шундай роль ўйнади. Витовт 1411 йилда Жалололиддинни Олтин Ұрда тахтига хон қилиб ўтқазишга ниҳоят муваффақ бўлди.

Бундай ишларнинг натижаси дарҳол маълум бўлган. Шпулернинг юқорида айтиб ўтилган асарида литва-татар муносабатлари муфассал ишлаб чиқилган ва у, Витовтнинг жанубдаги ерларида эришган муваффақиятлари худди шу даврга тўғри келади, дейди. Шпулернинг сўзича, Витовт ҳатто Қора денгиз бўйида қал'а ва бозор қурдирабилган¹. Яна Едигей масаласига қайтайлик. 1410—1411 йиллар Едигейнинг ҳаётида бурилиш пайтлари бўлди. Унинг бахт юлдузи сўнабошлаб, бундан сал олдинги кудратини ҳечқачон тиклайолмади. Едигей Темурхонни енгил учун куч тополмагач, Хоразмга қочди ва уерда мавқим кучли ва мустаҳкамдай бўлади деб ўйлади. Хоразмга ўн кунлик йўл қолганда Едигей, Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзича, Темурхон отряди томонидан тор-мор қилинган. Едигей ўзининг қолган-қутган озгина тарафдорлари блан 814 ҳижрий йилнинг бошларида (=25 IV 1411—12 IV 1412) Хоразмга келган. Буерда ҳам Темурхоннинг қўшини уни ярим йилгача қамалда тутган. Шу вақтда Темурхоннинг йўқлигидан фойдаланиб (Темурхон ҳам Едигей блан курашмоқ учун Хоразмга жўнаб кетган эди), Жалололиддиннинг Олтин Ұрда ҳокимиятини босиб олганлиги тўғрисида хабар келган. Мураккаб вазият вужудга келган. Темурхон отрядлари блан Жалололиддин отрядлари, бир-бировига душман бўлган икки отряд Едигейга қарши эди. Темурхоннинг ҳарбий бошлиқларидан бири бўлган Ғозон ўз ҳукмдорига хиёнат қилиб, «мураккаб вазиятни» ҳал қилишга шошилди². Ғозон суиқасд бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган Темурхонни ўлдиришни навкарларидан бирига буюриб, шундан кейин Жалололиддин (Зелень-Салтан) хизматига кирган. Шундай қилиб, бир рақиб ва бир душман камайган. Темурхон бор-йўғи икки йилгина (1410—1412) ҳукмронлик қилган. Жалололиддин ўз ҳарбий бошлиғи Қажулай баҳодирга Едигейни ўлдиришни топширган. Едигейнинг жангчилари кам эди, шундай бўлса ҳам икки ўртада бўлган жангда Қажулай тор-мор қилинган. Абдураззоқ Самарқандий бу воқияни муфассал ҳикоя қилади. Едигей ҳар вақтдагидек бу гал ҳам ҳийла ишлатган. Кўчманчиларда қадимдан қўлланиб келган усулларга мувофиқ, Едигей ўз отрядини икки группанага бўлиб, пистирмага қўйган. Бир группани Қажулай қўшинига қарши жангга юбориб, иккинчи группани

¹ Spruler, ўша асар, 149 бет.

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т. 253—254 бетлар (форсча текст), 193—194 бетлар (рус. тарж.).

пистирма қилиб қўйган. Биринчи гурпуада жанг қизиган вақтда уни ташлаб қочиш ва қочиб бораётганда йўл-йўлакай «от ёпиғи ва тўрвалари»ни ташлаб кетиш, шунингдек душманда Едигейнинг қўшини батамом тор-мор қилинди деган таассурот қолдириш учун отнинг бошқа анжомларини ҳам улоқтириб кетиш буюрилган. Биринчи гурпуа ўз амирининг айтганини қилиб, қочгандан кейин, Қажулай Едигей батамом тор-мор қилинди, деб ўйлаб бемалол кета берган; шу вақтда Едигей пистирмадан чиқиб, ўз отряди билан Қажулайга худди бўрондек ёпирилган. Бу жангда Қажулай ҳалок бўлган. Едигей кўп миқдорда асир ва жуда катта ўлжалар олиб, ғалаба билан Хоразмга қайтиб келган. Едигей асирларнинг оёқ-қўлига кишан солиб, уларни сақлашни шаҳар халқига топширган (1391 йилда Урганч қайта тикланган эди). Соқчиларга, бирорта асир қочгундай бўлса, уни қўриқлаб турган одамнинггина эмас, балки шу маҳалладаги барча аҳолининг ҳам боши кесилади, деб буйруқ қилган¹. Шаҳар халқининг қаячалик ваҳимага тушганлигини айтмаса ҳам бўлади. Бу воқиа 815 ҳижрий йилда (=1412—1413) бўлган.

Едигейнинг шон-шавкати авжга минган пайтда Шоҳрух унинг элчилигини зўр эътибор ва тантана билан қабул қилганлигини ва ҳатто у билан қариндош-уруғ бўлишга ҳам тайёр бўлганлигини юқорида кўриб ўтган эдик. Едигейнинг шухрати пасайгандан кейин, Шоҳрух Хоразмни яна қайта темурийлар ерига қўшиб олиш учун Хоразмга ҳарбий отряд юборган. Брок бу отряд бирқанча муваффақиятсизликларга учраб қайтиб келган. Шоҳрух Хоразмни қайтариб қўшиб олишга катта эътибор бериб, бу сафар Уллубекнинг собиқ ҳомийси Шоҳ Малик бошчилигида иккинчи марта отряд жўнатган. Шоҳ Малик Хоразм учун курашда фаҳм-фаросат ва мулоҳаза билан иш кўрган. У Едигейнинг ва унинг ўглининг Хоразм ва Урганчни идора қилишдаги заиф томонлари (турли ўлпонлар олиши ва зўрлик қилишдан) фойдаланиб, аҳолини ўз томонига оғдириб олган. Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзича, «шаҳарнинг саидлари, олимлари ва амалдорлари совга-саломлар билан (унга) пешвоз чиқиб, шаҳарни»² яъни Хоразмнинг пойтахти Урганчни топширганлар.

Шундай қилиб, 816 ҳижрий йилда (=3 IV 1413—22 III 1414) Едигей Хоразмдан ҳайдаб чиқарилган. Едигей ўзига содиқ бўлган оз сонли одамлари ва навкарлари билан Хоразмни зўрлик қилиб қўлида тутиб келар эди.

Едигей Хоразмни қўлдан бой бермасдан бир йил олдин Олтин Урдада яна хон алмашинган эди. 1412 йилда, йилномада айтилишича, «Евуз душманимиз подшоҳ Зелень-Салтан Тўхта-

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 254 бет (форсча текст), 194 бет (рус. тарж.).

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 255 бет (форсча текст), 195 бет (рус. тарж.).

мишевнич урушда ўз укаси Қарим Бердининг ўқидан ҳалок бўлган»¹.

Шарқ манба'ларида мен Жалолiddиннинг қандай вазиятда ўлганлигига оид ма'лумотлар учратмадим. Аммо нумизматика ма'лумотлари рус йилномасининг айтганларини тўлиқ тасдиқламоқда.

Қарим Берди Олтин Ұрдадаги ҳокимиятни ўз қўлида мустаҳкам тутиб қолаолмаган, чунки унинг Кепакхон номли биродари рақиб бўлиб чиққан. Кепакхоннинг Олтин Ұрдада идора қилганлиги ҳақида шарқ манба'ларида жумладан Гаффорий² асарида ма'лумот бор; Гаффорий XVI асрда яшаган ва ўз асарларини форсча ёзган.

Шпулернинг айтишича, поляк манба'ларида Кепакхон лотинча *Betsabul*³ деб аталган. Рақиблашучи ҳар иккала хон Едигейга душман бўлиб, уни жуда қийин аҳволга солиб қўйганлар. Афсуски, 1412 йилдан 1419 йилгача ўтган даврда, хусусан Едигейнинг ҳаётида ноаниқ бўлган жойлар кўп. У бу даврда Олтин Ұрдада катта роль ўйнаган ва, афтидан, унинг бирор қисмини, ҳатто Қримни эгаллаб турган бўлса керак. XV асрда яшаган ва юқорида айтиб ўтилган машҳур поляк тарихчиси Ян Длугошнинг асарида, Едигей 1416 йилда Киевга ва унинг атрофига ҳужум қилиб, бу ерларга ўт қўйган ва талон-торож қилган дейилади⁴. Мутахассисларнинг фикрича, Длугош ма'лумотларидан эҳтиёт бўлиб фойдаланиш керак ва унинг гапига танқидий нуқтан назардан текширмай туриб, ишониш ярамайди. Броқ XV асрда араб тилида ёзган Миср тарихчиларида Едигейнинг хотини тўғрисида ўша 1416 йилга доир жуда қизиқ бир хабар бор. Ал Макризийнинг айтишича, 1416 йилда, Едигейнинг хотини Дамашққа келган, ўша ердан эри томонидан берилган 300 суворий паноҳида Маккага бориб ҳаж қилмоқчи бўлган бўлса керак⁵. Ал Аскалоний бунга қўшимча қилиб, Едигейнинг хотини Сурия карвони блзи биргаликда кетиб ҳаж қилган, дейди⁶. 300 суворий паноҳида Маккага бориб ҳаж қилиш ҳуқуқига ҳукмдорнинг, ёки, ҳеч бўлмаса, зўр ҳокимнинг жуда нуфузли ма'шуқаси, хотинигина эга бўлган. Ўша вақтда Едигей бирор областьнинг ҳокими сифатида катта роль ўйнаганлиги шу далилнинг ўзидан кўриниб турибди. Фикримизча, бу область Қрим бўлса керак, чунки Олтин Ұрда-

¹ ПСРЛ, XI, 219 бет.

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 271 бет (форсча текст), 212 бет (рус. тарж.).

³ *Sprifer*, ўша асар, 151 бет.

⁴ *I. Dlugosz*, ўша асар, IV т., 182 бет.

⁵ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 428 бет (арабча текст), 442 бет (рус. тарж.).

⁶ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 451 бет (арабча текст), 545 бет (рус. тарж.).

нинг шарқий областьларидан душман территориялари орқали 300 суворий блан жўнаб кетиш хавfli бўлган.

Ян Длугошнинг асарида Едигей тўғрисида 1419 йил санаси блан яна бир ма'лумот бор. Поляк тарихчисининг хабар беришича, шу йили Едигей катта совға-саломлар, шу жумладан, 3 туя ва устига қизил бахмал гилам ташланган 27 саман совға қилиб, Витовт ҳузурига элчилар юборган. У элчилардан, сулҳ ва иттифоқ тузиш тўғрисидаги таклифини юборган¹.

Бу — Едигей тўғрисида Европа манба'ларида учраган сўнги ма'лумотдир. Шарқ манба'ларига келганда, ўша 1419 йилда Едигейнинг вафот қилганлиги гапирилади. Буерда биз икки ҳижояни кўзда тутамиз: бири — Ибн Арабшоҳники, иккинчиси — ал Айнийники. Ибн Арабшоҳ Едигейнинг ҳалок бўлган жойи тўғрисида бундай дейди: «Қипчоқ ерларининг подшолари ўртасида тўполон ва низо'жанжаллар давом қилиб, ниҳоят яраланган Идику сувга чўкиб кетди, лекин ўлмай қолди. Уни Саройча ёнидаги Сайхун дар'ёсидан чиқариб олиб, ўз ҳолига ташлаб кетдилар»².

XV асрда ўтган, Едигей блан замондош мисрли араб тарихчиси ал Айний асарида ундан кўра муфассалроқ ма'лумотлар бор. Унинг сўзича, Едигей 1419 йилда Тўхтамишнинг ўғилларидан бири Қодир Берди томонидан ўлдирилган. Карим Берди вафот қилгандан кейин Қодир Берди ҳамавақт Едигей блан курашиб келган. Афтидан, Арабшоҳ айтганидек, бу жанг Саройча ёнида бўлган бўлса керак. Қодир Бердининг отряди блан учрашиш Едигейни ҳалокатга олиб келган, Қодир Бердининг буйруғига кўра Едигей қийма-қийма қилиб чопиб ташланган³.

Зўр иродали, серғайрат, довжуррак, кўпроқ ҳийла-найранг ва маккорлик блан иш кўрган, аммо замондошларидан сра юқорига кўтарилаолмаган, ўз даврининг сиёсий вазиятини тушунмаган ва тарихнинг об'ектив суратда илгарилаб боришига қарама-қарши ўлароқ чириган Олтин Ҷрдада сиёсий алдоқчилик ва қўрқитиш воситалари блан улўф давлатчиликини яна қайта тиклашга ҳаракат қилган одамнинг ҳаёти ана шу тариқа тамом бўлган.

¹ I. Dlugosz, ўша асар, 220 бет.

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 473 бет.—Ибн Арабшоҳ Саройчанинг қаердалигини айтганда нима учун янглишган экан? Ахир, бу жойларни билмаслиги сра мумкин эмаску. Ма'лумки, Саройча Ёйиқ (Урал) дар'ёсининг қуйи ҳисмида жойлашган.

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 500 бет (арабча текст), 532, 553 бетлар (русча тарж.).



ОЛТИН ҲРДАНИНГ ПАРЧАЛАНИШИ

„Олтин Ҳрданинг батамом хароб бўлиши тўғрисида; шунингдек, унинг подшоҳи тўғрисида ҳамда Русь ерининг овоз бўлганлиги ва улугворлиги ва ша'н-шавкати тўғрисида“.

Қозоқ Ииломачиси.

Едигей ҳаётининг охириги йиллари унинг учун қайғу-ҳасратда ўтганлигини юқорида кўрган эдик. Олтин Ҳрдадаги низо'-жанжаллар шу даражада аралаш-қуралаш бўлиб кетган эдики, ҳатто бир-бири блан рақиблашучи хонларнинг қайси бири ҳақиқатда етакчи хон эканлигини аниқлаш қийин бўлиб қолган. Аслини олганда, Олтин Ҳрда татарларнинг барча улуслари бўйсунучи ва марказий ҳокимиятга эга бўлган ягона бир давлат бўлмай қолган эди. Ма'лум бир ма'нода шунини айтиш мумкинки, аввалги Олтин Ҳрда энди йўқ эди, фақат Боту ёки Шайбоний хонадонларига мансуб хонлар — Олтин Ҳрда ёки Оқ Ҳрда хонлари бошчилигидаги татар-мўғуллар, татар улусларигина қолган эди. Едигей Шарқий Европада улуг татар давлатчилигини фақат қайта тиклашга ҳаракат қилишгина эмас, балки уни ма'лум вақтга амалга ҳам оширган Олтин Ҳрда ҳокимларининг сўнггиси эди. Темурхон ва Жалолиддин блан кураш замонидан, я'ни 1411—1412 йиллардан э'тиборан Едигейнинг улуг давлатчилиги сиёсатини юргизиш имконияти ҳам йўқ бўлди. Татарлар қудратли давлат бўлмай қолдилар, лекин шундай бўлса-да маданий қўшнилари — Русь, Литва ва Польшага ташвиш сола оладиган даражада ҳали кучлари бор эди.

Тўс-тўполонлар ва сиёсий анархия, деярли тартибсизликлар ҳукм сурган бу йилларда Олтин Ҳрда деҳқончилик блан тирикчилик қилинадиган ўтроқ районлардаги мавқини тобора кўпроқ йўқотаборди. Юқорида кўриб ўтганимиздек, Улугбек давридаги Хоразм иккинчи марта Олтин Ҳрда хонлари қўлидан чиқди ва бу гал Ҳрда Хоразмдан батамом маҳрум бўлган эди. Хоразм кишлоқ хўжалиги ғоят тараққий қилган, катта савдо шаҳарла-

рига ва, асосан, жуда катта маҳаллий ҳамда транзит савдосига эга бўлган энг бой ва энг маданий ўлка эди. Хоразм орқали карвон йўллари Урта Осиё, Эрон, Мўғулистон ва Хитойга борар эди. Хоразмнинг Темурийлар қўлига ўтиши бу савдога барҳам берган. Темурийлар давридан бурунги Хоразм савдоси хон хазинаси ва Олтин Урда савдогарлари бойлигининг асосий манба'ларидан бири бўлиб, Едигей, афтидан, бу савдонини қайта тикламоқчи бўлган бўлса керак.

Венецияли сайёҳлардан Иосафато Барбаро (1436 й.) блан Амброзио Контарини (1476 й.)нинг аниқ қилиб кўрсатишларича (бу гаплар юқорида келтириб ўтилган эди), Темур 1395 йилда Волга бўйи шаҳарларини яқсон қилгандан кейин бу шаҳарлар бутунлай ўзини ўнглайолмаган. Доимий тўқнашувлар, жанглар давом қилиб турган ва ҳокимият ўзгариб турган бир вазиятда Олтин Урда қўл остидаги Поволжье қандай қилиб ҳам ўзини ўнглайолар эди? Бир хоннинг қўлидан иккинчи хон қўлига тез-тез ўтиб турган Қрим ҳам худди шунга ўхшаш аҳволга тушиб қолган, лекин буерда аҳвол Поволжьедагига қараганда бироз яхшироқ бўлган.

Маданий ўлкаларда шаҳар ҳаётининг пасайиб кетиши ва деҳқончиликнинг орқага қараб кетиши муносабати блан шу йилларда Олтин Урда давлатининг кўчманчи қисми ҳам зўраймай вложи йўқ эди. Худди ана шундай бир вазиятда айрим майда татар улусларининг бошлиқлари бош кўтариб чиққанлар. Даштда аввало чингиз уруғидан чиққан шаҳзодалар бошчилигида марказдан қочуви кучлар ҳаракатга келган. Бундай ўзаро кураш давлатиң идора қилиш процессининг ўзига, Булғор, қуйи Поволжье, Шимолый Қавказ ва Қримдаги қишлоқ ҳам шаҳарлардан келиб турадиган даромадларнинг «нормал» боришига қандай та'сир этганлигини билиш қийин эмас. Яқингинада қудратли бўлган татар давлатининг парчаланиб бориш шароитида юз берган ўзгаришларни ҳам айтмасдан илож йўқ. Олтин Урда хонлари, XIII ва XIV асрларда ҳукмронлик қилган бахтлироқ ота-боболари томонидан яратилган традицияларга қаттиқ риоя қилганлар. Олтин Урданинг қудратли хонлари Тўхта, Ўзбек, Жонибекнинг саройларида қандай амалдорлар бўлган бўлса, рақиблашувчи хонлар ҳам ўз саройларида худди шундай амалдорлар сақлаганлар. XIV аср охирига оид ва бизнинг кунларгача етиб келган ёрлиқлар ана шундан далолат беради. Олтин Урда қўл остидаги шаҳар ва деҳқон қишлоқларига қараганда, даштдан хон хазинасига кам даромад келиши ўз-ўзидан ма'лумдир.

Олтин Урданинг ҳарқайси қисмидаги ҳокимиятга, аввало, ҳокимнинг ўз қўл остидаги шаҳар ва қишлоқлардан ундирадиган даромадига қараб баҳо берилган. Татар ҳокимлари рус, Литва, полякларнинг чегара ерларига ҳужум қилишни ҳам даро-

мадлар моддасига киритганлар. Олтин Ұрдада хонларнинг қат'ий ҳокимияти ҳукм сурган вақтда аҳоли қандай мажбуриятлар ўташи ва қанча солиқ тўлашини озми-кўпми билар эди. Алғов-далғов ва феодал тартибсизликлар даврида эса қачон ва кимга нима тўланиши кераклигини ҳечким билмас эди. Деҳқончилик қилинадиган ўлкалар қўлдан-қўлга ўтиб турарди. Ҳазаро курашлар натижасида ишлабчиқаручи кучлар издан чиқаётган, аҳоли қашшоқлашиб бораётган, деҳқонлар блан ҳурмандларнинг меҳнат маҳсулоти камайиб кетаётган эди, бир ўринни иккинчиси эгаллаётган, қирпичоқ ҳокимлар талаби эса ўсиб бораётган эди. Бунинг устига, қирғиқ экономика кризис кечирмоқда эди. Савдо транзитлик характерини йўқотган: энди илгаригидек Поволжье блан Хоразм орқали Хитойга карвонлар қатнаб турмас эди. Ҳунармандчилик батамом орқага кетиб, фақат маҳаллий бозорлар блангина чекланиб қолди. Умуман олганда, XIII асрнинг иккинчи ярмида ва XIV асрда Олтин Ұрда хонларининг зўрлик блан амалга оширган тадбирлари (масалан, бўйсундирилган мамлакат ва шаҳарлардан ҳунармандлар, усталар, рассом-наққошлар ва бошқаларни асир қилиб олиб кетиш) натижасида сун'ий равишда юзага келтирилган ва суяб турилган ишлабчиқаручи кучлар узлуксиз давом қилган тўполонлар туфайли XV асрда келиб батамом издан чиқди. Ана шундай бир вазиятда норози аҳоли узоқ давом қиладиган ва мустақкам ҳокимият бўлишини истарди, шу блан бирга ўз территориясида мустақил бир давлат ташкил қилиш блан юз берган аҳволдан қутулмоқчи бўларди.

Олтин Ұрданинг пачаланиб кетиши муносабати блан Шарқий Европадаги сиёсий воқияларнинг боришини тушунмоқ учун қўшни давлатларнинг Олтин Ұрдага қандай муносабатда бўлганликларини жуда қисқача бўлса-да айтиб ўтиш керак. Урта Осиё, ма'лумки, XV асрнинг бошидан то охиригача Темурийлар қўлида бўлиб келган, шу блан бирга у жануби-шарқий Европа татарлари блан кам қизиққан ва бутун э'тиборини Оқ Ұрда кўчманчилари, я'ни ўзбеклар блан алоқа қилиш масаласига жалб қилган. Улуғбекдан (1409—1449) бошлаб, Темурийларнинг асосий вазифаси ўтроқ халқлар яшайдиган областъларни кўчманчиларнинг ҳужумларидан қўриқлаш бўлган. Улуғбекнинг XV асрнинг 20-нчи йилларида Бароқхонга қарши юргизган ва муваффақиятсиз чиққан актив сиёсатини ҳисобга олмаганда, Темурийлар Оқ Ұрдага қарши ҳужумкорлик йўлини тутмаганлар, балки XV аср охирига қадар озми-кўпми муваффақият блан ўзларини мудоффа қилиб келганлар.

Олтин Ұрданинг ғарбий ва шимоли-ғарбий қўшнилари бошқамасала. Москва, Литва ва Польша энди XIV асрагидек эмас эди. Москва иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўсиб, шу блан бирга, Русьдаги феодал тарқоқликни анча тугатган эди. Унинг иш-

лабчиқаручи кучларининг ўсганлигини биз бундан аввалги тўртинчи бобда кўрсатиб ўтган эдик. Москва ишлабчиқаручи кучларининг ўсиши, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланиши билан бирга, у, XV асрнинг биринчи ярмига келганда татарларга нисбатан актив сиёсат юргизабошлади, татарларнинг сиёсий ҳаётидаги заиф томонларга диққат билан кўз ташлаб, бу заиф томонлардан ўз манфаати йўлида фойдаланиш имкониятини ахтарди.

Москва дипломатлари рақиблашиб юрчи хонлардан бири билан иттифоқ тузиб, бундай иттифоқ ёрдамида хавфлироқ душманини кучсизлантирабилардилар. Димитрий Донской ўлгандан кейин унинг тахт ворисларининг барчаси — Василий I, Василий Кўр, Иван II, — бири яхшироқ, иккинчиси ёмонроқ бўлса ҳам, лекин татарларга қарамликдан батамом озод бўлиш йўлини тутдилар. Юқориди айтганимиздек, агар Литва кўпинча рус ерларини босиб олиш ниятида бўлмай ва, шу мақсадда татар хонлари билан иттифоқлар тузмай, Олтин Урда билан курашда Москвани қўллаб-қувватлаганда эди, татарлардан қутулиш масаласи Шарқий Европада анча илгари ҳал қилинган бўлур эди. Аммо бутун гап шундаки, Олтин Урда парчаланиб кетаётган даврда татарлар Витовтга қўл келиб қолган эди. Албатта, у Ўзбекхон давридаги қудратли Олтин Урданинг яна тикланишини истамас эди, брок бир-бири билан рақиблашиб юрчи татар улусларининг бўлиши унга қўл келар эди, чунки улар орасидан Москва областьларини талон-торож қилиш мақсади билан уерларга бостириб киришни жуда яхши кўрадиган одамларни ҳарвақт топиш мумкин эди. Литва-татар муносабатларида бундай ҳатти-ҳаракат нечоғлик кучли бўлганлигини қуйидаги воқиялардан кўриб ишоғиш мумкин. Уша вақтдаги Польшада ҳоким синфнинг фикри ҳам аслида шундай эди.

Едигей вафот қилмасдан олдин (1419 йилда) Олтин Урдада ҳокимиятни Тўхтамининг тўртинчи ўғли Жаббор Берди босиб олган. Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзича, бу воқиа 1416 йилда бўлган¹.

Жаббор Берди ғайрат билан кураш олиб бориб, 1417 йилги жангда ҳалок бўлган². Жаббор Бердининг фаолияти асосан Шарқий Европанинг жануби-ғарбий районларида бўлганлиги манбаъларда кўрсатилади. Унинг қачон ўлганлигини биз аниқ билмаймиз; Шпулернинг фараз қилишича, Жаббор Бердининг ўлими Едигейнинг вафот қилган йилига, я'ни ўша 1419 йилга тўғри келади³.

Едигей ўлгандан кейин биз Урдада рақиблашучи бирнеча

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 155 бет (форсча текст), 195 бет (рус. таржима).

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, ўша ерда.

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 454 бет.

хонни кўрамиз. Улар орасидан аввало Улуғ Муҳаммадни кўрсатиб ўтиш керак. Улуғ Муҳаммаднинг номи рус йилномаларида узоқ вақтларгача, XV асрнинг 60-нчи йиллари охиригача учраб туради ва уни Қозон хонлигига асос солган киши дейдилар. Улуғ Муҳаммад ўз ҳукмронлигининг дастлабки пайтларидан бошлабоқ Витовт блан яхши муносабатда бўлиб, отрядлари блан Витовтга бирнеча марта ёрдам берган эди. Унга биринчи рақиб бўлиб чиққанлардан бири Давлат Берди бўлиб, бу одамнинг номи ҳам XV асрнинг 20-нчи йилларидаги манба'ларда тез-тез учраб туради.

Ўзбек хони Бароқхон бошчилигида Фарбий Сибирь районларидан келган кўчманчиларнинг пайдо бўлиши татар даштлари ёки, шарқий хроникёрлар ҳамон эскича атаганларидек, Дашти Қипчоқ ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳикоя қилишича, 1419 йил Раббуллавалнинг охирида (я'ни апрельнинг иккинчи ярмида) Улуғбекнинг Самарқанддаги саройида ўзбеклар даштидан (Оқ Ұрдадан) қочиб келган Бароқ номли шаҳзода пайдо бўлган¹. Улуғбек шаҳзодани яхши қабул қилиб, Ўзбек Улусидаги ҳокимиятни босиб олишда унга керакли ҳамма ёрдамни берган. Ўз замонида Тўхтамишга инсбатан Темур қандай сиёсат қўллаган бўлса, Улуғбек ҳам худди шундай сиёсат тутган, я'ни Бароқ ўғлонни ўз ноибига, ўз сиёсатининг қуролига айлантирмоқчи бўлган. Кейинчалик Темур блан Тўхтамиш алоқаси қандай бўлган бўлса Улуғбекнинг бу берган ёрдами ҳам худди ўшандай натижаларга олиб келган. Бароқ ўғлон Бароқхон бўлиб олгандан кейин, Улуғбекнинг ёрдами тезда эсдан чиқариб, мустақил сиёсат юргизабошлаган ва Сирдарё бўйида тўғридан-тўғри Мовароуннаҳр манфаатларига қарши қаратилган сиёсат юритган². XV асрнинг 20-нчи йилларидаги шарқ манба'ларида Олтин Ұрдага оид бирмунча тўғри ма'лумотлар сақланиб қолган. Шоҳруҳ (1404—1447) блан Улуғ Муҳаммад ўртасида бир-бирларига элчилар юбориш худди шуни кўрсатади. Абдураззоқ Самарқандий, Улуғ Муҳаммадни Муҳаммадхон деб атайдди. 1421 йилда Қорабоғдаги Шоҳруҳдан Улуғ Муҳаммад ҳузурига Султон Қўшчи элчи бўлиб келган, Олтин Ұрда хони уни жуда иззат блан кутиб олган. Ҳурмат блан қарши олинганини элчининг ўзи Шоҳруҳга айтиб берган. Бунга жавобан келгуси йили, 1422 йили, Ҳиротга Шоҳруҳ ҳузурига Улуғ Муҳаммаднинг Олим Шайх-ўғлон ва Пўлад номли элчилари келган. Элчилар бой совға-саломларни Шоҳруҳга топшириб ва тегишли илтифотларни³ бажо келтириб бўлгандан кейин, ўша

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 255 бет (форсча текст), 196 бет (рус. тарж.).

² В. В. Бартольд, Улуғбек и его время, 75 ва ундан кейинги бетлар.

³ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 256 бет (форсча текст), 196 бет (рус. тарж.).

йили Олтин Ұрда хониниң саройиға қайтиб кетганлар. Уларниң нима тўғрисида сўхбат қилганликларини билмаймиз. Улуғ Муҳаммаднинг гарчи рақиблари бор бўлса ҳам, лекин унинг ғарбда Витовт блан ва Шарқда Шоҳруҳ блан муносабат ўрнатишиниң ўзи бир вақт Олтин Ұрдада унинг етакчи роль ўйнаганлигини кўрсатади. Брок Улуғ Муҳаммаднинг хотиржамлиги узоққа бормаган. 1423 йилда, яна ўша Абдураззоқ Самарқандийнинг айтишича, Шоҳруҳ ёз фаслини Бодгисда ўтказаетган пайтида, Бароқхон Улуғ Муҳаммаднинг қўшинини тор-мор келтириб, унинг ерларини босиб олди ва ўзини хон деб э'лон қилди, деган хабар эшитган¹.

Шу нарса характерлики, Улуғ Муҳаммад тор-мор қилингандан кейин Литвага қочиб бориб, Витовт паноҳида бўлган ва ундан ёрдам ахтарган. Улуғ Муҳаммад, 1424 йилнинг охирида Витовт саройида пайдо бўлган. Улуғ Муҳаммад Литвага қочиб бормасдан олдин даштдан шимолга, Рязань томонга қочиб ўтган². Татар хонларидан яна бошқаси, Тўхтамишнинг ўғли (Кепакхон) ҳам тор-мор этилган. Бу одам Олтин Ұрда тахти учун бўлмаса ҳам, ҳарҳолда, ўз улусиниң мустақиллиги йўлида ўн йилдан ортиқроқ курашиб, иш чиқараолмаган.

Бароқхон яна бир хонни — юқорида номи айтиб ўтилган Давлат Бердини ҳам тор-мор қилгандан кейин, Давлат Берди ўз ўрдаси блан Қримга кўчиб борган. Бу жой алмаштириш кейинчалик жуда катта аҳамиятга эга бўлган, чунки унинг қариндоши бўлган Хожиги Гирай 1449 йилда Қрим хонлигиға расмий равишда асос солган (буни биз қуйида кўриб ўтамиз). Улуғ Муҳаммад Витовт саройида узоқ вақт ўтиргандан кейин, янгидан кучлар тўплаган ва, афтидан, буюк князьнинг дўстона ёрдами блан даштни яна қайтариб олган бўлса керак. Ҳарҳолда, у Бароқхондан Саройни урушиб олишға муваффақ бўлган³. Шундай қилиб, Улуғ Муҳаммад татарлар даштининг анчагина қисмида рақиблашиб юручи хонлар орасида яна бироз вақт энг обрўли хон бўлиб қолган. Бароқхонга келсак, унинг ҳокимияти 5 йилча давом этган. Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзи-ча, Бароқхон Мўғулистондаги жангда Султон Маҳмуд ўғлон томонидан 832 ҳижрий йилда (=1428—1429) ўлдирилган⁴. Гаффорийнинг асарида келтирилган бошқа бир фикрга кўра, у бир йил бурун, 831 ҳижрий йилда (=1427—1428) ўлдирилган, шу

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 256 бет (форсча текст), 196 бет (рус. тарж.).

² S p u l e t, ўша асар, 157 бет.

³ В. Г. Тизенгаузен, кўрс. асар, I т., 502 бет (арабча текст), 534 бет (рус. тарж.).

⁴ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 258 бет (форсча текст), 198 бет (рус. тарж.).

блан бирга, жангда эмас, балки амирларнинг фитнаси натижасида ўлдирилган¹.

Шу нарса характерлики, бу йиллардаги воқиялар Мисргача ҳам бориб етган, Мисрда, эски традицияларга кўра, Олтин Ұрда ишлари блан қизиқиш давом қилар эди. Ал Айнийнинг айтишича, 1427 йил баҳорида Қримни босиб олган Давлат Бердидан хат келган. Хат олиб келган киши, Дашти Қипчоқда алғов-далғовлар давом этмоқда, унда уч ҳоким бир-бирлари блан ҳокимият талашмоқдалар, деб хабар қилган. «Улардан бири — Давлат Берди Қримни ва унга туташ ўлкани эгаллаган; Муҳаммадхон деган бошқа бири Саройни ва унга қарашли ерларни эгаллаган, Бароқ деган учинчиси Темурланг ерларига чегарадош бўлган ерларни ишғол қилган»². Улуғ Муҳаммад блан Бароқнинг кураши блан боғланган воқияларни тушунмоқ учун Улуғ Муҳаммадхоннинг Туркия султони — Мурад II га 1428 йил 14 мартда ёзган хати катта аҳамиятга эгадир. Бу хатда у, ўзидан аввал ўтган хонларнинг Туркия блан ўрнатган алоқалари Бароқ Дашти Қипчоқни вақтинча босиб олгач, кўтарган жанжаллари натижасида узлиб қолганлигини хабар қилган. Эндиликда, Улуғ Муҳаммаднинг сўзича, унинг қўшини ролиб чиқиб, «Бароқ блан Мансурни қувлаб юборган». Шундай қилиб, Бароқхоннинг Олтин Ұрдадаги ҳокимияти 1428 йил 14 мартгача қулаганлиги хатдан маълумдир, броқ Бароқхоннинг ўлганлигини Улуғ Муҳаммад ҳали билмас эди, бўлмаса, у Мурад II га ёзган хатида бу тўғрида албатта хабар қилган бўлар эди³. Бароқ мағлубиятга учрагандан кейин тезда ўлдирилган бўлса керак, юқоридан номлари тилга олинган тарихчиларнинг хабарлари ҳам шуни кўрсатади.

Бу хабар бошқа тарихчиларнинг маълумотларига тамомила тўғри келади. Бароқхон ҳақидаги хабар ҳам тўғри, чунки Миср-га хат юборилмасдан сал олдин у Сифноқни ва Мовароуннаҳр блан чегарадош бўлган Сирдарё районини босиб олган эди. Давлат Бердининг Миср мамлук султониға ёзган хатининг ўзи Қримнинг шу вақтларда Миср блан алоқа қилганлигини, генуя-лилар қўл остидаги Қрим шаҳарларининг, айниқса Кафанинг Қора денгиз блан Урта денгиз бўйларидаги мамлакатлар блан катта савдо олиб борганлигини кўрсатади. 1428 йилда Дашти Қипчоқда бошланган тоун, тўғрироғи ўлатнинг тарқалишиға эҳтимол шу алоқалар сабаб бўлган бўлса керак. Ал Макризий маълумотича, бу ўлат 1430 йилгача давом қилган. Улат Қримға

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, II т., 271 бет (форс. текст), 212 бет (рус. тарж.).

² В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 502 бет (араб. текст), 534 бет (рус. тарж.).

³ Akdes Nimef Kurat, ўша асар, 8 бет.

ҳам ёйилиб, кейин Ғарбий Европага ўтган ва ундан Мисргача етиб бориб, ҳамма жойда одамларни қирган¹.

Яна Улуғ Муҳаммадга (Муҳаммадхонга) қайтайлик. У Давлат Бердидан Қримни тортиб олиш ниятида, Витовтнинг ёрдами билан Қримга бостириб кирган. Улуғ Муҳаммадни Қримда Едигейнинг қариндошлари ва Ширин хонадонининг а'золари қўллаб-қувватлаган бўлсалар керак. 1430 йилда Витовт ўлгандан кейин, Улуғ Муҳаммаднинг аҳволи кескин суратда ёмонлашган. Литванинг ўзида марҳум князънинг қаттиққўллик билан ўрнатган бирлиги бузилиб, икки группировка ўртасида низо-жанжаллар бошланиб кетган. Кейстутнинг ўғли Зигмунд Витовтнинг тахт вориси Свидригайлога рақиб бўлиб чиққан. Улуғ Муҳаммаднинг Свидригайло билан алоқани узишига нима сабаб бўлганлигини айтиш қийин, ҳарҳолда, Улуғ Муҳаммад 1433 йилда Свидригайлдан айнаб, Зигмунд группировкасига қўшилганлиги фактдир². Литва князълари Ҷрдада литвалиларнинг та'сирини ўтказадиган ва Москва билан курашда уларнинг қуроли бўлиб хизмат қиладиган татарлар билан иттифоқда бўлишга жуда ўрганиб қолган бўлсалар керак. Шунинг учун Свидригайло Дашти Қипчоқда раҳбарлик ролини да'во қилучи янги одамни қўллаб-қувватлай бошлаган. Тўхтамишхоннинг ўғли Саид Аҳмад худди ана шундай да'вогарлардан бири бўлиб чиққан.

20-нчи йилларнинг иккинчи ярмидаёқ Улуғ Муҳаммад қўлга киритган ютуқлар, айниқса Бароқхонни енгандан кейин қўлга киритган ютуқлар шу қадар катта бўлганки, у ўзи билан рақиблашиб юручи хонларни бугун-эрта ўзига бўйсундирадигандай бўлиб қолган. Броқ марказдан қочучи кучларни бартараф қилиш мумкин бўлмаган. Литва ҳам, инчунун Русь ҳам Олтин Ҷрданинг мустақамланишини истамас эдилар. Шу нарса характерлики, Ҷрданинг ишларидан яхши хабардор бўлган Василий Кўр ўз душмани Улуғ Муҳаммадни кучсизлантириш учун тезда Саид Аҳмадни тан олган. Марказий хон ҳокимиятини тиклаш ўрнига яна сиёсий тартибсизлик бошланиб кетган, бунда бирвақтда бирнеча рақиб — Улуғ Муҳаммад, Саид Аҳмад ва янги да'вогар Кичик Муҳаммад (Темурхоннинг ўғли) бир-бирига қарши ҳаракат бошлаган. Марказдан қочучи кучларнинг бу гирдобда Улуғ Муҳаммаднинг аҳволи ой сайин ёмонлашаборган. Зигмунд Витовт сингари обрўли ва ишончли дўст бўлиб чиқмаган, бунинг устига, Литвадаги ишлар Зигмунднинг Свидригайло билан яқинлашишини талаб қилган, бу эса Улуғ Муҳаммадни яқкалаб қўйган. Саид Аҳмад айниқса Эски Қрим шаҳрини босиб олгандан кейин унинг ишлари олдинга қараб кетган. Хуллас,

¹ В. Г. Тизенгаузен, ўша асар, I т., 428 бет (араб. текст), 442 бет (рус. тарж.)

² Sprüer, ўша асар, 161—162 бетлар.

рақибининг ютуқлари сиқуви остида Улуғ Муҳаммад (рус йилномаларида Махмет, Улу-Махмет деб юргизилади) Дашти Қипчоқни ташлаб, Волганинг юқори қисмига кетишга мажбур бўлган ва унда 1437 йилда Белев шаҳрини босиб олган. Броқ у шаҳарни қўлида тутиб қолаолмаган, чунки Василий Кўр тўплаган рус қўшинлари 1438 йилда Белев ёнида татарларни тормор қилган¹.

Буерда биз Олтин Ұрданинг парчаланиб кетишидаги қизиқ моментлардан бирини кўрамиз. Рус историографиясида, Улуғ Муҳаммад 1437—1438 йилларда Қозонни босиб олган² ва Қозон хонлигини барпо қилган, деган традиция узоқ вақтгача ҳукм суриб келган.

В. В. Вельяминов-Зернов ўзининг «Исследование о Касимовских царях и царевичах» («Қосим подшоҳлари ва шаҳзодалари тўғрисидаги тадқиқот») деган катта, ҳозиргача етарли даражада қадрланмай ва фойдаланилмай келаётган асариди, Қозон хонлигини Улуғ Муҳаммад барпо этган, деб уқтиради ва Қозон подшолигига 1445 йилдагина асос солинган, дейди. Шу йили, бирнеча йилномалардаги маълумотларга кўра, Қозонни Улуғ Муҳаммаднинг ўғли Махмутек босиб олган³. В. В. Вельяминов-Зерновнинг фикрига кўшиламизми ёки кўшилмаймизми, бундан қатъи назар, Улуғ Муҳаммаднинг Москва давлатига яқин жойда яшаганлиги ва шу йилларда Москвага катта зиён етказганлиги фактдир. Масалан, 1439 йилда у Москва атрофига ўт қўйиб, Москва деворлари тагида ўн кунгача турган⁴. Орадан бирнеча йил ўтгандан кейин биз уни Нижний Новгородда кўрамиз. 1445 йил баҳорида у ўзининг икки ўғлини — Юсуф блан Махмутекни Василий Кўрга қарши юборган (рус йилномасида Юсуф Еқуб деб юритилади). 1445 йил 7 июльда Ефим монастири ёнида жанг бўлган; Василий Кўр фақат тормор қилинибгина қолмай, балки асир қилиб ҳам олинган. Лекин у асирликда узоқ турмаган: Улуғ Муҳаммад жуда катта ҳақ (викуп) олиб, уни ўша йилнинг 1 октябрида уйига жўнатиб юборган.

Ҳарҳолда, XV асрнинг биринчи ярмидаёқ биз Олтин Ұрданидан иккита энг бой ва маданий ўлка — Қрим блан Булғорнинг ажралиб чиқиб кетганини кўрамиз. Бу иккита ўлканинг ажралиб чиқиб кетиши марказдан қочуци феодал кучлар бошлаган найрангнинг тугалланишидир. Бу найранг ўғлон (шаҳзода)лар, хонлар, амирлар ҳамда бошқа нуфузли шахслардан иборат ярим кўчманчи ва кўчманчи феодалларни ўз гирдобига тортган эди.

¹ ПСРЛ, VIII, Воскресенская, 107; VI, Софийская вторая, 150—151 бет. — В. В. Вельяминов-Зернов. Исследование о Касимовских царях и царевичах, 7 бет.

² В. В. Вельяминов-Зернов, ўша асар, 5 бет.

³ В. В. Вельяминов-Зернов, ўша асар, 6—7 бетлар.

⁴ В. В. Вельяминов-Зернов, ўша асар, 7 бет.

Қрим хонлиги ва Қозон хонлигининг ташкил топиши Олтин Үрданинг бутунлай деярли кўчманчи давлатга айланганлигини билдирар эди. Эндиликда Олтин Үрда қўл остида Куйбишевдан то Астраханьгача борадиган, лекин қаттиқ шикастланган Поволжье қолган эди. Аммо бу ҳам вақтинча қолган эди. Аслини олганда, Поволжье Олтин Үрданинг деҳқончилик блан тирикчилик қиладиган ва шаҳар базасига эга бўлган бирдан-бир жойи эди. Олтин Үрда гуллаган даврда, Булғор ерларидан ва Қримдан бошқа, қишлоқ хўжалиги ва шаҳар ҳаёти равнақ топган энг бой Хоразм ҳам унга қарар эди. Бу барча ўлкаларни Олтин Үрдан ажратиб юборган феодал тўполонлари уни (Олтин Үрдани) фақат Русь, Литва ва Польшанинг тараққиёти учунгина эмас, балки Олтин Үрдан ажралиб кетган ва теурийлар ерлари составига кирган Хоразм, шунингдек, Қрим ва Булғор (ёки Қозон) подшоликлари тараққиёти учун ҳам очиқдан-очиқ бир ғовга айлантирди. Тарих фанида бу подшоликларни ёки хонликларни Олтин Үрданинг давоми ҳисоблаб, уларни татар хонликлари деб аташ расм бўлган.

Ғарчи XV асрда татарларнинг асосий кўпчилиги кўчманчилардан иборат бўлса-да, лекин Қрим масаласига келганда шундай деб аташ бирмунча ҳақиқатга тўғри келади. Қрим деҳқонлари ва хусусан унинг шаҳар аҳолиси масаласига келсак, буерда анчагина қурама группалар бўлган. Шаҳарларда арманлар, греклар, яҳудийлар кўп бўлган, европалиларнинг, айниқса генуялилар блан венециялиларнинг ҳамда русларнинг ҳам колониялари бўлган. Деҳқончилик блан шуғулланган халқнинг этник состави ҳали етарли даражада ўрганиб чиқилмагани учун аҳолининг кимлардан иборат бўлганлигини аниқ кўрсатиб бераолмаймиз. Қримда кўчманчи татарлар анчагина бўлган, албатта, бу кўчманчи татарлар составига мўғуллардан ташқари қипчоқлар ҳам кирар эди, XV асрда уларнинг ба'зибир группалари (асосан энг камбағал табақалар) ўтроқ деҳқончиликка (биринчи галда, полизчилик ва боғдорчиликка) кўчабошлаган бўлсалар керак. Булғор ёки Қозон подшолигида (хонлигида) аҳвол бошқача бўлган. Мамлакат қадимдан, жуда бўлмаганда X асрдан бошлаб, деҳқончилик мамлакати бўлиб келган. Деҳқонлар меҳнати иқтисодий ва маданий ҳаётнинг асоси бўлган Булғор ўлкаси илк Урта асрнинг бошидан то охиригача Қуйи Волгага ва кенг қипчоқ даштларига ғалла етказиб бериб турган. XIII—XIV асрлар давомида ва XV асрнинг биринчи ярмида Булғор халқига этник жиҳатдан ҳам, маданий жиҳатдан ҳам мўғулларнинг та'сири кам бўлган. Бунинг ўрнига, Булғор ва унинг аҳолиси Қуйи Поволжье шаҳарларига ҳамда даштга фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки маданий жиҳатдан ҳам та'сир кўрсатиб келган. Татарларнинг икки асрдан ортиқроқ ҳукмронлик даврида қипчоқ-мўғул элементларининг Булғор

ўлкасидаги аҳоли составига бирқадар кирганлигини албатта инкор қилиб бўлмайди, бироқ бу масалада антропологик маълумотлар жуда камдан-камдир. Демак, Қозон подшолигининг ташкил топишига татар хонлигининг вужудга келишидир, деб қараш ярамайди. Фақат династия ва қўшингина татарлардан ва бошқа келгиндилардан иборат бўлган. Халқнинг асосий кўпчилиги эса (гарчи унга қипчоқ-татар тили доимо таъсир кўрсатиб келган бўлса-да) тубжой булғор халқидан иборат бўлган. Шундай қилиб, Булғор ўлкасининг ички тарихи нуқтаи назардан олганда, Қозон хонлигининг ташкил топишини 1437 ёки 1445 йилларда Улуғ Муҳаммад ёки унинг ўғли Махмутек бошчилигида келган татар улуси томонидан булғор халқининг тамомила тоби қилинишидир, деб қаралмоғи керак. Қозон хонлиги Москвага яқин эди, 1449 йилда Хожиги Гирай барпо этган Қрим хонлиги эса ундан узоқ эди. Табиий, Қозон хонлиги билан дўст бўлиш қийин эди. У Москва Русининг чегараларида турар ва у билан кураш олиб бориш керак эди; Қрим — бошқа масала, ундан вақтинча иттифоқчи ва ҳатто асл рус манфаатлари учун қуроқ сифатида фойдаланиш мумкин эди. Василий Кўр ва хусусан Иван III юритган сиёсатларида ана шу мулоҳазаларга амал қилганлар.

Олтин Ұрданинг парчаланиши энг маданий областьлар (ўлкалар)нинг ундан фақат ажралиб чиқиб кетиб, мустақил подшоликлар сифатида ташкил топишидагина ифодаланмай, балки Русь территориясида ҳамда Литва қўл остидаги рус ерларида махсус татар вассал князьликларининг пайдо бўлишида ҳам ифодаланди: биз буерда Москвага вассал бўлган Қосимов князьлигини ва Курск областида жойлашиб, Литвага вассал бўлган ва қарийб 1438 йилда ташкил топган кичик Iagoldai князьлигини назарда тутамиз¹. Иккинчи князьлик кўп яшаманган, биринчиси эса узоқ вақт (200 йилдан ортиқроқ) яшаб, таркиб топган территориясида ўзидан кейин анча-мунча из қолдирган. Бу князьликнинг тарихи ҳақида бирнеча сўз айтмоқчимиз.

Қосимов князьлиги Улуғ Муҳаммаднинг ўғли Махмутекнинг ўкаси — Қосим томонидан барпо этилган. Қосим ўзининг иккинчи биродари Еқуб (асли номи Юсуф) билан биргаликда Махмутек тақибларида қочиб, 1446 йилда ўз отрядлари билан Василий Кўр ҳузурига келганлар. Улар отрядлари билан бирга Москва улуғ князида олти йил хизмат қилганлар. Уларнинг хизмати Москвага керакли ва фойдали бўлиб чиққан. Бу масалани пухта текширган В. В. Вельяминов-Зерновнинг фикрича, Василий Кўр Рязань областининг Ока дарёси бўйидаги Городец, яъни Мешчерский шаҳарчасини 1452 йилда Қосимга берган². Кейин-

¹ Spuler, ўша асар, 160—161 бетлар.

² В. В. Вельяминов-Зернов, ўша асар, 26 ва ундан кейинги бетлар.

чалик бу шаҳар уни барпо этган ва Москвага вассал бўлган Қосим номи билан аталган. Василий Кўрши бундай қат'ий ва ма'лум даражада хавfli қадам ташлашга нима мажбур этган? Мешчерский шаҳарчаси атрофидаги жойларни қолоқ, кўпчилиги мажусий ва қисман ислом динини қабул қилган мордва ва мешчера қабилалари эгаллаган эди. В. В. Вельяминов-Зерновнинг сўзича: «Бунда дангал бир мўлжал кўзда тутилган: Қозон хонининг укаси бўлмиш подшоваччани керакли пайтда ҳарвақт Қозонга қарши отлантириб, унинг қилмишлари учун жавобгарликдан соқит бўлиш мумкин эди; унинг ёрдамида эса, Қозон хонлигида бўлганидек, мамлакатда ўзаро уруш ва тартибсизликни авж олдириш қийин иш эмас эди: Қозон хонлигида татарларнинг бошқа барча ерларида бўлгани сингари, тахтга ўтириш ҳуқуқлари аниқ белгиланмаган ва бунда суянчиғи ва тарафдори бўлган ҳарбир шаҳзода олий ҳокимиятни да'во қилиб чиқаолар эди. Подшовачча қулай пайт топиб ҳатто Қозон тахтига чиқиб олиши ҳам мумкин эди ва шундан кейин руслар бошқа хонларга қараганда гапга қулоқ соладиган ва хавфсизроқ қўшнига эга бўлар эдилар»¹.

Қосимов князьлигининг барпо қилиниши тўғрисида Қ. В. Базилевичнинг «Ярлык Аҳмед-хана Ивану III» («Аҳмадхоннинг Иван III га берган ёрлиғи») деган мақоласида жуда қимматли фикрлар айтилган. Қ. В. Базилевичнинг сўзича: «Татарларнинг Мешчерский шаҳарчасига тайин қилиниши Ока дар'есининг қуйи қисмидаги ерларни қўриқлашни кўзда тутарди, бу мустаҳкамланган пунктнинг қулай жойда бўлиши ишга жуда катта ёрдам берган. Татарлар Рязанга ёки Коломна билан Калуга ўртасидаги Ока бўйларига ҳужум қилгудек бўлсалар, Қосимов татарлари Дон билан Волгага ўтиладиган йўлни кесиб қўйиши мумкин эди»².

Броқ Дашти Қипчоққа, уерда бўлган воқиаларга қайтайлик. XV асрнинг 40-нчи йилларида даштда Саид Аҳмад хўжайин бўлиб олган эди. Саид Аҳмад ғарбдаги қўшнилари — Литва ва Польша билан ёмон муносабатда эди, Литва ва поляк-татар муносабатларини текширган Шпулернинг кўрсатишича, Саид Аҳмад Литва билан Польша устига доимо босқинчилик ҳужумлари қилиб турган. Саид Аҳмаднинг 1442 йилда Подолия ва Львовга, 1444 йилда Литвага ва 1447 йилда яна Подолияга қилган юришлари ана шундай юришлар эди³. 1449 йилда Литвага айниқса қаттиқ зарба етказилган, бу вақтда Саид Аҳмад Кейстутнинг невараси, Литванинг ис'енчи шаҳзодаси Михалушканинг Киевни эгаллашига ёрдам берган⁴. Бу вақтда Литва Польша билан бирлаштирил-

¹ В. В. Вельяминов-Зернов, ўша асар, 27—28 бетлар.

² Қ. В. Базилевич. Ярлык Аҳмед-хана Ивану III. Вест. Москв. Унив., 1948. № 1, 32 бет.

³ Spuler, кўрс. асар, 166 бет.

⁴ Spuler, кўрс. асар, 166—167 бетлар.

ган ва 1447 йилдан бошлаб Казимир IV қўл остида умумий бир подшога бўйсунган эди.

XV асрнинг 20-нчи йилларидан, Давлат Берди замонасидан бошлаб, Қримнинг мустақил бир давлат бўлиб олишга ҳаракат қилишига қарамай, бир-бири билан рақиблашиб юрган хонларнинг йириги (Улуғ Муҳаммад ёки Саид Аҳмад) ўз қўлидан Қримни чиқариб юбормасликка ҳаракат қилган. Брок бу вақтда Қримнинг ўзига алоҳида яшаш тенденцияси жуда кучли эди. Катта савдо оборотларига эга бўлган дастлабки Олтин Ұрдадан энди фақат энг қолоқ кўчманчилар қисмигина қолгандан кейин Қримни Олтин Ұрда билан нима ҳам боғлайолар эди? Казимир IV Ұрдадаги Саид Аҳмадга Дашти Қипчоқнинг ўзидан хонлик унвонига рақиб ахтармаса ҳам, ҳарқолда, унга доимо хавф-хатар солиб туришганини зўр бериб қидирар эди. Бундай одам Қримдаги Хожигирай бўлиб чиқди, у ўзини ҳали расмий равишда Қримнинг мустақил хони деб э'лон қилмаган бўлса-да, лекин уерда амалда ҳукмрон эди. У Казимирнинг ёрдами билан 1449 йилда ўзини Қрим хони деб ҳам э'лон қилди¹.

50-нчи йилларда биз Саид Аҳмаднинг фақат Литвагагина эмас, балки Москвага ҳам ҳужумлар қилганини кўрамиз. Бу хоннинг 1451 йилда Москвага юриш қилгани ва шаҳарга энг яқин жойларни жуда ёмон хароб қилгани ма'лумдир. Саид Аҳмад Литвага қилган ўз юришларидан бирида (1455 йилда) Киев князи Семён Олелькович билан жанг қилди. Бу жангда у тор-мор қилинди ва ҳатто асир ҳам тушди. 1457 йилдагина у асирликдан қочиб кетишга муваффақ бўлган. 1459 йилда биз Саид Аҳмаднинг Ока дар'ёси бўйидаги русларга қарши татар қўшинига бошчи бўлиб келганлигини кўрамиз, бу юриш, 1460 йилда Рязань устига қилинган юриш қандай муваффақиятсиз чиққан бўлса, худди ўшандай оқибатсиз бўлиб чиққан ва татарларга ҳечқандай фойда бермаган.

Шарқий Европадаги халқаро муносабатлар вазияти талончилик юришларига ружу қилган Олтин Ұрда хонларининг ўйлаган ниятларига батамом тескари бўлиб чиқабошлади. Татарларга қарши иттифоқ тузиш ва биргаликда ҳаракат қилиш учун жуда қулай пайт келганлигини Василий Кўр билан Казимир IV яхши лайқардилар. Брок амалда шундай бўлиб чиқмади, чунки Қрим хони Хожигирай Казимир IV нинг Улуғ Новгородга бўлган да'воларини 1461 йилда қўллаб-қувватлашга ва'да берган эди, бу ҳол эса Казимир IV нинг Москва князи Василий Кўр билан орасини бузиб, жанжал чиқармай иложи йўқ эди². 1462 йилда Василий Кўр вафот қилиб, Москва тахтига Иван III ўтирди. Иван III Катта ёки Улуғ Ұрдага (XV асрда рус тарихчилари Дашти Қипчоқдаги татар Ұрдасини кўпроқ шундай деб атаб эдилар) нисба-

¹ Spuler, ўша асар, 168 бет.

² Spuler, ўша асар, 172 бет.

ган оқилтона ва жуда ғайрат блан сиёсат юргизди. Иван III нинг энг яқинидаги душмани Қозон хонлиги бўлиб, уни мумкин қадар тезроқ йўқотиш кераклигини ва лекин дашт эса аввалгича асосий душман бўлиб қолишини Иван III яхши тушунарди. Саид Аҳмад Москвага охириги марта 1465 йилда катта юриш (ҳужум) қилиб келган. Аввалги юришлар сингари, бу юриш ҳам муваффақиятсиз чиққан, чунки русларнинг берган кучли зарбасига Хожи Гирай кўшнларининг Қрим томондан қилган ҳужуми келиб қўшилган эди. Қрим хонининг ҳужум қилиши аввалдан келишиб қўйилган-қўйилмаганини айтиш қийин. Афтидан, келишилмаган бўлса керак. Об'ектив жиҳатдан олиб қаралганда эса, Қрим хони Москвага ёрдам қилган. 1465 йилда Русьга муваффақиятсиз юриш қилгандан кейин Саид Аҳмад тарих саҳнасида тушиб, ўрнини Улуғ Ўрдада хонлик тахтининг янги да'вогари, XV асрда Дашти Қипчоқда рақиблашиб юрган хонларнинг серғайратлиси, Кичик Муҳаммаднинг ўгли Аҳмадга бўшатиб берган. Броқ Аҳмадхон қанчалик ғайратли ва шижоатли бўлмасин, унинг тутган сиёсати (буни биз қуйида кўриб ўтамиз) тамомила истиқболсиз бир сиёсат бўлиб чиқди, чунки Русь блан Улуғ Ўрдадаги кучлар писбати тўғридан-тўғри Москва фойдасига ҳал бўлди.

Москва феодал тарқоқликни муваффақият блан бартараф қилаоладиган, ҳатто Олтин Ўрда батамом орқага кетаётган даврда татарлардан ҳам кўра жиддийроқ душманни енгаолишга қодир қўшин тўплайоладиган бой ва қудратли давлатга айланаб-ораётган эди. Москва бу вақтда оқилона сиёсат юргизган, жумладан, Қрим хонининг Улуғ Ўрдага бўлган душманлигидан фойдаланабилган. Гирайларнинг машҳур Қрим династиясига асос солган Хожи Гирай 1466 йилда вафот қилган. Дастлабки икки йилда Қримдаги ҳокимият Хожи Гирайнинг ўгли Нур Давлат қўлига ўтган. Броқ унинг Менгли Гирай деган туғишган укаси шижоатли рақиб бўлиб чиққан. Нур Давлат Қримда укасига қарши узоқ вақт кураш олиб бориб, кейин эса Литвага қочиб кетишга мажбур бўлган ва уердан Русьга кўчиб ўтган¹.

Нур Давлат Русьда узоқ вақт яшаб, Иван III га ҳалол хизмат қилган ва тахминан 1491 йилда вафот этган². Манба'ларнинг кўрсатишича, у руслар томонида туриб Аҳмадхонга қарши курашда бирнеча марта қатнашган, буниинг эвазига у 1486 йилда³ Қосимов, ёки, ўша вақтда айтганларича, Городецкий князи қилиб тайинланган. Иван III нинг Қрим хони Менгли Гирай блан ёзишган хатларида Нур Давлатнинг номи тез-тез тилга олинади, шу блан бирга, Москва ҳукмдори, Менгли Гирайга ма'қул келадиган иш

¹ В. В. Вельяминов-Зернов, ўша асар, 127 ва ундан кейинги бетлар.

² В. В. Вельяминов-Зернов, ўша асар, 144 бет.

³ В. В. Вельяминов-Зернов, ўша асар, 138 бет.

қилмоқчи эканлигини, шу сабабдан «ўз хазинасига зарар бўлса ҳам, унинг биродарлари Нур Давлат блан Ҳайдарни»¹ боқажатганлигини айтишни унутмаган. Броқ, Нур Давлатнинг таржимаи ҳолида ҳали аниқланиши лозим бўлган қоронғи жойлари бор.

Иван III ning Менгли Гирай блан ёзишган дипломатик хатлари Москва учун оқилона ва фойдали бир қадам эди. Аҳмадхон блан Казимир IV га қарши иттифоқ тузиш учун 1474 йилда Қримдаги Менгли Гирай ҳузурига бояр Микита Васильевич Беклемишев бошчилигида элчилар юборилиши бу жиҳатдан жуда қизиқ ва ибратлидир².

Иван III Литва блан Польшага қарши Қрим хонлигини ўз томонига зўр бериб оғдиришга ҳаракат қиларди, Польша эса, Қримдаги мавқинни тобора йўқотабормоқда эди. Менгли Гирай Қримдаги барча ишларни ўз қўлига мустақкам олиб олган шубҳасиз ақлли ва серғайрат бир хон эди. Генуя колониялари, айниқса генуялиларнинг Қримдаги савдо маркази бўлган Кафа Менгли Гирайнинг эътиборини тортмай иложи йўқ эди. 1474 йилдан 1478 йилгача ўтган давр — Қрим хонлиги тарихида энг қоронғи ва мунозарали бир даврдир.

1469 йилги воқияларнинг бўлганлиги аниқ, ҳужжатларда улар ҳақида маълумотлар бор³. Масалан, Менгли Гирайнинг 874 ҳижрий йилнинг 18 Раббиуссоний (=1469 йил 25 октябрида) турк султони Муҳаммад II га⁴ ёзган хатидан маълум бўлишича, худди шу йили Туркия султониинг Еқуб қўмондонлиги остидаги қўшини Кафага ҳужум қилиб, уни талаган.

Менгли Гирайнинг 1475 йил 15 февральда яна ўша Туркия султони амалдорларидан бирининг номига ёзган иккинчи бир хатида жуда қизиқ маълумотлар бўлса-да, лекин бу маълумотлар унча аниқ эмас. 1475 йилда кимдир Кафани босиб олиб, Менгли Гирайни зиндонга солган. Кедук Аҳмад подшо бошчилигидаги турк қўшини 1475 йилнинг бошларида Менгли Гирайни зиндондан озод қилиб, Кафанинг мустақиллигини йўқ қилган ва ўзига бўйсундирган⁵. Менгли Гирайни зиндонга солган ким экан?

Усмон турклари шундай қилган деб айтишга ҳечқандай асос йўқ, чунки Менгли Гирай зиндонга солингандан кейин улар Қримга аскар туширганлар ва Кафани босиб олганлар; Менгли

¹ В. В. Вельяминов-Зернов, ўша асар, 130 бет.

² Сб. Русс. историч. общ., 41 т., 1884, 1—9 бетлар.

³ В. В. Вельяминов-Зернов блан В. Смирнов тадқиқотларидан кейин, Қ. В. Базилевич Туркиянинг Топқопа Сарой архивидаги ёзишмаларни кўриб чиқиб, бу воаниқ беш йилни аниқлаш масаласи блан бошқалардан кўра кўпроқ шуғуллаанган.

⁴ К. В. Базилевич, ўша асар, 36 ва ундан кейинги бетлар.

⁵ К. В. Базилевич, ўша асар, 37 бет. Переписка, хранящаяся во дворце Топкапы Сарай, издана в Стамбуле турецким ученым: Akdes Nimet Kurat. Topkapı Sarayı Müzesi Arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistan Hanlarına ait Varlık ve Bitikler. İstanbul. 1940.

Гирайни генуялилар зиндонга солганлар, деб ўйлаш учун ҳам ҳечқандай далил йўқ, чунки бунга уларнинг кучи етмас эди. Кафада Менгли Гирай асосий душмани Аҳмадхон томонидан зиндонга ташланган, Аҳмадхон Қрим блан бирга генуялиларнинг савдо марказини ҳам босиб олган, деб фараз қилиш мумкин. Менгли Гирай Кафадаги зиндондан озод қилингандан кейин, унинг тақдири нима бўлганлиги аниқ эмас.

Шарқнинг ҳикоя тарзидаги манба'ларига суянучи эски тарихий традицияга кўра, Менгли Гирай Туркия султони Муҳаммад II саройига олиб кетилган ва уердан 1478 йилда қайтиб келиб, яна Қримда хонлик қилган, лекин бу сафар у Туркиянинг вассали бўлган. Рус йилномасининг (Воскресенская йилномасининг) Қримда 1475—1476 йилларда юз берган воқиялар тўғрисидаги ма'лумоти, юқоридаги гапларга жуда тўғри келади. Йилномачининг айтишича, турклар 1475 йилда Қрим блан Кафани босиб олиб, Менгли Гирайни хон қилиб қўйганлар ва шундай қилиб мамлакатнинг хўжайини бўлиб олганлар. 1476 йилда яна ўша йилномачининг хабар беришича, Аҳмадхон Қримга ҳужум қилиб, уни ўзига бўйсундирган ва Менгли Гирайни ҳайлаб юборган¹. Менгли Гирай ўша вақтда Туркияга қочиб кетмаганмикин? Ма'лумки, Аҳмад бу вақтда Қримга ўз одами Жонибекни (русча Зенебек) ҳоким қилиб ўтказган. Жонибек 1476—1478 йилларда Қримни Аҳмадхон номидан идора ҳам қилган, деб айтишга ҳамма асослар бор. Ҳарҳолда, рус манба'ларида бутўғрида гапирилади². К. В. Базилевич ҳам 1477 йилда Қримга (Жонибек ҳузурига) борган рус элчилари тўғрисида гапириб, шу фактчи кўрсатиб ўтади.

Менгли Гирайнинг Қримдаги бу муваффақиятсизликлари муносабати блан Аҳмадхоннинг ҳам 1476 йилда Иван III ҳузурига элчилар юбориши керак бўлган. Москвага хоннинг Бочук номли элчиси келган, у блан бирга кўпдан-кўп моллар блан, кўп йилқи ҳайдаб савдогарлар ҳам келган. Элчи Иван III нинг хон қароргоҳига шаҳсан ўзи боришини талаб қилган, бу эса аллақачон, эсдан чиқариб юборилган одатларнинг қолдиғи эди ва бу нарса рус ҳукмдорининг иззат нафсига тегмай иложи йўқ эди. Иван III хон қароргоҳига боришдан қат'иян бош тортиб, ўзининг ўрнига Бестужевни элчи қилиб юборган. К. В. Базилевич 1476 йилги элчилик тўғрисида гапириб, қуйидаги фикрларни айтади: «Улуғ князь «хирож» тўлашдан бош тортганлиги сабабли

¹ ПСРЛ, VIII, 181, 183 бетлар. — В. В. Вельяминов-Зернов, ўша асар, 112 бет. — Яна унинг асарининг 100—112 бетлари қаралсин. Бу асарда, 1474 йилдан 1478 йилгача бўлган чигал беш йил тўғрисида ҳикоя тарзидаги манба'ларнинг (рус, шарқ, поляк манба'ларининг) барча ма'лумотлари келтирилган.

² В. В. Вельяминов-Зернов, ўша асар, 123 бет.

хон уни чақирган, деб айтишга ҳамма асослар бор»¹. Автор ўз фикрини жуда жиддий далиллар билан исботлайди. Биз бу фикр-ни рад қилмоқчи эмасмиз. Албатта, бу жуда катта роль ўйнаган, брок гап Иван III нинг «хирож» тўлашдан бош тортишида эмас, балки Иван III га тазийқ қилиш учун энг қулай бир пайт келганлигида эди. Чунки Иван III нинг асосий иттифоқчиси Менгли Ги-рай 1476 йилда Қримни қўлдан бой бериб, мадад ва ҳимоя истаб Туркияга кетишга мажбур бўлган эди.

Менгли Гирай қандай қилиб ва қайси шароитда Туркиянинг Қримдаги вассал хони бўлиб Қримга қайтиб келганлигини бил-маймиз. Фақат бир нарса равшан: Катта Ұрда хонининг, яъни Аҳ-мадхоннинг одамларидан кўра, Гирайларни вассал қилиб тутиш усмон Туркияси учун фойдали эди.

Менгли Гирай 1478 йилда Туркиянинг вассали сифатида Қримдаги ҳокимият тепасига қайтиб келган бўлса керак². Ҳақ замондаги одамлар бу фактнинг тарихий аҳамиятига тўғри баҳо бераолармидилар. Кейинги Ҳрта аср даврида усмон Туркиясининг Қрим тарихида қандай аянч роль ўйнашини ким олдиндан каро-мат қилабилар эди. Қисқаси, XV асрда Қрим хонининг вассаллик аҳволи унинг Шарқий Европада юргизган сиёсатида кам таъсир кўрсатди. Қрим хони Москва билан ноилж иттифоқ тузиб, Катта (Улуғ) Ҳрда хони Аҳмад билан Қазимир IV га қарши бориши ло-зим эди. Иван III жанубда бўлаётган воқиялардан яхши хабардор эди ва воқияларнинг бундан кейинги боришини ҳисобга олиб, Қримда хонликни иккинчи марта ишғол қилган Менгли Гирай билан³ ўз элчиси Иван Звенец орқали тегишли музокаралар олиб борди. Айни шу вақтда иккинчи томон ҳам иттифоқ тузиш тўғри-сида музокаралар олиб борарди. Аҳмадхон билан Қазимир IV Москва Русига биргаликда ҳужум қилиш учун очиқдан-очиқ тайёрлик кўрмоқда эдилар.

К. В. Базилевич юқорида бирнеча марта тилга олинган мақо-ласида Шарқий Европада 1480 йил бошларидаги сиёсий вазият-ни тўғри тушунтиради. «Новгород мустақиллигининг 1478 йилда батамом йўқотилиши, — деб ёзади у — Россияга душман кучлар-нинг яна активлашувига сабаб бўлди»⁴. Москвага қарши жуда катта коалиция тўпланиб, бунга Қазимир IV, Аҳмадхон, Ливония ордени ва Болтиқ бўйидаги немис шаҳарлари кирган эди⁵. Ёш Рус давлати жуда катта хавф-хатарда қолганлигини гапириб ўтир-маса ҳам бўлади. Ливония ордени билан немис шаҳарлари гарчи русларнинг бир қисм кучини банд қилган бўлса-да, лекин руслар

¹ К. В. Базилевич, ўша асар, 34 бет.

² Spuler, ўша асар, 180 бет.

³ Сб. Русск. историч. общ., 41 том, 1884, 17—24 бетлар, — К. В. Базиле-вич, ўша асар, 42 бет.

⁴ К. В. Базилевич, ўша асар, 43 бет.

⁵ Ҳша ерда.

уларга, айниқса Псковёни магистрига катта талафот етказдилар ва уларнинг ҳужумини қайтардилар. Литванинг ўзида Қазимир IV нинг аҳволи оғирлашиб қолган, шунингдек Менгли Гирайнинг Литвага ҳужум қилиш хавфи бор эди. Менгли Гирай ўз отрядлари блан боққинчилик ҳужумлари қилиб, Подолияга ваҳима солмоқда эди. Бу мушкул аҳвол Қазимир IV нинг қўлини шу қадар боғлаб қўйганки, Аҳмадхон 1480 йилда Москвага қарши ўзининг машҳур юришини бошлаган вақтда Қазимир IV у блан биргаликда актив ҳаракат бошлаш имкониятига эга бўлмаган. Бу юриш рус йилномаларида, гарчи ички зиддиятлар блан бўлса ҳам, лекин муфассал суратда тасвирланган. Йилномаларда ўша йилдаги воқиалар турлича акс эттирилган, бунда асосан йилнома авторлари Иван III нинг шахси ва унинг ички сиёсати га ўзларининг муносабатларига қараб воқиаларни тасвирлаганлар. Рус историографиясида ҳам Аҳмадхоннинг юриши муфассал ишлаб чиқилган. Бир-биридан деярли қирқ йил олдинма-кетин ёзилган икки асар, я'ни: а) А. Е. Пресняковнинг «Иван III Уграда»¹ ва б) К. В. Базилевичнинг «Аҳмадхоннинг Иван III га берган ёрлиғи»² деган асарлари кишини жуда қизиқтиради. Оқадар ёсининг ирмоғи бўлган Угранинг ҳар иккала бўйида турган душманлар жанг қилишмагани ма'лум. Нима учун жанг бўлмаганилиги масаласини текширучилар бирнеча марта ўртага қўйганлар. Бизнингча, ҳозирги пайтда бу масала тамомила равшанлашган. Иван III Менгли Гирайнинг ҳаракатлари ва шимолдаги рус шаҳарларини пухта мудофаа қилиш тўғрисида ма'лумот олмоқчи бўлиб, қулайроқ бир фурсатни кутиб тура берган. Аҳмадхон Қазимир IV дан ёрдам кутган.

Сўнгги гадқиқотчи К. В. Базилевичнинг хизмати шундаки, у бу масалани ёритмоқ учун Аҳмадхоннинг Иван III га берган ёрлиғидан фойдаланган. Аҳмадхоннинг бу ёрлиғи рус тилига таржима қилиниб, бизнинг замонимизга етиб келган, лекин К. В. Базилевичдан аввалги гадқиқотчилар бу ёрлиқнинг борлигини билмаганлар. Автор бу ёрлиқнинг асл нусха эканлигини исбот қилиб, унинг янги манба сифатида тарихий жиҳатдан аҳамияти борлигини кўрсатиб берди. Ма'лумки, 1480 йилнинг қиш фасли бошларида Аҳмадхон совуқлар та'сири блан (Қазимир IV дан ёрдам олмагандан кейин) ҳарбий вазият Иван III фойдасига ҳал бўлаётганлигини очиқ пайқаган. Аҳмадхон бундан кейин буерда қолиш хавфли эканлигини билиб, аскарларини лагерьдан кўчириб олиб кетиш ва даштга қайтишга қарор берган. К. В. Базилевич, Аҳмадхоннинг ёрлиғи 1480 йил октябрь ойининг охири ва ноябрьнинг бошларида Угра дар'ёси бўйидан кетиш пайтида ёзилган, деб исботлайди ва бунда у ҳақлидир³. К. В. Базилевичнинг ўша

¹ Сборник в честь С. Ф. Платонова Петербург, 1911.

² Вест. Моск. унив., 1948, № 1.

³ К. В. Базилевич, ўша асар, 45 бет.

ёрлиқдан келтирган сўзларини биз ҳам қуйида келтирамиз: «Агар мен ҳозир дар'е бўйидан кетган бўлсам, бунинг сабаби шундаки, менинг одамларимнинг усти-боши юпин ва отларнинг ёпиғи йўқ. Қишнинг ўрталаридан бошлаб тўқсон кун ўтгач, мен яна сенинг устингга қўшин тортиб келаман ва сенга менинг лойқатган сувимни ичишга тўғри келади»¹.

Аҳмаднинг Иван III га юборган ёрлиғи аччиқ тилда ва жуда пўписа қилиб ёзилган. У Иван III дан қуйидагиларни талаб қилди: «Сен менга қарашли ўлпонни (60000 олтинни) 40 кун ичида йиғиб бер: 20 000 олтинни баҳорда, яна 60 000 олтинни кузда; кўкрагингга Ботунинг амалдорлик нишонини тақиб юр: бошингга тепаси ботиқ қалпоқ кийиб юр, чунки сизлар дарбадар қушлар-сиз-ку, ахир. Агар менга қарашли ўлпонни 40 кун ичида йиғиб бермасанг ва Ботунинг амалдорлик нишонини тақиб юрмасанг, каллангдан жудо бўласан ҳамда сенинг серсоч ва патак соқол ҳамма боярларинг менинг ҳузуримга судраб келтирилади; ё бўлмаса, қизил шабро этик кийган менинг амирларим яна сенинг юртингга от солиб, қамчи ўйнатиб борадилар»².

Аҳмаднинг Иван III блан музокара қилганлиги, Иван III нинг шахсан ўзи хон қароргоҳига келишини ва унга «хирож» олиб келишини Аҳмадхон қаттиқ талаб этганлиги йилномада сақланган. Уша йилномада кўрсатилишича, Иван III Аҳмадхоннинг иккала талабини ҳам бажаришдан бош тортган.

Қозон йилномачисида сақланиб қолган шу воқиага оид бошқа бир хабарда айтилишича, Аҳмадхон «эски одат бўйича, ўз оқсоқолларини босма (хон сурати тасвирланган тамга) блан Москванинг улуғ князи ҳузурига юбориб, ўтган йиллар учун хирож ва оброк тўлашни сўраган. Улуғ князь подшонинг дўқидан андак бўлса ҳам қўрқмади ва босмани ерга улоқтирди ва оёғи тагига олиб мажақлаб ташлади»³.

Контекстдан маълум бўлишича, Аҳмадхон 1476 йилда Иван III ҳузурига элчи юборган (бу ҳақда юқорида ҳам айтиб ўтилган эди). Бу гапга, асосан унинг «хон сурати битилган тамга»⁴ ҳақидаги гапга тарих фанида кўпдан буён тамомила ишонилмай келинган. Мусулмонлар нуқтан назарича, Аҳмаддек мусулмон хоннинг бундай қилишига ақл ишонмайди⁵. Броқ бу гап ўзининг символик ма'носини йўқотмаган, чунки 1476 ва 1480 йиллардаги

¹ Қ. В. Базилевич, ўша асар, 45 бет.

² Қ. В. Базилевич, ўша асар, 31 бет.

³ ПСРЛ. XIX, Казанский летописец, 6—7.

⁴ П. Мелиоранский. Что такое «басма» золотоордынских послов хана Ахмата. ЗВО, XVII, 0129 бет ва ундан кейинги бетлар.— К. А. Иностранцев. К вопросу о басме. ЗВО, XVIII т., 0172 бет ва бошқа бетлар. А. А. Спицын. Татарские байсы. Изв. Археограф. комисс., вып. 29, 1909.

⁵ Машхур турколог П. Мелиоранский (юқоридаги мақоласида) тамгада хон сурати битилганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади, дейди. Қаранг: П. Мелиоранский, ўша асар, 0131 ва ундан кейинги бетлар.

воқиалар муносабати блан татар истибдодининг тугалиши ва «Олтин Ұрданинг ҳувиллаб қолиши» ҳақидаги тушунча халқ онгида қолган. Уша Қозон йилномачиси бундай деб ёзади: «Бу эса варварларнинг Боту замонидан бошлаб Олтин Урда подшоси Аҳмад ҳужмронлик қилган давргача Рус ери устидан бўлган оғир ва кучли ҳокимияти эди».

Аҳмадхон 1481 йилда Донец дар'еси бўйида Ойбек блан қилган жанг вақтида ўлдирилгандан кейин, Урда айрим қисмларга бўлиниб кетган ва бир-бирови блан курашаётган хонлар орасида ҳамон сақланиб келарди: Русьни талаш ва ундан хирож йиғишдек яқин ўтмишнинг эски сарқити — дид ва одатлари қаттиқ ўрнашиб қолган эди. Хонлар Русьнинг ўзида ҳали йўқотилмаган феодаллашиб боручи кучлардан фойдаланиб, бунинг учун ба'зан вақтинча бирлашар эдилар. Саройдан ёки хонларнинг муваққат жойлашган қароргоҳларидан эски одат бўйича элчилар Москвага борардилар, лекин улар қидирган нарсаларининг ҳатто озгина қисмини бўлса ҳам ололмай қайтиб келардилар. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Русь ўзининг ша'н-шавқатини гурур блан ҳимоя қиладиган кучли ва мустақил давлатга айланган эди. Уша Қозон йилномачисининг 1380 йилги воқиалардан кейин бошланадиган 5-нчи бобини қуйидагича аташи тасодифий эмас. «Олтин Ұрданинг батамом хароб бўлиши тўғрисида; шунингдек, унинг подшоси тўғрисида ҳамда Русь ерининг озод бўлганлиги ва улугворлиги тўғрисида ва шонли Москва шаҳрининг ша'н-шавқати ва гўзаллиги тўғрисида»¹.

¹ ПСРЛ, XIX, 8 бет.



ТЕРМИНЛАР ЛУҒАТИ

А

Айил — ўз хўжалигини якка олиб боручи кўчманчи оила.
Амир-ёрғу — ясо (қаранг) бўйича иш кўручи бош судья.
Асл — лашкарнинг туб состави (контингенти).

Б

Байса — пайса сўзига қаранг.
Баковул — қўшинни озиқ-овқат ва бошқа керакли анжомлар билан таъминлаш, тушган ўлжа ва ҳоказоларни тўғри тақсимлаш ишларини бошқаручи ҳарбий амалдор.
Бек — туркча унвон=(ноён, амир).
Битикчи — котиб, судда ёргучи (қаранг) ҳузуридаги котиб.
Бокка — хотин-қизларнинг бош кийими.
Босқоқ — мўғуллар қўл остидаги ўт-роқ халқ яшайдиган ўлканинг номи (ҳокими).
Булғоқ — тўс-тўполон.

В

Вақиф ҳужжатлари — мусулмонларга қарашли диний муассасалар (маҷит, мадраса ва бошқалар)нинг бирор мол-мулкка ёки ундан келадиган даромадга вақтинча ёхуд доимий хўжайин эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

Д

Дафтар — ўлка ва шаҳарлардан тушадиган солиқлар рўйхати.
Девон — марказий ва шунингдек вилоят идораси.
Девон-ёрғу — суд-ёрғу (қаранг) идораси.
Динор — қумуш танга (6 дирҳамга барабар). Олтин Ўрдада, шунингдек, XIV асрда Мовароуннаҳрда бир динор 2 миқош келарди.
Дирҳам — қумуш танга. Олтин Ўрдада, шунингдек, XIV асрда Мовароуннаҳрда оғирлиги $\frac{1}{2}$ миқош келарди.
Доруға — хазина фойдасига мажбурийат ундиручи бошлиқ, ноиб.

Ё

Ёргу-нома — ясо (қаранг) асосида чиқарилган суд қарорини расмийлаштирадиган ёрлик.
Ёрлик — хон фармони, шунингдек, бошқа нарсалар ёзилган, аниқ кўрсатилган қоғоз, ёрлик.
Ёргучи — ясо (қаранг) бўйича иш кўручи судья, суд аъзоси.

И

Изофа — катта талафотга учралган тақдирда халқ орасидан тўпландиган лашкар.

К

Калон — экин экиладигин ерлардан олиннадиган ўлпон.

Калончи — ўлпон (солиқ) йиғучи.
 Канбул — кўшин жанговар сафга тизилганда унинг ён (фланг) томонини қўриқловчи қисм.
 Кантир — оғирлик ўлчови (қантар).
 Коризлар — сизот сувларни ер юзасига чиқаручи ерости ариқлари (каналлари).
 Качарчи — ҳарбий юришларда йўл бошловчи.
 Копчур — 1% ва ундан кўпроқ миқдорда подадан олинадиган солиқ.
 Куби — удел, бўлак, ноиблар идора қиладиган ўлка, вилоят.
 Кул — қўшиннинг жанговар сафга тизилгандаги йирик ҳарбий қисм.
 Курен (курень) — XIII—XV асрларда қўшиннинг окоп (хандақ)лар билан ўраб олинган қароргоҳи.

М

Малик — ҳоким, подшо.
 Мамлуклар — 1. Ўрта асрларда Яқин Шарқда подшоларнинг гвардияларини ташкил этган сотиб олинган қуллаар 2. Миср ҳокимларининг машҳур династияси (1252 — 1517).
 Манқила — ҳарбий юришга чиққан қўшиннинг олдинда боручи қисми.
 Мисқол — тахминан 4,5 граммга баравар бўлган эски оғирлик ўлчови.
 Мурчил — ҳарбий юришга чиққан қўшинда ҳарбий бошлиқларнинг рангларга қараб ўрнатган тартиби.
 Мухтасиб — шаҳар бозорини (нархнаво, тош-тарози, ҳунармандлик ишлабчиқариши нормалари ва бошқаларни) бошқаручи амалдор.
 Мучилка — хон ёки амирнинг топшириқларини (булар кўпроқ ҳарбий соҳада бўларди) бажариш учун таважжийлар (қаранг) томонидан бериладиган ёзма мажбуриятлар.

Н

Ноён — мўғулча унвон = (амир, бек).

П

Пайса (байса) — бирор мамлакатга сафар қилучи кишилар қўлига

мўғул хонлари номидан йўлга керак бўладиган ҳамма нарсани олиш учун бериладиган пропуск ва мандатлар; булар олтин, кумуш, чўян, бронза ва ёғочдан ишланган тахтача шаклида бўларди.

Пакба-лама алифбеси — квадрат хат.

Р

Рад, радондоз — ўқсочар қуролнинг бир тури.

Раёт — деҳқон (фуқаро).

С

Сабончи — хўжайинга (помешчikka) қарам бўлган деҳқон.

Сон — муайян ўлкадан олинадиган лашкарнинг сони кўрсатилган рўйхат.

Суюрғал — наслдан-наслга мерос бўлиб ўтадиган ер (лен).

Т

Таважжий (тавачи) — лашкар тўплаш ишларини бошқаручи, жанг пайтида отрядларнинг ҳол-аҳволи тўғрисида ҳарбий бошлиқни хабардор қилиб туручи, отрядларга фармонларни етказиб туручи ҳарбий амалдор.

Тамга — хон муҳри; савдо-сотикдан келадиган йиғимлар.

Тархон ёрлиги — хусусий шахс фойдасини кўзлаб, барча ва қисман солиқ ҳамда мажбуриятлардан озод этуви ёрлиқ.

Туман — ўн минг қўшин (амалда ҳардолам кам бўлади).

Туман — бир туман (ўн минг) қўшин етказиб берадиган маҷмурий единица (феодал ери).

Тура — ҳарбий лагерьни мудофаа қилишда ишлатиладиган, бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юриладиган қурол.

Тюфак — жуда ибтидоий тўп-замбарак.

У

Укулька — жангчиларга бериладиган ин'ом.

Улочин — отлиқ чопар (хат ташуви).

Улус — хон ёки хон хонадонини а'зосига, шунингдек катта ноёнга (бек, амирга) қарашли удел аҳолиси.

Х

Хабаргири — қўшиннинг истаган қисми томонидан юбориладиган разведка.

Ч

Чопор — тўқилган мудофаа қалқони.

Я

Ямчин — чопархона назоратчиси.
Ясо — (Чингизхон ясоси)—мўғулларда ёзилмаган, кундалик ҳаётда қўлланилган ҳуқуқ.

Ясоқчи — Ясо бўйича иш кўручи судья.

Яфтожи — солиқни э'лон қилучи шахс.

Ўртоқчи — арендатор.

Ўғлон — шаҳзода, валиаҳд.

Қ

Қалантар — оқсоқол.

Қизил тамга — хоннинг катта муҳри.

Қоровул — қўшнларнинг авангарди олдида боручи қўриқчи отряд.

Қўшун — қўшни ташкил қилишдаги единица („юзлик“).



1. The first part of the document discusses the importance of maintaining accurate records of all transactions and activities. It emphasizes that this is essential for ensuring transparency and accountability in the organization's operations.

2. The second part of the document outlines the various methods and tools used to collect and analyze data. It highlights the need for consistent and reliable data collection processes to support informed decision-making.

3. The third part of the document focuses on the role of technology in modern data management. It discusses how advanced software solutions can streamline data collection, storage, and analysis, leading to more efficient and accurate results.

4. The fourth part of the document addresses the challenges associated with data security and privacy. It stresses the importance of implementing robust security measures to protect sensitive information from unauthorized access and breaches.

5. The fifth part of the document concludes by summarizing the key findings and recommendations. It reiterates the importance of a data-driven approach and the need for continuous improvement in data management practices.




1—53 РАСМЛАР

ХIII-XV АСРЛАРДА САРОЙ БЕРКАДАН
ВА ОЛТИН УРДАНИНГ
БОШҚА ЖОЙЛАРИДАН ТОПИЛГАН


МОДДИЙ МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИ




Асосан, татарлар бўйсундирган халқларнинг
мастерлари қўли билан ясалган
ёки бошқа мамлакатлардан олиб келинган.




1-расм. Құл тегирмон тоши.
Саратов районидан топилган.
XIII—IV аср.




2-расм. Омоч тиши.
XIV—XV аср. Собнқ Самара
губернасидан топилган.
Эрмитаж.




3-расм. Бир тахта бронза. Құл арра. XIII—XIV аср (Фрагмент). Сарой Берка
Эрмитаж.






4-расм. Камонни чўзадиган суяк ҳалқа, гувулловчи суяк ўк,
 балиқ тутадиган 2 суяк қармоқ, балиқ тутадиган темир қармоқ,
 Сарой Берка.

Эрмитаж.




5-расм. Урчуқ, терини ишлайдиган суяк асбоблар, даста фрагменти,
 балиқ тутадиган қармоқлар. Булгор.


Эрмитаж.




6-расм. Ғилвата эришадиган сонол ва бронза идишлар.
Сарой Берка.
Эрмитаж.




7-расм. Кумуш ва олтин зеб-зийнат буюмлари
қуйишда ишлатилладиган том қоллилар.
Сарой Берка.
Эрмитаж.



8-расм. Исирга қуйилдиган қолли, қумуш ва олтин соққалар
ишланадиган бронза штамп. Сарой Берка.
Эрмитаж.



9-расм. Муҳр узук, бронза перо, ферўза билан пардозланган
сопол сиеҳдон. Сарой Берка.
Эрмитаж.



10-рaсм. Мўгулла ёғоч эгар. XIII-XIV аср.
Эрмитаж.



11-рaсм. Кичик камон. XV аср
Эрмитаж.



12-расм. Олтин суви югуртирилган темир дубулга.
Шарқда ишланган. XIII--XIV аср.
Эрмитаж.



13-расм. Нақшли жанговар темир болта (тоғ такасининг чопиб
кетаётган расми солинган). XIV аср.
Эрмитаж.




14-расм. Олтин нақви солиниб, Ўзбекхон номн ёзилган мўғулча
(Олтин Урда) қилнч. XIV аср.
Эрмитаж.




15-расм. Ўша қилпчнинг детали (Ўзбекхон номи ёзилган). XIV аср.
Эрмитаж.




16-расм. XV асрда шарқда темир қалқачалардан
тиланган совуғ.
Эрмитаж.




17-расм. „Куяк“ — мўғулча ҳимоя соғути, пўлат
пластинканинг ичидан таггалар қалаб қўйилган.
Эримтаж.




18-расм. Хитой газламасидан тикилган
эркакча камзил (кафта). XIV аср.
Эримтаж.



19-рисунок. Мадридский сосуд из бронзы.
V-VI вв. н.э.



20-рисунок. Бронза қалайған ей ағар. XV аср.
Эрмитаж.




21-расм. Қора шохдан ясалган тўқа, бронза
гурзи (шестонор).
Эрмитаж.




22-расм. Абдуллахон
(1362—1366) зарб қилдирган
кумуш байсанинг ўнг томони.
Эрмитаж.





23-расм. Кумуш ёзувли чўян байса.
Эрмитаж.



24-расм. 1391 йилда Темур томонидан Қарсақ Нойда уйғурча
ҳарфлар билан чигатой тилида ва араб тилида ёзилган ёзув.
Умумий кўриниши.
Эрмитаж.




25-расм. 1391 йилда Темур томонидан Қарсақ Пойда уйгурча ҳарфлар билан чигатой тилида ва араб тилида ёздирилган ёзув.
Эрмитаж.




26-расм. Қайин дарахти пўстлогига ёзилган мўгул-
ча-уйгурча қўлёзма. Олтин Ҳрда территориясида
Повольженинг Подгорний деган кишлоғига иқин
жойдан 1930 йилда топилган.


Эрмитаж.




27-расм. Сфинкснинг бронзадан ясалган ҳайкали.
XIV аср. Сарой Берка.
Эрмитаж.




28-расм. Бронза қандил. XIV аср. Сарой Берка.
Эрмитаж.



29-расм. Эшикнинг бронзадан ясалган безак қопламаси. XIV аср.
Сарой Берка.
Эрмитаж.



30-расм. Бронзадан ясалган эшик ҳалқаси.
XIV аср. Сарой Берка.
Эрмитаж.




31-расм. Икки бронза кўнғироқ. XIV аср. Сарой Берка.
Эрмитаж.




32-расм. Арабча хат
ёзилган мармар шамдон.
XIV аср. Бўйи 23,0 см.
Эрмитаж.



33-расм. Хитойча хат ёзилган бронза ойна. XIV аср.
Сарой Берка. Диаметри 15,0 см.
Эрмитаж.



34-расм. Арабча хат ёзилган бронза ойна, XIII—XIV аср.
Сарой Берка.
Эрмитаж.




31-расм. Икки бронза кўнhiroқ. XIV аср. Сарой Берка.
Эрмитаж.



32-расм. Арабча хат
ёзилган мармар шамдон.
XIV аср. Бўйи 23,0 см.
Эрмитаж.



33-расм. Хитойча хат ёзилган бронза ойна. XIV аср.
Сарой Берка. Диаметри 15.0 см.
Эрмитаж.




34-расм. Арабча хат ёзилган бронза ойна, XIII—XIV аср.
Сарой Берка.
Эрмитаж.




35-расм. Сирланган, нақшли сопол лаган-товоқ. XIII—XIV аср.
Сарой Берка. Бүйи 9,2 см., диаметри 18,4 см.
Эрмитаж




37-расм. Сирланган, нақшли солов лаган. Лаган тагига (ўрта сига) ўрдак сурати ишланган. XIII—XIV аср. Сарой Берка. Диаметри 19,3 см. Эрмитаж.



38-расм. Сирланган, нақшли солов лаган. Лаган тагига (ўрта сига) ўрдак сурати ишланган. XIII—XIV аср. Сарой Берка. Диаметри 18,8 см. Эрмитаж.




38-расм. Феруза рангдаги сир берилган сопол каштарлар. XIII—XIV аср. Сарой Берка. Эрмитаж.




39-расм. Сирланган, нақшли сопол кўза. XIII—XIV аср. Сарой Берка. Бўйи 23,0 см. Эрмитаж.




40-расм. Сирли нақш берилган сопол мўнди.
XIII—XIV аср. Сарой Берха. Буйи 19,4 см.
Эрхантаж.




41-расм. Табиблар ишлаганидан
сирланган сопол кўра. XIII—XIV аср.
Сарой Берха. Буйи 13,6 см.
Эрхантаж.



42-расм. Табиблар ишлатадиган нақшли, сирланган сопол кўра. XIII—XIV аср, Сарой, Берка, Эрмигаж.




43-расм. Хитойнинг нақшли сопол хум-части. Сун даври (X—XIII аср), Эрмигаж.




45-расм. Штамп техникасида нақш солиб, арабча хат ёзиб ишланган, сирланмаган сопол кўза. XIII—XIV аср. Сарой Берка. Бўйи 25.0 см. Эрмитаж.




46-расм. Сирланмаган сопол кувача. XIII—XIV аср. Сарой Берка. Бўйи 16.0 см. Эрмитаж.




46-расм. Сирланмаган сопод кувача.
XIII—XIV аср. Сағой Берка.
Әрмитаж.




47-расм. Юқори қисмига афсонавий қуш расми со-
линган япазоқ кўза. XIII—XIV аср.
Бўйи 14,8 см.
Әрмитаж.




48-расм. Штамп ва ўймакорлик техникасида нақшдор қилиб ишланган, сирланмаган сопол шамдон фрагменти. XIII—XIV аср. Сарой Берка.
Буйи 29,0. см.
Эрмитаж.




49-расм. Мозанка (терма кошин) техникасида сирлаб ишланган кошини Сарой Берка. 68, - 42 см.
Эрмитаж.



50-расм. Мозаика термаси техникасида сирлаб
ишланган кошнн. XIII—XIV аср. Сарой Берка.
Эрмитаж



51-расм. Сирлаб ишланиб, хошнясига хат ёзилган
кошин. XIII—XIV аср. Сарой Берка. 24.7×24.7 см.
Эрмитаж.



52-расм. Дасталари аждаҳо суратида қилиб ишланган оғини шиб
XIV аср. Сарой Берка. Буйи 130 см. Диаметри 180 см

Эрмитаж.

МУНДАРИЖА

А. Якубовский. Сўзбоши	5
----------------------------------	---

Биринчи қисм

XIII — XIV АСРЛАРДА ОЛТИН ЎРДАНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ (А. Якубовский)

<i>Биринчи боб.</i> Мўғуллар келмасдан аввал XI — XIII асрларда Дашти Қипчоқ (Половеклар дашти)	17
<i>Иккинчи боб.</i> XIII аср бошларида мўғуллар ва мўғул истилоси	32
<i>Учинчи боб.</i> Олтин Ўрда (Жўжи Улуси)нинг ташкил топиши	50
<i>Тўртинчи боб.</i> Олтин Ўрданинг сиёсий тарихи	61
<i>Бешинчи боб.</i> XIII — XIV асрларда Олтин Ўрданинг социал-иқтисодий ҳаёти.	81
<i>Олтинчи боб.</i> Олтин Ўрданинг давлат тузилиши	103
<i>Еттинчи боб.</i> Олтин Ўрдада шаҳар ҳаёти	118
<i>Сакказинчи боб.</i> Олтин Ўрдадаги маданий ҳаётнинг хусусиятлари	134

Иккинчи қисм

ОЛТИН ЎРДА ВА РУСЬ (Б. Греков)

<i>Биринчи боб.</i> Татарлар истилоси арафасида Русьнинг аҳволи	151
Владимир-Суздаль князьлиги	154
Улуғ Новгород	158
Галич-Волинь ери ва Киев	165
<i>Иккинчи боб.</i> Татарлар блан дастлабки тўқнашиш. Қалка бўйидаги жанг	170
<i>Учинчи боб.</i> Ботунинг юриши (1236 — 1238).	175
<i>Тўртинчи боб.</i> Ботунинг жанубий Русьга иккинчи марта юриш қилиши (1239 — 1240)	181
<i>Бешинчи боб.</i> Русь ва Олтин Ўрда (ҳукмронлиқнинг ўрнатилиши)	185
<i>Олтинчи боб.</i> XIV асрда Олтин Ўрда блан Русь ўртасидаги сиёсий муносабатлар	198
<i>Еттинчи боб.</i> Россия тарихида татарлар ҳукмронлигининг аҳамияти тўғрисидаги энг муҳим фикрлар	210

Учинчи қисм

ОЛТИН ЎРДАНИНГ ҚУЛАШИ (А. Якубовский)

- Биринчи боб.* XIV асрнинг 60—70-нчи йилларида Олтин Ўрдадаги
феодал тўс-тўполонлар
- Иккинчи боб.* XIV асрнинг 80—90-нчи йилларида Оқ Ўрданинг юк-
салиши ва Тўхтамишнинг Олтин Ўрда қудратини тиклашга
уришиши
- Учинчи боб.* XIV асрнинг 80—90-нчи йилларида Темурнинг Тўхта-
мишга қарши кураши
- Тўртинчи боб.* Едигей ва Олтин Ўрда буюк давлатчилигини тиклаш
йўлидаги иккинчи уришиш
- Бешинчи боб.* Олтин Ўрданинг парчланиши

Илова л а р

- Терминлар лугати
- 1—53 расмлар
- 1260 йилги Мўғулистон империяси (карта китобнинг охирида берилган)
- Қарийб 1310 йилги мўғул давлатлари (карта китобнинг охирида бе-
рилган).
-

223

252

287

319

346

На узбекском языке

Б. ГРЕКОВ, А. ЯКУБОВСКИЙ

ЗОЛОТАЯ ОРДА

И ЕЕ ПАДЕНИЕ

367

371

Учпедгиз УзССР — Ташкент — 1956

Т а р ж и м о н л а р:

В. К. Валиев, Р. Муҳаммаджонов.

Редакторлар: *Б. А'замов, В. Валиев, Х. Ғаниев*

Техредактор *С. Губайдуллин.*

Корректорлар: *У. Миралиев, Б. Тошхужаев.*

Теринга берилди 28/IV-1956. Босишга рухсат
этилди 13/XI-1956. Қоғози 60×92^{1/8}. Физик
босма л. 25,25+1,0 вкл. Уч.-нашр. л. 26,4+0,8
вкл. Тиражи 5000.

ЎзССР Давлат ўқув-педагогика нашриёти.
Тошкент, Ўзбекистон кўчаси, 15, Шартнома
№ 55-53.

Баҳоси 18 с. 50 т.; Карталар I с. 30 т.
Муқоваси I с.

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг
1-чи босмаховаси. Тошкент, Ҳамза кў-
часи, 33. Заказ № 660

